

84.

Х-71

ЎЗБЕК АДАБИЁТИ ДУРДОНАЛАРИ

ЎТКИР  
ҲОШИМОВ

# ҲАЖВИЙ ҲИКОЯЛАР



• Ҳ И К О Я Л А Р •



ДЧ  
Х-71

Ўтқир ҲОНИМОВ

# ҲАЖВИЙ ҲИКОЯЛАР

2- нашри



„О'ОГИУВЧИ“ НАШРИЁТ-МАТБАА ИЖОДИЙ УЙИ  
ТОШКЕНТ – 2018

УЎК: 821.512.133-7

КБК 84(5Ў)6

X71

Элимизнинг атоқли ва ардоқли адиби, Ўзбекистон халқ ёзувчиси Ўткир Ҳошимовнинг „Баҳор қайтмайди“, „Дунёнинг ишлари“, „Икки эпик ораси“, „Тунида кечгани умрлар“ каби салмоқли қисса ва романларини, юзлаб жиддий ҳикоя ва бадиаларини мутолаа қилган китобхон ларзага тушади, кўп саҳифаларни ўқиганида кўзига ёш келади. Ўткир Ҳошимов серқирра адиб. Унинг ўнлаб ҳажвий ҳикоялари, комедиялари, ичакузди ҳангомаларини ўқиган ва томониа қилинганда дилингиз равшан тортади.

Ушбу тўпламга ёзувчининг энг сара ҳажвий асарлари жамланган. Улар сизга маъқул бўлишига ишонамиз.

ISBN 978-9943-22-262-5

849/10

ЗАМСОГА №

ЗАМСОГА №

© Ў. Ҳошимов

© „O'qituvchi“ НМИУ, 2018

## „АЖДАР“НИНГ ТАВБАСИ

**Э**, нимасини сўрайсиз, ака! Бу гапларнинг ҳаммасини айтишга айтавераман-ку, китоб қилиб ёзсангиз, хотинхўжа ўқиб қолса, хафа бўлиб юрмасин, дейман-да!

Кўп йиллик тажрибамдан келиб чиқиб айтаманни, ичадиган одам бир кунда раппа-расо уч марта ўзгарди. Эрталаб кўнглида аракқа нисбатан чексиз нафсекин-секин лоқайдлик эгаллади. Кечкурун эса чексиз нафрат оташин муҳаббатга айланади.

Эртасига ҳаммаси қайтадан бошланади. Уйғонсангиз, бошингиз фум! Нафас олсангиз, ичингизга ҳаво эмас, олов кираётгандек. Оғзингиз, эринмасдан бир ҳовуч аччиқтош чайнагандек тахир! Кўлни айтинг, кўлни! Баайни иккинчи жаҳон урушида контузия бўлган лушман аскарники! Кулокни қаштайман, десангиз, кўзингизга кириб кетади! Бирор „кеча нима овқат еганин?“ деб сўраса, „ўзимнинг отим эсимда йўғ-у, овқатни сўрайсан-а, номард“, дегингиз келади...

Шу масалада омадим бор экан. Отим нималигини хотинхўжа ҳар куни бир мартадан эслатиб туради. Уйғонмасимдан бошим устида „мехр тўла“ овози янграйди:

— Азлар эмас, Аждар бу, Аждар! Ёши қирққа чиқиб қилча ақли кирмаган ноинсоф, умримни хазон қилиди! Учта бола нима еб, нима ичяпти, демаса, рўзгор ночорлигидан уйда сичқонлар ҳасса таяниб юрса. У ёқда кунора электрчи келиб чироғингни ўчириб кетаман, газчи келиб газингнинг қувурини кесиб ташлайман, деса... Бу Аждарнинг парвойи палак! Қизимизнинг бўйи етиб қолди, мундай одамларга ўҳшаб бисот-мисот йиғяпсанми, онаси, дейиш ўрнига, Ху-

донинг берган куни бўкиб ичса! Ичавериб, ичавериб, компьютери синиб қолган бунинг!

Булар — хотинхўжа бисотидаги энг „ширин“ сўзлар. Хоҳ ишонинг, хоҳ ишонманг, ҳовлимиз ёз бўйи ари бозорига айланиб кетади! Ҳар қовоғариларки, учса, бомбардимончи самолёт кепқолдими, дейсиз! Аммо улар бирорни чақмайди. Аксинча, хотинхўжанинг тилидан „заправка“ қилиш учун навбат кутиб туради! Хоҳлаган одамингиз билан бир эмас, икки яшик арақдан гаров бойлашиб айтаманки, агар қарфиш бўйича мусобақа ўтказилса, бизнинг хотин Тошкентда эмас, бутун бошли Ўзбекистонда ҳам эмас, дунёда биринчи ўринни олади!

Ана, ўзингиз эшитиб кўринг.

— Бир йил ювилмаган пайтавадек ғижимланиб кетган тусингни ел есин! Туллаган итнинг думига ўхшаган мўйловинг узилиб тушсин! Бензовоз ҳиди анқиб турган оғзингга қўрғошин қўйилсин!

...Боши фум бўлиб, кўнгли гум-гум кетаётган одамга ёқадими шу гаплар? Ётган жойимда луқма ташлайман. (Гапни чалғитиш керакми, ахир?)

— Автодорожнийни битирғанмисан, онаси, бензовозни қаёқдан биласан?!

Хотинхўжа „одам ганирдими, мушук миёвладими“ деб қайрилиб қарамайди. Аммо энди товуши жаранглаб чиқа бошлайди:

— Хумга қамалиб қолган аридек фўнғиллаган овозинг ўқсин! Лайлакнинг инидек паҳмайган сочининга ўт тушсин! „Восмёрка“ филдиракка ўхшаб қинғир-қийшиқ қадам ташлайдиган оёғинг „Камаз“нинг тагида қолсин! Чойга туз солиб, „нега шакаринг ширинас“, деб пиёлани отиб синдирган қўлларинг ақашак бўлсин! Таппига тушган мунчоқдек йилтираб турган кўзларингга снайпернинг ўқи тегсин! Макарон шўрва ичиб, „нега лағмонингнинг хамири ўқловидек“, деб онамни сўккан тилларинг электрический мясорубкада қийма-қийма бўлсин! Офтобда қолган бақлажондек буришган бурнинг ириб тушсин! Қосим қатиқчининг обкашидек қоматинг

Чиҳимда чирисин! Кошкийди чириса! Чиrimайди. Биров түрингини устига қамиш суқиб гугурт чақиб юборса, „вечний алант“ бўлиб қирқ йил ёнади! Аъзойи-баданини спиртга айланиб кетган!

Ўзингиз инсоф билан айтинг-чи, шунча гапдан кенин арақ деган дардисарни ёмон кўрмай бўладими? Шунақа-ку, кечга яқин томоқ жонивор „тақиллагани“ чатоқ...

Йўқ, инсоф бераман, деса ҳеч гап эмас экан. Ичиши ташладим. Бир кунда! Бунга бир воқеа сабаб бўлди.

Эрталаб отим „аждар“лигини қачон эшитарканман, леб кутиб ётсан, қулогимга „Турақолинг, адажониси, чойингиз совиб қолади...“, деган овоз кирди.

„Шу ўзимнинг „эговим“ми, деб кўзимни амаллаб очсан, тепамда жилмай-и-и-иб турибди. „Туғилган кунингиз муборак бўлсин! Умрижонингизга Худо барака берсин!“ деб у юзимдан, бу юзимдан ўпди. Ўпаётганда оғзимдан келган „муаттар“ ҳиддан хиёл чимирилди-ю, сездирмади. Буни қаранг, туғилган кунимизниям паққос унутиб юборибмиз... Ишга кетаётганимда яп-янги қор-лек оппоқ кўйлак, қирраси чиқариб дазмолланган шим, оёғимга „турецкий“ туфли кийгизиб қўйди. Фақат кўча эшикка етганимда: „Адажониси, ақалли шу бугун ичманг, эртароқ келиб, болаларингиз билан яйраб ўти-ринг, ош дамлаб қўяман“, деди...

Ўзимнинг ниятим ҳам шу эдику-я, хира улфатлар туғилган кунингни „ювмайсанми“ дегандан кейин қаёқ-қа қочасиз?

У ёфи ўзингизга маълум: бир бошландими, „тор-моз“ ишламай қолади...

Буни қарангки, автобус бекатида битта хотин тухум сотаётган экан. Ҳар куни қуймоқ еса керак, ўзининг юзиям хафсала билан ювилган тухумдек йилтираб турибди. Хотинхўжанинг олдига қуруқ бормасликка баҳона топилганидан хурсанд бўлдим. Бир „решётка“ тухум олдим. Ўттизта бўларкан. Олишга олдим-у, қандоқ кўтариб кетишга ҳайронман. „Решётка“ деганини икки кўллаб кўтариш керак. Икки қўлим банд бўлса, оёқ

жонивор хотинхўжа айтгандек „восмёрка“ филдиракка ўхшаб чалкашиб кетаётган бўлса, автобусга қандоқ чиқаман-у, қайси қўл билан нимани ушлаб турман?! Тухумчи хотин эсликкина экан. Тухумларни „салапан“ халтачага солиб берди. „Эҳтиёт қилинг“, деб тайинлаб ҳам кўйди.

Автобус келганини биламан. „Минди-минди“ бўлиб кетган автобусга орқа эшикдан бир амаллаб кирганим ҳам эсимда... У ёғи нима бўлгани ёдимда йўқ...

Бир маҳал ҳаммаёқ қий-чув бўпкетди. Ўрислар „чўрт-пўрт“ деган, ўзбек хотинлар „хурмачангга сик-қанича ичсанг ўласанми“, деб чинқирган... Мўйлови меникидан ҳам қалин бир йигит ёқамдан олди. Лашнати штангачими, нима бало, ҳар билаги чойнакдек келади. (Чипта сотувчи эканини кейин билдим.)

— Ҳамма ёқни расво қилдинг-ку, аҳмоқ! — деди бўкириб.

Мундай разм солсам, автобуснинг олд томонида гилар „пресс“ бўпкетган, мен турган томон бўм-бўш! Синган хом тухумнинг ҳиди ғалатироқ бўлишини ўшанда билдим... Бунаقا ис қаердан келяпти, деб қарасам... Хотинхўжа совфа қилган кўйлак, қирраси чиқариб дазмолланган шим оқиш-сарфиш шилимшиққа белангандан.

Нима бўлганини шунда тушундим. Хуллас, тиқилинч автобусга омон-эсон чиққанман. Кейин иссиқ элитганми — бошқами, турган жойимда пинакка кетганман... Қўлимдаги „юқ“ оғирлик қилган чоғи, худди тўрва кўтараётгандек, „салапан“ халтачани елкамдан ошириб орқага ташлаганман. Тухумлар „шарақ-шуруқ“ қилиб синган. Пўчоғи „салапан“ халтани йиртган. Кейин ўттизта тухум бутуни-ю синифи аралаш-қураш бўлиб аввал белимга, ундан болдирга, кейин ерга тушган. Яп-янги кўйлак-шим тухумнинг „муборак“ „коктейли“га белангандан.

Оёқ боссам, „турецкий“ туфлим „шўлўқ-шўлўқ“ қиласди. Энг ёмони атрофимда турганлар ҳам „куймоқ“дан бенасиб қолмабди. Салкам эллик киши авто-

буснинг олд томонига қочиб, бир-бирига қапишиб қолгани шундан экан!

...Эртасига хотинхўжанинг сўз бойлигини тўлдирган янги қарғишларни кутиб узоқ ётдим. Қизиқ, бу гал у қарғамади, йиғламади... Фақат бир оғиз сўз айтди:

— Ажрашамиз! Судга ариза бериб қўйдим!

Бунақа пайтда қўл келадиган энг синалган қуролни ишга солдим.

— Ўзимни ўлдираман! — дедим комил ишонч билан. — Ўлсам, мен ҳам қутуламан, сен ҳам!

— Ростданми? — Хотинхўжа астойдил ажабланди. — Бу гапни минг биринчи марта эшитяпман!

— Йўқ! — дедим бош чайқаб. — Бу галгиси охиргиси! Ўзимни осаман!

— Шанақами? — Хотинхўжа шитоб билан уйдан чиқиб кетди. Зум ўтмай бир қўлида икки қулоч арқон, биттасида ўрта бармоқдек келадиган „икки юзталик“ мих, занглаб кетган теша кўтариб кирди. (Олдиндан тайёрлаб қўйганми, нима бало.)

— Эркак кишининг гапи битта бўлади! Ўзини осмаган номард! — деди-ю, чиқди-кетди.

Ўтириб-ўтириб, ўзимга нашъя қилди. Хаёлимга ғалати ўй келди. Айвондаги столни кўтариб ётоқقا опкирдим. Устига чиқиб, вассажуфтга мих қоқдим. Арқонни боғлаб тортиб кўрсам, пишиққина. Менга ўхшагандан иккитасини бемалол кўтаради! Кўл жонивор „кантузия“ бўлса-да, сиртмоқни бинойидек қилиб тугдим. Бошимни суқиб кўрсам, лоп-лойик! Ана энди хотинхўжанинг келишини кутамиз!

Бир маҳал дарвоза фийқиллаб очилди. Сиртмоқни бўйнимга илиб, пойлаб турдим. Айвонда қадам товуши эшитилгач, бошимни худди осилган одамникуга ўхшатиб бир томонга қийшайтирдим. Кўзимни юмид олдим. Ҳатто тилимни жичча чиқариб, „тишлаб олган“ ҳам бўлдим. Ҳаммаси „натуральний“ бўлиши керак-ку!

Фақат оёғимнинг учини столга тираб олганман. Сиртмоқ ҳам томоқда эмас, энгакда. (Ўладиган аҳмоқ борми!)

Хотинхұжанинг ётоққа кирганини сезиб турибман. Бир маҳал „Вой ўлай!“, „Вой ўлмасам!“ деган хитоб әшитилди. „Ха-а-а! Гулдек эрига ўлим тилаш қанақа бўларкан?“, дедим ичимда. Билиб турибман, ҳозир „арслонимдан айрилдим“, деб дод солади, оёғимга ёпишиб йиглайди.

Ҳали кутаман, ҳали кутаман, ҳеч гапдан дарак йўқ. Бирпасдан кейин алланима „тўп-тўп“ этди. Бир нарса фийқиллади... Ҳайрон бўлиб, бир кўзимни очсан, уйга кирган хотиним эмас, қўшнимизнинг аёли — кеннойи бемалол чўкка тушив ўтирибди. Устидаги кўрпа-тўшакларни ағдариб ташлаб сандиқ титкилаяпти. Шу хотиннинг қўли эгрироқ деб әшитгандим. Ростдан ҳам сандиқдан хотиним не ҳасратда қизимиизга йиқдан биссотларни юлқиб оляпти. Атласлар, адреслар, чиройли „упаковка“ қилинган жемпер... Индамай турсам бошини сандиқ ичига суқиб, фиртиллатиб бурчак-бурчакларни ковлаштиришга тушди. Тилла тақинчоқ излаяпти шекилли! Бу ёғига чидолмадим.

— Ҳорманг, кеннойи! — дедим. Овозим шунақанги фўлдираб чиқдики, ўзим ҳам ҳайрон қолдим. — Жа-а шилиб юбордингиз-ку! — дедим.

Кеннойи сандиқдан бошини чиқариб мен томонга қаради. Кўзи ола-кула бўпкетди. Ҳозир додлаб қочиб қолади, деб турсам, додламади ҳам, қочмади ҳам. Фақат ичидан „Фийқ!“ этган садо чиқди. Кейин ияги бир томонга қийшайганча яна икки марта „фийқ-фийқ“ деди-да, ёнбошига ағдарилди. Кўрқиб кетдим. Сиртмоқни бўйнимдан опташлаб сакраб ерга тушдим.

— Туринг, кеннойи, одамни қўрқитман! — деб елкасига кафтимни боссан, қылт этмайди. Кўзлари бир нуқтага бақрайиб қолган. Оқи бор, қораси йўқ!..

...Ёмон аёл эмас эди, раҳматлик... Маъракасининг бир четини кўтаришиб юборишга тўғри келди. Нима қиласаям кўздек қўшни...

Ўшандан бери бутилка деган макруҳни уйга йўлатмайман. Минерал сув олсак ҳам „бакалашқа“ лигидан оламиз... Яқинда қизимиизни узатдик.

Хотинхұжани айтмайсизми?! Бир эмас, икки яшик

„спрайт“дан гаров бойлашиб айтаманки, агар олқиши бүйича мусобақа ўтказилса, бизнинг хотин дунёда биринчи ўринни олади! Ана, ўзингиз эшитиб кўринг.

— Нур ёғилиб турган юзларингиздан айланай! Дарёларда сузиг юрган қундуздек қоп-қора мўйловингизнинг қурбони бўпкетай! Юлдуздек чараклаб турган кўзларингизни ёмон кўздан асрасин! Гул ҳиди келадиган нафасингиздан ўргилай! Юрғанда ер титрайдиган оёқларингизга қоқиндиқ бўлай! Кўнғироқдек патила-патила соchlарингизга жоним тасаддуқ! Чинордек бўйларингизга бўйтумор!

...Ичишни ташласангиз, сиз ҳам хотиндан шунаقا гаплар эшитасиз!

## ЖИННИ БЎЛИШ ОСОН ЭКАН

**Б**иродарлар! Одам-чи, вей, хоҳласа бир кунда телба бўлиши мумкин экан, қандоқ жинни бўлганини ўзи билмас экан. Касалхонага қачон келдим, ким опкелди, эсимда йўқ. Аммо биринчи қор ёғиб турган ўша қуриб кетгур оқшом аниқ ёдимда. Шундай қилиб десангиз, ишдан чиқдиг-у, панжара девор олдида гижинглаб турган яп-янги „жийронтой“нинг эшигини очдик. Ойнани қор босиб қолган экан, аввал артдик, кейин ойна тозалагични ўрнатдик. Шифиллатиб ҳайдаб кетдик. Троллейбус бекатида турган одамлардан камида ўнтаси қўл кўтарди. Тўхтатмадик! Эсимни ебманми тўхтаб! Сенку, савоб бўлар деб тўхтайсан, ДАН ходими кўриб қолса, киракашлик қиляпсан, деб талонингни тешиб беради. Бекатдан эллик қадамча ўтганимда бир жонон шундай ҳимо билан қўл кўтардики, тормозни қандай босганимни ўзим билмай қолдим. Машина янги қор тушган асфальтда сирғаниб бориб, шундоққина жононнинг оёғи олдида тўхтади. Эшикни очишим билан жонон лип этиб, ёнимга ўтириб олди. Димофимга ширин атири иси кирди. Ўзиям оппоққина, дўмбоққина. Плашининг елкасига қор қўниб, жиққа ҳўл бўлиб кетибди. Каёққа боришини сўрамасимдан ўзи гапириб қолди:

— Печкангизни ёқинг, совуқ қотдим.

Печкани варанглатиб қўйиб юбордик.

— Поччамлар эрталаб пальто кийгизиб юбормаб-дилар-да?! — дедим илжайиб. „Жонон“ очиққина экан.

— Поччангиз аввал ўзларини эпласинлар! — деди таманно билан. — Машинангиз янги экан, ҳиди келиб турибди. Маркаси қанақа?

Машина маркасини айтдик. Кейин одоб билан сўра-дик:

— Сиз-ку, машинамнинг отини билиб олдингиз.

Энди машинам ҳам сизнинг отингизни билсин-да.

„Жонон“ ширин жилмайди.

— Лёля!

— Лолаҳон экансиз-да. Ўзингиз ҳам худди лолага ўхшаб...

— Лолаҳонмас, Лёля! — деди у гапимни кесиб.

— Э, Лаълихон денг?!

— Қанақа Лаъли? — у аразлаб лабини чўччайтириди. —  
Лёля!

— Ҳай Лёля бўлса, Лёля-да! Йўлимиз бир экан. Гаплашиб кетдик. Лёляхон ательеда дизайннер бўлиб ишларканлар. Поччамиз „предприниматель“ экан. Уйга ҳафтада бир келаркан. Шу гапни эшигтганимдан кейин шайтон йўлдан оздирдими, бошқами, билмайман. Хуллас, машинани қандай қилиб гараж томонга бурганимни ўзим ҳам билмай қолдим. Үлай агар, кўнглумда ёмон ният йўқ эди. Шунчаки, Лёляхон билан бирпас ҳангомалашиб ўтиргим келди. Домимиздан юз қадамча наридаги темир гараж олдида тўхтаганимизни кўриб Лёляхон ипдек қошини чимириди.

— Ҳорманг!

— Биласизми... — дедим чайналиб. — Машина олганимга энди уч кун бўлди. Ҳали „ювганимча“ йўқ... Шу... Сиз билан... Илтимос, мени тўғри тушунинг... Лёляхонга гапиряпман-у, икки кўзим домимизнинг бешинчи қаватида. Машинада бегона жувон билан келганимни хотинбой деразадан кўриб қолса борми?! Ҳайрият, Лёляхон замонавий аёл эмасми, мени тўғри тушунди.

Машина гаражга кириши билан бу эшикдан мен тушлим, у эшикдан — у.

— Сиз ўтираверинг! — дедим машинага имо қилиб. — Иессиккина... Мен гизиллаб бориб битта шампан олиб келаман.

— Лёляхон аввалига ним қоронғи гаражнинг бурчак-бурчагига хавотирланиброқ қараб қўйди-ю, кейин хотиржам бўлди. Негадир темир-терсак асбоблар солинган тахта яшикдан болғача олди.

— Майли... — деди болғачани саланглатиб. — Буквально беш минут. Бўлмаса... — У қўлидаги болғача билан ширингина таҳдид қилиб қўйди.

— Уч минутда келаман.

Ховлиқиб гараждан чиқдим-у, ўйлаб қолдим. Хотинбой бешинчи қават деразасидан қараб турган бўлса... Гаражни очиқ ташлаб, аллақаёққа гумдон бўлганимни кўрса. Пастга тушса... Яна қайтиб келдим.

— Лёляхон! — дедим гараж эшигидан мўралаб. — Кечирасиз, уч минутга устингиздан қулфлаб кетаман. Тағин бирор опқочиб кетмасин сизни...

У оғзини очишга ултурмай гараж илгагига отнинг калласидек қулфни солиб шарақ-шуруқ қулфладим-да, чорраҳадаги магазинга қараб чопдим. Кечадан бери эзилиб ёқкан ёмғирдан кейин қор тушгани учунми, ер ўлгудек сирпанчиқ. Ҳарсиллаб чопиб боряпман-у, ичимда ўзимга қойил қоламан. Гапниям жа оламан-да, „Сизни ўғирлаб кетишмасин!“ дедимми? Лёляхон билмайдики, хотинбойдан кўрққаним учун устидан қулфлаб келяпман. Майли, мана ҳозир битта шампан, битта плитка шоколад оламиз. Уч минутда қайтиб борамиз...

Кўлтиқда шампан, чўнтақда шоколад. Магазиннинг ойнаванд эшигидан отилиб чиққанимни биламан... Бир маҳал кўзимни очсан, оппоқ шифтли уйда ётибман. Ўрнимдан турмоқчи эдим, чап қўлим чунонам зирқираб оғридики, жоним чиқиб кетай деди. Ўнг томонимдан фўлдираган овоз келди.

— Баҳтиңг бор экан, йигит, қўлинг синибди. Менга ўхшаб оёғинг синса нима бўларди?!

Мундай қарасам, олти кишилик палатада ётибман. Ҳаммаси менга ўхшаб, сирпанчиқда йиқилган майиб-мажруҳлар... Гастрономга борганим, шампан олганим эсимга тушди. Ўша заҳоти гаражга қамалиб қолган Лёляхон лоп этиб кўз ўнгимга келди-ю, қўлимнинг оғригини ҳам унутиб, сакраб туриб кетдим.

— Калит қани? — Нега бақирасан?! — деб ҳалиги киши яна ғўлдиради. — Калитни бошингга урасанми? Бир ўлимдан қолганингга шукур қилмайсанми, хумпар?

Чўнтағимни ковласам, ҳеч вақо йўқ! Шундагина шифохона ҳалатини кийгизиб қўйишиганини пайқадим. — Калит қани? Соат неча бўлди? — дедим йиғламоқдан бери бўлиб.

Палатадаги ҳамдарлар тонг отиб қолгани, соат етти бўлгани, кийим-кечагу, калит-малитлар „приёмний покой“да бўлишини тушунтиришди. Гипсланган қўлимни чанглаб, приёмний покойга югурдим. Искаладчи хотин соат тўққизда келаркан. Дод деб юборай дедим. Нима қилай? Уйга телефон қилсам, хотинбойдан балога қоламан. Майли, йиқилдим, қўлим синиб, банисага тушдим, дейишга дерман. Лекин тезроқ бориб гаражни оч, бир бечора қамалиб ётиби, кечаси билан совуқда тиришиб қолгандир, деёлмайман-ку! Ақлимга балли! Ўйлаб-ўйлаб йўлини топдим. Ҳамшира қизга дўхтирининг эшигини очтириб, тўртинчи подъездда турадиган Марат деган ўртоғимга қўнфироқ қилдим.

— Жон дўстим, тезроқ кел! — дедим ялиниб. — Бироқ банисага тушганимни хотинимга айта кўрма.

Ҳақиқий дўст шунаقا пайтда билинаркан. Марат ярим соатда этиб келди. Эгнида пальто, бошида телпак.

— Совуқми? — десам, қўлларини ишқалаб дийдидари:

— Эшак ўлдирадиган совуқ бўляпти.

Дўстимга аҳволни тушунтирдим. Искаладчи хотин келиши билан калитни олдик.

— Лёляхондан узр сўра! — дедим эшикка йўналган Маратга. — Шундоқ-шундоқ бўпқолди, кечирапкансиз, дегин.

Хотиржам бўл. Ҳаммасини есть қиласиз.

Шошма! Аввал Лёляхонни кузатиб қўйгин-да, кейин хотинбойга бу ёқда ётганимни айт. Телефон қилса бинд экан, дегин...

Дўстим ҳовлига отилди. Кўнглим анча жойига тушиб, палатага кириб ётдим. Обход бўлди. Навбатчи дўхтирип суюгим икки жойдан сингани, камида бир ҳафта ётишим кераклигини айтди. Жаҳзи тез бўлсаем, ўзимизнинг хотинбой яхши-да! Кўрасиз, ҳализамон товуқ шўрша кўтариб кепқолади. Чўлоқ бўлган қўлимни силайди. Ўзингизни эҳтиёт қилсангиз бўлмайдими, дейди. Кўз ёни ҳам қилиб олади. Мехрибон-да!

Ширин хаёл суриб ётган эканман, палата эшиги гийқиллаб очилди. Семиз санитар хотин тарақ-турук қилиб, эски қушетка судраб кирди.

— Жинни бўлганми булар ҳаммаси! — деди норози тўнғиллаб. — Бири йиқилади, бири муштлашади. Баннисада бўш жой қолмади. Пиёнисталар!

Ўша заҳоти гавдали бир беморни икки қўлтиғидан суюб олиб киришиди. Касал бечоранинг боши дока билан қалин ўралган, рангидан ранг қолмаган, мўйлови шалпайиб турарди. Кушеткага жой солишлари билан бемор шилқ этиб ўзини ташлади. Тепасига борсам... Мўйлови танишдек кўринди. Синчиклаброқ қарасам, ўзимнинг қадрдон дўстим — Марат!..

— Нима бўлди?! — жон ҳолатда қичқириб юбордим шекилли, Марат амаллаб кўзини очди.

— Дард бўлди! — деди инқиллаб. — Бало бўлди! Гаражингнинг эшигини очганимни биламан, ичкаридан бир алвости югуриб чиқиб, болға билан қоқ пешанамга чунонам туширди, чунонам туширди... — У гапиришга мадори қолмади шекилли, юзини девор томонга ўгириб олди.

Эгнимда бинниса халати, оёғимда шиппак, кўчага отилдим. Таксичи дийдираб турганимни кўриб раҳми келди шекилли, гап-сўзсиз тўхтади-ю, машинасини айтган томонимга фириллатди. Йўқ, уйгамас, ўзимнинг темир гаражимга. Шуниси эсимдаки, гараж ланг очиқ

Турсуной шунча йилдан бүён боғбон амакини танимайсизми, дегандек қошини чимириди.

— Қишлоқда у кишини ҳамма танийди. Худо ярлакаб бир келиб қолибдилар.

Секин ечиниб, оёқ учида уйга кирдим. Боғбон амаки телевизорнинг антеннасини мўлжаллаб саждага бош қўйган эканлар. Анчадан кейин бош кўтариб, ўнг томонга, чап томонга салом бердилар-да, қаддиларини ростлаб менга ўгирилдилар.

— Ассалому алайкум, куёв бола! Хўп саломатгина бормисиз? — Боғбон амаки билан биринчи марта кўришиб турган бўлсак ҳам эски қадрдонлардек қучоқлашдик. Одамни бир қараашда билса бўлади. Боғбон амаки кўп одамохун киши экан. Даастурхон атрофига ўтиришимиз билан мош-гуруч соқолини тутамлаб гапга киришиб кетди.

— Бу дейман, куёв йигит, ишлар кўпайиб кетдими? Қишлоққа кам борадиган бўлиб қолдингиз. Қайнатангиз кўп асл одам-да! Болаликдан тепкилашиб катта бўлганимиз. Шу денг шаҳарга кетяпман, деб қолмайманми! Бизнинг фарзандларимизникида ўн-ўн беш кун туриб келмасангиз қаттиқ хафа бўламан, деб туриб олди. Мен ҳам юзидан ўтолмадим.

— Жуда яхши қилибсиз, раҳмат, — дедим қувониб. Боғбон амаки, у дунёни ҳам, бу дунёни ҳам баравар олиб борадиганлардан экан. Ош олдидан қиттак-қиттак ҳалиги нарсадан қилсакмикан, дегандим, ноз қилиб ўтирмади.

— Ҳа, энди бунинг ўзи ҳароммас. Кайфи ҳаром, — деди пиёлани қўлига олиб. Шундан кейин иккови-мизнинг ҳам қулфи дилимиз очилиб кетди. Боғбон амаки оғзидан бол томиб янгангизни мақтай кетди.

— Турсуной қишлоқнинг энг олди қизи эди-да, ўзиям. Баҳтингиз бор экан. Шундоқ қизимизга уйлан-лингиз. Қайнатангизни айтмайсизми? Шаҳарга узум сотгани кетяпман десам, гастиниса-пастиниса қилиб уриниб юрсангиз, бетингизга қарамайман, дейди-да! Бу йил бозорда узум сероб. Шу кунда сотиб қолмасак,

туарди. Энг аввал орқа капот устида ётган болғага кўзим тушди. Кейин... Нима десам экан?.. Дўлда қолган таппини кўрганмисиз? Менинг машинам — уч кунгина минган машинам худди ўшанақа аҳволга тушган эди. Ойналари чил-чил синган, томи-ю капотлари, орқа-олди-ю ёнбошлари болға билан пачақланган, шу қадар ҳафсала билан, шу қадар эринмай, тартиб билан пачақланган эдикни, ақалли номига бир қарич соғ жойи қолмаганди. Гаражта қамалиб қолган Лёляхон кечаси совқотиб тарашага айланмаслик учун хўп файрат қилгани кўриниб туарди...

Одам қандоқ жинни бўлганини билмас экан. Касалхонага қаҷон келдим, қандоқ келдим, ким опкелди, эсимда йўқ. Кейин, сал ўзимга келганимда айтиб беришди. Аввал гипсланган қўлимни тишлаб ириллабман. Кейин болға билан машинамни қайтадан савалабман. Ундан кейин шиппак билан қор тепиниб хумордан чиққунча ўйнабман... Бу ёққа хотинбой билан ўша инсофли таксичи олиб келибди.

Мана, ётибмиз, энди. Хотинбой ҳар куни товуқ шўрва олиб келади. „Кўяверинг, жинни бўлган битта сизми“, — деб юпатади. Айтмоқ-чи, кеча хушхабар топиб келди. Учинчи синфда ўқийдиган ўғилчамиз темиртерсак топширишда шаҳар биринчилигини олибди.

## ШАҲАРЛИК КҮЁВ

**Т**ўнғич күёв бўлганимиз учунми, қишлоққа борсак, дарров шаҳарлик күёв келди, деб овоза бўлиб кетади. Олмоқнинг бермоғи бор, деганларидек, тез-тез жавоб визитлари ҳам бўлиб туради. Яқинда яна шундай бўлди. Ишдан қайтиб эшикни очишим билан янгангиз Турсуной югуриб рўпарамга келди.

— Тш... — деди у кўрсаткич бармоғини лабига босиб. — Секинроқ. Намоз ўқияптилар.

— Ким? — дедим мен ҳам беихтиёр пичирлаб.

— Богбон амаки.

— Ким у, богбон амаки?

Эрта-индин янайам арzonлашиб кетади. Ўн-ўн беш кун бир гайрат қиламиз-да, энди. Ёлғиз қўллик қилмайин деб, жиянни олиб келганмиз. Бозорда узумга қоровул бўлиб қолди. Уям сиз билан бир отамлашмоқчи ўзи. Ўқишга кираман, сўт бўламан, дейди. Топган хунарини қаранг.

— Нега олиб келмадингиз? — дедим астойдил ранжиби.

— Айтяпман-ку, бозорда қоровуллик қилиб қолди. Эртага албатта олиб келаман. Хўп улфат йигит-да, ўзиям!

Яrim кечагача гурунглашиб ўтиридик. Кейин Турсуной боғбон амаки иккаламизга уйга жой солиб берди. Ўзи балконга чиқиб ётди. Бир хонали уйда тургандан кейин одам ўрганиб кетаркан. Аёл меҳмон келиб қолса, мен, эркак меҳмон келса, Турсуной балконга чиқиб кетади.

Боғбон амаки сўзида турадиган одам экан. Эртасига ишдан келсан чуст дўппи кийган, ихчамгина йигит билан гурунглашиб ўтиришибди.

— Ие, ассалому алайкум! — йигитча сакраб туриб мен билан қучоқлашиб кўриши. — Соғ-саломат юрибсизми, поччажон? Эшик-эллар тинчми, поччажон? Бардамгина юрибсизми, поччажон? Тоғамлар билан бир келиб қолгандик. — У боғбон амакига ишора қилди. — Поччанг билан отамлашмасанг бўлмайди, деб туриб олдилар. Турсуной опамизнинг хўжайнлари билан танишман-у қувонмайманми, деб югуриб келдим. Менинг бозор-ўчарга тобим йўқ. Асли бу ерга ўқишга кириш учун келганман. Бир ёрдамлашиб юридическийга жойлаб қўймасангиз бўлмайди, поччажон. Ҳозир таниш-билишсиз иш битмайди.

— Биласизми, ўқишга кириш қийин, — дедим минифиллаб. — Менинг танишларим йўқ.

Боғбон амакининг қулоғида локатор бор эканми, минифиллаб айтган гапимни ҳам дарров эшита қолди.

— Ашнаقا демасинлар-да, кӯёв! Сиз ҳам сўт тайёрлайдиган институтда ишлайсизми, ахир?

— Амакижон, мен домла эмас, аспирантман, — дедим тушунтириб.

— Аспиранми-маспиранми, бир жойда ишлагандан кейин барыбир эмасми?

— Бөгөн амаки астайдил ажабланди. — Мен ҳам боққа сув тараган сувчига беш-үн яшик узум бераманми? Буям шунга ўхшаган нарса-да! Институт ҳам ўзларига дәхқончилик!

Нима дейишимни билмай турган эдим, ошхона томондан Турсунойнинг йўталгани эшитилди. Бунақа „адресли“ йўталларнинг маъносини яхши билиб қолганман. Мени чақиряпти. Дарров олдига чиқдим.

— Гўрни унақа дейсизми? — деди пичирлаб. — Ўзини олиб қочяпти, деб ўйламайдими?

— Нима қиласай, ростини айтяпман-да!

— Қишлоқдагилар сизни бутун шаҳарни ётқизиб турғизадиган одам, деб ўйлашади. Бир гап қиласмиз, деб қўя қолинг. Ҳа, ундан кейин, — Турсуной овозини янаям пасайтириди. — Анаву сапожки ўлгурни олмасам бўларкан. Уйда бир тийин пул қолмабди. Меҳмонлар яна ўн-ўн беш кун турадиганга ўхшайди. Ойликкача бирор ердан пул топмасангиз бўлмайди.

Бу кеча ҳам меҳмонлар билан алла-паллагача гаплашиб ўтиридик. Тоға-жиянни холи қолдириш учун алоҳида жой қилиб бердик. Янгангиз одатдагидек балконда, мен бўлсан ошхонада ётдим. Ошхонага ўрнашиб қолган пиёздоф ҳиди қўнглимни бир оз бехузур қилганини ҳисобга олмагандা жуда яхши ухладим.

Эрталаб қўнфироқ товушидан уйгониб кетдим. Шоша-пиша йўлакка чиқсам, Турсуной чаққонлик қилиб, аллақачон эшик олдига бориб олибди. У эшикни очди-ю, атлас кўйлак кийган, сочини майдалаб ўрган аёлни кўриб, қичқириб юборди.

— Вой, Адол, ўзингмисан?!

Икковлари бир-бирининг қучогига отилишди, чўпиллатиб ўпишиши.

— Бу менинг дугонам — Адолат, — деди Турсуной энтикиб. — Болаликдан бирга ўсганмиз.

Адолат ичкарига кирап-кирмас, ийманиб пичирлади.

— Мен ёлғиз эмасман, — у юзлари ловуллаб қизарганича, Турсунойнинг қулогига бир нима деб шивирлади.

— Вой, шунақами! — Турсуной қувонганидан қарсак чалиб юборди. — Чақир бўлмаса. — У менга қараб тушунтириди. — Адолатнинг тўйи яқинда бўлди. Куёв икковлари Тошкентга ўйнагани келишган экан.

Зум ўтмай каттакон чамадон кўтарган новча, ориқ йигит кириб келди. Тоға-жиянлар, келин-куёвлар, ўзимиз тўпланишиб нонушта қилдик. Ҳамқишлоқлар соғинишиб қолишган экан, хўп гурунглашиши.

— Гастиницага борсак жой йўқ, — деди Адолат келинларга хос табассум билан. — Шу ёққа қараб келавердик. Ўн-ўн беш кун туриб, Турсунойни хурсанд қилиб келинглар, деб аямларнинг ўзлариям айтган эдилар.

Боядан буён жим ўтирган куёв энди гапга аралаши.

— Тўйга бормадинглар-да! — деди у гавдасига ярашган ингичка товушда. Гапирганида учли бақбақаси ликиллаб тураркан. Энди пайқадим. „Бизни тўйга айтмовдинглар шекилли“, дегим келди-ю, тағин ўйлаб қолдим. Ким билсин, балки Турсунойга хат-пат юборишган-у, мен бехабар қолгандирман.

— Мен Тошкентга уч йил олдин бир келганман. Жуда ўзгариб кетибди, — деди куёв яна бақбақасини ликиллатиб.

— Бу кишининг ўзлари сизларга шаҳарни томоша қилдирадилар, — янгангиз менга имо қилди. — Шунақа пайтда ўйнаб қолмасанглар, кейин вақт топилмайди.

— Биз ҳам шуни ўйлаб тургандик, — куёв тасдиқлаб бош силкиди. — Кўчанинг четига ка-а-а-та қилиб, „Санъат усталари концерти“, деб ёзиб қўйибди. Апиша! Бақقا келаётганда аши кансертга тушамиз, деб қўйгандик. Паришталар омин деган экан. Поччамиз тўрттагина билет топсалар, биргалашиб томоша қиласиз!

Нонуштадан кейин Турсуной билан йўлакка чиқиб маслаҳатлашдик.

— Энди бундоқ қиласиз. Ишхонадаги ўртоқлардан қарз кўтариб тураман. Жой масаласини бундай тақсимлаймиз. Келин-куёвга ичкарига жой қилиб берасан. Ёш

нарсалар экан. Бир-биридан ажратиш яхшимас. Бөгөн амаки балконда, жияни ошхонада ёта қолсин. Ўзинг бир амаллаб кавшандозга жойлашарсан. Мен кечкурун, меҳмонлар билан ўтиришиб бўлгандан кейин ишхонамга бориб ёта қоламан. Ишимиз икки сменалик деб баҳона қиласман.

— Майли, — деди Турсуной пичирлаб. — Фақат тезроқ пул топмасангиз бўлмайди. Аксига олиб кўк чой ҳам қолмабди.

Пулни олгандан кейин қайси бозорга борсам экан, леган ўй билан зинадан тушиб кетаётгандим, бир оз хириллаган овоз эшитилди.

— Ие, ассалому алайкум, куёв тўра!

Чўчиб бошимни кўтардим. Рўпарамда юзлари офтобда қорайган, чайир гавдали, қўш белбоғ боғлаган киши турарди. Пастдан эса беш-олти ёшлардаги боласини етаклаган семиз хотин ҳарсиллаб чиқиб келарди. Нотаниш киши кўришиш учун қучоқ очганди, қўлимни чўзиб қўя қолдим.

— Ие, танимадилар шекилли, куёв? — деди у ранжиб. — Қишлоққа борганларида ҳамсуҳбат бўлгандик. Қарта ўйнагандик. Пирра! Аммо ўзлари пирранинг хўп ҳадисини олган эканлар! Қаторасига етти марта қолдиргандингиз...

— Келаверинглар, келаверинглар, — дедим дамим ичимга тушиб. — Бемалол...

— Ўзларига йўл бўлсин? — деди „пиррачи“.

Менми? Мен... Кўчиб кетяпман. Аспирантлар уйига! — шундай дедим-у, учта зинани битта қилиб сакраб-сакраб пастга тушдим-да, кўчага отилдим.

## МУСОФИР БЎЛМАГУНЧА...

...**Б**ир замонлар чет элга чиқиш жудаям Марсга бўлмаса ҳам Ойга учиш билан teng эди, десангиз бугуни ёшлар ишонмайди...

Ўша замонда денг... Омадим чопиб десаммикин, патакат босиб десаммикин, чет элга чиқадиган бўп-

қолдим. Тағин қаёққа денг? Капстранг! Эскилар „Мусоғир бўлмагунча мусулмон бўлмайсан“, деб бежиз айтмаганини ўшанда тушундим. Аввал ўн бештами, йигирматами суратимни олишди. Кейин йигирматами-йигирма бештами қофозни тўлдирдим. Кимсан? Нимсан? Қаерда туғилгансан? Қачон? Отанг ким? Онангчи? Улар қаерда, қандай иш қилган. Ишласа, неча йил ишлаган? Мабодо отанг ўлган бўлса, қачон ўлган-у, нега ўлган, қаерга кўмилган? Онанг-чи? Авлод-аждингда қамалганлар ёки чет элда яшайдиганлар борми?

Сизларни билмадим-у, шахсан мен ўйлаб қарасам, ҳаммаси жўяли саволлар. Рост-да! Аллақачон бандаликни бажо келтирган отам раҳматликнинг катта бобоси қайсиdir хорижий давлатда ҳамон ҳасса таяниб юрган бўлса-чи? Яхшими-ёмонми, инглиз тили ўқитувчиси деган номимиз бор, ахир. Мени ўғирлаб кетиб, шўролар ютига ашаддий душман бўлмиш агентларга тилмоч қилиб олишса-чи?

Ҳайрият! Анкетамдан биттаям ишкан чиқмади. Московнинг чет элларга самолёт учиралиган аэропортида тўпланган тумонат одам орасидан ўтиб, омон-эсон божхона эшигига етиб келдик. Кўк шапка кийган сезгир ҳарбий кўзимга шунақанги узоқ, шунақанги синчиклаб тикилдики, беихтиёр ерга қарадим. (Бултур ҳайвонот боғига болаларни саёҳатга олиб борганимда олти қулочлик бўғма илон қўёнга шунақа чақчайгани эсимга тушди.)

— Гражданин! — деди хушёр чегарачи ҳамон кўзимга чақчайиб. — Доллар борми?

— Йўқ!

— Олтин борми?

— Ие, менда олтин нима қилади?

— Саволга жавоб беринг!

— Олтин йўқ!

— Антиквар? Хоч борми?

— Нима у?

— Наркотик модда-чи?

— У нима дегани?

— Чекадиган!  
— Бор. „Космос“.  
— Арақ борми?  
— Бор. Икки шиша. Ҳамма олгани учун мен ҳам...  
— Бу ёққа! — Ҳушёр чегарачи ияги билан имо қилди.  
Чамадонингни кўтар! (Тамом бўлдинг, мулла Алижон!)... Совуқцина хонага кирдик. Жомадон титкиланли. Сочиқ у ёққа ташланди, соқол машина бу ёққа... Келинингиз „Мусофир юртларда тишингизнинг кирини сўриб юрасизми“, деб иккитагина қази пишириб берган ёди. Ўшанга айниқса, қизиқиб қолишиди. Тўғри-да! Колбаса деса колбасага ўхшамайди, гўшт деса — гўштга! Орасига тилла тангалар тиқиб қўйилган бўлса-чи? Қази шўрлик обдан текширилди. Жомадон „шубҳадан холи топилгач“, янги буйруқ бўлди: „Ечин!“ Пайпогимнинг орасигача қараб кўрдилар. Ҳеч бало топилмагач, божхона ходими буюрди:

— Бўпти, ўтаверинг, гражданин!

Ҳайрият-ей! Жомадонни чала-чулпа ёпиб югурдим. Шу пайт радиода биз учадиган самолётта таклиф қилиб қолди. Гапиради-гапиради-да, охирида „сенкью“ деб қўяди. Вой овсар-ей! Ўзи таклиф қилиб, ўзи раҳмат дейишга бало борми. Ит қувган соқовдек ойнабанд эшик томон чопдим. (Ҳарна олдинроқ борганим.) Узундан-узоқ йўлакдан ўтиб, узундан-узоқ автобусга чиқиб олдим. Автобус фириллаб борди-да, самолёт олдида тўхтади. Ерга тушай десам, эшиги очилмайди. Қарасам, ҳамма бир томонга силжияпти. Биз ҳам одоб сақлаб (айни пайтда шошилиб) оломонга қўшилдик. Тавба! Бунақа автобусни биринчи кўришим! Эшигини тўппаттўғри самолёт туйнугига рўпара қилиб қўйса-я! Буни қаранг! Ҳушрўй стюардесса самолётта кириб бораётган ҳар бир йўловчига салом беради.

— Хэлло! Ҳуш келибсиз, жаноб!

Менга қараб алоҳида таъзим қилди..

— Хэлло, сэр! Ҳа, маккор! Ҳозир илжаясан-да, беш дақиқадан кейин: „Кечирасиз, гражданин, жойни бўшатишингизга тўғри келади, паттани адашиб бери-

шибди, кейинги рейсда учасиз“, деб тушириб юборасан! Ўрнимга ўзингнинг паттасиз танишингни ўтқазиб қўясан. (Кўрганмиз бунақасини! Аҳмоғингни ҳаммомдан қидир.)

Югуриб бориб ўриндиқча ўтириб олдим. Шоша-пиша тасмани белимга боғладим. Эндиам тушириб кўрчи! Нафасимни ростлаб олмасимдан бояги хоним тепамда пайдо бўлди.

— Яхши жойлашиб олдингизми, сэр? Чанқамадингизми?

— Но! Но! — дедим тўнғиллаб. Щундаям илжаяди.

— Чеккингиз келса, марҳамат! Ёнингиздаги қўшнингиздан рухсат сўраб, чекавериңг!

Тамаки хумор қилаётганини қаёқдан билди бу? Ёсинамоқчими? „Гражданин фалончи жамоат жойида чекди“, деб эртага газетангда дўмбира қилмоқчисанда! Овора бўласан!

Бақириб бердим.

— Но! Айм нот смокинг! — дедим инглизчани „қоийил қилишимни“ намойиш этиб. Зум ўтмай димогимга тамаки ҳиди кирди. Бирам ширин, бирам хушбўй, лаънати!

Мундай қарасам, ёнимда ўтирган семиз ажнабий бемалол сигарет тутатяпти. „Пэл-мэлл!“ Бор-е, ажнабий чекканда, мен индамай ўтираманми, дедим-у, ўзимизнинг „Космос“ни бурқитишига тушдим.

Самолёт осмонга кўтарилиб улгурмасдан бояги хоним ялтироқ бандли аравачани судраб ёнимга келди.

— Кўнглингиз нима тусайди, сэр? Пиво? Енгил вино? Коньяк, виски?

Вой алвости-ей! Қаранг маккорлигини! Бизнинг юртда ичкиликка қарши кураш бошланганини билиб туриб атайлаб қиляпти. Бир қултум исчам борми, дарров хўжайнларига хабар қиласди. Хўжайнлари совет ҳукуматига, ҳукумат мактаб директорига... Қарабиски...

— Но! — дедим сиполик билан қўл силтаб.

Кўшним узунчоқ бокалдаги винони, пластмасса стакандаги пивони олиб, кетма-кет иккаласини бўшатди. Ҳузур қилиб кекирди.

— Нима, сиз чанқамадингизми? — деди түсатдан.

Ия, мен буни ажнабий деб ўтирсам, ўзимиздан әкан-ку! Минг йиллик қадрдонимни топғандек, қувошиб кетдим. Бирпасда апоқ-чапоқ бўлдик-қолдик! Сашавой кўриниши савлатли бўлгани билан мендан уч ёш кичкина экан. У ҳам бизнинг гуруҳда — турист экан. Ўша мамлакатга аввал ҳам борган экан.

— Сашавой, укам! — дедим орзумандлик билан. — Ёир шиша пиво бўлса-ку жон деб ичардим-а, менда доллар йўқ-да! Долларга алмаштириб берган ўттиз сўмга ўғлимга шим олишим керак. Жинси шим...

Сашавой қорнини лиқиллатиб, маза қилиб кулди.

— Эй, Али! Али! Пиво билан сухой вино текин! Билдингми! Конъяк, виски — у бошқа масала. Валюта керак! — шундай деди-да, тутмачани босган эди, сертабассум хоним пилдираб етиб келди.

— Жанобга... — Ҳамроҳим менга имо қилди. — Икки шиша пиво, икки бокал вино!

(Қойилман! Инглизчани сувдек биларкан.)

— Момент сэр... — Хоним таъзим бажо айлаб зиниллаб кетди.

— Нега... Икки шиша? — дедим талмовсираб.

— Мен ҳам чанқаброқ турибман. — Сашавой қорнини силаб қўйди.

Тонготар палласи чириб бораётган капитализмнинг ириб битиш арафасида турган мамлакатига қўндиқ. Божхонага кирдик... Ҳозир бошланади! Қаердан келдинг? Нима мақсадда келдинг? Неча кунга келдинг? Отанг ким? Онанг қачон ўлган? Нечта боланг бор?

Одамга алам қиларкан! Вой, каллаварамлар-ей! Ақалли биттаси „кимсан“, демаса-я! Кутиш залига чиқишимиз билан Сашавой қўлимдан судради.

— Юр! Машина кутиб турибди.

Жон-поним чиқиб кетди.

— Жомадоним! — дедим бақириб. — Жомадоним! Ичиди иккита қази, тўртта патир, писта-бодом бор!

— Ўчири-ей! Чамадонингга ит ҳам тегмайди. Юравер!..

Автобусда кетяпмиз. Кўзим осмонўпар иморатлар, бир-биридан чиройли машиналарда-ю, хаёлим жомадонда. Эсиз-эсиз иккита қази, тўртта патир, хотиним ўз қўли билан думба ёғига қовуриб берган ярим тогора бўғирсоқ... Кулогини ушлаб кетди-да! Сашавой бўлса, парвойи палак! Суянчиққа бош ташлаб, мудраб кетяпти. Ора-сира ўртачароқ хуррак ҳам отиб қўяди. Э, хомсемиз! Ўзингнинг юкинг йўқ-да! Менинг шунча нарсам гумдон бўлса майли-а! Қаранг, ўзи семиз бўлсаем, уйқуси зийрак экан! Машина тўхташи билан дарров кўзини очди.

— О, „Виктория!“ — деди автобус деразасидан қараб. — Беш юлдузли меҳмонхона! Во! Ташвиш қилма, Али! Мен сенга ҳамроҳ бўламан!

Ҳамроҳ бўлармиш! Ундан кўра жомадонимни топ!

Узун-қисқа бўлиб мусофирихонага кирдик. Ё, тавба! Жинними булар?! Ҳе йўқ-бе йўқ, ҳар биримизнинг қўлимиизга биттадан калит тутқазяпти. Бошпурт текшириш — йўқ. Қоғоз тўлдириш — йўқ... Ўғрилик шунақдан бошланади-да!

— Мана, хонамиз ҳам ёнма-ён экан! — Сашавой елкамга қоқди. — Юравер!

Фижиниброқ кетидан эргашдим. Йигирма олтинчи қаватга кўтарилдик. У ўзининг, мен ўзимнинг хонамни очдим. Қарасам, хоҳ ишонинг, хоҳ ишонманг, шундоқ кираверишда жонажон, қадрдон жомадоним турибидида!.. У ёғи нима бўлди, демоқчимисиз? Нима бўларди! Музейларга бордик, театрларга... Тўғри, сафардошларимиз ўнг келди дегунча гуриллаб ўзини дўконга уради. Нима зарил! Биз — интелигентмиз! Педагогмиз! Унақа очкўз эмасмиз... Шунақа-ку... Ўғилчанинг буюртмаси нима бўлади? Амриқоча жинси шим? Бу ёғи сафаримиз ҳам қариб қолди. Сашавойга ялиндим. „Шундоқ-шундоқ! Сен дунё кўрган одамсан. Мениям дўкон-пўконга олиб кирсанг-чи!“ Сашавойнинг жаҳни чиқиб кетди.

— Ну, Али! Вот дурак! Алмаштириб берган 30 сўмни қайтиб олиб кетмоқчимидинг? У ёқда биласанми, нима бўлади? — Бармоқларини панжара қилиб кўрсатди. — Валюта олиб ўтдинг, деб, тикиб қўйишади, овсар. Юр, тезроқ қутул ўша сабил қолгур долларингдан!..

Бир дўкон олдида тўхтадик.

— Бу озиқ-овқат магазини! Гастроном! — Сашавой кўлимдан торти. — Жинси шим бошқа жойда сотилади.

— Хай, бир кирайлик, дўстим, — дедим ялиниб. Эҳҳа! Дўконмас, томошахона-ку бу! Сут — ўн хил! Қаймоқ — саккиз хил! Гўшт — ўн икки хил! (Борингки, бедана-ю какликкача бор!) Пишлоқ — йигирма хил! Колбаса — ўн саккиз хил! Кокос ёнғоғи, банан, гилос (кузда гилос қаёқдан келганийкин), нок, шафтоли, узум... Йў-ўқ! Бу ерда бир гап бор. Атайлаб, бизга ўхшаган туристларга кўз-кўз қилиш учун очиб кўйган бу дўконни! Мени анойи деб ўйлаяпсанми? Қани, сот мард бўлсанг! Ўслимга жинси олмасам-олмабман!

— Саша! — дедим ҳовлиқиб, — қоғозинг борми?

— Нимайди? — Сашавой киссасидан ён дафтарчани чиқарди.

— Очирид! Гражданлар, очирид! — Сашанинг қўлидан дафтарчани юлқиб олиб, ёза бошладим. — Мен биринчиман. Саша — иккинчи. — Ҳаяжонланиб кетганимдан ўзбекча, русча, инглизча сўзларни аралаш-қуралаш қилиб, бақиравердим: — Гражданлар! Очиридга туринглар! Менга пишлоқ керак! Банан! Кокос ёнғоғи! Келаверинглар! Учинчи ким, учинчи? Фақат илтимос, тартиб сақлансин!

Бир маҳал қарасам, Сашавойнинг кўзи ола-кула бўлиб кетяпти, нуқул қорнини лиқиллатиб, ҳансирайди. Тили калимага келмайди. Калта юбка кийган қиз югуриб келди.

— Хэлло, сэр! Ким сизни ранжитди? Марҳамат, ичкари киринг! Э кап офф кофе, плиз...

Сашавой шундагина тилга кирди.

— Но, миссис, но, — деди ясама табассум билан. — Бу сэр ўзи шунақа... Ҳазилкашроқ...

Судрагудек бўлиб, кўчага олиб чиқди.

— Эсинг жойидами? — деди қизариб-бўзариб. — Одамни шарманда қилдинг-ку!

— Нега шарманда қиларканман? Озиқ-овқат программасини ёзмасдан туриб, қаёқдан топиби шунча нарсани? Ҳаммаси ёлғон!

— Ўғлингга шим олмоқчимисан? — Сашавой чукур хүрсинди. — Бер, ўша долларингни! Юр бу ёқقا! Фақат, илтимос, энди күчада пойлаб турасан.

На илож?! Күндим... Ишонсангиз, тўрт қаватли эмас, беш қаватли эмас, ўттиз қаватли супермаркет олдида тўхтадик. Сашавой „шу ерда қимириламай тур“, деди-ю, ичкари кириб кетди. Ростини айтсам, узоқ кутганим йўқ. Сашавой чиройли „салапан“ қопчиқ кўтариб чиқди.

— Ма! Қирқ саккизинчи размер. Сдачини ол: тўрт доллар. Кетдик энди. Группа бошлигидан балога қолиб юрмайлик!

— Қаёқقا кетамиз? — дедим мазахўрак бўлиб. — Хотинимга кўйлак олмаймизми?

Сашавой кўзимга тикилиб турди-турди-да, ҳасрат аралаш уф торти. (Назаримда, қорни ҳам пучқайиб қолгандек бўлди.)

— Қайси аҳмоқ сенинг тўрт долларингга яхши кўйлак беради?

Баланд келдим.

— Бўлмасам, хотинимнинг олдига икки қўлимни бурнимга тиқиб бораверайми?

— Э-э, бошга битган бало бўлдинг-ку! Юр-чи, шу атрофда комиссион дўкон бор эди. Юриб-юриб бир дўконга кирдик. Дўмбоққина сотувчи қиз югуриб келиб, салом берди.

— Гуд ивнинг, сэр! Виски, кофе?

Вискига бало борми? Матоҳингни кўрсатмайсанми?

Ажаб, ҳайҳотдек дўконда харидор йўқ. Япон телевизори, Жанубий Корея магнитофонлари, япон камералари. Ҳайрият, латта-пугталар ҳам бор экан. Мана, ўша кўйлак! Худди хотиним орзу қилгани! Бежирим, гулдор! Биз томонларда камида икки юз сўм туради! Тепасига ўн доллар деб ёзиб қўйибди. Инглизчани қойил қилишимни билдириб қўйиш учун сўрадим:

— Хау мач даз ит кост, неча сўм туради?

— Тэн доллар.

— Тэн доллар эмиш! Ўн долларим бўлса, сенга яли-

ниб ўтиармидим. Магнитофон олиб қўя қолмасмидим, аҳмоқ? Қарасам, хонимча қўйлакни қопчиққа солиб, қўлимга тутқазяпти.

— Но! Но! — дедим ваҳимага тушиб. — Ай хэв но тэн доллар. Менда тэн доллар йўқ!

Шовқин-суронни эшитиб, ичкаридан сумакдек найнов йигит чиқди. Савдо ходимини (ие, кечирасиз, миссис — бизнесменни) нега хафа қиляпсан, деб қулоқ-чаккамга тушириб қоладими, десам, йўқ, азза-базза салом бериб, қўлини чўзяпти!

— Сенъкю сэр! — дедим жон ҳолатда. — Менга кўйлак но! Орага Сашавой тушди. Кўйлак ўн долларга қимматлик қилишини айтди.

— О-кей! Севен доллар! — капиталист илжайди.

— Но! Но!

— Сийкс доллар!

— Но, керакмас, менда олти доллар йўқ, ай хэв онли фо доллар, фақат тўрт доллар! — дедим тўртта бармоғимни диккайтириб.

— О кей! — капиталист тағин қўлимни қисди. — Майли, ҳозир фо доллар, қолганини эртага ташлаб кетасиз.

Қўрқиб кетдим.

— Но-о-о! — дедим тажанг бўлиб. — Биз эртага учиб кетамиз. Ай вонт ин хоум. Уйга! Тю-тю-тю!! Советюнион! Москай!

— О-о-о! Советюнион! Сувенир, сэр, сувенир!

Қарасам, кўйлакни қўлтиғимга қистирияпти. Садақа қиляпти, шекилли??

— Но! — дедим ер тепиниб. — Но! Хоҳласанг фо доллар. Хоҳламасанг, катта кўча! Бунақа кўйлаклар бизда твенти цент — йигирма тийин туради, тушундингми?

— О-кей, сэр! Фо доллар... — капиталист дўстона илжайди. — Кофе, виски?..

Фирибгар! Ўзинг тўрт долларга жон деб турган экансан-ку, тағин олифтагарчилик қиласан!..

Эртасига сахарлаб она юрт томон учдик. Самолётдан тушишим билан жонажон Москванинг қор аралаш

мусаффо ҳавосини тўйиб-тўйиб симирдим. Оҳ-оҳ-оҳ! Қандай мазали! Қандай муаттар! Хаёл суриб турсам, кўк шапка кийган аэропорт ходимаси елкамга туртди.

— Эй, кишлак! Сенга алоҳида таклиф керакми? Чиқ автобусга!

Бор экансиз-ку, опажон! Бир ҳафтадан бери ўнг елкам қичишиб юрган эди, ўзи! Меҳмонхонанинг эшигига „Жой йўқ“ деб ёзиб қўйилган бўлса-да, бизга жой топилди. (Хар қалай мусофири юртдан мозор босиб келяпмиз.) Анкета тўлдирдик. Кимсан? Нимасан? Қаерда яшайсан? Қаердан келдинг? Нима учун борган эдинг? Бу ерда қанча бўласан? Қачон кетасан? Нимага кетасан?

Жонажон саволларни шунчалик соғиниб қолган эканманки, анкетани узоқ, завқ билан, чиройли ҳуснинат билан тўлдирдим. Мундай қарасам... Жомадонимни... Ё алҳазар! Шундоққина оёғим остида турган эди-я! Майли, садқайи сар! Қази еб бўлинган! Бўғирсоқни Сашавой билан баҳам кўрганмиз. Соқол машина уйдаем бор! Бир кун соқол олмасак... Бирор кўёв қиласмиди бизни! Фақат жинси шим билан хотинимнинг кўйлаги... Майли, буниям яраси осон. Эртага ГУМга кирамиз... Харид қиласмиз...

Магазин дегани бундоқ бўпти-да! Уч юзтacha одамдан кейин навбатга турдим. (Бор экансан-ку, акагинанг айлангур очирид!)

— Охири сизми? — дейишим билан лаби бўялган хотин бобиллаб берди:

— Ҳа, нимайди? Қоп кўтариб келгандирсан? Жонга тегди булар! — Юзи тиришиб кетган чол оёқ-кўли асабий қалтираб чийиллади. — Мешочниклар! Нима кўрса ташмалаб кетади. Биз, москваликларга нима қолади?

Тўғри айтяпти! Қийин шуларга! Тулалик ўзи тайёрлаган колбасани Москвадан олиб кетса, ярославллик ўзи ишлаган пишлоқни Москвадан харид қиласа, дўппи кийган ўзбек ўзи эккан пахтадан тикилган шимни Москвадан сотиб олса? Олис чет элдан олиб келинганини жонажон пойтахтда бирор „шмон“ қилиб кетгани билан кимнинг иши бор? Ўзингга эҳтиёт бўл! Жомадонингни бутингга қистириб, устига миниб ол!

Уч юз киши бирдан гапирса, ғалати бўларкан. „Мешочник“ бўлдим, „азиат“ бўлдим, „приписчик“ бўлдим, „басмач“ бўлдим... Чидадим. Начора, айб ўзимда! Жомадонимга ҳушёр бўлсам-ку...

Икки соатчада омон-эсон ичкари кириб олдим. Мана ўша шим! Жинси! Ранги ҳам ўша, бичими ҳам. Тўғри, чоклари жиндай қийшиқроқ, баҳоси жиндай баландроқ... Нима қипти? Этикеткасини олиб ташлаймиз. Кейин, учинчи қаватга чиқиб, яна бирон соат очирид турсам, хотиннинг кўйлаги ҳам...

Кассага югурдим. Шапалоқдек олтин балдоқ тақсан қизалоқ узатган пулимни нари сурди.

— Паспорт!

— Нима?

— Паспорт! Московская прописка!

— Ахир мен Москвада...

— Ўтинг, гражданин! Следующий!..

Домодедово деган аэропортда самолётимиз жиндек кечикди. Аввал бир соатга, кейин уч соатга, ундан кейин етти соатга... Ростини айтсам, диктор қизга ачиниб кетдим. „Фалон рейс билан Тошкентта учадиган самолёт...“, деб қайта-қайта гапиравериб оғзи қуруқшаб кетди, ўйрликнинг!

Палакатни қаранг! Самолётга чиқсан заҳоти тугмачани босишга бало бормиди! Ҳалиям чет элда юрибман, дедим шекилили. Илжайдим.

— Миссис! Иложи бўлса чой... Совқотиб кетдим...  
Плиз...

— Нима? — Стюардессанинг қоши чимирилди.

— Ким „плиз“?

— Миссис, — дедим ялиниб. — Иложи бўлса битта чой.

Плиз... Марҳамат...

Стюардесса ўсиб кетган соқолимга, бошимдаги дўпимга тикилиб турди-да, ажиб бир табассум ҳадя этди.

— Балким кофе ҳам сўрарсиз! Тасмани тақинг, гражданин!

Капитализмнинг касали тез юқаркан-да! Стюардессанинг жаҳли чиққанини-ку кўриб турибман. Че-

кишни ким қўювди менга! Ўша заҳоти тепамда пайдо бўлди.

— Гражданин! — деди лаблари гезариб. — Ҳозир самолётдан улоқтириб юбораман!

Ҳайрият! Улоқтириб юбормади. Бир соатдан кейин самолёт радиосидан баджаҳл стюардессанинг мулойим овози янгради:

— Ҳурматли пассажирлар! Тайёр бўлиб туришингизни сўраймиз. Ҳозир сизларга прохладительний напиток берилади!

Стюардесса қанча баджаҳл бўлса, шунча меҳрибон экан. Биз ҳам бир стакан „прохладительний“ сувдан, жиндак қарироқ, жиндак чандирроқ бўлсаям оч қорин билан йиғлаб кўришадиган товуқ оёғидан бенасиб қолмадик. Тошкентда эса каминани айрича иззат-икром билан кутиб олишди. Бир эмас, иккита милиционер!

Тушунадиган болалар экан. Атиги эллик сўм жарима солиб, қўйиб юборишид...

Мана энди туппа-тузук мусулмон бўлиб ўтирибмиз. Яхшиям мусофири юртига борганим... Мактаб-чи, дейсизми?

Районодан хат келибди. Директоримиз ётиғи билан тушунтириди. „Самолётда безорилик қилибсиз. Чекибсиз! Педагог ҳам шунаقا бўладими? Соқол олмасангиз, хизмат бурчини бажараётган аэрофлот ходими ни „плиз“ деб ҳақорат қиласангиз... Биламиз, сиз яхши ўқитувчисиз. Лекин... Бунаقا одам мактабда ишласа... Ёшлар тарбиясига... Мениям ўйланг! Тобуткашмиз... Кўз-дек қўшнимиз. Мендаям бола-чақа бор“.

Ростини айтсан, директор шўрликка ачинганимдан йиғлаб юбордим. Ҳозир ота касбини қиляпман — сандиқчиман. Топиш-тутишим ёмон эмас. Ойига учта сандиқ ясасам, аввалги маошимдан тўрт ҳисса кўп пул бўларкан... Ўша стюардессани кўриб қолсам, яна бир марта „плиз-и-из!“ деб қўймоқчиман! Шояд ишларим янаям юришиб кетса!

1987 й.

## ТЕЛПАК

**А**гар „палакат босиб“ ёзувчи бўлмаганимда, албатта милиция ходими бўлардим. Ўзи болалигимдан орзуим шу эди... Майли, ҳозир гап бунда эмас. Бу воқеага кўп йиллар бўлди. Ўшанда арзимас нарса учун „шонли совет милицияси“ нинг фидойи старшинасини шунчалик ташвишга солганимдан ҳамон хижолатдаман. Аслида-ку айб менда эмас, „Пўнчикда!“

...Ўша куни мукофот пули олмасак, „Пўнчик“ мукофотни „ювамиз“ деб тиқилинч қилмаса, шунча ғалва йўқ эди.

Шундай қилиб, лойиҳа институтининг „уч оға-ини ботирлари“, яъни Бобур — „Пўнчик“, Ботир — „Тараша“ ва Баҳром, яъни мен — лақабимни айтмай қўя қолай, иссиққина қаҳвахонага кирдик. Бурчакдаги илгичга кийимбошларни ечиб, сосиска едик. Биттагина „Портвейн“ни бўшатдик.

— Энди менга жувоб! — деди Бобур лунжини юмронқозиқдек тўлдириб сосиска чайнаркан. — Дишишкани боғчадан олмасам, ўртоқ хотин ўлдиради!

Зум ўтмай кийиниб келиб, яна тепамизда пайдо бўлди.

— Ма, эҳтиёт қил! — деди банди елим қофоз билан яマルган каттакон папкамни стол тагига тиқиб. — Анави ерда бегона кампания ўтирибди. Илиб кетмасин тағин!

„Пўнчик“ пишиқ-да! Калласи ишлаганини қаранг.

„Тараша“ бир зум хаёл суриб ўтириди-да, сийрак кипприкларини пирпиратди.

— Эшитиб кўр-чи, қорнимдан йифламсираган товуш келмаяптими?

— Келяпти! — деди илжайиб. — Меникидан ҳам келяпти. Бояги вино зерикиб қолди, шеригини чақиряпти.

Ҳай, „йигирма олтинчиси“дан яна биттагинасини „отдик“. Қорин тўқ — қайфу йўқ... Илгич олдига борсак, телпагим йўқ! Пальто бор. Шарф бор, фақат телпак йўқ. Янгигина, иссиққина телпагим! Илгич атрофини

қарадик, бўм-бўш бўлиб қолган столларнинг тагигача ўрмалаб чиқдик: йўқ! Тамом-вассалом!

Тарвуз қўлтиқдан тушиб, ташқари чиқдик. Қулоғим шунағанги музлаб кетдики, чертсангиз жиринг этиб синиб тушадиган. Ҳалиги кайфдан асар қолмади. Буни қарангки, эллик қадам юрмай тепасида неон чироқ ёниб турган „оперпункт“ рўпарасидан чиқиб қолдик. Ҳар куни шу ердан ўтиб эътибор бермаган эканмиз.

— Бўлди! — деди Ботир тарашадек гавдасини фоз тутиб. — Телпагинг топилади! Мана, милиция топиб беради!

Каталакдек хона тўридаги столда ўтирган старшинанинг важоҳатини кўриб бақа бўлиб қолдим! Тўланбой полвон унинг олдида боғча бола! Ҳар елкасига иккитадан одам ўтиrsa чирпирак қилиб ташлайди! Юзлари қип-қизил. Соқол олаётгандан бехосдан тиф тегиб кетса, камида бир ярим литр қон оқса кераг-ов!

— Киравер! — деди „Тараша“ далда бериб. Кейин гапни совутмай старшинага мурожаат қилди. — Ўртоқ начальник! Жиноят содир бўлди. Ўғирлик!

Старшина чарчаганми, уйқудан қолганми, хузур қилиб обдан эснади. Этак томондаги лиқилдоқ курсиларга имо қилди.

— Т-а-ак... — деди кўзидан оқсан мўлдир-мўлдир ёшларни артиб. — Т-а-ак...

— Ўртоқ начальник... — Ботир тагин гап бошлаган эди, старшина рапидадек кафтини кўтарди.

— Пастрадавший ким?

— Манаву! — Ботир менга имо қилди. — Ярим соат олдин...

— Минуточку, гражданин! — деди старшина анчайин кескин оҳангда. — Пастрадавшийнинг ўзи гапирсин!..

Ҳаммасини айтиб бердим. Бир бошдан. Қўрқибгини... Старшина тоқат билан эшитди. Кейин стол тортмасидан қофоз олди.

— Т-а-ак, энди бошлаймиз! — деди тантанавор алфозда. — Фамилиянгиз?

Айтдим.

— Исмингиз?

Айтдим.

— Иш жойингиз?

Айтдим.

— „Полингиз?..“ Ҳа, тушунарли... Вазифангиз?

Айтдим.

— Уй адресингиз?

Айтдим.

— Оиласвий аҳволингиз?

Унисиниям айтдим.

— Бобонгиз нима иш билан шугулланган?

— Билмайман, — дедим ҳайрон бўлиб.

— Нега билмайсиз?

— Унда мен йўқ эдим.

— Харашо. Аввал судланганмисиз?

— Йўқ.

— Қандай мукофот олгансиз?

— Э, кўп олганмиз! — дедим мақтаниб. — Бугун ҳам олдим. Ўттиз уч сўм. Квартальний мукофот!

— Унисини сўраётганим йўқ! — деди старшина аса-бийлашиб. — Сайлланганмисиз?

— Бўлмаса-чи! Месткомда хазинабонман.

— Уф-ф! — Старшина қоғоз қиртиллатавериб чарчаб кетди шекилли, каттакон рўмолча билан пешанасини артди.

— Итак, нима бўлди? — деди кўзимга тикилиб. — Бир бошдан айтинг.

Ҳайрон бўлиб гоҳ унга, гоҳ Ботирга термилдим.

— Айтиб бердим-ку ҳаммасини.

— Гражданин Баҳром Холмирзаев... — у қўлидаги қоғозга қараб олди. — Тўис... Холмуродов! Бояги айтганларингиз оғзаки гап. Буниси — документ! Айтинг-чи, пастрядавший Холмирза... Тўис Холмуродов, қайси стадия?

Капалагим учиб кетди.

— Қанақа „статья?“

— Статья эмас, стадия! — деди старшина жеркиб-роқ. — Исклерозингиз нечанчи стадия?

- Қанақа склероз?
- Исклероз бўлмасангиз телпакни нега йўқотасиз?
- Йўқотгани йўқ, ўғирлатди, — деди Ботир тушунтириб.
- Минуточку, гражданин! — деди старшина. — Пастрадавшийнинг ўзи гапирсин! — Кейин бир зум ўйланниб қолди. — Харашо! Қайси кафега кирдингиз?
- Мана шу, — дедим чайналиб. — Эллик қадам наридаги...
- Оти борми ўша кафенинг?
- „Лаззат“.
- Қайси кўчада жойлашган?
- Мана шу кўчада. Ҳов ана, чироги кўриниб турибди, ўртоқ лейтенант.
- Лейтенант деганим ёқди шекилли, старшина анча юмшади.
- Кўчанинг номини сўрасам, бу чироқни гапиради, — деди нолиб. — Одамларга ҳайронсан, қаёққа борганини ўзи билмайди-да, тағин претензия қиласди! Итак, кафега кирдингиз... Кейин-чи?
- Шу... Ечиниб, кийимларни илгичга илдик.
- Қайси томондайди?
- Нима „қайси томонда?“
- Вешалка!
- Бурчакда, чап томонда.
- Нега чап томонда?
- Ҳайронман.
- Нимадан ясалган?
- Хеч балога тушунмадим.
- Нима, „нимадан ясалган?“
- Вешалкани сўраяпман! — деди старшина аччиқланиб. — Нимадан ясалган? Ёғочми, темирми?
- Темир! — дедим ишонч билан.
- Илгаги нечта эди?
- Қаранг, шунисига эътибор бермаган эканман.
- Эсимда йўқ.
- „Эсимда йўқ“ эмиш... Телпакни қайси илгичга илган эдингиз?

- Бунисиям... — дедим баттар эсанкираб. — Эсим-дан чиқибди, ўртоқ лейтенант.
- Старшина бу гал ҳам юмшади.
- Харашо... Кейин-чи?
- Шу ... Овқат едик.
- Қанақа овқат?
- Сосиска.
- Неча порса?
- Мен бир порс, манаву бир ярим...
- Шеригингиз ўзи учун жавоб беради... Итак, қанча ўтиридингиз кафеда?
- Бир соатча.
- Тиш дўхтирга қатнаб турасизми?
- Нимайди? — дедим ҳайратланиб.
- Саволни мен бераман, пастрадавший Холмирза...
- Тўис, Холмуродов! Тишиңгизнинг мазаси йўқми?
- Йўғ-е, тишим бутун.
- Тиши бутун одам тўртта сосискани бир соат ейдими?
- Очирит қўп экан, — дедим ёлғон гапириб.
- Хўп, кейин нима бўлди?
- Кейин... Кийинаман деб бундоқ қарасам, телпагим йўқ!
- Харашо, — деди старшина бир қадар енгил тортиб. — Телпагингиз қанақа эди?
- Шу... Телпакдака телпак...
- Оти нима ўша телпакнинг: кубанками, ушанками?
- Анавинга ўхшаган, — деб Ботир тиззасига қўндириб ўтирган телпакка имо қилдим.
- Старшина яна узоқ қофоз фиртиллатди.
- Қачон сотиб олган эдингиз?
- Елка қисдим. Худо ҳақи, телпакни қачон олганим паққос эсимда йўқ экан.
- Уч йилча бўлди, — дедим дудмал қилиб.
- Бизга конкретний гап керак, — деди старшина норози оҳангда. — Аниқ айтинг!
- Уч йил бўлди! — дедим таваккал қилиб.
- Қайси пайтда?

- Тушунмадим, — дедим күзимни пирпиратиб.
- Нимани тушунмайсиз? — старшина юзимга синчковлик билан тикилди. — Ёзда олганмисиз, қишдами?
- Қиши эди!
- Соат неча эди?
- Пешинга яқин.
- Аникроғи?
- Ўн икки ярим! — дедим иккиланмай.
- Ҳаво қанақа эди?
- Нима?
- Ўша пайтда, яъни бундан уч йил аввал — йигирманчи январь куни кундуз соат ўн иккидан ўттиз минут ўтганда, телпак сотиб олаётганингизда об-ҳаво қанақа эди?
- Эсимда йўқ, — дедим тан олиб.
- Нега эсингизда йўқ? — деди старшина күзимга боягидан ҳам синчковроқ тикилиб.
- Э, бўлди! — дедим ёдимга тушиб. — Гупиллатиб қор ёғиб турганди.
- Яхши! Текшириб кўрамиз. — У бир зум сукут сақлади. — Неча сўмга олган эдингиз?
- Телпакними?
- Пальтони сўраётганим йўқ-ку! — деди старшина энсаси қотиб.
- Қаранг, буниси ҳам хаёлимдан кўтарилиган экан.
- Индамай ўтирганимни кўриб, старшина баттар тувақди:
- Ҳеч бўлмаса, қаердан олганингизни биларсиз?
- Биламан, — дедим ҳозиржавоблик билан. — Бозордан олганман!
- Старшина уф тортди.
- Магазин тўла телпак, будар бозорга югуради!
- Қайси бозордан?
- Эски жўвадан.
- Кимдан олгансиз?
- Биттасидан.
- Аниқ гапиrint! Ким экан ўша телпакфуруш?
- Қаёқдан билай.

— Одамларга ҳайронсан. Мол олади-ю, кимдан олганни билмайди.

Телпак соттган одам эркакми, хотинми?

— Эркак эди, — дедим жонланиб.

— Алоҳида белгиси бормиди?

— Ниманинг?

— Ниманинг эмас, кимнинг! — деди старшина хубоби ошиб. — Телпакфурушни сўрайапман!

— Бор эди! Бошига бир эмас, учта телпакни устмавуст кўндириб олган эди.

— Телпакни ўша одамдан олганингизга гувоҳингиз борми?

— Йўқ, — дедим ростини айтиб.

— Шунаقا-да! — старшина надомат билан бош чайқади. — Ҳозир кўрсангиз танийсизми?

— Телпакними?

— Телпакфурушни! — деди у тоқати тоқ бўлиб. — Кейин бир қадар жаҳлдан тушди шекилли, осойиштароқ сўради. — Астари қанақа эди?

— Нима?

— Телпакнинг астари қанақа эди? Кўкми, қорами, қизилми?

Ўлай агар, телпакни шунча кийиб, астарига қарамаган эканман.

— Эсимда йўқ, — дедим бўشاшиб.

Старшина хўрсинди.

— Одамларга ҳайронсан. Кийим кийишни билади-ю, рангига қарамайди. Алоҳида белгилари бормиди?

— Телпакфурушнингми?

— Телпакнинг!

Нажот кутиб Ботирга қарадим.

— Бор эди! — деди „Тараша“ ўтирган жойида бир қимирлаб. — Чап қулоқчини қийшиқроқ эди. Куядори ҳиди келиб турарди.

— Малчите пажалиста, гражданин! — Старшина жўвадек бармоғини қўтариб, пўписа қилди. — А, вапше, — деди хафсаласи пир бўлиб, — битта гувоҳ инобатга ўтмайди. Камида иккита керак. — Кейин менга юзланди. — Мўйнаси қанақа эди?

Эсанкираб қолганимдан саволини яхши тушунмадим.

— Нега анграясиз, пастрадавший? — У қошини чимирди. — Қанақа мўйна эди? Норками? Қоракўлми, андатрами?

— Қуён эди.

— Алоҳида белгиси бормиди?

— Телпакнингми?

— Қуённинг! Қуённинг ранги қанақа эди?

— Кулранг эди!

— Эркакмиди?

— Телпакфурӯшми?

— Қуён! — деди старшина ростмана бўғилиб. — Қуён эркакмиди, урғочими?

Боядан бери чидаб ўтирган „Тараша“нинг тажанглиги тутиб кетди шекилли, шартта ўрнидан турди.

— Хунаса! — деди қўлини пахса қилиб. — Хунаса қуён эди! Бир оёғи чўлоқ эди! Бир кўзи филай эди!

— Гражданин! — старшина чаққонлик билан ўрнидан туриб устимизга бостириб қела бошлади. Аммо хона ўртасида таққа тўхтаб қолди. Баркашдек юзининг марказида кўриниб-кўринмай турган тутмачадек бурни қимирлаб кетгандек бўлди. Ҳавони бир-икки ҳидладида, ғолибона илжайди. — Йигирма олти! — деди тантана билан. — Йигирма олтинчи портвейн! — гурс-гурс юриб бориб, стол устидаги телефон гўшагини юлқиб кўтарди. — Алё, ҳушёрхонами? Оперуполномочиний Эшбоев гапиряпти...

— Қо-о-оч! — „Тараша“ шунақанги чинқирдики, хона жаранглаб кетди. — Қочиб қол! — деди-ю, ўзини эшикка урди. Оёғим остида ётған папкамга чанг солиб, мен ҳам кетидан ташландим.

...Атрофи гарбил тахта билан ўралган, зилзиладан кейин қайта қурилаётган аллақандай бино тагига етгандада нафасимизни ростлаб олдик.

— Ҳафа бўлма, ўртоқ, — деди Ботир фарч-фурч қоркечиб бораркан. — Бошинг совқотган бўлса, менинг телпагимни кийиб кета қол...

— Э, йүқол! — дедим алам билан...

Уйга келишим билан келинингиз чиройли табас-  
сум ҳадя этди:

— Телпагингиз қани?

— Ие, тушиб қопти! — дедим бош яланглигим эн-  
ди эсимга келгандек сочимни чанглаб.

Келинингиз боягидан ҳам чиройлироқ жилмайди.

— Бошингиз тушиб қолмадими ишқилиб?

Эртасига „Пўнчик“ одатдагидек ишга кечикди.  
Ботир билан кечаги ҳангомани эслашиб ўтирасак, ко-  
тиба қиз Гуличка эшикдан мўралади.

— Сиз! — деди менга қўлинни бигиз қилиб. — Дирек-  
торга! Срочно!

Юрагим така-пуга бўлиб кирсам, директор тажант  
бўлиб турган экан.

— Кеча нима хунар кўрсатдингиз? — деди чимирилиб.

Энди оғиз очмоқчи эдим, жеркиб берди.

— Ўн беш сутка ўтиришни хоҳламасангиз манави  
жаримани тўлаб келинг. Эллик сўм! — шундай деб алла-  
қандай қофозни юзимга улоқтириди. — Ичадиган — булар,  
балогардон — мен!

Хонага қайтиб кирсам, „Пўнчик“ энди келиб тур-  
ган экан.

— Нима бўлди? — деди Ботир иккови бараварига.

— Ўл бўлди, дард бўлди! — дедим бақириб. — Сен,  
ярамас „Пўнчик“ кафега судрамассанг, телпагим йўқол-  
масди... Телпагим йўқолмаса...

— Телпак? — Ботирнинг лунжи шишиб кетгандек  
бўлди. — Папкангни очиб кўр-чи?

Ҳеч балога тушунмай, каттакон папкамни очдим.  
Қай кўз билан кўрайки, телпагим бир қулоқчини қий-  
шайиб илжайи-и-иб ётиби! Алам билан „Пўнчик“нинг  
ёқасига ёпишдим. Лўппи юзи тандирдан янги чиққан  
нондеқ қизариб кетди.

— Қўйвор! — деди ҳансираб. — Кеча бегоналар илиб  
кетмасин деб папкангга солиб қўйгандим. Яхшиликка  
ёмонликми, „Чурук папка!“

Ана холос! Баҳонада менинг лақабимни ҳам билиб  
олдингиз.

## ДОМЛАННИГ АЙТГАНИНИ ҚИЛ...

Телевизорда маза қилиб футбол күраётган эдим, эшик құнғироғи жириңглаб қолди. Күча эшикни очдим-у, күзларимга ишонмай бирпас туриб қолдим. Бир вақтлар мактабда зоологиядан ўқитган домламиз Очил Оқилович жилмайиб турибди.

Қаранг-а, ўзгармабди. Юм-юмалоқ қорни, йүгон бүйніга ярашиб тушган ажиб бақбақаси — ҳаммаси ўша-үша.

— Мана, сиз бормасанғыз ҳам биз келдик. Шунақа әкан-да, кичкиналарни катталар йўқладиган бўпкеттан ҳозир!

Ростини айтсам, шунча йиллардан бери домламни бирон марта йўқламаганимга уялиб кетдим. Устозим ичкари киргунча мени койиб келди.

— Институтни битирдингиз, биолог бўлдингиз, шу домлам менга сабоқ берган эди-ку, деб бирон марта зиёрат қилмадингиз. Диссертация ёқладингиз, банкетингизга таклиф этмадингиз. Ҳа, энди домлангиз хаёлингиздан кўтарилганда-а! Тасанно! Тасанно!

Нима ҳам дердим, айб ўзимда. Узр сўраган бўлдим.

— Кечирасиз-да, домла... Хизматчилик, иш тифиз, уст-устига командировка...

Очил Оқилович бошини ликиллатиб қўйди-ю, индамади. Уйга киришимиз билан домлам телевизорга имо қилиб, тагин дашном берди:

— Анавини дарров ўчиринг, ука!

Ҳайрон бўлиб, домлага қараб қолдим. Футбол бўлмаса ҳам гўргайди! Ўзимни эшифтмаганга солиб, талмовсирадим.

— Қани ўтирсинлар, домла, ўтирсинлар...

— Аввал анави дилбузарни ўчиринг, ука!

Меҳмон бир нима деганидан кейин гўрни финг дейсанми, ўчира қолдим.

Очил Оқилович мамнун бош силкиди.

— Баракалло! Домлангиз бир нима деганида дарров хўп денг. Билиб қўйинг, телевизор деган матоҳ хоти-

рани сусайтиар экан. Яқинда чет эллик бир олим текшириб кўрибди: ультрабинафша нурлар кўз орқали ўтиб, мияни суюлтириб юборармиш!..

Нимаям дердим. Бўлса бордир.

Келинингиз эшикдан мўралади.

— Кўк чой дамлайми, қора чойми?

— Домла нима десалар шу, — дедим меҳмоннинг кўнглига қараб.

— Ҳеч қанақаси керакмас! — домла зардали қўл силтади. — Дунёда энг кўп чой ичадиган халқ қайси, биласизми?

Қаранг, шунисидан бехабар эканман.

— Инглизлар! — деди домла комил ишонч билан. —

„Правильное питание“ деган журнални ўқийсизми, ҳеч? Ўшанда бир инглиз тадқиқотчисининг ўзи ёзган. Жаҳонда исклероз билан энг кўп касалланадиган халқ инглизлар экан. Ёши эллиқдан ўтганлар адашиб қолса, бошқалар йўл кўрсатиб юбориши учун бўйнига адресни осиб юаркан. Мен ҳам чой ичмай қўйганимга саккиз йил бўлди. Нукул доғ сув ичаман. Худога шукур, хотирам булоқ сувидек тиник!

Буфетдан бир шиша конъяк олиб ийманиброқ ўртага қўйдим.

— Зинҳор-базинҳор! — Очил Оқилович кўзларини чирт юмиб олганча бош чайқади. — Мана шу қургур хотиrани, айниқса, сусайтиради-да! Япониялик бир олимнинг ёзишича ўттиз йил арақ ичган одам ўзининг отини ҳам унугиб қўярмиш.

— Шундоқ-ку, домла... Энди сиз билан биз муттасил эмас, ойда-йилда бир марта...

Домлам аввал шишага, кейин қадаҳларга қараб қўйди-да, секин уф тортиб, кўзларини сузди. „Ҳайрият, рози бўлди“, дедим ичимда.

Чўкиштириб ичдик.

Учинчи қадаҳдан кейин келин ўртага ош келтириб қўйди.

— Қани, домла, бошласинлар... — дедим тавозе билан.

Очил Оқилович бир ошам олди-ю, афти буришиб кетди.

— Бай-бай-бай! Тузи мунча баланд!

— Йўғ-е... — дедим бўшашиб. Бир-икки ошам еб кўрдим. Йўқ, нозаниндан ош!

— Польшалик олимнинг мақоласидан хабарингиз йўқми? Ўзи олим экан-у, ошпазлик қиласкан... Ана ўша ошпаз — олимнинг ёзишича, ош тузи хотирани, айникса, сусайтиарсан, — деди домлам қўлини арта туриб. — Айтишларича, Арасту бир умр туз емаган экан. Тузни иложи борича камроқ ишлатинглар. Мен пенсияга чиққанимдан буён тузсиз овқат ейман.

„Вой-бў! — дейман ичимда, — хотирамни сусайтирамай деб очимдан ўламан шекилли энди!“

Барibir, меҳмонинг овқатга қўл урмаганидан кеинин қандоқ қилиб ўзинг ейсан? Йифиштириб қўя қолдим. Келин лаганни олиб чиқиб кетаётганида худди ҳаммасига хотин айбдордай чунонам ўқрайдимки, бир қошим нақ сочимга бориб етди, чофи...

Ярим кечагача у ёқ-бу ёқдан гурунглашиб ўтиридик.

— Энди бизга рухсат! — Очил Оқилович ҳай-ҳайлашимга қарамай ўрнидан турди.

Йўлакка чиқдик.

— Бир пой пайпоғим кўринмайдими? — домлам туфлисини титкиларсан, пешанасини тириштириб менга қараб қўйди.

Эсхонам чиқиб кетди. Бу қандоқ бедодлик? Уйингга одам деб келган меҳмонни дурустроқ кутолмасанг! Қилган овқатинг оғзига ёқмаган бўлса, бунинг устига пайпоғи йўқолса!?

— Йўғ-е, — дедим атрофга аланглаб. — Пайпоқقا тегадиган ёш боламиз йўқ-ку! Ўзи қанақа эди?

— Қизиқмисиз? — Очил Оқилович ўнг оёғини баланд кўтариб кўрсатди. — Буниси қанақа бўлса унисиям шунақа-да? Ё икки оёққа икки хил пайпоқ кийиш мода бўлганми ҳозир?

Меҳмон кутмай ҳар нима бўлай! Йўлакнинг бурчак-бурчакларини, айвонни, ҳатто газплитанинг таги-

гача титкилаб чиқдим. Йўқ! Домланинг пайпоги ерда ҳам, кўқда ҳам! Келин ичкаридан янги пайпоқ кўтариб чиқди.

— Мана буни кия қолинг, домла!..

— Керакмас! — Очил Оқилович оғриниб қўл силкиди. — Ўзимнинг пайпогим дуруст. Невара келин туширганимизда қудам совға қилган эди...

Очил Оқилович совуққина хайрлашиб жўнади. Эртага пайпоқни албатта топиб қўйишга ваъда бердим. Домлам эшикдан чиқиб кетиши билан келинга заҳримни сочдим.

— Ўлгудай бепарвосиз! Мехмон кутишни билмайсиз!

— Мен қаёқдан билай? — деди жигибийрони чиқиб. — Нима, мен домлангизнинг пайпогини киярмидим?!

— Эслаб кўринг! Балки шўр овқат еявериб, хотирангиз сусайиб қолгандир. Муттасил телевизор кўравериб миянгиз суюлиб кетгандир. Қаранг-чи, юваман деб бирон ёқقا отгандирсиз. Балки туфлисини артиб қўяётганингизда туширгандирсиз. Домланинг қанақа инжиқ одамлигини билмайсиз, ҳали!

— Кўрсам, айтмасмидим...

Хуллас, жанжаллаша-жанжаллаша ухлаб қолибмиз.

Тонготарда кўнғироқ овозидан уйғониб кетдим. Тавба, ким бу, бемаҳалда эшик қоққан?

— Ким? — дедим дарвоза олдига келиб.

— Мен, домлангизман...

Юрагим зирқираб кетди. „Пайпогига келган!“

Эшикни очдим. Фира-шира қоронғида Очил Оқиловичнинг жилмайиб турган чөхрасини кўрдим. Жон ҳолатда оёғига қарадим-у, қоронғида ҳеч нарса кўролмадим.

— Келинг! — дедим бўшашиб.

— Келдик... — Негадир домламнинг овози меникидан ҳам бўшашиброқ чиқди.

— Қани, уйга кирайлик, — дедим йўл бошлаб.

— Ҳа, йўқ... Кўяверинг... — домлам ярим йўлда тўхтади. — Биласизми, ука... Кеча оқшом... Бу ёқقا келаёт-

ганимда бир пой пайпогимни уйимга ташлаб, бир пойини кийиб келаверган эканман... Қидириб овора бўлманглар, деб айтгани келдим...

## ОСМОНДАН ТУШГАН ПУЛ

**Б**озор иқтисоди деган гаплар пайдо бўлган, пуллар ўзгариб турган пайтлар эди. Бир куни ишлаб ўтирасам, Ёзувчилар уюшмасидан қўнғироқ қилиб қолишиди.

— Сизга пулқоғоз кепти. Уюшманинг почта қутисида экан. Саид Аҳмад aka менга ташлаб кетдилар.

— Қанча экан?

— Ўн мингдан ортиқ!

(У пайтда ўн минг сўм катта пул эди.) Ишонқира-маган эдим, уюшма ходими астойдил ранжиди:

— Сизни алдайманми, aka? Мана, қоғоз қўлимда турибди-ку!

— Майли, эртага бориб оларман, — дедим ҳамон шубҳаланиб. Ростдан, шунча пул қаердан келиши мумкин?

Бир соатчадан кейин Саид Аҳмад aka қўнғироқ қилиди:

— Пулингни олдингми, болам?

— Эртага олмоқчиман. Шунча пул қаердан келишига ақлим етмай турибди. Саид Аҳмад аканинг аччиғи чиқди:

— Шу сенга проблема бўлдими?! Худо берганига шукур қилмайсанми? Мен қанақа сигарет чекишимни биласан-а?

— Биламан. „Родопи“.

— Маладес! Пулингни олсанг, менга сигарет олиш эсингдан чиқмасин.

— Хўп. Бир блок.

— Бекор айтибсан! Икки блок! Осмондан ўн минг тушиб турибди-ю, зиқналиқ қиласди. Курумсоқ!

Оқсоқол тўғри айтади. Ўн минг кичкина пулми? Балки бирон ерда китобим чиққандир. Ҳозир нима кўп, нашриёт кўп...

Кечқурун янгангиз ётиғи билан гап очди:

— Куз қелиб қолди. Неварадарга иссиқ кийим ол-  
масак бўлмайди.

Ўн минг лоп этиб хаёлимга келди.

— Оламиз! — дедим ҳозиржавоблик билан.

— Дишишкага этикча...

— Оламиз!

— Шоҳрухга пальто... — Оламиз!

— Ҳумоюнга... — Оламиз!

— Қудангиз тўй қиляпти. Кудачилик — минг йил-  
чилик...

— Тўёна берамиз! Беш-олти минг етар.

Янгангиз кўзимга хавотирланиб тикилди:

— Қарз оласизми?

— Нега қарз оларканман?

— Китобингиз чиқдими? — деди у қувониб.

— Шунаقا шекилли...

Эртасига паспортни киссага солиб, уюшмага бор-  
дим. Қўнғироқ қилган ходим қўлимга пулқоғоз тутқаз-  
ди. Ўн минг тўққиз юз саксон беш сўм! Ҳаммаси закон-  
ний! Муҳриям бор!

— „Ювамиз!“ — дедим ваъда бериб. Шўпирга ма-  
шинани Главпочтага ҳайдашни буюрдим.

— Маҳкамжон, — дедим ҳайдовчига, — анчадан бе-  
ри Чақарнинг лағмонига бормай қўйдик-а?

— Ҳа, — деди ҳайдовчи. — Лағмонни боплайди! —  
Бугун борамиз! Жигар кабобниям сайратворади, аза-  
мат!..

Почтанинг бешинчи дарчасига бориб, пулқоғоз-  
ни тўлдирдим. Почтачи қофозга қаради, паспортга қа-  
ради. Кейин стол тортмасидан фиштга ўхшатиб тах-  
ламланган пулларни олиб, шундоқ бурнимнинг таги-  
га, пештахтага териб қўйди. Ундан кейин чаққонлик  
билан эллик сўмликларни санай бошлади. У пул са-  
наяпти-ю, менинг хаёлим бошқа ёқда. Қудамизга тўё-  
на — беш-олти минг. Саид Аҳмад акага сигарет. Икки  
блок. Дишишкага этикча. Таги қалинидан. Шоҳрухга  
пальто... Ичи мўйналигидан. Ҳумоюнга кўйлакча. Ўнта.  
Уюшма ходимига арақ. Иккита. Чет элникидан...

— Ўн беш сўмингиз борми? — деди почтачи пулни санаб бўлиб.

— Саксон беш сўм қолаверсин! — дедим сахийлик билан. Тўгри-да, шуларгаям қийин. Кун бўйи бирорнинг пулини санайди. Бизга саксон беш сўм нима бўлти! Яна иккита эллик сўмлик бераман. Болаларига ширинлик олиб берсин. „Сникерс“ дейдими, ана ўшандан!

— Энди бланканинг иккинчи қисмига ҳам қўл қўясиш. — Почтачи шундай деди-да, стол четида турган кутичадаги қофозларни титкилашга тушди. Узоқ титкилади. Қайтиб келиб, гоҳ мен тўлдирган пулқофзга, гоҳ менга тикилиб қолди. Бирдан ранги ўчди. Пештахтага териб қўйилган тахламларни юлқиб олди-ю, шоша-пиша тортмага тиқди.

— Бу нима? — деди пулқофзни пештахтага қўйиб.

— Пулқофз, — дедим ҳайрон бўлиб.

— Қачон олдингиз?

— Бугун.

— Бу — сўм эмас, сўм-купон-ку! Мана, қаранг, — у пулқофзнинг муҳрини кўрсатди.

— Тўқсон тўртинчи йил биринчи мартда юборилган. Ҳозир бу — ўн сўм тўқсон тийин бўлади!..

Почтахонадан қандай чиққанимни билмайман. Машинага ўтиришим билан Маҳкамжон сўради:

— Лагмонга ҳайдайми? Абед ҳам бўпқолди ўзи.

— Ишхонага! — дедим зарда билан. — Бугун обед қилмаймиз. Эртагаям!

Пешиндан кейин Сайд Аҳмад ака қўнғироқ қилди:

— Менга сигарет опкўйдингми, икки блок?

— Опкўйдим! — дедим тўнғиллаб. — Икки отим нос! Оқсоқол негадир қиқирлаб кулди.

— Раҳмат! Шунаقا бўлишини билардим. Ўтган ҳафта мен ҳам Главпочтага борганман. Битта мен аҳмоқ бўлавераманми, сен ҳам аҳмоқ бўлгин, дедим-да, болам! — Бир зум жим қолди-да, қўшиб қўйди. — Хафа бўлма, болам, меники ўн етти минг эди!

## ЖАЗО

**С**из нима десангиз деяверинг-у, аммо мен биринчи апрелни ҳар йили байрам қиласан. Ўн йилдан буён.

Ўшанда ён қўшним бўларди. Битта „дом“нинг битта қаватида, битта деворнинг икки томонида яшардик. Ўлгудек фаламис эди. Бир куни деворга марҳум дадамнинг суратини илиб қўймоқчи бўлдим. Биласиз, бетон деворга мих ўтиши қийин. Амаллаб қоқиб қўйдим. Эртасига қарасам, деворнинг нариги томонидан бир қаричли мих туртиб чиқиб турибди. Қўшним менга қасдма-қасдликка мих қоқиб, алламбало сурат осиб қўйган бўлса керак. Ҳайит куни тўрт яшар ўғлим хурсанд бўлсин деб ўйинчоқ сурнайча олиб келгандим. Қўшним аллақайси коллежда ўқийдиган ўғлига ростмана карнай олиб берди. Кечаси билан ота-бала карнай чалишни машқ қилиб чиқишиади.

Кучаниб чалинса карнай фалати овоз чиқараркан... Оддий магнитофонимиз бор эди. Бир куни болалар овоздини қаттикроқ чиқариб қўшиқ эшигтан эканми, эртасига қўшним „музикальний центри“нинг карнайини бизнинг деворга қапиштириб, туни билан „рок-музыка“ қўйиб чиқди...

Ҳар ким олдидаги майдончага кўчат ўтқазган эди. Бизнинг икки туп гилос қийфос гуллади. Қўшним экан толнинг авжидан дарак йўқ. Аммо қувончим узоқ-қа чўзилмади, гилосларимиз энди ранг киргизганда куриб қолди. Тагидан нуқул керосин ҳиди келади. Ноилож арралаб ташладик. Бунинг устига телефонимиз қўшним билан блокировка қилинган. Қачон қўнғироқ қилмоқчи бўлсам, қўшним гўшакни кўтариб қўяди. Менгаям йўқ, унгаям.

Бир куни ишхонада ўртоғимга ҳасрат қилиб қолдим.

— Бори шуми? — деди ўртоғим. — Мана кўрасан, биринчи апрелгача қўшнинг масаласини ҳал қиласиз.

У шундай деди-ю, қўшнимга телефон қилди. Параллел телефондан мен ҳам эшишиб турибман.

- Бу Олимовнинг уйими? — деб сўради ўртоғим.  
— Йўқ, мен кўшнисиман. Нимайди? — деди кўшним.
- Мен институтда бирга ўқиган ўртоғиман, — деди дўстим. — Олимовни табриклаб қўймоқчи эдим. Кўшма корхонага раҳбар бўлти.  
— Маошиям оштандир? — деди кўшним уф тортиб.  
— Ҳа, доллар олади!
- Кўшним индамай гўшакни илиб қўйди. Кечқурун борсам саломлашмай уйига кириб кетди.  
Эртасига дўстим яна қўнғироқ қилди.  
— Бу Олимовнинг уйими?  
— Йўқ, нимайди? — деди кўшним.  
— Олимовни депутатликка номзод қилишган экан. Шунга хурсанд бўлиб қўнғироқ қилаётгандим.
- Кечқурун келсан қўшним зинадан тушиб кетяпти. Мени кўриши билан қўлидаги конвертни яширди. „Юмалоқ ҳат“ ёзгани аниқ. Индамай кетавердим. Индинига яна дўстим телефон қилди.
- Бу Олимовнинг уйими?  
— Йўқ, дедим-ку! — Кўшним инграб юборди. — Нима гап? Мен унинг кўшнисиман.  
— Таşқи ишлар вазирлигидан қўнғироқ қиляпмиз, Олимов танловда голиб чиққани учун чет элга бир ойлик саёҳатга бориши керак. Тезроқ ҳужжатини топширса бўларди. Малол келмаса, шуни айтиб қўйсангиз...
- Кечқурун келсан, қўшним, куриб қолған тол тагидаги ҳарракда хомуш ўтирибди. Ранги бир ҳолатда.  
— Тинчликми қўшни? — дедим кулиб. — Ҳафа кўринасиз?  
— Мазам йўқ, — деди инқиллаб. Аммо телефонда эшитган „янгилигини“ айтмади.
- Уч қундан кейин дўстим қўнғироқ қилди.  
— Бу Олимовнинг уйими?  
— Олимов ўлар ҳолатда ётибди! — деди кўшним мингиллаб. — Нима деб қўяй?  
— Аттанг! — деди дўстим. — Кўшнингиз лотереяга машина ютган экан. Олиб кетсин, демоқчийдик.

Телефонда қисқа-қисқа гудок эшитилди.

Кечқурун келсам, құшним йүқ. Юрак ўйноғи тутиб, касалхонага олиб кетишибди. Бир ойдан кейин қайтиб келди. Аммо узоқ туролмади. Бизнинг „дом“ имиздан күчиб кетди. Ўша куни биринчи апрель эди. Мана, ўн йил ўтибди. Шундан буён ҳар гал биринчи апрелни байрам қиласыз.

## ОМАДЛИ ЖЕНТЕЛЬМЕНЛАР

— Азиз телетомошибинлар! Пирамиданинг қир учига чиқиб, Жомолунгма чўққисини томоша қилаётган, бир миллион, беш миллион, боринг ана эллик миллион ютаётган, баҳтли воқеага рўпара келиб баҳтини топаётган, аъло ўйин ўйнаб, рақиб дарвозасига жавобсиз ўнта тўп ураётган азаматлар сони кун сайин кўпайиб бормоқда. Мана, ўзингиз гувоҳ бўлинг! Марҳамат қилиб, ўзингизни таништирангиз?

— Мен Бухоронинг Ромитан райониданман. Отим Бақоев Пўлот. Ўзийм мактабга ишлайман. Шунайчи кун панжшанбе куни хотиним билан машинага Бухорода бориб эдийм. Кетопсак, лотарея сотопти. Сотувчи ўзимнинг собиқ ўқувчим экан. „Домулла Бақоев, деди, манганининг латареясидан биртагина олинг, охе!“ деди. Хотиним айтди: „Кот-мотта одам латареяни нима қиласиз, ундан кўра бачаларга банан олайик“, деди. „Ҳай бирта латарея олсак олибмиз-да“, деб шунай ўчирсан, „автомобиль“ деб ёзиб кўйибди. Хотиним „иби-и-и-и!“ деди-ю, йиқилиб тўхтади!

— Сизни чин дилдан табриклимиз, Пўлатжон! Хотинингизни ҳам қутлаб қўйинг. Бундан кейин машина ютсангиз, йиқилиб юрмасинлар! Мана, сизга машина-нинг калити! Мана, қўшимча пул!.. Аммо бу ҳали ҳаммаси эмас, азиз дўстлар! Бугун баҳти кулганларнинг кунидир! Мана, яна бир голибимизни кўриб қўйинг! Исмингиз?

— Мен Ҳамидхон Хабибхоновман. Намонгоннинг Учқўрғонидан бўламан. Ўтган ҳафта институтга кетут-

сам супермаркетнинг олдида лотерея сотутти экан. Учтагинасини олган эдим, машина чиқди!

— Табриклаймиз, Ҳамидхон ука! Муборакбод бўлсин! Айтинг-чи, ўқийсизми, ишлайсизми?

— Институтда ўқийман.

— Кўрдингизми, азизлар! Омад кулиб боқса ёш ҳам, касб ҳам танламайди! Айтинг-чи, Ҳамидхон ука, отаонангиз бормилар?

— Борлар. Диодом борлар. Абам борлар. Мана, абамнинг ўзлари.

— Ие, аяжон, сиз Ҳамидхоннинг аялари бўласизми?

— Ашнаقا, укажон! Баламнинг баҳтидан ўргилай! Латареяга ютганини эшитиб, қалдираб қолсам дэнг! Дидасини айтмайсизми? Баҳорда қурт ўлгирга барг кесаман деб тутдан йиқилиб беланги бўпқолган эдилар. Хушхабарни эшитиб, диканглаб туриб кетсалар дент! Минг раҳмат сизларга!

— Мана, укажон, машинанинг калити! Ҳайдашни биласизми?

— Биламан, ока, правам бор!

— Ундей бўлса, оқ йўл сизларга! Қаранг, ҳурматли томошабинлар! Ёшгина йигитчанинг машинага чаққонлик билан миниб, учирив кетганини қаранг! Шу кетиши бўлса, тўрт соатдан кейин ўзини Учқўрғондан кўради! Азизлар, навбатдаги голибимизни кўрсангиз, ҳайратда қолишингиз аниқ! Мана, ўзингиз гувоҳ бўлинг! Сиз? қаердансиз, отахон?

— Немене?!

— Қаердан бўласиз, дейман?

— Жағинроқ кел, ширафим, қулогим овур!

— Қаердан келгансиз, деб сўраяпман, бобой?

— Южний Казахстаннинг Кентов қалъасиндин! Олтинчи увлим Жеттисойда „алғабас“ совхозинда малши бўлиб ишлайди. Ўси увлимни кўраен деб келиб эдим. Ипподромга барсам, бирори латарея сатиб жатқан экан. „Алинг ақсақал, машин жутасиз“, деди. Сасиб қалиб оновини олиб эдим, бирорини ўширсем, машина шиғитбур.

— Эшитдингизми, дўстлар! Отахоннинг гаплари ни эшитдингизми? Бизнинг ўйинимизга фақат ҳам-юртларимиз эмас, қардош қўшниларимиз ҳам ишқи-боз бўлмоқда. Ишқибоз бўлибгина қолмай, ютмоқда! Неча ёшдасиз, отахон?

— Не дейсин?

— Ёшингиз нечада?

— Жетмис жеттида! Ат жили тувғанмин.

— Қаранг, қадрли дўстлар. Ёши етмиш еттига чиқ-кан, юзидан нур ёғилиб турган отахонни табрикланд! Машинанинг қанақасини танладингиз, отахон? — Вов ширағим, моян тўрт дўнгалеги бўлса бўлди.

— Айтинг-чи, отахон, оиласигиз катта бўлса керак?

— Улken. Уш қатин...

— Кечирасиз, отахон, нима учта?

— Уш аёлим бор. Ўзбек байиса том солади, қазақ ба-йиса қатин олади, деган сўзни эсипегемисин? Уш қатин, ўн жетти увил-қиз, қирқ уш невара, секкиз шўберам бор.

— Қойилман, отахон! Учала кампикинг билан қў-ша қаринг! Невара-чевараларнинг роҳатини кўринг! Бўлдими, хайр, омадингизни берсин!

Азиз томошибинлар! Ҳали айтганимиздек, бугун чиндан ҳам фолиблар куни! Ана, тағин бир омадли йигит келмоқда! Ўзингизни таништирсангиз?

— Отим Сардор. Фамилиям Рустамов.

— Сардоржон! Бошингизга баҳт қуши қандай қўн-ганини батафсилоқ айтиб беролмайсизми?

— Этсам этвураман! Бувам раҳматли этганийдила. „Қиморри яқинига йўлама, бадбаҳт, қиморвоззи ко-саси оқармийди“, диганла. Латарея-патареяга тоқатим йўқ. Оддих куни шошиб кетвоссам, бир бола „мashi латареяни олинг, ока, мошина ютасиз“, дийди. „Ютадиган латарея бўса нега ўзинг омийсан?“ дисам, „пулим йўқ-де, ока“, дийди. „Неччи пул?“ дисам, „беш юз“, дийди. Минг сўм берсам, қўлимга иккита билет тиқишитир-вотти. „Хов, братан, издачисини бермисанми, сани латареянг диг ўйимга пияда кетаманми?“ дисам, „ик-кита олавуринг“, раччўт бўловуз“, дийди. Э, бор-е, нима бўса бўлди, диг, мундок ўчирсам, мошина чиқди!

— Ана, кўрдингизми, азизлар! Омаднинг кулиб боқишини қаранг! Ўзингиз қаерда яшайсиз, Сардоржон?

— Точний адресим керакми, пажалиста! Тошкент шаҳар, Оқтепа массиви, Кўштерак кўчаси, ўн тўртинчи уй!

— Нима? Стоп! Калланг ишлайдими, ука! Точний адресга бало борми? Эртага бутун маҳалланг, қариндош-уругинг уйингга ёпирилиб кирса, ютган машинанг қани, диса нима қиласан?

— Мани аҳмо диг ўйлавоссизми, ока! Хич қанақа „Оқтепа-моқтепа“ни билмийман! Адресим сапсем бошқа. А вапше отимам Сардормас, Алибек! Ҳамма Альберт дийди!

— Шунақа демайсизми, укажон! Внимание, запись! Ҳурматли томошабинлар. Кулиб турган йигитнинг қувонч тўла кўзларига қаранг! Мана, сизга машинанинг калити! Яна бир нарса сўрасам, майлими, Сардоржон?

— Сурийвуринг!

— Уйланганмисиз?

— Велосипед олишга пул йўғ-у, хотинга бало борми?

— Шунинг учун сўрадим-да, укажон! Мана, сизга яна тўрт миллион сўм пул! Каттакон тўй қилишга бемалол етади! Танлаганингиз борми ўзи?

— Бор! Беш-олтитаси очирит бўлтурипти!

— Тўйингизга бизни ҳам таклиф қилинг, Сардоржон! Кўрдингизми, азизлар! Бугун Сардоржонга кўшалоқ байрам! Бўлажак куёв гулзорга кирган боғондек энг сара гулни танлаб олади ва қарс-бадабанг тўй қилади! Сўнг Сардоржон келинни миниб, „Дамас“ни қўлтиқлаб... Тойис... „Дамас“ни миниб, келинни қўлтиқлаб никоҳ сайлига чиқади. Азиз дўстлар! Шундай қилиб, бугун сиз бир эмас, тўрт нафар баҳти кулган голибни кўрдингиз!.. Навбатдаги ютуқ сизники бўлиши мумкин. Шошилинг! Имкониятни бой берманг! Ўйнанг! Ютинг!

*Муаллиф изоҳи. Бу гапларнинг ҳаммаси ҳазил. Телевизорни бўқиртириб реклама қиладиган лотереячиларга ҳам, чипта сотиб олмаса, „аллергияси“ қўзиз, кечаси билан „қашланиб“ чиқадиган муҳлисларга ҳам омад тилайман!*

## ФАРОЙИБ САЁХАТ

*Устоз Саид Аҳмад ака Америкадан келган куни  
телефонда айтиб берган ҳангома*

— Алё, ўзингмисан, болам? Ваалайкум ассалом, мулло бўлгин! „Зиёратлар қабул“, дейсанми? Мурод ҳосил! Раҳмат. Сафар қандоқ бўларди, зўр бўлди! „Қани бир эшитайлик“, дейсанми? Майли, сазанг ўлмасин. Аммо-лекин сен ярамаснинг бир одатинг ёмон. Мендан зўр-зўр ҳикояларни эштиб оласан-да, қўшиб-чатиб ўзингники қилиб ёзасан. Бу сафар шунаقا қилмасанг, ҳаммасини бир бошдан гапириб бераман.

Аслида-ку, Америка тўғрисида аввал ҳам анча-мунча нарса ўқиганман. Ёшлигимда Аччиқ Махсум деган ёзувчининг (сенлар уни Максим Горький дейсан) „Сариқ иблис шаҳри“, бақириб шифир ўқийдиган Маяковскийнинг „Нима бизга Америка“, деган асарларини вараклаганман. Ҳатто ўзимиздан чиққан Узоқов деган мухбир ҳам „Америкасини ҳам кўрдик“, деган мақола ёзган эди. Шулар Американи кўрганда, нега мен бормаслигим керак?

Шундоқ қилиб, биқинига „Пан-Американ“ деб ёзиб кўйилган, гардани ҳўкизникига ўхшаб шишиб кетган „Боинг“ самолётига ўтиридик. Ишонсанг-ишен-масанг, ичи бамисоли метронинг ўзи! Шифти шунақанги баландки, Сабонис деган найнов баскетболчи бемалол баскетбол ўйнаса бўлаверади! Шунақанги узунки, у боши билан бу боши кўринмайди!

„Боинг“ осмонга кўтарилиши билан ёнимга қошлиари ипдеккина, соchlари тилла кокилдек, оёқлари узун-узун, тиззасидан икки қарич баландда тўхтаб қолган этак остидан оппоққина сонлари кўриниб турган хонимча келди. Офизаси ангишвонадек. Лаблари худди гилос тишлаб турганга ўшайди. Одамнинг дилини қитиқлайдиган майингина, сирлигина табассум ҳадя этди.

— Гуд монинг, мистер! — деди.

Бир вақтлар Сталин лагерларида саргардон бўлиб юрганимда бир инглиз шпиони ҳам бизнинг баракда

ётарди. Шу билан гаплашиб, тилини бинойидек ўрганиб олгандим. Ўша эсимга тушиб, жавоб қилдим:

— Хэлло! Окагинант айлансан, хэлло!

Хонимча тилини бунчалик билишимни кутмаган эканми, қувониб кетди. Бирпасда анча нарсаларни гапириб ташлади. „Джус“ дейдими-ей, „биир“ дейдими-ей! Айниқса, „чикен“, „чикен“ деган сўзни ўн мартача қайтарди-ёв! Сал ачифим чиқди.

— Ҳай, менга қара, — дедим тушунтириб, — нега нукул „чикка-пукка“ дейсан? Нима, сен билан ошиқ ўйнаяпманми?

Хонимча зипиллаб кетаётган эди, ёнимда ўтирган бўйинбоғ тақсан, башанг кийинган америкалик йигитча гапириб қолди:

— Ошиқ ўйнаймиз, деётгани йўқ, товуқ келтирайми, деяпти.

Ҳайратдан ёқамни ушлаб қопман. Ўзбекчани сувдек биладиган бу ажнабий қаёқдан пайдо бўлди?

— Менга сени Худонинг ўзи етказди, болам! — дедим севиниб. — Ўзбек тилини қаёқдан ўргангансан?

— Мен ўзбекман, Саид Аҳмад домла! — дейди.

Баттар ҳайрон бўлдим. „Бўлмаса нега бунаقا сапсариқсан, нима бало, онанг зарчавага бошқоронги бўлганимиди?“ дегим келди-ю, хафа қилиб қўйишдан қўрқдим.

— Мабодо Носир Фозиловга қариндошлигинг йўқми, олтиндеқ ялтираб турибсан, — десам кулади.

— Мен Ҳайитвой сариқнинг невараси бўламан, — дейди.

— Ие, тахтапуллик Ҳайитвой сариқнинг неварасимисан? — дедим. — Буванг раҳматли кўп яхши одам эди. Сал тажанглигини айтмаса, жа ориятли эди. Бир гал беданаси Исроил калнинг беданасидан енгилиб қочганда, жониворнинг калласини шартта узуб ташлаганини кўрганман. Отинг нима болам, Америкага нега кетяпсан?

— Отим Ҳайитбоев Саид. Калифорния университетида магистратурада ўқийман, — дейди.

— Бундан чиқди, адаш эканмиз! — дедим елкасига қоқиб.

— Сизнинг ҳамма китобларингизни ўқиганман, домла, — деди адашим.

Шу пайт яна ўша хонимча келиб қолди. Тағин ширин табассум билан „чикен“, дейди.

— Барака топгур, — дедим энсам қотиб, — „чикен-пикен“ ингни бошимга ураманми? Дунёда товуқдан ах-моқ парранда бўлмайди, одам нуқул товуқ еса, ақли суюлиб, товуқмия бўлиб қолади! Менга қора кўчкорнинг думбаси солинган, чўнгаранинг гуручидан дамланган бир луқмагина палов берсанг, кифоя. Устига Учқўргоннинг от қоқилса йиқиладиган беҳисидан ярим паллагинасини бостириб келсанг ҳам тешиб чиқмайди. Эрталабдан бери қорин пиёзнинг пўстига айланиб кетди-ку!

Адашим гапимни таржима қилди. Хонимча табасум билан эшилди. Хаёлимга ғалати ўй келди. Менимча, бу онасининг қорнидан туғилгандаям „инга-инга“ деб йиғлаган эмас, илжайган бўлиши керак.

— Но проблем! — деди бош ирғаб. Кейин яна анча гаплар айтди.

— Проблема йўқ, — деди Саидбой таржима қилиб. — Жаноб хоҳласалар Нью-Йоркдаги „Бухоро“ ресторанига кириб, „халта палов“ ейишлари мумкин. Биз чикен, бифштекс, янги сўйилган чўчқа гўштидан пиширилган хот-дог билан сийлашга тайёрмиз. Афсуски, жаноб айтган пиёзнинг пўсти бизда йўқ...

Инсоф билан айтганда, бифштекси мазалигина экан.

Ўзинг биласан, овқатдан кейин сигарет мойдек кетади! Айниқса, ўзимизнинг „Хон!“ Ҳузур қилиб икки-уч тортганимни биламан, тепамда яна хонимча пайдо бўлди.

Бижир-бижир қилиб алланималарни гапирди. Нуқул „фиғти доллар“, дейди. Тилмочга қараб, нима гап, десам, „эллик доллар экан“, дейди. Бунинг одамшавандалигига қаранг! Иззатимни жойига қўйиб, менга эллик доллар бермоқчи! Ўзбекистондек мўътабар юртдан бораётган азиз меҳмонлигимни билибида!

— Мени сен сийласант, сени пайғамбарлар сийласин, — дедим дуо қилиб. — Менга сенинг пулинг жаям

керакмас. Америкага сафаримнинг бориши келиш паттасини ҳукуматнинг ўзи оберган. Ҳатто „Шератон“ гасгинисасининг ҳақини ҳам олдиндан тўлаб қўйган. Худога шукур, хурматим бор. Энди-и-и жудаям кўнглинг бўлмаётган бўлса, „эллик доллар, олтмиш доллар“, деб майдалашиб ўтирганин-да... — Шундай деб, бу ёгини таржимонидан аниқлаштириб олдим: „Минг“ни нима дейди булар?

— „Таузен“, — деди Сайдбой ҳозиржавоблик билан.

— Бир йўла таузен доллар бериб қўя қол, — дедим хонимчага. — Невараларга падарка-мадарка оборарман.

Хоним гапимнинг таржимасини эшитди-ю, негадир кўзи ғилай бўлиб кетди. Биттаси менга қарайди, иккинчиси адашимга! Ҳалиям кулиб турибди-ю, йифлаётганга ўхшайди.

— Эллик долларни у эмас, сиз беришингиз керак экан! — деди Сайдбой.

Ҳайрон бўлдим.

— Нега берарканман?

— „Пан-Американ“ компаниясининг самолётида чекиш мумкин эмас, эллик доллар жарима тўласинлар, деяпти.

Ростмана жаҳлим чиқди.

— Биринчидан, мен умрим бино бўлиб жарима тўлаган эмасман. Менинг машинамни кўрса, ГАИ тескари қараб туради. Биладики, нарушение қилсам, бир тийин ҳам бермайман. Иккинчидан, мен ўзимизнинг „Хон“ни чекдим. Американики эмас. Учинчидан, шу одатинг бор экан, нега олдиндан айтиб қўймадинг? Шунинг учун мен сенга эмас, сен менга жарима тўла! „Беш юз“ни нима дейди?

— „Файф хандрит“, — деди таржимоним.

— Файф хандрит доллар, — дедим бешта бармоғими кўрсатиб. — Бўлмаса, каттангни чақир!

Зум ўтмай форма кийган учувчи пайдо бўлди. Шунақанги пўрим, шунақанги „аккуратний“ки, Умарали Норматовга ўхшаб кетади. Ҳозир одоб билан жигарни эзади, деб турсам, чест берди. „Мистер“ деб гап бошлиди-ю, бирдан чехраси ёришди.

— Сайд Аҳмад ака, ўзингизмисиз? — деб қучоқлаб олди.

Разм солиб қарасам, таниш кўринади.

— Менга қара,чувалачилик Мирваққос қатиқчининг ўғлимисан? — десам, „Қаёқдан билдингиз, дадам сизни кўп гапирадилар, бир мактабда ўқиган экансизлар“, — дейди.

Бирпасда апоқ-чапоқ бўпкетдик.

Шу самолётда иккинчи учувчи экан. „Ўзбекистон ҳаво йўллари“ компаниясининг вакили, обрўси жа ба-ланд экан. Инглизчани „михлаб ташларкан!“

— Бу сэр кимлигини биласанми? — деди хонимчага. — Мистер Сайд Аҳмад, ўзбекнинг Марк Твени бўлади. Тушундингми?

Хонимча шунақанги хижолат бўлди, шунаقا хижолат бўлди! Нуқул „Айм сорри мистер Аҳмед, айм сорри, плиз!“ дейди. (Узр сўраяпти чоги.)

— Майли, гуноҳингдан кечдим, оканг айлансин! — дедим раҳмим келиб. — Менга приз бермасанг ҳам хафа бўлмайман. Фақат Нью-Йоркка қўнганимизда таузент доллар бериш эсингдан чиқмасин!

Учувчи шу самолётга минишмидан бехабар қолганини, бўлмаса „дўппидеккина“ ош дамлаб қўйган бўлишини айтди. Нега бунақа олис сафарга отланганимни сўради. „Келинлар қўзголони“ Америкада саҳналаштирилгани, ака бухор яхудий қадрдонларим асар премьерасини кўрмасам, хафа бўлишини айтиб, ўн бир марта телеграмма юборганини, шу баҳона кўрмаган жойларни кўриб, оёғимнинг чигилини ёзиш учун сафарга чиққанимни айтдим. Фармониби ролини ўйнаган актрисага бир жўра жуҳуд атлас олиб кетаётганимни ҳам эслатиб қўйдим. Учувчи менга қилинган бояги нохуш муомалани „дазмоллагиси“ келдими, таклиф қилиб қолди.

— Самолётнинг юқори қаватида бассейн бор. Юринг, маза қилиб чўмилиб оласиз. Ҳали манзилга етишимизга саккиз соат бор, Атлантика устидан ўтаётганда ўзимиз ҳам зерикиб кетамиз, — деди.

Хушламайроқ турганим учун баҳона қилдим.

— Күя қол, укам, ўнг оёғим зирқиллаб оғриб турибди.

— Юраверинг, бассейннинг суви иссиқ, — деб қўлтифимдан олди, таржимон Саидбой ҳам эргашди. Лифт фувлаб тепага олиб чиқди. Кичикроқ теннис майдон-часидек келадиган ҳовузда кўм-кўк сув мавжланиб турибди. Бассейн ўртасида иккита сув париси сузид юрибди. Кошинланган қирғоқда тағин иккитаси ўтирибди. Иккитасининг сочи малла, иккитасиники қопқора. Ростини айтсам, умрим бино бўлиб бунақанг парилайкарларни биринчи кўришим! Менинг ўрнимда Чингиз Аҳмаров бўлса, бир зумда „Америка мадоннаси“ деган портрет чизиб ташлаган бўларди. Микеланжело тирилиб келса, шуларнинг ҳайкалини ясарди. Оқ мармардан! Шунақанг мукаммал, шунақанг „фигурний“ки, Умар Ҳайёмнинг чиккабел кўзаси буларнинг олдида хумдек гап! Йўқ, булар одам боласи эмас, ҳақиқий сув париси! Ҳушёр бўлмасанг, афсун қилиб, сув тагига тортиб кетади! Ана, биттаси „келавер“ деб имо қиляпти. Кафтимни пешанамга соябон қилиб тикилиб қарасам, думи йўқ! (Сув парисида дум бўларди, шекилили.) Энди имлайсанми, ноинсоф! Ақалли ўн-ўн беш йил аввал қаёқда эдинг?! Бассейн тугул денгизнинг тубига ҳам биргалашив тушиб кетаверардим!

— Ечинадиган хона у ёқда, душхона бу ёқда. Энди, оқсоқол, хизматчилик, бизга рухсат, — деди учувчи. — Ҳадемай Бермуд учбурчаги устидан ўтамиш. Штурвални ўзим ушлаб турмасам, анави америкалик ҳамкасларим қийналиб қолиши мумкин. Нима, сиз билан менга ўхшаб ҳар куни қази-қарта еб юрибдимики, билаги бақувват бўлса!

Таржимоннинг икки кўзи париларда. Чарвига тикилган мушукникига ўхшаб йилтираб турибди. Тағин менга ақл ўргатади.

— Оқсоқол, одатда, бассейнга тушишдан олдин душхонага кириб, шампунга обдан чўмилиш керак, бўлмаса юз доллар жарима солади, — дейди.

Жиндай рашким келди.

— Мен бекордан-бекорга чўмиладиган анойилардан эмасман, — дедим зарда билан.

Шунақа десам, нима дейди, дегин? „Ўзингиз ҳам яқин беш-олти йилдан бери чўмилишга эҳтиёж сезмаган кўринасиз“, дейди. Буваси ҳам шунақа, тўнг одам эди. Ке, шу ёш бола билан тенг келаманми, деб лифт томон юрган эдим, кетимдан эргашди.

Жойимизга келиб ўтиришимиз билан сертабассум хонимча тагин тепамизга келди.

— Кофе? Ти? — деди қилдек қошини учирив.

— Жаноб кофе ичадиларми, чойми, деб сўраяпти, — деди таржимоним.

Биласан, умримда кўк чой ичмаганман. Кўк чой ичсан, обрўйим тушиб, давлениям пасайиб кетади.

Шунақа-ку, боя жарима тўлайсан, деб тинкамни қуритгани учун мен ҳам фашига текким келди.

— Менга кофе-мофе сапсем керакмас. Менга 95 кўк чойдан бир чойнаккина опкел. Шри-Ланканинг чойидан бўлсин. Чойнакка тушиши билан ўшалоқдек ёйилиб кетадиганидан бўлсин, о-кей? — дедим қўлимни пахса қилиб.

Хонимча таманно билан нари кетди. Буларнинг чой заводи борми, нима ballo! Патнисда етти хил кўк чой олиб келса, дент! Каҳрабодек аччиқ қилиб дамланган чойдан икки хўплам ичганимни биламан, шилқ этиб пинакка кетибман. Айтмовдимми, кўк чой давлениямни тушириб юборади, деб! Совуғим ошиб кетган-да!

Бир маҳал: „Кўзингизни очинг, оқсоқол, бу ёфи яқин қолди“, деган овоздан уйғондим. Тепамдачувлачилик учувчи турибди.

— Нью-Йоркка етиб келдик, самолётни атайлаб паастлатиб учираими, тепадан туриб шаҳарни бир томоша қиласизми? — дейди.

Хаёлимга „аригиналний“ фикр келди.

— Менга қара, укам, — дедим. — Ростданам менга хизмат қилгинг келаётган бўлса, бир иш қиласан. Самолётингни „Озодлик ҳайкали“ атрофида икки марта

айлантириб ўтасан. Шу хотинни яқындан кўришни кўпдан бери орзу қилиб юардим.

— Но проблем, оқсоқол! — Учувчи шундай деб чест берди-да, кабина томон югуриб кетди.

Зум ўтмай узоқдан ҳайкал кўринди. Бошида чамбарак. Кўлида машъала. Самолёт шунақанги яқин бордики, қаноти ҳайкалнинг кўлига тегиб кетай деди. Шунда фалати иш бўлди. Бояги хотин ўнг қўлидаги машъалани олиб, чап қўлтиғига қистирди. Кейин ўнг қўлини Капитолий қуббасидек бўлиққина чап кўкси устига қўйиб, таъзим бажо қилди.

— Ассалому алайкум, қадрли Саид Аҳмад ака! Бизнинг юртимизга хуш келибсиз! — деди тантанавор оҳангда. — Сизнинг келишингизни интизорлик билан кутаётган эдим. „Келинлар қўзғолони“ комедияси „Тикланиш“ театрида намойиш қилинади!“ деган рекламани бошим атрофидан икки юз марта айлантирдим! — Шундай деди-да, эгилиб-эгилиб тағин уч марта таъзим қилди. Ўзиям чимилдиқдан янги чиқиб, қайнатасига салом қилаётган келинчакка ўхшаб кетди.

— Ваалейкум ассалом, қизим! — Шундоқ дедим-да, самолёт деразасидан бошимни чиқариб, пешанасидан ўпид олдим. (Пешанаси муздеккина эканига парво ҳам қилмадим.) — Умрингдан барака топ! Баҳтли-саодатли бўл! — дедим. „Қўшганинг билан қўша қаригин“, — дегим келди-ю, бу атрофда бошқа ҳайкал йўқлиги эсимга тушиб, у ёғини айтмай қўя қолдим. Шу пайт керосин охирлаб қолдими, самолёт пастлай бошлади...

...Ие, шошмай тур, болам, боф эшиги очилди, шекилли. Ана, оқ „Нексия“ кириб келяпти. Ким бўлди бу? Машинанинг чап эшигидан ГАЙнинг таёғига ўхшаган бурун чиқиб турибди. Ие, Анвар Обиджон-ку! Жа яхши кўраман-да, шу боламни! Олтиариқнинг „бадринг“идан бир қопгина обораман, деганди. Шуни олиб келяпти чоғи... Қолганини кейин эшитарсан. Бадрингни вақтида мариновка қилиб қўймасак, сўлиб қолади...

*Муаллиф изоҳи. Ҳикояни устоз қандай айтган бўлса, шундайлигича қоғозга туширдим. Сенкью веримач! Гуд бай!*

## МЕХМОН ОТАНГДАН УЛУФ

**Б**из азалдан бой-бадавлатмиз. Давлатимиз мил-мил! Бой бўлмасак, оқпошшо ҳазрати олийларининг мўътабар назарлари Туркистонга тушармиди? Қайси аҳмоқ қашшоқ юртга азза-базза лашкар тортиб боради? Ўшанда, бундан салкам юз эллик йил аввал десантгиз, қудратли чор Русиясининг аскарлари Тошкентта „муждика“ чалиб кирган экан. Ҳамма хурсанд! Ўйин-кулги... Буни қарангки, бир кампир тандирдан янги узилган иккита нон кўтариб, оstonага чиқибди. Мехмон — атойи Худо! Сийлаш керак! Шунда шоп-шалоп тақсан аскар қилич билан бир уриб, кампирни икки нимтага бўлиб ташлабди. Қани, инсоф билан айтинг-чи, аскар болада нима гуноҳ? Ҳамма айб кампирнинг ўзида! „Ассалому алайкум, саллот болам, хуш кепсан, уруш қиласавериб, одам ўлдиравериб силланг қуриб кетгандир, иссиғида еб ола қол, болам“, демайдими? Умрида патир нон кўрмаган саллот шўрлик қаёқдан билсин, бу хотин нон беряптими, заҳарми?

Оқпошшо олий ҳазратлари хўп инсонпарвар бўлган эканлар-да! Тошкент босқинини эшишиб, диллари оғрибди. Полковник Черняевни қаттиқ койибдилар ва унга „генераллик унвонини“ бериб, бриллиант сопли олтин қилич ҳадя этибдилар. Шаҳrimiz биқинидаги Черняевка деган ном ҳамон ўша „шонли ғалаба“дан дарак бериб турибди...

Кейин „хуррият“ бўлиб замонлар ўзгарди, ҳамма тенг бўлди. Ҳамма бир-бириникига меҳмонга борадиган одат чиқарди. Йигирманчи йиллари Тошкентга Самара деган жойдан меҳмонлар келди. Минг-минг меҳмон... Тошкент — нон шаҳри, деганлари рост экан. Бозорлар тўлиб кетган. Бир томонда — ширмон бозор, бир томонда — қаймоқ бозор.

Фақат бу юртнинг одамлари ғалати. Новвой саватга нонини уюб қўяди-да, қўшниси билан гап сотади. Оғзида нос. Деҳқон қовун тўла аравасини қаровсиз ташлаб, чойхонада ёнбошли-аб, кўк чой ичади. Заргарни айтмайсизми, заргарни! Дўконига қулф осишга ақли ет-

майди, тентак! Эшигини ип билан боғлаб, пешинда мачитга югурди. Бу ёқда нима бўлаётганидан хабари йўқ, намоз ўқийди фанатик! Йў-ўқ! Одам бир нарсани астойдил хоҳласа, тез ўрганааркан. Меҳмонлар бир „шмон“ қилган эди, мезбонлар кундуз куниям эшигига қулф солиб ўтирадиган бўлишди. Кўнғироғини боссанг, аввал дурбинда мўралаб қарайди. Кейин эринмасдан етти пуштингни суриштиради. Ундан кейин камида олтита қулфни шарақ-шуруқ қилиб очади. Ана ундан кейин эшигини қия қиласди-ю, ичкаридан ўртачароқ бузоқдек ит югуриб чиқади-да, „Кўлингни кўтар!“ дейди. Мана буни чинакам „сивилизация“ деса бўлади!

Фалокатни қаранг! Тошкентда ер қимиirlади. Ёмон қимиirlади! Тошкентдай шаҳри азим ялписига қурилиш майдонига айланиб кетди. Кошоналар, осмонўпар иморатлар...

Каллахонадаги овсар бўлса, тайёр уйга кўчмайди.  
„Ҳа, нима гап?“

— „Маҳалламдан чиқмайман, дўмингга кўчмайман. Тобуткашларимдан ажралмайман!“

Э, ўргилдим димоқ-фирофингдан. Шундоқ уйлар бўш ётса-ю, сен ноз қилсанг?!“

Нима? Участка керак? Марҳамат, хоҳласанг Курбақаободга кўч, хоҳласанг — Тошбақаободга! Лой теп, фишт қуй, сомон сувоқ қил... Битиб қолар ахир, ўша участканг! Беш йилдами, ўн йилдами... Йигирма йилдами... Сенда нима кўп — бола кўп! Эрта-индин ёнингга кириб қолади. Биргалашиб лой чангallайди... Вой-бу! Шу чурвақаларнинг ҳаммаси сеникими? Қачон ултурдинг, хумпар?! Худо ҳақи, ҳайронман! Қайси хонадонга кирсанг, атрофингда бола ўралашади. Тўртта, олтига, ўнта, ўн иккита. Биттасининг хотини ўн олтита туғибди-я, тавба! Бу юртнинг эркаклари белига матўр боғланми, нима бало?! Бир гап айтайми? Опке қулоғингни! Ажойиб мутахассислар келган. Ўшаларга хотинингни обор! Бор-йўғи икки марта учрашса бас. Матўринг қизимоқ тугул портлаб кетсаям, хотининг туғмайди. Тамом-вассалом! Тўғри-да, хотинни авайлаш керак. Уядам олсин-да, феодал!

Қайси куни шу гапни айтиб, балога қолдим! Зүрға қочиб қутулсам, денг. Ерга ётқизиб савалардиям-да! Бўлмасам-ку, оддий деҳқон экан ўша „қаҳрамон ота!“ Э, қаҳрамон бўлмай, ҳар нима бўл! Салкам бир соат баҳслалишиб, ниятимни тушунтиrolмасам-а! Нима дейди денг? „Нега энди бошқа томонларда ўн болали оилани мақтаб, дунёга достон қиласди-ю, сен менинг ишимга аралашасан? Нега эр-хотиннинг тўшагини ҳидлайсан?“ Э, тўшагинг бошингда қолсин-е! Ичим ачиганидан айт-япман-да, нодон! Ўн битта болани бошингга урасанми, шунча болани боқишининг ўзи бўладими? Боланг кўпай-маса „порахўр“ бўлмасдинг, „қўшиб ёзувчи“ бўлмасдинг, „боқиманда“ бўлмасдинг. Яхшиям Гдлян, Иванов деган „азаматлар“ бор экан! Минглаб одамларни қа-моққа тиқди. Нима? Туҳмат дейсанми? „Ўзбек иши“ ҳақорат дейсанми? Туҳматми, баломи-баттарми, иш-қилиб „адолат“ ўрнатди-ку! Ҳа, энди, тўқайга ўт кетса, хўлу қуруқ баравар ёнади-да! Сен айтган бегуноҳлар беш йил ётар, ўн йил ётар... Жони соғ бўлса, чиқиб келади-да, бир кун... Оббо! Яна гапиради-я! Бошқа юрт-лар билан нима ишинг бор? Порахўрлик марказда ҳам бўлган бўлса, бўлгандир. Қўшиб ёзиш Ростовда бўлган бўлса, бўлгандир. Текинхўрлик Кавказдаям бўлган бўлса, бўлгандир. Сенга нима? Марказдан ишнинг кўзини биладиган „раҳбар кадрлар“ келди. Эшитяпсанми, мар-каздан! Ўзбекистонда „тартиб ўрнатиш“ учун!

Хўп, инженер пиллачига йўл-йўриқ кўрсатса нима бўпти? Ё ўзиям қуртга айланиб, пилла ўрасинми? Денгизчи, дейсанми? Авваламбор, денгизчи полизчига ақл ўргатаётгани йўқ. Иш талаб қиляпти. Қолаверса, қовун деган сабил сув ичадими? Ҳа, баракалла! Сувнинг қадрини аллақандай саводсиз деҳқон биладими ё ўн етти йил уммонда сузган денгизчими? Ўйлаш ке-рак-да, дўстим! Менга қара, ука! Сен-чи, ақлинг етма-ган ишларга аралашма, маъқулми? Паҳтангни суғор, узумингни хомток қил, томорқанѓаги жўхорингни қайир... Кейин... Хотинингни дўхтирга обор. Бола туға-вериб, минорка товуққа ўхшаб қопти, шўрлик! Э, биро-

дарлар! Нимасини айтасиз! Ошкоралик, демократия деган гаплар чиқди-ю, одамлар бузилди. Пўристой бир калхўзчига гап тушунтираман деб миям ачиб кетса-я! Тушунинглар ахир. Меҳмон дегани отангдан улуг бўлади! Менга қолса, ҳалиям ўша гапим-гап: келаверинглар, азиз меҳмонлар! Марҳамат! Уйимизнинг тўри — сизники! Бизга остона ҳам бўлаверади. Агар остонаяга сифмай қолсак, ҳовлига чиқамиз. Ҳовлига сифмасак, кўчага чиқиб кетамиз. Борди-ю, кўчага сифмай қолсак, буниям йўли бор. Осмони фалакдан пайдар-пай учар ликопчалар тушиб турибди. Ўшанга ўтирамиз-у, ҳайё-ҳайт деб, ўзга сайёralарга учеб кетамиз!

1985 й.

## МОДДИЙ ЁРДАМ

**Б**у фавзоларнинг ҳаммаси арзимаган гапдан бошлини. Бир қуни касаба уюшмасининг бошлиғи Усмон aka ёнимга келиб, елкамга қўлини ташлади.

— Аёлларга қалайсиз? — деди тўсатдан.

Хеч балога тушунмадим.

— Қайси маънода?

— Ну, масалан, ҳурмат қилиш маъносида.

— Ҳа, энди эл қатори, — дедим ростини айтиб.

— Бўлмаса бундай... Бир хизмат қиласиз. Уч кундан кейин хотин-қизлар байрами. Эркаклар номидан кичкинагина зиёфат уюштирасак нима дейсиз?

— Неча сўм керак? — дедим мақсадини тушуниб. Фирмамизда бунақа тадбирлар тез-тез бўлиб туради. Бирор нафақага чиқади, бирор уйланади, бирор тугади, дегандек...

Чўнтағимдан энди пул чиқараётган эдим, Усмон aka қўлимни ушлади.

— Пулингиз керакмас, — деди сирли қилиб. — Сиз бермайсиз, оласиз!

— Нима?

— Оласиз? — Бир варак қофозга ариза ёзиб берасиз-у, эллик минг сўм оласиз. Биз шунга ихчамроқ банкет қиласиз.

Мендан нима кетди. Барибир, аёллар байрамида эркаклар номидан ўзимиз ҳам қатнашамиз-ку!“ Менга ёрдам беринглар, қийналиб қолдим“, деган маънода ариза ёзиб, қўл қўйиб бердим. Ўша заҳоти кассирдан эллик минг олиб, Усмон аканинг кўлига топширдим. Байрам кўнгилдагидек ўтди. Жиндай шампан ичдик, аёлларни қутладик...

Бу гаплар паққос эсимдан чиқиб кетган эди-ю, бир куни касаба уюшмасининг мажлиси бўпқолди. Усмон ака қилинган ишлар ҳақида гапира туриб, тў-сатдан қўлини бигиз қилиб мени кўрсатиб қолди.

— Мана, яхши устамиз Ботировни олайлик. Шу ўртоқ оғир касал бўлиб ўрнидан туролмай ётганида биз унга эллик минг сўм моддий ёрдам бердик!

Атрофда ўтирганларнинг ҳаммаси бир йил тўшакка ёпишиб ётган одамни кўрмоқчи бўлгандек менга бурилиб қаради. Ҳайрон бўпқопман! Бола бўлиб „их“ деган эмасман. Кишда қорда ювинаман. Тошни есам, кум қилиб юбораман! Энди шуни айтмоқчи эдим, қарасам, Усмон ака бошқа масалага ўтиб кетибди. Индамай қўяқолдим.

Орадан бир ҳафта ўтдими, ўн беш кунми, Усмон аканинг хонасига чақириб қолишиди. „Энди моддий ёрдам берса олмайман“, деган ўй билан эшикни очсан, хонада кўзойнак таққан семиз хотин, рўпарасида Усмон ака ўтирибди. Стол устида ҳар хил қофозлар, папкалар...

— Танишинг! — деди Усмон ака мени кўрсатиб. — Ботиров деганимиз шу киши бўладилар.

Аёл кўзойнак ортидан юзимга синчиклаб тикилди.

— Опамиз тафтиш комиссиясининг аъзоси бўладилар, — деди Усмон ака. — Шаҳар бошқармасидан келганлар.

— Қалай, участкангизни тиклаб олдингизми? — деди нотаниш хотин меҳрибонлик билан. Ҳайрон бўлиб Усмон акага қарадим. Кўзини қисяптими, қовоғи учяптими, тушунолмай гарангсиб турган эдим, Усмон ака гапни илиб кетди.

— Э, унчалик ёнган эмас! — деди шангиллаб. — Бу кишининг ўғилчаси шўх-да! Онаси дўконга чиқиб

кетганида электр плиткани разеткага тиқибди. Шунга ақли етганини күрмайсизми? Богча боласи-я бўлмаса! Отасига ўхшаган шустрий-да! Биз берган эллик минг сўм билан уйни таъмирлаб олдингиз-а, тўгрими?

Нима деб фўлдираганимни билмайман. Амаллаб чиқиб кетдим. Бора-бора бу гаплар унут бўпкетди. Энди тинчидим деб юрсам, Янги йил арафасида касаба уюшмасининг ҳисобот мажлиси бўлиб қолди. Ўзингиз биласиз, эси бор одам мажлиснинг орқароқ қаторида ўтиргиси келади. Аксига олиб, кечикиб келибман. Мажбур бўлиб биринчи қатордан жой олдим. Иккита одамдан кейин минбарга Усмон aka чиқди. Мени гапирмаса эди, деб юрагим пўкиллаб турганди, худди айтганимдек бўлди.

— Ҳурматли мажлис қатнашчилари! — деди у кичикроқ дастурхондек келадиган рўмолчаси билан пешанасини артиб. — Биз нуқул ишни ўйлайвермай, инсонларга фамхўрлик қилишни ҳам билишимиз керак. Одам ҳамма нарсадан азиз, биродарлар! Мана, ҳурматли Ботировни олайлик. Ажойиб кадр! Фирмамизнинг кўрки. Устига-устак кўп болали оиласинг бошлиғи. Бир эмас, олтига қизи бор! Биринчи қор ёқсан куни учинчи синфда ўқийдиган қизалоги яхмалак ўйнайман деб оёғини синдирибди! Ботировга дарров эллик минг сўм моддий ёрдам бердик!

Кўз ўнгим қоронғилашиб кетди.

Сакраб ўрнимдан турдим-да, минбарга қараб бор овозда қичқириб юбордим.

— Дод!

Каттакон зал сув қўйгандек жимжит бўлиб қолганини, ҳамма менга ҳайратланиб қараётганини пайқадим.

— Мен ҳеч қачон ёрдам олган эмасман! — дедим қўлимни пахса қилиб. — Ҳеч қачон ўладиган касал бўлмаганман! Уйимга ўт кетганмас! Ёнадиган участкамнинг ўзи йўқ! Бир хонали каталак квартирада тураман. Ра-зеткага сим тиқадиган ўғлим ҳам, яхмалак учадиган қизим ҳам йўқ, билдингми?! У ёғини сўрасанг, хотиним ҳам, хотин олишга пулим ҳам йўқ! Кутулдимми энди?!

Нафасим бүзимга тиқилиб, ҳарсиллаганча жойимга ўтирдим. Усмон ака семизгина бузоқбоши кўриб қолган хўроздек бошини тоҳ у ёқса, тоҳ бу ёқса ташлаб, менга узоқ тикилиб турди-да, негадир илжайди.

— Ўртоқлар! — деди маҳзун оҳангда. — Инсонларга кўпроқ фамхўрлик қиласайлик, деб бежиз айтмадим, биродарлар. Кўриб турибсизлар! Бир йил ичида Ботиров биродаримизнинг бошига шунча ташвиш тушди. Уйига ўт кетди. Ўзи касал бўлиб, бир ўлимдан қолди. Ширингина қизалоги майиб бўлди... — У менга қараб оғир-оғир бош чайқади. — Тағинам фил экансиз, биродар! Худо сабр берсин. — Кейин йифилгандарга қараб, „ана шунаقا гаплар“, дегандек маъноли бош чайқади. — Хафа бўлманг, — деди тагин менга юzlаниб. — Биз сизни албатта даволатамиз. Яхши психиатрлар бор! Керак бўлса эллик минг сўм эмас, олтмиш минг, ҳатто етмиш минг моддий ёрдам берамиз!

Ўрнимдан яна сапчиб туриб кетдим. „Ёрдаминг билан қўшмазор бўл!“ деб бақирган эдим... Ҳеч ким эшишмади. Ҳамма гулдурос қарсак чалар, Усмон ака эса виқор билан минбардан тушиб борар эди...

## СОАТ

**Э**рталаб ишга кетаётиб, бундай қарасам, қўл соатим тўхтаб қопти. Силкитиб кўрдим, бураб кўрдим, қани юрса!

— Соат тўхтаб қопти, — дедим оstonада турганча.

Келинингиз чимирилди.

— Сизнинг қўлингизга тушган нарса соғ қолармиди?

Аслида-ку, соатда ҳақим ҳам қолмаган. Ўн йилдан берими, ўн беш йилдан берими тақаман. Шунаقا-ку, соатни келинингиз совға қилган. Ўз кўли билан. Хотин кишининг совғаси туфли ичидан туртиб чиқсан михга ўхшайди. Ўзини эслатиб турмаса, кўнгли жойига тушмайди. Устига-устак бизнинг соат аллақандай батареяли соатлардан эмас. Механический! Бураладиган!

— Ёш болага ўхшайсиз, — деди келинингиз дашибом береб. — Дарров тузаттириб олинг!

Нима бўлса бўлди, дедим-у, бекатдаги соатсознинг дўкончасига кирдим. Бир кўзига дурбин тақиб ўтирган бурни чўмичдай соатсоз қошини учириб имо қилди:

— Хизмат, акамулло?

Индамай соатни узатдим. У соатнинг орқа қопқоғини очди-да, оғир-оғир бош чайқади.

— Соат деганини мундай тутмайдилар-да, акамулло! Муни қаранг! Муни қаранг! — У аллақандай катта-кичик винтчалари қалашиб ётган соатни бурнимнинг тагига олиб келиб кўз-кўз қилди. — Бир тонна кир йифилибидику ичига! Ҳа энди ўзингиз бир кун ювингасангиз таъбингиз тирриқ бўлиб юрасиз. Ҳай, бу соат деганиниям озода сақлаш керак-да, акамулло. Яқин беш йилдан буён қўл тегмай кирлаб кетибди-ку, жонивор.

— Қачон тузатасиз? — дедим гапни чўзмаслик учун жеркибрөқ.

— Ҳай, энди, акамулло, бўёқчининг нили эмас-да бу. Ҳар битта винтини олиб тозалаймиз. Яна ўрнига кўямиз. Ҳай, ана беш кунда келсангиз, соат тап-тайёрда, акамулло!

— Кўя қолинг, уста, — дедим чайналиб. — Келгуси сафар олиб келарман.

— Иҳтиёр ўзингизга.

Уста соатни қайтарди-ю, бир кўзига дурбинни тутиб ишини қиласверди.

Бекатга бориб чорак соатча турдим ҳамки, автобусдан дарак йўқ. Энди хуноб бўла бошлаган эдим, кўчанинг у юзида, сартарошхона ёнбошида жойлашган бошқа бир соатсозлик дўкони эсимга тушиб қолди. „Бир кириб кўрмайманми, — дедим ўзимга-ўзим. — Ишга кечикишга кечикдим. Барibir соатни тузаттириш керак-ку“.

Бу дўконнинг устаси жингалак сочли йигит экан. Ҷаққонлик билан соатни очди-ю, шу қадар алам-ситам билан ҳуштак чалиб юбордики, соатга эмас, устага раҳмим келиб кетди. Кейин худди оғир жиноят қилиб қўйган одамга тикилгандек кўзимга узоқ қараб қолди.

— Ҳа? — дедим унинг тикилишига тоб беролмай.  
— Ёқут! — деди соатсоз маъноли бош чайқаб.

— Нима ёқут?

— Ҳар қандай механический соатда тош бўлади.

Мана, „двенадцать камней“, деб ёзиб қўйибди. Демак, бу соатда ўн иккита тош бор, дегани. Тош нимадан бўлади? Ёқутдан!

— Нима қипти? — дедим хавотирланиб.

— Нима қиларди, соатингизнинг тоши тўкилиб та-  
мом бўпти, оғайни! Ёқут деган нарса қанақа камёб  
тошлигини биласизми? — Уста сирли бир гап айттаёт-  
гандек овозини пасайтириди: — Менга қаранг, оғайни,  
ўзимизнинг одам экансиз. Сиз учун майли, топаман.

— Қанча бўлади? — дедим енгил тортиб.

Уста олий математика машқини бажараётгандек  
пешанасини тириштириб узоқ ҳисоблади.

— Ўн беш минг сўм! — деди ниҳоят мушкул маса-  
лани ечгандек енгил тортиб. — Сизга ўн беш минг. Ҳо-  
зир мунайчукун соатларга запчас топиш осонмас. Антик-  
вар — бу соат. Аммо-лекин ўзимизнинг одам бўлганин-  
гиз учун амаллайман-да, оғайни! Бўлмаса-ку, бу соат-  
ни аллақачон поезднинг тагига ташлаб юбориб, кутулга-  
нингизнинг суюнчисига зиёфат қилиб беришингиз  
керак эди-я!

— Раҳмат! — устанинг қўлидан соатни тортиб ол-  
дим. У ўрнидан туриб кетди.

— Ие, ҳа, йўл бўлсин, оғайни!

— Поезд йўлига! — дедим тўнфиллаб.

Автобусдан тушиб ишхона дарвозасига етибманки,  
ҳамон бошимга бало бўлган соатнинг, усталарнинг гў-  
рига фишт қалайман. Аксига олиб, шундоқ... кираве-  
ришдаги темир дарвозанинг ёнида ҳам соатсозлик уста-  
хонаси бор экан. Ҳар куни шу ердан кириб чиқаркан-  
ман-у, эътибор бермас эканман. Ишинг тушмаганидан  
кейин шу-да!

Мана, қасдлашиш бўлса, деб бу устахонага ҳам кир-  
дим. Афтига қараб ёшини билиб бўлмайдиган, пеша-  
наси тиришган, юзи қошиқдеккина киши ойна тўсиқ

орасидаги тешикчадан индамай қўл узатди. Соатни олди-ю, негадир орқасини эмас, ойнасини очди. Бир нима қирс этди. „Тамом!“ — дедим ичимдан зияр кетиб. Соатдан ажралдинг. Бир чеккаси яхшиям бўлди. „Кутулдинг“.

Уста қўлидаги соатга қараб соатимни тўғриладида, тўйнукдан узатди.

— Марҳамат!

Ҳайрон бўлиб соатни қулоғимга тутсам, бинойи-дек юриб турибди.

— Қанча бўлади? — дедим киссамни ковлаб.

— Пулингиз керакмас. Мили ойнасига тегиб қопти. Эҳтиёт қилинг!

## СЎҚҚАБОШ БЕВАГИНА

— Мумкинми? Гуд монинг! Салом! Рухсатингиз билан ўзимни представить этсам... Жонетта Кабуловна Халтаева! Мен к сожалению сизнинг сочинениеларингизни ўқиган эмасман. Ростини айтсам, китоб ўқишига вақт йўқ. Биласиз, время — деньги. Хотя эшитганман. В основном мамашкалар ҳақида ёзаркансиз.

Менинг ҳам тўртта болам бор... Нима? Унақага ўхшамайди, дейсизми? Раҳмат, комплемент учун! Ҳамма шунаقا дейди. Мен мамамга ўхшайман. Мамам олтмиш ёшдаям аппетитний эди. Как куколка! Ҳар куни сочини причёска қилдиради. Альчибалтта! Альчибалтни танийсизми? Неужели? Первоклассний мастер-ку! Мужской салонига бормаганмисиз? Впрочем, майли... Оловингиз борми?.. Йўқ-йўқ, мен „Море“ чекаман... Сенкью. Зажигалкангизга гап йўқ. Точно импортний!

Итак, тўртта болам бор. Маратик — Нукусда. Интернатда. Ёши... Минуточку, ёши, помоему ўн тўртда. Шу йил ўн тўртга киради. Копия — папаси. Кр-р-расавчик! Смуглийлиги, кўзининг разрези... Папаси билан биринчи встречамиз Нукусда практикага борганимда бўлган. Зам министр эди. Шунаقا абаятельний, шунаقا интеллигентний. Икки йилча турдик. Цивили-

юванный ажрашдик. Тұғрисини айтди. „Жаночка, жоним, — деди, — бу ёғи прокол бұладиганга ўхшайды, хотиним жалоба ёзибди, двоеженство учун ишдан ҳайдашлари мүмкін“, деди. Биласиз, у пайтда бунақа масалалар строгий эди. „Маратик учун волноватся қылма, ўзим опекамға оламан, сен, Тошкентта кетавер, регулярно бориб турман“, деди. „О-кей!“ Дедим...

...Нигорочка — Самарқандда. Тоесть, Нигорочка эмас, Наргизочка! Нигорочка — Кўқонда...

Где-то икки йилча олдин Самарқандга бордим. Наргизочканинг детдомига кирдим. Детдом — так себе. Аммо директор ништяқ экан! Дылда!

Бўй-басти икки метр. „Братан, дедим, — Наргизочканадан хабар олишим қийин. Ишларим навалом“, дедим. „Хотиржам бўлинг. Наргизочкага ўзим оталик қила-ман“, деди. Уч кун меҳмон бўлдим. Кр-р-утой эркак экан! Молодец!

Наргизочканинг папочкиси ҳам кругой эди. Межрайонний нефтебазада директор бўлиб ишларди. Ёши элликдан ошган бўлса-да, как огурчик эди. Самарқанднинг пахани эди. Хотинидан кўрқмасдан шик-к-карний тўй қилди. Ресторанда. Ёмон яшамадик... Қамалиб кетгани чатоқ бўлди.

Ўша ердан „ксива“ келди — хабар. У кишининг айтишларича, как будто ҳаммасига мен виновата эканман. Э, тўкил дедим! Бензинга дизтопливо қўшишни мен ўргатдимми сенга дедим!

Аммо Нигороккадан анчадан бери хабар олганим йўқ. Айтим-ку, „время — деньги“. Кўқонга ҳеч йўлим тушмаяпти. Нигорочка отасида қолган. Предприниматель эди. „Жаҳон бозорида“ саккизга „точка“си бор эди. Характери „миленький“. Такой послушный. Иккита хотинидан боласи бўлмагани учунми, Нигорочкини жонидан ортиқ кўрарди. Ҳар куни минг хил ўйинчоқ олиб келади. Ҳаммасига ўзи айбдор! Нуқул замечание беради, нотация ўқиди. „Жаннатхон, таҳорат сувини яхши иситмабсиз. Хуфтондан кейин кўчага чиқмасинлар. Номаҳрамларга кўринмасинлар. Бегона эркаклар билан

таплашмасинлар!“ Томи кеттан фанатик! Эркакнинг ҳам бегонаси бўларканми?! Э, сирпал, дедим! Обберган бир хонали квартирангга как дурочка учинчи хотин бўлиб ўтиришим керакми, дедим!

...Пардон, яна оловингиздан... Сенкью. Между прочим, зажигалкангизга гап йўқ! Кўп чекасизми? Шавкатнинг папасиям кўп чекарди. Мана буни настоящий мужик деса бўлади! Қомат бесподобний! Сочлар курчавий! Бизнесни синдириб қўяди! Ҳамма иши „дода“! Тўртта хотинини вот так обеспечить қилиб қўйган. Разумеется загсимиз йўқ эди. Впрочем буниси неважно. Иккита „Мерси“ бор эди. „Мерс-600“! Белдерсойдаги дачасини айтинг! Саунаси, бассейни...

Нет равных! Бир йилча бўлди. Россияга кетганча дараги йўқ. Ўша ердаги братанлардан суриштирсам, биз не в курсе дело, дейди...

Шавкатчик ўзимда. Икки ёшга чиқди. Шустрий. Ходячая бомба. Между нами бир гап айтами? Уйга нотаниш „дядя“лар келса, ҳалитдан мени ревновать қиласи, паразит! Сизни „фазендам“га „ходячий бомба“ йўқлигига чақираман, о-кей!

В общем майли, ближе к делу! Менга сизнинг паддержкангиз керак. Ҳокимиятга заявление берган эдим. „Мен мать одиночкаман. Қийналиб кетдим, шаҳар марказидан квартира беришингизни сўрайман“, деб. Борсам бир пацан ўтириби. Ўн кундан кейин келинг, деди. Бугун борсам нима дейди денг? „Тўрт хонали уйингиз бор экан-ку!“ дейди. Мен уйни сенинг пулингга опманми? Худога шукур, бошимда эрларим тоесть, эrim бор, тоесть бор эди. Бу уйни ўз пулимга сотиб олганман. Йигирма минг „бакс“га! Тағин нима дейди денг, фраер? „Опажон, „монетный двор“дан чиқиб келдингизми, ҳамма ёғингиз брилиант-ку!“ дейди. Менга комплимент қиляпти, сопляк! Брилиантни сен подарка қипсанми? Аёл бошим билан бизнес қиляпман. „Челнок“ка боряпман. Стамбулга, Дубайга, Южний Кореяга... Осонми? Ҳар қадамда „мент!“ „Доля“ чўзмасанг, ҳаммасини опқўяди!

Кстати... Дубайды бўлганмисиз? Обязательно борин! Техника почти даром! Тилла — навалом. Араблар темпераментний бў... Ну, буниси неважко!

Короче, ҳокимиятдаги ўша пашан „Сизга уй йўқ, ҳамма квартиralар приватизация қилиб бўлинган, қаёққа борсангиз, „катта кўча“, деди. Шуни бир фельетон қилинг! Беспомошний мать-одиночкани унижат қилиш қанақа бўлишини бир кўрсатиб қўйинг! Мен ҳам қарздор бўлиб қолмайман. Фамилияси... Минуточку, фамилияси... Ёзib олганман...

Нима? Ёзмайсиз? То есть, как ёзмайсиз? Нима? Нима дедингиз? Яна бир қайтаринг! „Мен инкубатор туздадиган уста эмасман“, дедингизми? Ким инкубатор? Нега аёл кишини ҳақорат қиласиз? Нима ҳақингиз бор? Нахал! Писака несчастный! Ма, зажигалканг бош-шингдан қолсин!

### „КЎҚИЙЎТАЛ“

Телевизор томоша қилиб ўтирасам, бир фермерни кўрсатиб қолди. Қашқадарёдами-ей, Сурхондарёдами-ей, биттаси саккизта новвос боқибди, азамат! Ҳар новвосларки, филдек келади! Э, қандингни ур азамат, дедим. Ўйлаб ўтириб дилимда бир ният туғилди. Мен ҳам „фермерлик“ қилсан-чи? Тўғри, шаҳар жойда фалон гектар ер оламан, деб бўлмайди, новвос боқишинг ҳам иложи йўқ. „Сичқон сифмас инига, ғалвир боғлар думига“, дегандек олти сўтихлик ҳовлида новвос у ёқда турсин, эчки ҳам боқиб бўлмайди! Яхиси, теплица қураман: иссиқхона! Худога шукур уйим жудаям катта эмас. Ҳовли ҳангиллаб ётибди. Хизматим ҳам жа унчалик қийинмас. Қоровулчилик. Бир кун „исмин“га борсам, икки кун уйдаман. Мен ҳам хусусий фермер бўлсам, теплица курсам, қишида кўк пиёз, редиска, кашнич, укроп дегандек. Эрта баҳорда памилдори, бодринг... Қарабисизки, аканг қарағай пулнинг тагида қолиб кетади! Йўқ, мен унақа ноинсофлардан эмасман. Бошқалардан арzonроқ сотаман. Хусусий фермамнинг номи-

ни ҳам ўйлаб қўйдим: „Инсоф!“ Рост-да, инсоф сари — барака, деган машойиҳлар!

Ён қўшним катта жойде ишлайди. Шунга маслаҳат солсам, маъқул бўлди.

— Фақат, — деди қўшним, — теплица солишининг ўзи бўлмайди. Маблағ керак. Каттагина маблағ!

Маблағ топдим. Эскироқ бўлса ҳам юриб турган „Жигулим“ бор эди: „нол-олти!“ Сергелининг бозорига опчиқиб сотдим. Пулни сандиққа солиб, файрат билан ҳовли этагини қазиб ётсам, қўшним чиқиб қолди. „Нима ҳаракат?“ деган эди, бўлажак теплицага пойдервор қазиётганимни айтдим.

— Майли-ку, — деди қўшним, — теплица қуришдан олдин лицензия олиш керак, рухсатнома! Бўлмаса, очган кичик корхонангиз незаконний бўлади!

Иссиқхона „законний“ бўлиши учун ҳокимликка боришим керак экан. Туман ҳокимлигига бордим. Ўфлим тенги йигит хушмуомалик билан кутиб олди.

— Хизмат почча? — деди.

Билдимки, бу йигит наманганлик экан. Наманганликлар хурмат қилган одамини „почча“, дейди. Худди Фарғонада „тоға“, Хоразмда „дойи“, Тошкентда „амаки“ дегандек. Иссиқхона очмоқчи эканимни эшишиб, курсанд бўлди.

— Тўғри қиласиз, почча! — деди. — Менинг дидомлар ҳам очганлар. Намонганда! Биз гул экамиз.

Яхши йигит экан. Ҳамма йўл-йўригини тушунтириди. Энг аввал маҳалладан испаравка олишим керак экан. Фалончи Пистончиеп чиндан ҳам шу ерда туради, теплица қуриш учун етарли майдони бор, деб...

Кечкурун маҳаллага чиқсан, испаравка берадиган ўзимнинг собиқ синфдош дўстим экан. „Бераман деса кўлига, чиқариб қўяр йўлига!“ деб шуни айтса керакда! Қучоқлашиб кўришдик. Ўқувчилик пайтларимизни эсладик. Ланка тепганимиз, ёнғоққа тош отиб, синфхона деразасини синдириб қўйганимиз...

Ниятимни айтган эдим, синфдошим негадир бирдан жиддий тортди. Столнинг нариги томонига ўтиб ўтирди. Қоши чимирилди.

— Справка дейсизми? — деди негадир „сизсираб“. —  
**Фамилияңгиз? Исеми-шарифингиз?**

— Жиннимисан? — деган әдим, қоши баттар чи-  
мирилди.

— Фамилияңгизни сүраяпман!

Начора, айтдим.

— Туар жойингиз? Туғилган йилингиз? Иш жо-  
йингиз? Мутахассислигингиз? Қарамоғингизда нечта жон  
бор? Судланғанлар, қамалғанлар йүқми?

Хаммасини айтдим. Дүстим каттакон дафтарга шо-  
шилмасдан ёзіб олди.

— Шамолладингизми? — деди түсатдан.

Хайрон бўлдим.

— Шамоллаганим йўқ.

— Бўлмаса нега йўталяпсиз?

— Қани йўталганим?

У қаламни зарда билан столга отди.

— Ҳамма гап шунда-да, хумпар! Нега йўталмаяпсан?!

— Нега йўталишим керак?

— Мактабда ҳам аҳмоқ эдинг, аҳмоқ! — деди у ба-  
қириб. — Йўтал, дегандан кейин йўталгин-да, бефа-  
росат! — шундай деб икки бармоғини ишқалаб кўрсатди.

Энди тушундим. Чўнтағимдан битта минг сўмлик  
чиқарган эдим, хиёл чехраси ёришди.

— Яна йўтал, хумпар! Жонлироқ йўтал!

Тағин тўрттагина „йўталган“ эдим, испаравка қў-  
лимга тетди. Дүстим мен билан қайтадан кучоқлашиб  
кўришди.

— Бу дунёда бормисан, ўртоқ! Соғлиқларинг ях-  
шими, ўртоқ? Юз долларлик пулдек камнамосан, ўр-  
тоқ? Невараларинг чопқиллаб юрибдими? Қайси куни  
Хомид қоранинг ақиқасида ўртанча қудангни кўриб  
қолдим. Жа зўр одам-да қуданг, кўрсанг мендан салом  
айтгин, ўртоқ!

Чиқиб кетаётганимда қаттиқ тайнилади:

— Тез-тез кептур, испаравка керак бўлса бирпасда  
есть қиласман, ўртоқ!

...Ҳокимиятдаги „қайним“ яна очиқ чехра билан  
қарши олди.

— Энди иш жойингиздан испаравка оласиз, почча. Бу одам чиндан ҳам бизда ишлайди, меҳнат интизомини бузмайди, кичик корхона очса ишга зарари тегмайди, деган маънода.

Ишхонадаги испаравка берадиган қиз тушга яқин келди.

— Бланка йўқ, амаки! — деди ниятимни эшишиб. — Компьютер ҳам ишламаяпти. К тому же эртага Дилянинг туғилган қуни. У менга „Шанель“ падарка қилганди!

Ростини айтсам, ҳеч балога тушунмадим.

— Армияга борганимидингиз? — деган эдим, қизнинг ипдек қошлари чимирилиб, сочига тегай деб қолди.

— Нима? — деди чийиллаб.

— Шинел падарка қилган бўлса, армияга борганимисиз, дейман?

— Қанақа „шинел?!“ Шанель! Французкий духи! Тушундингизми амаки? Бир флакони эллик доллар туради!

Синфдош дўстимга „йўталганим“ эсимга тушиб, ўртачароқ „йўталган“ эдим, камлик қилди. Дилянинг „шинели“га қаттиқ „йўталиш“ керак экан. Ҳайтовур испаравка қўлга тегди. Фақат чўнтакда шамол фириллай бошлиди. Йўқ, бундан кейин „йўтал“ни дипломатами, хўжалик сумкасигами солиб юрмасам бўлмас экан!

„Қайним“ бу гал ҳам мулоим кутиб олди.

— Энди райгаздан испаравка керак, почча.

— Райгазнинг нима кераги бор? — деган эдим, тушунтириди.

— Ҳамма гап райгазда-да, поччажон! Теплицани таппи билан иситмайсиз-ку! Мени дидом ҳам газ билан иситуттила!

Райгаз бошлигининг юзи ичига газ тўлдирилган пуфакдек дўмбоққина экан.

— Ҳа-а-ай, — деди салмоқлаб, — Ақун теплица қуропман, денг?

— Энди курмоқчиман.

— Ақун газ сўропман, денг?

— Теплицани газ билан иситади-да, укажон! — дедим „қайним“нинг гапини эслаб.

— Иби! — деди у елкасини учиреб. — Ман сизга газни қайдан олай? Ичимдан чиқарып берайми, охе? Манга газ йўқ! Газни давленияси кун сайин пасайиб кетопти! Боғчага бачалар совуқ қотгон, сизни теплицангизга памадор пишгон! Шунайми?

Хафсала билан „йўталган“ эдим, газнинг давленияси қўтарилиди, боғчадаги болалар совқотмайдиган бўлди.

...Бу сафар „қайним“ жиндай хомушроқ қарши олди. Қўлидаги ҳужжатларни варақлаб, тўсатдан сўраб қолди.

— Ие, неваралар ҳам борми, почча?

— Бор! Худога шукур, иккита!

— Икковиям боғчага боруттими?

— Боради. Икковиям боради.

— Богчадан испаравка оласиз, поччажон!

— Теплицани боғчада қураётганим йўқ-ку! — дедим ҳайрон бўлиб.

— Тўғри, поччажон, — деди „қайним“, — теплицани ҳовлига қурасиз. Аммо теплицадаги патинжонни невараларингиз ушласа, неварангиз, Худо қўрсатмасин, оқар сувда „хўп этиб“, сариқми, дезинтериёми юқтирган бўлса, сизнинг патинжонни еган харидор касал бўлиб қолса...

...Боғча опа бўғирсоқдеккина жувон экан. Мени кўриб суюниб кетди. Невараларимни роса мақтади! Жаҳонгир жуда шустрий эмиш. Ухла деса, каравот тагига кириб кетармиш. Қайси куни ҳамма болалар ухлаб ётганда шарни пуллаб, „баранг“ этиб ёриб юборган экан, ёnidаги каравотда ётадиган қизалоқ ҳушидан кетиб қолганмиш. Зато Нигорочка „паслушний“ эмиш.

— Батарея ўлгур ишламаяпти, — деди батареяни чанглаб. — Мана, ўзингиз ушлаб кўринг! Газ-ку етарли, трубалар чириб кетган! Янгилаш керак! Шу бугун Жаҳончиқдан айттириб юбормоқчи эдим. Радителлардан пул йигяпмиз. Ўн минг сўмдан. Жон бошига, тоис бола бошига. Ундан кейин саккизинчи марта „утренник“ қилмоқчимиз. Сиз ҳам албатта келинг!

Начора, „йўталдим“. Қаттиққина. Кучанибгина...

„Қайним“ аввалгидан ҳам хомушроқ кутиб олди.

— Табиатни муҳофаза қилиш ташкилотидан испарвака опкелинг! — деди совуққина қилиб.

Табиатни муҳофаза қилиш ташкилотининг каттакон хонасида, каттакон одам каттакон стол ортида сигарет бурқситиб, кулини каттакон кулдонга чертиб ўтирган экан.

— Галинг, ёшулли! — деди овози гулдираб. — Нечиксиз?

Ҳаммасини бир бошдан тушунтиридим. Каттакон одам сигаретини баттар бурқситиб, норози бош чайқади:

— Теплицани найтасиз ёшулли, кўчангизда ёп борма?

— Нима у „ёп?“

— „Ёп“да, ариқ! Теплисанни гўнги ариққа тушами ахир?

— Ариқ йўқ, — дедим тушунтириб. — Канализация бор.

— Товуқ ферма очсангиз-а, — деди у тўсатдан. — Юмурта барак ер эдик.

— Товуқ ҳам яхши-ю, — дедим муросага чақиравчи оҳангда, — аммо ҳамма ёқни ифлос қилгани чатоқ.

— Кўйсангиз-а, ёшулли! — деди у каттакон кафти билан тутун ҳайдаб. — Теплиса ифлос қилмайми? Гўнг сасимайми? Газ ҳавони бузмайми, ёшулли?!

Қарасам, гап чалкашадиган. „Йўталдим“. Қаттиққаттиқ „йўталдим“. Теплица ҳеч қаерни ифлос қилмайдиган, гўнг сасимайдиган, газдан атири иси келадиган бўлди. Сотилган машина пулининг баракаси учуб, таги кўриниб қолди.

Ҳокимиятдаги „қайним“ бу сафар салом-алик ҳам қилмади.

— Налоговой инспекцияга киринг! — деди тўнғиллаб.

Налоговой инспекция дегани арининг инига ўхшаркан. Бири киради, бири чиқади. Бири бақиради, бири дўқ уради... Менга кечга яқин навбат келди.

- Теплицани нима қымоқчисиз? — деди малласоч йигит қоғоз титкилаб.
- Шу... Күкательар, резавор...
- Қанақа „ревизор?“
- Ревизормас, резавор. Күк пиёз, кашнич, укроп...
- Хрен-чи?

Аввалига ҳеч балони тушунмадим-у, кейин бориб етди. Демак, бу ўртоқ қишига тузлов қилишни яхши күради. Тузлов эса хренсиз бўлмайди.

— Экаман, албатта экаман! — дедим ишонтириб. — Биринчи хрен сизники бўлади. Свежийсидан опкеб бераман!

Негадир гапим умуман таъсир қилмади.

— Гадавой даромадингиз қанча? — деди қофоздан кўз узмай.

— Қанақа даромад?

— Теплицанинг даромади!

— Ҳали теплица курганим йўқ.

— Курасизми ахир??

Қарасам, „йўталишдан“ бўлак иложим йўқ...

....„Қайним“ менга қайрилиб ҳам қарамади.

— Землемерга учрашинг! — деди юзини ўгириб. — Иккинчи қават.

Сўраб-сўраб, землемернинг хонасини топдим. Ингичка мўйлови ўзига хўп ярашган одам экан.

— Килигиз, — деди этакдаги курсига имо қилиб. — Исанмисиз?

Хужжатларни обдан кўздан кечириб, сўради:

— Земельний участок позволять итами?

— Ҳовлим катта, — дедим тушунириб, — олти сотих.

— Постройка қилған чиқарсиз олай?

— Бор. Икки уй, бир айвон.

— Низаконний пастройка йўқми?

— Йўқ, ҳаммаси законний!

У қофозларни шошилмай, узоқ варақлади.

— Теплицани нишатасиз? Проект разработка итарға тигиш, пожарний охранадан справка оларға тигиш. Сигиз-туғиз күшнидан официальний разрешение оларға

тигиш! Ай, сплошной валакита, сволош! Лучше всего дополнительный постройка итинг-да и всё! Олти сотих земельний участок пастройка итарға бирилған, теплица қуарға түгүл!

— Башқалар теплица қуряпти-ку, — дедим ялингудек бўлиб. — Ҳозирча уй-жойим етарли. Амаллаб турибмиз. Колаверса, янги уй қуришга пул қани?

— Интересно! — У сариқ мўйловини қийшайтириброқ илжайди. — Теплица строить итарға оқча бор. Пастройка қиласрға йўқ, шулайми?

— Энди, шу... Машинани сотувдим...

Землемернинг юзи ёришди.

— Неужели? „Нексия“ или „Мерседес“?

— „Жигули“ эди, анча уринган...

— Сумфа сотдизизми или долларға?

...Бўлмади! Машинамнинг сўнгти пулини „йўталдим“!

...Бу сафар „қайним“, айниқса, хуноб бўлиб ўтирган экан. Кўлимдан қофозларни юлқиб олиб, улоқтириб юборди.

— Қанақа одамсуз! — деди йиғлагудек бўлиб. — Уч ойдан бери қатнайсуз, нега йўталмайсуз?! Нега бошқаларга йўталасиз-у, менга йўталмайсуз, поччажон! Сизда инсоф борми, поччажон?!

Ростимни айтсан, „қайним“нинг олдида ер ёрилмади-ю, ерга кириб кетмадим! Буни қаранг, мен аҳмоқ, мен каллаварам ҳаммага „йўталибман-у“, шунча хизмат қилган „қайним“га „йўталиш“ хаёлимга келмабди!

Эрталаб йўлга чиқаётуб, теплица қуришга маслаҳат берган қўшнимдан ўн минг сўм қарз олгандим. Ҳар эҳтимолга қарши. Шуни узатган эдим, „қайним“ баттар тутикауб кетди.

— Йўталингиз шуми, почча! Ўлар ердамисиз, почча! Ҳозир mestний йўтал ўтмайдиган бўлган, „кўки“дан йўталинг, билдингизми, „кўки“дан.

...Кўчага чиқсан, ёмғир қуйиб ётибди. Аксига олиб соябон ҳам олмаган эканман. Уйга кириб келдим-у, ўзидан-үзи йўтал тута бошлади. Йўқ, идоралардаги „йўтал“мас, ростакам йўтал! Нафас олсан, ўпкам уч йил аввал қазо қилган раҳматли холамнинг амиркон маҳсисидек ғижил-

лайди... Ярим кечага бориб, иситма қўтарилиб кетди. Хотиним „тез ёрдам“га телефон қилиб, ярим соатча гаплашди. Икки гапнинг бирида „аҳволи оғир“, дейди. Охири, телефонни қўтариб бошимга келди.

— Мана, ўзингиз тушунтиринг! — деди гўшакни қўлимга тутқазиб.

Бир амаллаб гўшакни қулогимга босдим.

— Камида ўн литр! — деди аллақандай аёл шанғиллаб.

— Нима ўн литр? — дедим ҳансирағ.

— Боядан бери қулогингизга танбур чертяпманми! Бензин! Ўн литр бензин!

— Бу бензаколонка эмас, — дедим нафасим баттар қисиб.

— Тушуниб турибман! — деди аёл ҳамон шанғиллаб. — Энергоносителлар қиммат. Лимит тамом бўлган. Машинада бензин йўқ! Ярим кечаси кўчада қолиб кетайликми?

Машина сотганимда гаражда қолган ярим канистр бензин эсимга тушди. Сўнгги кучимни тўплаб инқиладим:

— Келаверинг, барака топгур! Бензин бор.

Ҳайтовур бирон соатлар деганда „тез ёрдам“ етиб келди. Уйга дўхтирдан олдин ўшип кирди. Бу ёқдан мени суюб чиқишиди, у ёқдан ўғлим гараждан олиб чиқкан канистрни қўтариб ўшип зинғиллади.

— Тўқсан учми, ока? — деди-ю, жавобимни ҳам кутмай, машинасига бензин қуиди. Канистрни машинасининг юхонасига ташлаб қўя қолди. — Янаги сафар „визов“ қилганингизда ташлаб кетарман, ока. Шошиб турибмиз. Яна уч жойдан бензин, тоис касал олишимиз керак!

Инсоғли одамлар экан. Фир этиб „гўрбанниса“га олиб боришиди. „Гўрбанниса“нинг навбатчи дўхтири ёш бўлса ҳам кўзи пишиб кетган экан. Бир қарашда касалимни аниқлади-қўйди.

— Ташвиш қиманг, кеннойи! — деди хотинимга. — Окам кўйўтал бўптила. Та-а-ак, палатада жой йўқ, аммо окамизни қабул қиласиз! Каридорга күшетка қў-

йиб берамиз. Яхши одамларга ўхшайсизлар... Та-а-ак, ёзиб олинг, кеннойи! Бўмаса эсиздан чиқиб кетади. — Шундай деб тортмадан қофоз-қалам олиб, хотинимга тутқазди. — Осма уколга система. Олтита, ну дапустим ўнта! Шприц — ўтизта. Ҳозирча етади. Етмаса, яна этамиз. Никотинка, баралгин, атееф — булар ампулада. Та-а-ак, таблеткалар. Анальгин, йўқ, яхшиси анаприлин, эфекти кучли. Сульфадемитоксин. Раунатин. Окамда давление бор экан. Демидрол ёки тазепам ҳам бўлаверади...

Дўхтирганинг оғзидан муттасил отилиб чиқаётган сўзларни фира-шира эшитяпман. Бошим фувуллаб, нафасим сиқиб боряпти.

— Ёздизми, кеннойи? — деди дўхтир бир зум тўхтаб. — Та-а-ак, каридор биздан. Күшетка биздан. Матрас биздан. Та-а-ак ёзинг кеннойи. Ёстиқ авра. Чойшаб. Пододеяльник. Сочиқ. Иложи бўлса иккита. Бинт, йод, пахта. Стерильний бўлсин... Чойнак, пиёла, коса, вилка, қошиқ, кўк чой — икки пачка...

У ёфи нима бўлганини билмайман. Бир маҳал қўзимни очсан, тепамда хотиним йиграб ўтирибди. Дўхтир билагимни ушлаб, томир санаяпти. Ўпкам оғзимга тиқилгудек йўтал тутди.

— Ташвиш қиманг, кеннойи, ташвиш қиманг, — деди дўхтир хотинимни юпатиб. — Окамни бир ҳафтада отдек қиворамиз! — Кейин менга юзланди. — Йўталинг, ока, қаттиқроқ йўталинг! Иложи бўлса, „кўки“дан йўталинг! Қанча кўп йўталсангиз, шунча тез тузаласиз!

## ҚИЗИЛ ҚАРФА

(Йигирманчи аср эртаги)

**Б**ир бор экан, бир йўқ экан, қадим-қадим замонда, Кураматоғ томонда бир Саҳоба бўлган экан. Кунлардан бир кун Саҳоба тоғдан тушиб, ҳассасини дўқиллатиб кетаверибди-кетаверибди, чанқаб ҳолдан тойибди. Бир туп садақайрағоч тагига етганда хушидан кетиб йиқилибди. Бир маҳал қулоғига „қарр-қарр“ деган овоз

кирибди. Ҳушига келиб күзини очса, садақайрағоч шохига битта олақарға қўниб, нуқул қағиллаётганмиш.

— Худо хайрингни бергур, ақалли Яратган эгамга омонатимни топшираётганда ўз ҳолимга қўйсанг-чи, — деб илтижо қилибди Саҳоба. Шунда олақарға тилга кирибди.

— Ҳасса билан қайрағоч тагини чуқуласанг, сув чиқади, — дебди.

Саҳоба ҳассасини уч марта ерга урган экан, булоқ очилиб, бир тегирмон сув чиқибди.

— Илоё дунё тургунча тургин! — деб дуо қилибди Саҳоба олақарғани.

Дуо ижобатга ўтибди. Олақарға дунё тургунча яшайдиган бўпти. Садақайрағоч атрофида қишлоқ бунёд бўлиб, „Олақарға“ деб ном олибди. Минг йил ўтибди, икки минг йил ўтибди. Олақарға ўлмабди-ю, қарибчурив кучдан қолибди, кўзи хирадашибди. Аммо қулоги бинойидек эшитаркан. Эртадан кечгача садақайрағоч шохидаги мудраб ўтирганча, кўп воқеаларга гувоҳ бўпти.

Кунлардан бирида қишлоқда олатасир отишма бошланиб кетибди. Елкасига милтиқ осган одамлар „Инқилоб!“, „Ҳуррият!“ деб ҳайқиришибди. Ҳамма хурсанд, ҳамма баҳтиёр бўпти. Орадан ҳеч вақт ўтмай, „Йўқолсин золим бойлар!“ деган гап чиқибди. Чиндан ҳам яқин-атрофда биттаям бой қолмабди. Қочгани қочиб кутулибди. Қолгани олис юртларга бадарға қилинибди. Битта от, битта њќизи борлар ҳам „ёт унсур“ деб совуқ жойларга ўрмон кесгани жўнатилибди. Ҳамма тенг бўпти: ҳамма бир хил кийинармиш, ҳамма бир вақтда ётиб, бир вақтда турармиш, бир вақтда овқат ермиш. Бир хил ўйлармиш. Ҳўп гаройиботлар бўпти. Мойсиз, пиликсиз чироқлар ёнибди, кўприклар қурилибди, йўллар очилибди. Ёлпасига саводсиз халқ қаторасига саводхон бўлибди. Шунақанги саводи чиқибдики, шоир Маддоҳий эртадан кечгача ўқиса адо бўлмайдиган қасида ёзибди. „Ким эдик ўтмишда биз, ақли йўқ ва нотавон, бобомиз Маймун эди, момомиз — Ҳамдунахон! Бизни одам айлаганлар омон бўлсин, замон бўлса, замонамдек замон бўлсин!“

Бир куни садақайрағоч соясига бир әмас, иккита машина, уча арава келиб тұхтабди. Олақарғанинг күзи хирадашиб қолгани учун қайси машина „ЭМКА“, қайси арава извошлигини ажрата олмабди. Аммо кекса ақлини ишлатиб билибди, булар жүн одамлар әмас, нақ Донолар кенгаши! Анави — ҳаммадан қаттиқ гапираётгани — кенгаш раиси — Зукко. Одат шунақа экан: ҳамма нарсаны Донолар кенгаши ҳал қыларкан. (Агар Донолар кенгаши қофоз ёзид бермаса туғилған бола — туғилмаган, ўлган одам — ўлмаган бўларкан.)

— Ҳамма саводхон бўлганидан кейин қишлоқнинг номини ёзид қўйиш керак-да, — дебди Зукко. — „Олақарға“ дегани-ку, яхши ном. Лекин „Қ“ билан „F“ни ҳаммаям тушунавермайди. Келинглар, ўйлашиб кўрайлик: нима қылсак „Олақарға“ ҳаммага тушунарли бўлиши мумкин?

Бир соат ўйлашибди, икки соат ўйлашибди, ҳеч кимдан садо чиқмасмиш. (Одат шунақа экан: одамлар ўйлаган гапини айтмас экан. Айтса, тилини кесиб олишаркан. Бир хилларга шафқат ҳам қилишаркан: тилини кесиб ўтирумай, калласини олиб қўя қолишаркан.)

— Тушунарли, — дебди кенгаш раиси Зукко мажлисга якун ясад. — Биласизлар, сиз билан биз кичкина одамлармиз. Бу масалани Катталар ҳал қилади. Биз учун олисдаги Катталар ўйласин...

Икки ҳафтами, уч ҳафтами ўтгач, садақайрағоч соясида түмонағат одам түпланибди, куйлар чалинибди, мактаб болалари бўйнига бўйинбоғ тақиб, сағ тортибди. Зукко йўлнинг чап томонига ўз қўли билан қозиқ қоқиб, „Алья карга“ деган ёзувни илиб қўйибди.

— Мана энди ҳаммаси тушунарли бўлди! — дебди тантана билан. Сағ тортган мактаб болалари бараварига: „Бахтили болалигимиз учун ҳалқлар отасига раҳмат“, деб бақиришибди. Шоир Маддоҳий янги шеърини ўқиб берибди: „Агар сен бўлмасанг, баҳор келмасди. Агар сен бўлмасанг, шамол елмасди... Сен бўлмасанг мен баҳтиёр кулмасдим... — Оломон ўртасида турган отасини кўриб қолибди-ю, у ёини мингиллаб ўқибди: „Сен бўлмасанг, умуман... туғилмасдим“. Охирини тан-

тана билан якунлабди: „Бахтимизга улуг дохий омон бўлсин, замон бўлса, замонамдек замон бўлсин!“

Шундай қилиб, йўлнинг бир томони „Олақарға“ бўпти, бир томони — „Алья карга“. Орадан ой ўтибди, йил ўтибди... Қишлоқ яшнаб кетибди. Бир томон пахтазор, бир томон жўхоризор... Ўзиям шунақсанги зўр жўхори унар эканки, поясидан тўсин ташлаб иморат курсангиз, юз йил қилт этмай туаркан.

Фалокат қош билан қовоқнинг ўртасида туради, деганлари рост экан. Айни жийда гуллаган кезлари сел кебди-ю, „Олақарға“ деган ёзувни таг-туги билан қўпориб кетибди. Уч кундан кейин садақайрағоч соясига бир эмас, тўртта машина келиб тўхтабди. (Кўзи баттар хиралашиб қолган Олақарға пайқамабди: қайси бири „Чайка“, қайси бири „Волга“. Аммо ҳалиям қулоги бинойидек эшитаркан. Тағин Донолар кенгаши тўпланганини тушунибди.)

— Кўчанинг чап томони-ку, аниқ, — дебди Зукко. — „Алья карга“ жойида турибди. Хўш, ўнг томонини нима деймиз? Ҳамма ўз таклифини айтибди. Бирор ундоқ дебди, бирор бундоқ. (Одат шунақа экан: ҳамма гапирапкан-у, ҳеч ким ҳеч нимани ўйламас экан.)

— Яхши! Қишлоқнинг номи топилди, — дебди Зукко. — „Алья карга“ дегани — „Олия қарға“ дегани экан. Йигирманчи йилларда Олияхон деган хотин ўтмиш сарқитларига қарши қўлида қурол билан жанг қилган экан. Ички душманлар аламига чидолмай унга „қарға“ деб лақаб қўйган экан. Биринчи бўлиб колхозга кирибди, азamat! Гектаридан уч юз центнердан жўхори ҳосили олибди. Бугун биз унинг номини абадийлаштирамиз!

Бу сафар Маддоҳий жўхорига бағишлиланган шеъри ни ўқибди. „Гўшт кабобни емангизлар, қаритади, макка-кабоб дардингизни аритади. Далаларнинг маликаси омон бўлсин, замон бўлса, замонамдек замон бўлсин!“

Шундай қилиб, кўчанинг бир томони „Олия қарға“, бир томони „Алья карга“ бўпти. Ой ўтибди, йил ўтибди. Сув омборлари қурилибди, каналлар қазилибди. Ҳамма ёққа ёппасига пахта экиладиган бўпти. Саводсиз Саҳоба ҳассасини чўқилаб, чиқарган булоқ аллақачон

қуриб қолганини ҳеч ким ўйлаб ҳам ўтирумабди. Пахтанинг оти „оқ олтин“, пахтакорнинг номи „олтин қўллар“ бўлибди. Айтишларига қараганда, атлас кўйлак кийган қизлар ялла айтиб, олтин қўл билан пахта тे-раркан.

Қизлар пахта тераверибди-тераверибди, охири „оқ олтин“дан шунақанги хирмон уюшибдик, унинг олдида икки минг йилми, уч минг йил аввал Саҳоба тушиб келган Курматоғ ҳаммомпишдек гап эмиш. Мактаб болаларини айтмайсизми? Шунақанги чаққон эканки, отини ёзишдан кўра „оқ олтин“ теришни яхши биларкан. „Оқ олтин“ ичида юравериб-юравериб, ўзлари ҳам олтинга айланиб кетибди: ранги сап-сариқ эмиш. „Оқ олтин“ни ҳашаротдан асрайдиган тилсим дорилар топилибди, дорини осмондан сепадиган „пўлат қушлар“, „пўлат қуш“ни учиралиган „дала лочинлари“ пайдо бўпти.

Фалокат қош билан қовоқ ўртасида туради, деганлари рост экан. Бир куни чанқовдан қуриб қолган садақайрағоч шохидаги мудраб ўтирган Олақарға туш кўрибди. Гуллаган боғ эмиш, кўм-кўк яйлов эмиш. Яйловда сурув-сурув кўйлар ўтлаб юрганмиш. Олақарға кўй жуниидан полапонларга ин ясаётганмиш. „Эсингни едингми? — деб ўйлабди Олақарға уйғониб. — Полапонларга бало борми? Қариган чоғингда тухум босишни сенга ким кўйибди! Ана, қанчадан-қанча қарғанисалар тухумини олдириб ташляяпти! Мабодо түфса ҳам инкубаторга топширяпти“.

Шу гап хаёлига келиши билан осмонда „тарр“ этган товуш эшитилибди. Иссиқдан мудраб қолган „дала лочини“ пахтазор қаерда тутагани-ю, қишлоқ қаердан бошланганини билолмай нақ садақайрағоч устидан „тилсим“ дори сепиб ўтибди. „Пўлат қуш“ „тарр“ этибди. Олақарға сўнгти марта „қарр“ дебди-ю, попиллаб ерга қулабди. (Ўзиям бу дунёда яшайвериб чарчаб кетган экан шўрлик.) Эртасига дессангиз яна бир фалокат рўй берибди: канал тошибди. Ўзиям шунақанги тошқин бўптики, „Алья қарга“ деган ёзувни қозик-позиги билан қўпориб кетибди.

Куриб қолган садақайрағоч тагида түртта машина түхтабди. Олақарға ўлыб кетгани учун қанақа машина келганини ҳеч ким суриштириб ўтирумабди. Лекин Донолар кенгаши мажлисни бошлаб юбораверибди. Кенгаши роса икки ҳафта давом этибди. (Одат шунақа экан: ҳамма гапирапкан-у, ҳеч ким эшиитмас экан.)

— Катталар билан келишмасак бўлмайди, — дебди Зукко мажлис якунида. — Ҳар қалай сиз билан биз — кичкина одамлармиз.

Бир ойдан кейин қуриб-қақшаб кетган садақайрағоч тагида тумонат одам тўпланибди.

— Ўртоқлар! — дебди Зукко қофозга қараб (одат шунақа экан. Одамлар қофозга қарамаса, гапидан адашиб кетаркан. „Ўртоқлар“ деган сўздан тортиб, „Эътиборингиз учун раҳмат“, деганигача қофоздан ўқиб бериларкан.)

— Ўртоқлар — дебди Зукко қофоздан кўз узмай. — Катталар айтишдики, „Олия қарға“ дегани „Алая карга“ дегани экан. Эътиборингиз учун раҳмат. Қани, бир қарсак бўлсин!

Қарсак чалинибди. Далада қатқалоқ юмшатаётган болалар югуриб келиб, „Алая карга“ пойига гулдаста қўйибди. Шоир Маддоҳий янги шеърини ўқиб берибди: „Оқ олтин“ни олтин қўллар яратади, бизнинг олтин оламга нур таратади. Олтин қўлли пахтакорлар омон бўлсин, замон бўлса, замонамдек замон бўлсин!“

Шундай қилиб, йўлнинг бир томони „Олия қарға“ бўпти, бир томони „Алая карга“.

Ой ўтибди, йил ўтибди. Бу сафар оғат рўй бермабди-ю, авария бўпти. Тўйиб самогон ичиб олган ҳайдовчи (арақ тақиқланган экан) филдек „Камаз“ машинасини учирив келиб „Олия қарға“ни чунонам урибдики, машина гилдираги „бааранг“ этиб ёрилиб кетмаганига ўзиям ҳайрон қолибди. Энди Донолар кенгаши, айниқса, қизғин ўтибди. (Одат шунақа экан. „Қайта қуриш, „ошкоралик“ замони бўлгани сабабли хоҳлаган одам хоҳлаганча ер тепиниши, хуштак чалиши, борингки нотиқни ёқасидан олиб, минбардан тушириб юбошли мумкин экан. Ким энг қаттиқ бақирса, ўша энг катта қаҳрамон саналаркан.)

Мункиллаб қолган Зукко шүрлик „үртоқлар“ деб гап бошлаши билан хуштакбозлик бўлиб кетибди.

— Эҳтиросга берилишнинг ҳожати йўқ, үртоқлар, — дебди Зукко вазминлик билан. — Тўғри, ҳозир „плурализм“ замони. Ҳар ким ўз фикрини айтиши мумкин. Шунча йил ишни катталарага юклаб келдик. Энди ўзимиз ҳам ўйлайлик. Мен ўйладим, кўп ўйладим. Ўйлаб-ўйлаб топдим: „Алая карга“ дегани — „Қизил қарға“ дегани экан. Шундай деб ёзиб қўямиз. Митинг-питингни кераги йўқ! Демак, масала ҳал: „Қизил қарға!“ Нима? Овозга қўямиз, дейсизми? Марҳамат! Демак, бир овоздан!

Зуккодан баттар мункиллаб қолган Шоир Маддоҳий каловланиб ўртага чиқибди. Чўнтағидан тўрт букланган қофоз чиқариб, ҳижжалаб ўқибди. „Қизил қарға, хўп ажойиб исминг бор, номгинангга монанд гўзал жисминг бор. Қарғагинам қанотларинг омон бўлсин, замон бўлса, замонамдек замон бўлсин“. Бу гал ҳеч ким қарсак чалмабди. Аммо йўлнинг бир томони „Қизил қарға“, бир томони „Алая карга“ бўлиб қолаверибди. Шундоқ қилиб, Олақарға Қизил қарғага айланибди. Ҳамма муроди мақсадига етибди. Эртакни эшитганлар ҳам мақсадига етсин!

1984 й.

## ОШ

**П**рофессор Обид Расулович янги маҳаллага кўчиб келганига бир ойдан ошди. Бир куни эрталаб тонг қоронфисида дарвоза тақиллаб қолди. Профессор пижамасини кийиб чиқса, ён қўшниси Холиқ тажанг турибди.

— Ия, домла, одам деган ҳам пешингача ухлайдими! — деди у шанғиллаб.

— Қани, отланинг дарров!

Обид Расуловичнинг кечаси ишлайдиган одати бор эди. Барваҳт туриш малол келарди.

— Қаёқقا? — деди иккиланиброк.

— Қаёқقا бўларди, ошга-да! — Холиқ тажанг шуниям билмайсизми, дегандек қўлинини пахса қилиб ту-

Холиқ тажанг аллақайсі бозорда қоровул бўлиб ишлар, уч кунда бир ишга борар, қолган кунлари майшат эди.

— Бўпти, бўлмаса! — У профессорнинг қўлини силкитиб қисди. — Чиқиб туринг, чойхона-пойхонага бундок. Тобуткашмиз ахир, домла!

— Албатта, албатта! — Обид Расулович хижолат чекиб, бош силкиганча, йўлига равона бўлди.

Саҳарлаб туришга ўрганмагани учун кун бўйи боши ғувуллаб юрди. Аксига олиб кечқурун илмий кенгаш бор эди. Кўриладиган масалалар чўзилиб, мажлис ярим кечагача давом этди. Уйга қайтди-ю, бир пиёла чой ичиб ётиб қолди. Қанча ухлаганини билмайди. Бир маҳал дарвоза кечагидан ҳам қаттикроқ тақиллай бошлиди. У ваҳима ичидаги соатига қараса, тўрт ярим бўпти. Эр хотин дарвозага югуришди. Эшик олдидаги яна Холиқ тажанг турибди.

— Иилингиз уйку, мучалингиз кўрпачами, домла, нима бало! — деди у асқия қилиб. — Э, одамларга қўшилинг-да, бундок, ётаверасизми галанский печканинг олдидаги мудраган мушукка ўшаб.

— Яна ошми? — Профессор қўшнисига мўлтираб қаради.

— Ҳа-да! Ҳалиги юнусободлик Ҳусанбой полвоннинг ўтгай ўғли Нортой бор-ку...

— Қайси Нортой? — деди профессор унинг галини бўлиб.

— Ия, нимага танимайсиз? Қоратошдаги ҳаммомнинг қоровули бор-ку, хотини уч марта кетма-кет Ҳасан-Ҳусан туққан... Шариат бўйича эр хотин қайтадан никоҳ ўқитишган.

Профессор ҳеч балони эсламаса ҳам ҳа-ҳа деб қўя қолди.

— Ана, баракалла! — Холиқ тажанг қувониб кетди. — Шу Нортой денг, хўп ишнинг кўзини биладиган одам-да!.. Учта тўйни қўшиб ўтказяпти денг. Ҳам отонасининг кумуш тўйини қиляпти, ҳам бева қайнисинглисини эрга беряпти, ҳам кенжада ўғлини суннат қиляпти.

Қани бўлинг, чаққон-чаққон. Ия, ҳалиям мудраб турибизми?

Профессор ош емади, ош профессорни еди. Карнай тагига ўтириб қолган экан, микрофонни оғзига тиқиб бақираётган ҳофизнинг чийилдоқ овози у қулоғидан кириб, бу қулоғидан тешиб чиқиб кетди-ёв! Ташқарига чиқишганида кечадан бери ўйлаб юрган гапини айтди:

— Шу... Наҳорги ош жониворни сўфи аzon айтмасдан қилиш шартмикин? Соат саккиздами, тўққиздами қўлса ҳам бўлади-ку! Одамлар хотиржам тановул қилиб, ишига боради.

— Наҳорги ош худди ўша сўпининг азонига қараб тортилади-да, акам айланай! — деди Холиқ тажанг ҳозиржавоблик билан. — Нима, мўйсафидлар „палончи праписир бўкиб ухласинлар“, деб кутиб ўтириши керакми? Намоздан чиқиб тўғри ошга келаверади-да!

Обид Расулович „Мўйсафидлар ош еб бориб уйида кун бўйи уйқуни урса бирор финг демайди, ишли одамларга қийин“, демоқчи бўлди-ю, индамай қўя қолди.

Шу куни кечқурун ҳимоя бор эди. Профессор оппонент бўлгани учун кун бўйи мук тушиб диссертацияни қайтадан ўқиб чиқди. Уйига келиб, китоб вараклагунича яна алламаҳал бўлди. Соат иккиларга яқин кўзи илинди. У қанча ухлаганини билмайди. Бир маҳал дарвоза гурсиллай бошлади. Бу сафар Обид Расулович шошилмасдан бориб очди.

— Яна нима гап, Холиқбой? — деди совуқ оҳангда.

— Ия, қанақа уйқучи одамсиз домла, онангиз ёстик билан кўшиб туққанмилар? Бўлинг тезроқ, Кўчқор қассоб хотинига йигирма қилипти. Шундоқ ойдек хотин суюк тиқилиб ўлиб қолса денг! Фалокат қош билан қовоқнинг ўртасида туради, деб шуни айтади-да.

— Биласизми, мен Кўчқор қассобни танимайман, — деди профессор қовоғини солиб.

— Сиз танимасангиз, биз танимиз. Йигирма йил улфатчилик қилганмиз. Қорақамишга кўчиб кетган бўлсаям, атайлаб айтиб кетди. Сиз ҳам мундоқ маҳалла-

кўйга қўшилинг-да, қани бўлинг, қассобнинг оши қазили бўлади.

Шу куни профессор ўз ходимларининг олдида шарманда бўлди. Соат иккига мажлис чақирган эди. Тушликда озгина тамадди қилди-ю, столга бошини кўйганча, уйқуга кетганини ўзи ҳам билмай қолди. Ходимларнинг аста-секин „адресли“ йўталишидан уйғониб кетди. Қараса, роса бир соатча ухлабди.

Жума кунги ош Қорасувда экан.

— Шервон Одил деган пошшони эшитганмисиз? — деди Холиқ тажанг тонг қоронғисида туртиниб-суртиниб бораётган профессорга. — Ўша пошшо айтган экан: дунёда икки кишини хапа қип бўмайди. Бири — табиб, бири — ошпаз. Тўғри-да, табибни хапа қилсангиз, бир чимдим заҳар берса — тамом! Ошпазни хапа қилсангиз, тўй ошига бир кафт ортиқча туз ташлаб юборса, тўй эгаси шарманда-да! Аммо-локин Эгамберди ошпазнинг донғи Догистонгача кетган! Худо хоҳласа, сиз ҳам мундоқ ҳовли тўйи қиласиз, эл-юргита ош берарсиз. Ўшанда Эгамберди ошпазни хизматга чақирамиз. Бугун шу одам ўртанча ўелининг олтинчими-еттинчи боласига ақиқа қиляпти. Амри-маъруф эшитами!..

Шундай бўлди. Тағин тумонат одам тўпланди. Имомхатиб сўзамолгина йигитча экан. Ота-онанинг фарзанд олдидаги вазифаси, фарзанднинг ота-она олдидаги бурчи ҳақида кўп ибратли мулоҳазалар айтди. Фақат бир гали профессорни ҳайрон қолдирди. Домла Янги йил яқинлашиб қолганини, хонадонга арча зотини зинҳорбазинҳор йўлатиш мумкин эмаслигини тайинлади. Унинг айтишича, арча деган палакатнинг ҳар бир шохи тагида биттадан шайтон ўтиаркан! Обид Расуlevich ёшга кириб, бунақа кароматдан бехабар юрган экан. Холиқ тажантдан „Нима, домла-имом арча тагида ўтирган шайтонларни санабдиларми“, деб сўрагиси келди-ю, тилини тийди. Мулла одам бир нимани билмаса гапирмаса керак... Сўнг тағин қўйлар гумбурлади, ашулалар хониш қилинди... Обид Расуlevich уйига келиб, аёлига қаттиқ тайинлади:

— Эртага эрталаб мен йўқман. Командировкага кетганман, жиянимникига бориб ётиб қолганман, касалман, баломан, баттарман, хуллас — йўқман!

Шу куни маза қилиб ухламоқчи эди, барибир бўлмади. Холиқ тажангнинг чийилдоқ овози қулоғига ўқдек кирди.

— Уялмайсизми, янга! Кап-катта одамга ёлғон гаширгани номус қилмайсизми? Кечкурун ишлаб ўтирганларини деразадан ўз кўзим билан кўрдим-ку! Мов мушукка ўҳшаб панага беркинмай, одамларга қўшилсинлар-да мундоқ! Чақиринг, пойлаб турибман!

Бўлмади. Уйқуси ҳаром бўлган Обид Расулович ташқарига чиқди.

— Ана! — Холиқ тажанг қувониб кетди. — Девор бўлмаса кўчани кўрамиз-да, янгажон!

Хотини, мени ёлғончи қилмай ўлинг, дегандек қовоғини солиб ичкарига кириб кетди.

— Аммо Расул сартарош хўп оқибатли одам-да! — деди Холиқ тажанг бошини сарак-сарак қилиб. — Жиззахга кўчиб кетган одам атайлаб тўйига айтиб кетди, денг. Бечоранинг ўғли йўқ. Тўққизта қизи бор. Шу денг тарговий каллижда ўқиган тўрва қоқдисини узатаётган экан. Шунча юриб юртнинг ошини едим, энди мен ҳам эл олдига дастурхон ёзай, деб ош беряпти. Қани, бўлинг, бўла қолинг, чаққон-чаққон.

— Минг раҳмат! — Профессор кескин ҳаракат билан қўлини кўксига кўйди. — Мен энди бўлдим. Илтимос, иккинчи тўрғай уйғонмасдан мени безовта қилманг.

У эшикни қарс этиб ёпди.

— Ўака, праписир бўлсангиз ўзингизга! — Холиқ тажанг дарвоза томонга иягини чўзиб бақирди. — Билиб кўйинг, ў, тобуткашмиз! Ўлиб-нетиб қолсангиз тобутингизни маҳалла кўтаради.

Обид Расулович тез-тез юриб, ичкари уйга кирди-да, чуқур уҳ тортди. Ўша куни Холиқ тажанг Жиззахдан пешинга яқин қайтди. „Исмен“дан бўш бўлгани учун тўппа-тўғри чойхонага кирди.

— Бу праписирларинг одаммас экан-у! — деди қўлини пахса қилиб. — Вой, димоғингга беданам қўнсин!

Мен буни одам бўлсин, маҳалла-қўйга қўшилсин, десам, эшикни юзимга ёпиб ўтирибди. Вой, сени ёзиб берган китобингта носвой ўраб сотай! Ўзим сезувдим-а, одамгарчилиги йўқ буни, девдим-а! Бўлмаса кўчиб келганига икки кам қирқ кун бўлди. А мундоқ дастурхон ёз, ҳовли тўйи қилиб юртга ош-пош бер, ўлар ердамисан? Ўзиям боласи йўқ шекилли, хотини ўзидан камида ўн беш ёш кичик...

Холиқ тажанг ҳадеб гап маъқуллар, профессор эса бу пайтда юраги сиқилиб, ўзи кашф этган янги буғдой нави ҳосилдорликни бир ярим ҳисса ошиrsa, халққа қанча фойдаси тегишини ҳисоблар эди.

## МЕН, БУВАМ ВА РАНГЛИ ТЕЛЕВИЗОР

**М**ен бувамга қанчалик алоқадор бўлсам, рангли телевизор ҳам менга шунчалик алоқадор. Агар бувам бўлмаса, отам бўлмасди. Отам бўлмаса, мен бўлмасдим. Мен телевизор олмасам, бувамнинг жаҳли чиқмасди. Бувамнинг жаҳли чиқмаса, иргай ҳассасини кўтармасди. Ҳассасини кўтармаса... Ҳеч нимага тушунмадингиз-а? Худо ҳақи, ўзимнинг ҳам бошим айлануб кетди. Келинг, бир бошдан гапириб бера қолай. Шундай қилиб, мен — бу мен. Бувам — отамнинг отаси. Саксон уч ёшда. Бутун бошли буқани, десам лоф бўлар-ку, ўртачароқ ғунажинни бир мушт уришда сулайтиради. Фақат икки йил бурун оёғига бод келиб, сал оқсаб қолди. Сурхондарёга борганимда Боботоғдан атайлаб иргай ҳасса олиб келганман. Ўзиям салкам чорак пуд келади!

Шу десангиз, бир куни тинчгина романимни ёзиб ўтирсам, олдимга бувам кириб келди.

— Ким айтади сени ёзувчи деб? Алмисоқдан қолган телевизорни кўришга уялмайсанми? Олсанг бўлмайдими, бундай ойнаси каттарогидан! — деди ҳассасини ерга дўқиллатиб уриб.

Ўғлим мендан қанчалик қўрқса, мен отамдан шунчалик қўрқаман. Мен отамдан қанчалик қўрқсам, отам

бувамдан шунчалик кўрқади. Оиламизда бувамнинг сўзини икки қиласидаган мард йўқ.

— Хўп бўлади, шу шанбагача есть қиласиз, — деб юборибман икки қўлимни қўксимга қўйиб.

Бувам чиқиб кетиши билан телефон жиринглаб қолди.

— Мен кинорежиссёрман, — деди ўртачароқ йўғонликдаги овоз ўртачароқ қўполлиқ билан. — Сизни кўришим керак!

Ярим соатдан кейин кўришдик. Режиссёр сочи елкасига тушган, ўртачароқ мўйлов қўйган йигит экан.

— Қалай? — деди у тўсатдан.

— Нима қалай?

— Бизнинг фильмлар?

Чайналиб қолдим. Ростини айтсам, шу режиссёрнинг киноларини жиним сўймасди.

— Билмасам, — дедим мингиллаб. — Фильмингиздаги одамлар ғалатироқми-еъ... Томошибин экранда ўзига ўхшаган одамларни кўрса яхши бўлармиди.

— А, ким виноват? — деди у ўртачароқ қўполлиқ билан. Елкамни қисдим.

— Сиз виноват! — режиссёр қўлини тўппонча қилиб пешанамга ўқталди.

— Мен?

— Да, да, сиз! — режиссёр ўрнидан туриб кетди. Чўн тагидан сақич чиқариб, зар қофозни очди-да, карсиљлатиб чайнай бошлиди. — Сиз ёзувчилар сценарий ёзиш деса, қорангизни кўрсатмайсиз-у, бироннинг фильмини ёмонлайсиз.

Энди оғиз очиб фикримни айтмоқчи эдим, режиссёр гапиртирмади.

— Мен деловой одамман! — у бошини бир силтаган эди елкасига тушган соchlари арслоннинг ёлидек силкиниб кетди. — Гап шу: современный темада сценарий ёзиб бerasiz. Сизга бир йил срок.

— Ахир мен умримда сценарий ёзган эмасман.

— Роман ёзган одамга сценарий чепуха! — режиссёр жеркиб берди.

У чиндан ҳам деловой одам экан. Бирпасда қўлимга шартнома қофозини тутқазиши. Шартномага биноан мен бир йил ичида замонавий мавзуда сценарий ёзим, шунинг эвазига қалам ҳақининг тўртдан бирини олдиндан олишим мумкин экан. Қандоқ қилиб қофозга кўл қўйганимни ўзим ҳам билмай қолдим.

— Пулингизни учинчи қаватдаги кассадан олинг, — деди режиссёр яна арслоннинг ёлидек соchlарини силкитиб.

Умримда битмаган ишга ҳақ олган эмасман. Бу гал ҳам олмоқчи эмасдим-у, бувамга берган ваъдам эсимга тушиб қолди. Касса дарчасидан бошимни суқишим билан қўлимга пул тутқазиши. „Кари билганни пари билмас“, деган гапни ким айтган бўлса, уйига буғдой тўлсин! Экрани кенг-мўл телевизор кўриш жоннинг роҳати экан. Чир айланиб ўйнаётган раққосалар, қўйиб берсангиз экрандан чиқиб кетгудек муқом қиласи! Нукул бувамга тасанно ўқийман! Бир чеккаси анави „делавой“ кинорежиссёрниям дуо қилиб қўяман.

Аммо олмоқнинг бермоги бор, деганларидек, бўйнимдаги қарзни узиш керак. Эрта биланоқ ҳамма ишимни бир чеккага йигиштириб қўйиб, сценарий ёзишга киришдим. Тўрт ой деганда сценарий битди. Қўлтиқлаб обордим.

— Маладес! — деди режиссёр арслоннинг ёлидек соchlарини силкитиб. — Бир ҳафтада ўқиб қўяман.

Бир ҳафтадан кейин бордим.

— Чепуха! — режиссёр сценарий солинган папкани бир отган эди, стол устидан сирғалиб келди-да, қўлимга тушди.

— Нимаси чепуха? — дедим ҳайрон бўлиб. — Ҳаётин эмасми?

— Вот именно ҳаётин! — режиссёр ўртачароқ қўполлик билан яна қайтарди. — Именно ҳаётин.

— Бўлмаса қанақаси керак?

— Менга ҳар қадамда учрайдиган одам керакмас. Оригинал бўлсин. Ҳеч кимга ўхшамасин!

Режиссёр у деди, мен бу дедим. Хуллас, яна икки ой муҳлат бериши. Энди ҳамма рангли телевизор кўрса,

мен хонамга қамалиб, қаҳрамонларимни ҳеч кимга ўхшатмаслик билан овора бўлдим. Айтилган муддатда сценарийни яна обордим.

— Маладес! — режиссёр елкамга қоқди. — Бир ҳафтада ўқиб қўяман.

Бир ҳафтадан кейин бордим. Бироқ бу сафар эшикдан қувониб эмас, ижирғаниб кириб бордим. Режиссёр ҳам ижирғаниб ўтирган экан.

— Ерунда! — деди арслоннинг ёлидек сочини силкитиб.

— Яна нимаси ерунда?

— Биронта эпизодда эшак йўқ.

— Нима?

— Эшак йўқ, дейман!

— Эшакни нима қиласиз?

— Местний колорит керакми-йўқми?

— Қачонгacha эшак колорит бўлади? — дедим бўғилиб. — Эшакка бошқоронги бўлганмисиз, нима бало? Ҳар киноингизда эшак ҳанграмаса, хумордан чиқмайсиз.

Режиссёр мендан бунақа қайсаrlикни кутмаган бўлса керак, ўйланиб қолди.

— Барибир колорит керак.

— Менга қаранг, — дедим анчадан буён ўйлаб юрган гапимни айтиб. — Пулингизни опкелиб кассангизга топширсам қутуламанми?

— Нима? — режиссёр соchlарини шу қадар шиддат билан силкитдики, елкасидан чўғ сачраб кеттандек бўлди. — Ни за что! Ишингиз судга тушмасдан сценарийни битиринг. План куйяпти.

Уйга келсам, бувам рангли телевизор рўпарасига ўтириб олиб, мақом концертини кўряпти. Тўғриси, бувам ҳам кўзимга хунук кўриниб кетди.

Бир ярим ойдан кейин сценарийни яна обордим. Бу сафар режиссёр уч кунда ўқиди.

— Шу... Помоему биринчи вариантнинг ўзи ничего эди шекилли, — деди бўшашиб.

— Бўлмаса нега шунча бошимни қотирдингиз?

Режиссёр арслоннинг ёлидек соchlарини оҳиста силкитди.

— Ёзувчи режиссёрнинг хизматкори, деган гапни эшитганмисиз?

Алам қылганидан ўрнимдан туриб кетдим.

— Судга берасизми, сургунга юборасизми, тамом! Мен сиз билан ишламайман.

— Зато, мен сиз билан ишлайман! — режиссёр яна асабийлаша бошлади шекилли, сақич чайнашга тушди.

— Шуни билингки, кино китоб эмас. Сценарий аллақанақа роман ёзишмас.

— Ўзингиз айтгандингиз-ку, роман ёзган одамга сценарий чепуха, деб.

— Совершенно тўғри. Лекин роман битта сизники бўлса, кино коллективники. Тушундингизми?

Чиқиб кетдим. Шу билан кутулдим деб ўйлаган эдим. Қаёқда? Яна олти ой судралиб юрдим. Сценарий деган нарсани хоҳлаган пайтда, хоҳлаган одам ўзгартираверар экан. У жойига актёрнинг тили келишмайди, бу жойи операторга ёқмайди... Орадан бир йил ўтди. Бир куни чала қолган романимни ёзиб ўтирсам, болалар қий-чув қилиб қолишиди.

— Ур-ре! Дадамнинг киносини бераркан!

Катта хонага кирдим. Энг ўртада юмшоқ курсида иргай ҳассасини ушлаб бувам ўтирибди. У ёқда дадам, бу ёқда ойим, хотиним, болалар... Бир маҳал фильм бошланди. Экранда сценарий авторлари деган ёзув пайдо бўлди-ю, бир эмас, уч фамилия кўринди. Биринчиси режиссёрники, яна бири мен танимайдиган аллақандай ажнабий фамилия, охирида меники...

Ха, майли кино кўпчиликнинг мулки, деб қўя қолдим.

Шундай қилиб, кино воқеалари бошланди. Менинг сценарийим бўйича қишлоқнинг обрўли отахони кичик ўғлининг машинасида шаҳарга — катта ўғлиникуга бориши керак эди. Менинг чолим бошига ихчам салла ўраб юрадиган нуроний чол эди. Кинодаги чол айвони баркашдек келадиган сомбреро кийиб чиқди. Муштдек трубкага мўлгина тамаки тўлдириб, бурқситиб тутата бошлади. Дарвоза олдига машина эмас, ҳангى эшак ке-

либ тұхтади. Менинг сценарийим бүйича фаришталиқ-кина кампир, чолининг құліга тутунча тутқазиши, тутунчада набираларига аталған ёңғоқ, туршак, нок бўлиши керак эди. Кинодаги кампир „Қачонгача тамаки тутатасан, сассиқ чол, ма, „Орбит“ чайнаб ол!“ деб чолининг оғзига „жевачка“ тикиштириди. Кейин „Мана, энди одамга ўҳшадинг!“ деди-да, негадир чолининг лабидан ҳафсала билан ўпди.

Бундай разм солсам, ойим тескари қараб олибди. Дадам рўмолча қидирган бўлиб, нуқул чўнтагини ковлади. Бувамнинг кулранг қошлари уйилиб, учбурчак бўлиб кетибди.

Кино ҳамон давом этарди. Шундай қилиб, исқирт сомбреро кийган чол эшакка чаққонлик билан минди-да, трубка тутатиб йўлга тушди. Менинг сценарийим бүйича чол чойхона олдида машинадан тушиб, бир пиёла кўк чой ичиши, чойхўрлар билан экин-тикин ишлардан гаплашиши керак эди. Кинодаги чол кафе олдида эшагидан тушди-да, ичкари кирди. Олтита со-сискани паққос туширди. Устидан бир кружка кўпириб турган пивони ҳузур қилиб симирди-да, „Фарқ“ этиб кекирди. Узундан-узоқ фотиҳа ўқиб, ўрнидан турди.

Менинг сценарийим бүйича чол йўлда кетаётib, карнай-сурнайли тўйга дуч келиб қолиши, тўй эгалари қўярда-қўймай, иззат-икром билан уни ичкарига олиб киришлари, чол келин-куёвга оқ фотиҳа бериши керак эди. Кинодаги чол қаҳвахонадан чиқиб, пивонинг кайфи билан пинакка кетди. Бир маҳал эшагининг чўзизб-чўзиб ҳанграшидан ўзига келди. Қараса, қандайдир тўйхона эшигига келиб қопти. Эшагини темир панжарага боғлади-да, бирор таклиф қилмаса ҳам ичкари кирди. Тўрда ўтирган келин-куёвнинг рўпарасига келиб, ўз қўли билан шампанни пақиллатиб очди. Бокалга тўлдириб, фўлқ этиб ичди-да, келинга қараб ўзидан-ўзи муқом қила бошлади. Сўнг осмонга сакраб рақс тушаётган ёшлар даврасига қўшилиб ўйнаб кетди. Кимдир пул қистирган эди, бошидан сомбрероси учеб кетди. Кулги. Қийқириқ!

Секин разм солсам, уйдагиларнинг ҳаммаси чекка-чеккага қараб ўтирибди. Ойим билан хотиним секингина чиқиб кетишиди. Бувамнинг иргай ҳасса тутган қўли титрай бошлади.

Ниҳоят, кинодаги чол катта ўғлиникига етиб келди. Ҳайрият, бувамга ёқадиган жойига келдик. Менинг сценарийим бўйича чол кичикроқ оиласвий жанжал устига келиб қолиши, ўғли билан келинига насиҳат қилиб, эр-хотинлик масъулиятини тушунтириши керак эди. Кинодаги чол ҳам жанжал устига келиб қолди. Биттаси беш яшар, биттаси уч яшар икки бола икки чеккада тўхтовсиз ариллар, соchlари пахмайган хотин нуқул чамадонга кийимларини жойлар эди. У қайнатасини кўрди-ю бирдан бобиллади:

„Мана шу мишиқилар деб умримни ўтказаманми? Ҳечам-да! Мен жинни бўлганим йўқ“.

„Ё Худо, ўзинг асрар! — дедим ичимда пицирлаб. Сценарийда бунақа гаплар йўқ эди-ку!“ Келин чолнинг рўпарасига келди-да, бошидаги кулранг парикни чанглаб ерга улоқтириди.

„Кетаман! — деди чинқириб. — Сенинг дебил ўғлинг билан яшамайман! Бозорга чиқаман! Пул топаман!“

— „Маладес! — деди чол тўсатдан. — Тўғри қиласан! Иккита мишиқи деб умрингни ўтказасанми? Сен современий аёлсан. Мен сени паддержка қиласан! Манави чурвақалар юмалаб-сумалаб катта бўпкетаверади. Сен ўзингни ўйла!“ Шу ерга келганда бувам чидаб туролмади. Шахт билан ўрнидан турди-да, чорак пудли иргай ҳассасини бир отган эди... Телевизор деганинг кинескопи куйиб ўтирас экан, портлаб қўя қоларкан!..

Ҳаммамиз пилдир-пис бўлиб, уй-уйга кириб кетдик. Ўша куни менга нашриётданинг хат келди. „Хурматли... Романингизни ўз вақтида топширмаганингиз сабабли нашриёт режасидан чиқариб ташладик“.

Ҳа, айтгандай ўша кундан бўён бувам телевизорнинг яқинига бормайди. Мен умуман кино кўрмайман.

1980 й.

## ЮБИЛЕЙ

**Б**угун нақд олтмишга тўлиб, „круглий дата“си бўлса-ку, Вали Солиевич юбилейини қандай ўтказишни ўзи биларди-я! Начора, олтмишга эмас, бор-йўғи эллик тўққизга кирди. Шунинг учун туфилган кунини камтарона нишонлашга қарор қилди. Шунга қарамай, „хўжайин“нинг таваллуд кунига бутун жамоа йифилди. Ҳаммаси рисоладагидек бўлди. Вали Солиевични тўрга ўтқазиши. Олдига каттакон саватда гулдаста, ёнбошига ҳар эҳтимолга қарши, совфа-саломлар учун пастак курси келтириб қўйишиди.

Тантанали кечани касаба уюшмасининг раиси очди. У муҳтарам юбилиярнинг ҳаёти ва фаолияти тўгрисида маъруза қилиш учун сўзни Вали Солиевичнинг мувоенига берганда йифилганлар ўрнидан туриб, гулдурос қарсак чалиб юбордилар.

„Зам“ микрофонни чанглаб, бир-икки пуфлаб қўйди-да, узоқ жимиб қолди.

— Бугун биз тарихий воқеанинг гувоҳи бўлмоқдамиз, — деди ниҳоят титроқ овозда. Сўнг тўй болалардек ийманиб ўтирган юбилиярга қараб давом этди. — Кечирасизлар, азиз дўстлар, кечирасиз, муҳтарам Вали Солиевич! Мен шу қадар ҳаяжондаманки, гапни нимадан бошлашни билолмаяпман! Мен сизнинг мўътабар отангизга ҳавас қиласман: сиздек улуф фарзандни тудиргани учун. Мен сизнинг муҳтарама онангизга ҳавас қиласман: сиздек буюк ўғилни тукқани учун! Мен ўз колективимизга ҳавас қиласман: шундай одамнинг доно раҳбарлиги остида ишлаш баҳтига мусассар бўлгани учун. Мен... Ўзимга ҳавас қиласман: сиздек жаҳоншумул шахснинг „зами“ бўлганим учун! Менга бундан катта баҳт йўқ, азиз устозим!

Йифилганлар тагин баравар қарсак чалишиди. Мувиннинг ўзи ҳаммадан қаттиқроқ чалиб, залга ўгирилди.

— Ўртоқлар! — деди маъюсроқ оҳангда, — мен бир нарсадан жиндай хафаман... — Ҳамманинг диққатини тортиш учун бир зум сукут сақлади-да, давом этди. — Шунча пайтгача Вали Солиевичга нима учун академик

унвони берилмаганига ҳайронман. Умид қиласанки, устозимизнинг олтмиш ёшини академик сифатида нишонлаймиз! — „Зам“ нутқини якунлаб, юбилиярга жамоа номидан „юпқа экранли“ телевизор совға қилганда қарсаклар „авация“га айланиб кетди.

Сўз навбати бошбухга берилди.

— Азиз биродарлар, — деди бошбух вазминлик билан. — Тағин бу одам ўзининг тогасини мақтаяпти, деманглар-ку, мен Вали Солиевични тогам эмас, отам деганман. Агар бу дунёда ишнинг кўзини биладиган, донишманд одам иккита бўлса, биттаси Вали Солиевич бўладилар. Агар битта бўлса, шу кишининг ўзи! Мисол керакми, пажалиста! Бултур кузда нонемас комиссия деган палакат ишимиздан ишқал топиб, прокуратурага оширворай деб турганда шу инсон азиз вақтларини аямай, шахсан ўзлари ёрдамга етиб келдилар. Текширувчиларнинг оғзини ёпиш учун қанча „кўки“дан кетганини билмайман-ку, аммо ташкилотимизнинг обруси ни сақлаб қолдилар! Қани, айтинг-чи, қайси бошлиқ, қайси олим шундай майдада-чуйда юмушларга вақтини сарфлаб ўтиради?! Тогажон! Манави қийиқчани келинингиз ўз қўли билан тиккан! Амир Олимхонникидан қолишмайдиган манави зар чопон эса кенжা жиянингиздан, яъни бизнинг ўғилчадан арзимас совға! Қарант, чап кўкрагига, как раз юрагингиз устига тилла ҳарфлар билан „В. С.“ деб ёзиб қўйилибди. — Бошбух тўн ёпатуриб Вали Солиевичнинг кўксига бошини қўйиб йифлаб юборди. Юбилияр бир нима деб юпатди-ю, қарсаклар остида ҳеч ким эшитмади.

Кейинги сўзни юбилиярнинг содиқ шогирди Ръянохон олди.

— Кимки, дунёда битта офтоб бор, деса бекор айтибди, — деди ишонч билан. — Мен учун оламда иккита күёш бор. Бири — осмонда, бири ерда. Вали Солиевич ердаги қўёш бўладилар!

Осмондаги офтоб кечаси ғойиб бўлади. Сиз эса кечакундуз бизни ёритиб, иситиб турасиз! Сизнинг ихтиярларингиз Нобель мукофотига арзийди. Масалан, кури-

лишда пишиқ гишт ўрнига оддий гуваладан фойдаланиш неча миллион сўм даромад келтиришини сиз исботлаб бердингиз! Агар сиз бўлмасангиз, менга ўхшаган прастой бир аёл илм қилишим мумкинмиди? Сизнинг доно раҳбарлигингиз остида газ ёки электр энергияси сарфламай, гувалани офтобда қуритишни илмий жиҳатдан қандай исботлардим? Сиз бошимни силаб, бағрингизга олмасангиз, гўрсўхта эримнинг пайпогини ювиб юраверган бўлардим! Мендек севикли шогирдингиз баҳтига юзга киринг. Рухсат этинг, ўз қўлим билан тиккан дўппини шу азиз бошингизга кийгизиб қўяй!

Дўппи кичикроқ келди. Аммо Вали Солиевич ранжимади. Раънохонни „оталарча“ меҳр билан бағрига босган эди, шогирди „адашиб“ лабини тутиб қўя қолди.

Котиба қиз Зуля — Зулайҳо навбат кутиб ўтирумай, диркиллаб минбарга чиқиб борди. Этаги тиззасидан икки қарич баланд, ялангоч киндигига зирақ тақиб олган Зуляни, айниқса, қизгин олқишлиар билан қарши олишиди.

— Мен Раъно опамга ўхшаб чиройли гапиришни билмайман, — деди ўқтам овозда. — Кароче, мен Валижон акамни севаман! Вапше биз — аёллар ҳаммамиз сизни севамиз. А мен бўлсам — безумна севаман! Дунёда бунаقا абаятельний эркакни кўрмаганман! Сахийликларини айтмайсизми? Масалан, Янги йилга Валижон акам менга французкий духи падарка қилдилар. „Шанель!“ Манави кальцони эса, — у қўлидаги тилла узукни негадир Раънохон томонга кўрсатди, — международний женский байрамга преподносить қилдилар. Яқинда менга квартира олиб бермоқчилар! Валижон aka! Туғилган кунингизга нима падарка қилишни ўйладим. Кўп ўйладим. Ўйлаб-ўйлаб, в конце-концов ўзимни совға қила-диган бўлдим!

Кийқириқ, қарсакбозлик бўпкетди. Юбиярнинг олдида ўтирган „зам“ табрик сўзини кадрлар бўлимининг бошлиғига берди. Кекса бўлим мудири инқилаброқ минбарга чиқди. Икки-уч марта йўталиб олди.

— Укахон! — деди микрофонни зингиллатиб. — Хапа бўмайсан-ку, сани укам дейишга маралний ҳақ-

қим бор. Ман бу даргоҳда қирқ уч йил ишладим. Не-не одамлар келиб-кетмади. — Шундай деди-да, залга қараб гапида давом этди. — Валижон биринчи ишга келган кезлари шимини күндалант дазмоллаб юрадиган сұтаккина бола эди! „Ишга киришга ариза ёз“, десам, „аризани қанақа ёзади?“ деб сұрагани эсимда. „Мени ишга олишиңгизни сұрайман“, деган түрттагина сүзда саккыста хато қылганини күриб, „сан, саводсиз қай гүрдан кепқолдинг?“ деган эдим!

Юбилиярнинг олдида ўтирган „зам“ безовталаниб қолди. Қўлидаги қалам билан столни бир-икки чертган эди, „атдел кадр“нинг қулоғи оғир бўлгани учун эшитмади чофи, бақириб сўзида давом этди:

— Хабарингиз бор, Дарвин деган инглизми, японми олими „мехнат маймунни одамга айлантирган“, деган. Топиб айтган экан, занғар! Мана, сизларга жонли мисол. Валижон ҳеч қачон меҳнатдан қочмади. Охири, одам бўлди! „Ёшлик — бебошлиқ“, деганлари тўғри. Ёшликда ҳаммамиз ҳам ичганмиз, чекканмиз... Валижон бир ичса, „запой“ бўлиб ичарди! Бўкиб ичарди! Аммо-лекин бирорни хапа қилмасди: нуқул ашула айтарди. Лична ўзим ўн бир марта хушёрхонадан опчиққанман. „Ментлар“ ҳам таниб қолганди. „Ия, ҳофиз яна кепқолдиларми, қани, би-и-ир катта ашуладан бўлсин“, дейишарди. Валижон совукқина хонада майка-турсида ўтириб „боғ аро“ни оларди! Мана, Худо инсоф бераркан-ку! Икки йилдан бери ичишни сапсем ташлади!

„Зам“ ўрнидан туриб кетди. „Рагламент!“ деб дашном берганди, нотиқ яна эшитмади.

— Валижоннинг биринчи хотини фариштадек эди, — деди шавқ билан давом этиб. — Ман буни елкамда ортмоқлаб уйига оборсам, келин шўрлик изза бўларди. Хўп меҳнаткаш, андишали жувон эди.

Ҳайронман, шайтон йўлдан урдими, бошқами, Валижон мана шу иккинчи хотинига илакишиб қолса денг! Неча марта айтдим: „Ҳой бола, аҳмоқлик қилма“, дедим. Қулоқ солмади! Мана, оқибати! Яхши хотин бўлса эрининг юбилейига келиб, ёнида ўтиrsa ўлади-

ми? Йўқ, келмайди! Валижонгаям ҳайронман! Шундоқ катта одам хотинини қўрса, аждарга дуч келган қуёндай қалтираб қолади! Аммо укахоним ҳам бирордан қарздор бўлиб юрадиган анойиларданмас! Хотин зотига суяги йўқ. Локин ман Валижонни бенавот демайман. Валижон хотинбоз эмас, хотинларнинг ўзи Валижонбоз!

„Зам“ бу ёғига чидолмади. Ўрнидан туриб:

— Навбат кечамизнинг бадиий қисмига! — деб эълон қилиб қўя қолди.

„Атдел кадр“ яна бир-икки гапи чала қолганига ранжиброқ минбардан тушиши билан концерт бошланди. „Зам“нинг ўзи биринчи бўлиб „Пахса девор“ деган қўшиқни айтди.

Тўйибгина шампан ичиб олган Раънохон „Лўмбоз“ рақсига бирам эшилиб ўйнади, бирам ўйнади! Зуляхон бало экан! „Лазги“га чалинглар, „Лазги“га, деди-да, қўнгироқдек овозда „Ваъдасида турорим, бари гал, на қилсанг ихтиёринг, бари га-а-ал“ деб, киндигидаги зирақни силкитиб-силкитиб шунақангি рақсга тушдики, эркакларнинг қийқириги томни қўчириб юборай деди!

Худди юбиярни кутлагандек ташқарида момақалдироқ гумбурлади. Кетидан шаррос жала қуйиб юборди...

Кеча охирлаб қолганда жиндек кўнгилсизлик бўлди. Ҳамма баравар „Томсувоқ“ рақсини ижро этаётганида кичик ходим Қўшоқвой эшиқдан бақириб кирди.

— Шўrimiz қуриди, отахон! Янги ясаган гувалаларимиз ёмғирда ивиб, балчиқقا айланди!

## „СОҚОВ“ ЛАЙЧА

(Бир актёр ҳангомаларидан)

**В**илоят театрида ишлаб юрган кезларим эди. Театрни биласиз. Гоҳ спектакль кеч тугайди. Гоҳ узоқ хўжаликка бориб, томоша кўрсатишга тўғри келади. Кўпинча уйга тун ярмида қайтамиз. Аёл киши минг тушунгани билан барибир ҳар хил хаёлга боради-да. Кеч келсам, тергайдиган одат чиқарди. Ўйлаб-ўйлаб йўлини топдим.

Дарвозанинг битта калитини киссага солиб юрадиган бўлдим. Кеч келсам, ими-жимида ҳовлига кираман-у, сўрида ухлайман. Эртасига хотин қаерда эдингиз, деса, кун ботмасдан келганман, сенинг фиш-фишантдан безор бўлиб овқат ҳам егим келмади, деб баланд келадиган бўлдим.

Шу орада десангиз, ён қўшним ит боқди... Бойвачча одам. Умрида китоб ўқимаган. Актёр деганда мас-харабозни, ёзувчи деганда ифвогарни тушунади. Хуллас, қўшним ит боқди. Лақаби — „Арслон!“ „Арслонбой“ қанақа, десам экан? Ит десам, ростмана итнинг ҳақи кетади. Кучукбачча десам „Арслон“нинг. Чойнакдан каттароқ, футбол коптогидан кичикроқ лайча. Аммо овоздан берган. Бир акилласа, бутун маҳаллани уйфатди. Тенор овозда „вак-вак-вак“, „вак-вак-вак“ деганда манаман деган „апчаркалар“, бўрибосарлар жимиб қолади. Тағин шунақанги зийракки, кўчадан пашша учиб ўтса, оламни бошига илади. „Вак-вак-вак“, „вак-вак-вак!“ Кечаси билан уйқу йўқ.

Қўшнига „Итингизнинг жағи мунча очиқ, туни билан тинчлик бермайди“, десам, асқия қилди:

— Кечаси ария айтгиси келгандир-да! Боқса, яхши артис чиқади! Шогирдликка олмайсизми?

Буниси-ку майли. Хоҳлайманми-йўқми, қўшнимнинг дарвозаси олдидан ўтишим керак. Уч юз қадам наридаги катта кўчадан бурилишим билан лайча „янгажон, эрингиз келяпти, боҳабар бўлинг“, дегандек акиллашга тушади. Дарвозага калит солсам, нариёқда хотин ўшшайиб пойлаб турган бўлади.

Охири чидолмадим. Бир куни ишга кетаётib, қўлимга тухумдеккина кесак олдим. (Каттароғи билан уришга ачиндим. Ўлиб-нетиб қолмасин жонивор.) Қўшнининг дарвозасини қия очишим билан лайча акиллаб югурди. Кесак отдим. „Арслон“ дёганича бор экан, ярамас! Ёнига бориб тушган кесакни ростмана итларга ўхшаб ҳидлаб ҳам кўрмай, ғажиб ташлади-да, мен томонга отилди. Шошилинчда дарвозани қия очиқ қолдирган эканманми, катта кўчагача „кузатиб қўйди“.

Күшни кунора ҳазил қиласы:

— Кеча оқшом районга борғанмидингиз? Соат ўн иккидан саккыз минут ўтганда келдингиз? Аввалги кеча ўн бирдан қирқ минут ўтганда „Арслон“ сизга салом бердими?

Э, саломинг билан күшмозор бўл, дегим келди-ю, кўздек қўшни...

— Кўп эътиборлисиз-да, қўшни, — дейман. — Қилган яхшилигингиз мендан қайтмаса, итингиздан қайтсин!..

Хордиқ кунимиidi, эсимда йўқ, хотин тандир қизитиб, нон ёпди. Қарасам, тандир тагида ярим пақир картошка турибди. Хотин нон чакичлашга киришган заҳоти ўртачароқ картошкани тандирдаги чўқقا кўмиб қўйдим. Хотин нон узиб уйга кириши билан картошкани косов билан чўғдан ажратиб олдим. Кўл куймаслиги учун рўмолчага солиб, қўшниникига физилладим. Қўшнининг дарвозасини қия очдим. Рўмолчани ечиб, картошкани югуриб келаётган ит томонга думалатиб юбордим. „Арслон“ қайноқ картошкани гарчча тишилади! На чайнаб ютади. На чиқариб ташлайди. Танглайига ёпишиб қолган! Икки марта „вийқ-вийқ“ деди-да, мингга қўйиб, ҳовли этагидаги макказорга уриб кетди! Шу-шу „соқов“ бўлиб қолди, жонивор. Кўчадан пашша тугул экскаватор ўтса ҳам фиринг демайди! Ора-чора қўшнимдан сўрайман:

— „Арслонбой“ жимиб кетдими?

— Инига кириб репетиция қиляпти, — дейди қўшним бўш келмай. — Катта ашула айтмоқчи!

— Ниятига етсин, — дейман мен ҳам сир бой бермай. — Умри сизницидан ҳам узоқ бўлсин. Кўп ақлли ит-да! Эгасига тортган...

„Арслон“ чиндан ҳам узоқ умр кўрди. Ўн беш йилдан ортиқ. Аммо бирон марта овози чиқмади. Фақат мени кўрса, „вийқ“ деди-да, ўзини макказорга уради.

## „БУТИЛКА“ ҲОЖИ

(Бошқа ҳожиларга дахли йүқ)

**Д**үстим ўғлини уйлантираётган эди. Энди... Түй бўлганидан кейин... Ўзингиз биласиз... Ҳалиги қурғурдан жиндай-жиндай қилиб ўтирасак, даврамизга оқ яктак, оқ дўппи кийган кетмонсоқол йигит келиб қўшилди. Келин-куёвга баҳт-саодат тираб, фотиҳа тортди.

— Яратганга шукроналар бўлсин! — деди қироат билан. — Муқаддас сафар шарафи каминага ҳам насиб айлади!

„Қуллуқ бўлсин“, дедик. Дастанхонда анави „шайтон суви“ турганидан хижолат чекдик.

— Минг бор узр, Ҳожи ака. — Косагул шундай деб, шишаларни ими-жимида стол тагига олиб қўяётган эди, Ҳожи ака секин бош чайқади.

— Йўқ, йў-йў, тақсир! — деди далда бериб. — Сизлар баҳузур, тақсир, баҳузур. Тўйда хурсандчилик қилишнинг айби йўқ.

Косагул иккиланиб қолди.

— Сиздек мўътабар одамнинг олдида...

— Безиён, тақсир, безиён... Биз ҳам бундан бисёр нўш айлаганмиз. — Ҳожи ака жиндай-жиндай ичкилик қуилаётган пиёлалардан кўз узмай, таъкидлади. — Нўш айлаганмиз, бисёр нўш айлаганмиз.

Косагул шумгина йигит экан, Ҳожи аканинг кўзлари сувга тушган мунчоқдек йилтираб турганини пайқаб қолди.

— Сўраганнинг айби йўқ, Ҳожи ака. Мабодо ўзлариям...

— Йў-йў-йў! — Ҳожи ака кескин бош чайқади. — Биз ҳам нўш айлаганмиз... Айлаганмиз.

— Кўп эмас, жиччагина, — деди косагул илжайиб. Ҳожи ака оғир муаммо қаршисида қолгандек бир зум ўйга толди.

— Каминани кўп хижолатли аҳволга сопқўйдиларда, — деди хўрсиниб. — Келинг, йигитнинг сазаси ўлгунча шайтоннинг бўйни узилсин!

— Қайси биридан?

— Каминага „қизили“ ям бўлаверади, — деди Ҳожи ака камтарлик билан.

Косагул пиёлаға бир қултум конъяқ қўйиб узатган эди, Ҳожи ака янаям синикроқ оҳангда қўшиб қўйди:

— Жонлироқ бўлаверсин, тақсир.

„Жонлигина“ қўйилган пиёлани олиб, қисқа нутқ ирод этди:

— Ёшлар қўша қарисин. Ували-жували бўлсин!

Баайнини совуқ чой ичаётгандек, қоп-қора соқолининг биттаям туки қилт этмади. Бодринг билан газак қилиб, „Яратган неъматингга шукур“, деб қўйди.

— Охиригача олмабсиз-ку, Ҳожи ака? — деди косагул пиёла тагида қолган жиндай конъякка қараб.

— Ҳар нарсанинг қонун-қоидаси бор, укам! — деди Ҳожи ака виқор билан. — Ичкилик хамр, яъниким макруҳ нимарса. Аммо унинг ичидаги сув ҳам бор. Сув — энг покиза неъмат. Шундайми? Камина сувини ичдим. Макруҳи тагида қолди. Айтаяпман-ку, камина ҳам бундан бисёр нўш айлаганмиз. — У қиқирлаб кулди. — Бир улфатимиз бўларди. Галати гапларни топиб юради. Бир гапи ҳеч эсимдан чиқмайди. „Биринчи қадаҳ билан иккинчисининг орасига қил ҳам сифмаслиги керак“, дерди. Топган гапини қаранг, баттолнинг! Қил сифмасин, дейди-я!

Косагул Ҳожи аканинг шамасини дарров тушунди. Пайсалга солмай, пиёлани тўлдириб узатди.

— Йў-йў-йў! Үндоқ қилмасинлар-да укам! — Ҳожи ака шундай деди-ю конъякни сипқорди. „Яратган неъматингга шукур“, деб пиёлани косагулга узатди.

— Кўрдиларми, укам, макруҳи яна тагида қолди. Ўзлариям ўргансинлар!

Даврадагилардан бири сафар таассуротларини сўраган эди, Ҳожи ака яйраб кетди.

— Э, нимасини сўрайсан, ука! — деди шанғиллаб. — У ёқлар Хизр назар солган юрт! Ҳар қадамда магазин! Ҳар қадамда дўкон. Жамийки нимарса муҳайё! Апельсинларни текинга тарқатади-ей! Хоҳла — бир яшик ол! Хоҳла — бир тонна ол! Буни қаранг, ҳамма нарса бор-

ку, термос йўқ экан. Учтагинасини опкетувдим, олам-жаҳон пул бўлди! Улфатим, шуни менгаям айтсанг, ўлармидинг, деб ёмон хапа бўлди.

— Кечирасиз, қайси улфатингиз? — дедим тушунмай.

— Ҳалиги баттол-да! Биринчи қадаҳ билан иккинчисининг орасига қил сифмасин, дейдиган. Шу баттолнинг яна бир гапи бор. „Иккинчи қадаҳ билан учинчи-сининг орасига қил сифмасин, демайман-ку, аммо ип сифмаслиги керак“, дейди.

Косагул яна пиёлани тўлдирди. Ҳожи тагида озгина қолдириб, пиёлани қайтарди.

— Яратган неъматингга шукур, — деди виқор билан. — Кўриб қўй, укам! Тагида ҳар гал бир хил макруҳи қоляпти! У ёқда-чи, вей, видик, телевизор, камера деганлари капийка! „Сони“ дейсанми, „Панасоник“ дейсанми, „Плипс“ дейсанми. Иккита „видик“ олсанг, биттаси текин!

— Нега, Ҳожи ака? — дедим ҳайратланиб. — Биттасини пулга, биттасини текинга берадими?

Ҳожи ака ҳе-ҳелаб кулди.

— Нега текинга бўларкан? Икки ҳисса арzon бўлганидан кейин биттаси ёнга қоладими, ахир? Тижоратнинг айби йўқ-ку, тўғрими? Биз тижорат қилаверибмиз, қилаверибмиз, қарасам, юким кўпайиб кетибди. Икки қўлимда иккита чамадон. Орқамда сандиқдек сумка. „Салапан“ халтанинг боғичини тишимга тишлаб олганман. Кетаяпсам, биттаси йўлимни тўсди. Ўзининг тилида важир-важир қиласди, тушунсам ўлай! Таржимон келди. „Нима деб алжираяпти бу?“ десам, тушунтирди. „Юкингиз юз килодан ошиб кетибди-ку“, дейди. „Юкимнинг оғирлиги унга тушибдими, ўзим кўтариб кетяпман-ку“, десам яна важир-важир қилди. „Нима деяпти?“ десам, „Жаноб“ зиёратчимилар, ё отмилар?“ деб сўраяпти, дейди. „Мен от бўлсам, бу эшшак“, дедим-да, амаллаб самолётга чиқиб олдим. — Ҳожи ака хаҳолаб кулди. Косагулга қараб маъноли томоқ қириб қўйди. — Тўртта видик опкелгандим, иккитаси

енга қолди. Ўғилчаям қизиқади-да техникага. — Шундай леб яна косагулга қараб қўйди. — У ёқда-чи, дазмол шул экан. Янаги гал дазмол обораман. Баттол иккаламиз унта-ўнтадан олволсак, о-кей бўлади! Баттолнинг яна бир гапи бор. Учинчи қадаҳ билан тўртинчисининг орасига қил сифмасин демайман, ип сифмасин демайман, аммо-лекин арқон сифадиган бўпкетса, юрак сиқилади-да, дейди. Топган гапини қаранг! Вой баттол-ей!

Косагул шишадаги охирги конъякни силқитиб қушиб узатди. Шишани ерга ташлади. Ҳожи ака тагида озгина қолдириб, пиёлани қайтарди.

— Яратган неъматингга шукур! Кўриб қўй, братан! Макруҳи тагида қолди!

— У ёқда манави масалага қандоқ қарайдилар, тақсир, — деди косагул.

— Унақанги бетамиз тапларни гапирма, братан! — деди Ҳожи ака аччиқланиб. — Ичкилик ичган одам ўлимга маҳкум қилинади!

— Вой-бўй, бир ўлимдан қопсиз-да, тақсир! — деди косагул. — Тақсир ўн бешинчи бўчка билан ўн олтинчи бўчка орасидан самосвал ўтмагунча қўймайдилар шекилли!

Ҳожи ака тутақиб кетди.

— Кароче, ов! — деди қўлини пахса қилиб, — оғизингга қараб гапир, братан! — Мен сувини ичдим, билдингми? Макруҳи тагида қолди, билдингми?! Аввал ўрганиб олгин-да, кейин виступат қил, билдингми?

Қарасам, жанжал чиқадиган. Секин туриб кета қолдим.

## САИД АҲМАД САФАРДА

**М**ен мактабда саводимни чиқарган, университетда ижод сирларини ўргатган, биринчи ҳикоямни чоп этган, бошимга булат келганда ҳимоя қилган барча устозларимни қаттиқ ҳурмат қиласман. Шундай устозлар орасида Саид Аҳмад ака мен учун алоҳида эъзозли! Ҳам ижоди билан, ҳам инсоний фазилатлари билан. Саид Аҳмад

*кўрган андуҳларни филнинг устига ортса, бели синиб кетган бўларди. Қуруқ түхматлар, ўн бир ой „одиночка“ камерада ўтиришлар. Сауда опанинг ҳаётдан эрта кетиши... Шунга қарамай устоз гулдек нафис асарлар яратди. Ҳушчакчақ феълини, қаерга борса давраларнинг гули бўлиб ўтиришни тарк этмади. Устоз билан Ўзбекистоннинг энг чекка қишлоқларигача борганимиз, десам ёлғон бўлмайди. Ўша сафар ҳангомаларидан баъзиларини қоғозга туширдим...*

\* \* \*

**Н**аврўз — диний байрам, деган гап авж олган кезлар эди. Самарқандга бордик. Мезбонлар бизни Ургутга — Тўпхона деган жойга олиб боришди. Одамлар ҳашар қилиб тоғ устида Наврўз учун маҳсус қурган оромгоҳни кўрсатишиди...

Тушдан кейин Самарқанд давлат университетида учрашув бўлди. Саид Аҳмад aka негадир менга меҳрибончилик қилиб, „аввал сен гапирасан“, деб туриб олди. Бунақа ғамхўрлик тагида нима маъно ётганини кейин тушундим. Ёзма саволлар орасида „Наврўз нега тақиқланди?“ деган сўроқ бир неча марта такрорланган эди. Жавоб бермай қўя қолдим. Гапимни тугатай, деб турганимда бир киши ўрнидан туриб сўради.

— Битта савол жавобсиз қолди. Наврўз байрамининг динга алоқаси йўқ. Нега шундоқ байрам бекор қилинди?

Нима дейман? Чиндан ҳам бу байрамнинг динга алоқаси йўқ, шу иш нотўғри қилинди, десам, балога қоламан, бу байрамнинг кераги йўқ, десам, виждонсизлик бўлади. Шумлик қилдим.

— Гап бундай, — дедим. — Орамизда кўпни кўрган устозимиз, Ўзбекистон халқ ёзувчиси Саид Аҳмад aka ўтирибдилар. Бу саволга шу кийши жавоб бермоқчилар.

Ёнига келиб ўтиришим билан Саид Аҳмад aka шивирлади:

— Ярамас! Шу саволга сени рўпара қилиш учун аввал сен гапиргин, дегандим.

У киши ҳам бошқа ҳамма саволларга жавоб берди-ю, Наврўзга йўламади. Шунда бояги одам тагин ўрнидан турди.

— Домла, бояги савол жавобсиз қолди-ку?

Сайд Аҳмад ака ясама жаҳл билан жеркиб берди:

— Нима, мен сенларга авлиёманми? Анави редактор билмаган нарсани мен қаёқдан билай? Жудаям билтинг келса, бугунги кунни дафтaringга ёзиб қўй. Бу саволингга икки йилдан кейин жавоб оласан!..

Оқсоқолнинг гапига фаришталар омин, деган экан. Мустақиллик шарофати билан Наврўз тикланди.

\* \* \*

**Ф**арғонада, Faфур Fулом номидаги хўжаликда катта учрашув бўлди. Залга одам сифмай кетган. Биринчи қаторда чол-кампирлар, нариёқда ёшлар... Негадир, асосан, аёллар йигилган. Ҳаммасининг эгнида товланиб турган атлас кўйлак...

Сайд Аҳмад ака минбарга чиқиши билан раисга ёпишиб кетди:

— Нима бало, раис бува, колхозингиздаги хотинлар нуқул қиз туғадими? Аъзоларингизни тузукроқ боқсангиз бўлмайдими?

Ҳамма ёқ қарсакбозлик бўлиб кетди. Оқсоқолга талай саволлар тушган экан. Биринчи саволни ўқиди:

— Келгуси режаларингиз қандай?

Узоқ ўйланниб қолди-да, салмоқланиб жавоб қилди:

— Келгуси режам... Шу... Уйлансаммикан, деб турибман-да, — шундай деб биринчи қаторда чолининг ёнида ўтирган кампирга қаради. — Ҳа, сиз нега дока рўмолингизни у ёққа ташлаб, бу ёққа ташлаб ўзингизга оро беряпсиз! Мен уйлансам... (уч-тўртта энг юлдуз раққосаларнинг номини санади) шулардан биттасига уйланаман. Ҳозирча қайси бирини танлашни билмай турибман!

Қарсаклар зарбидан залнинг шифти кўчиб тушгудек бўлди. Айниқса, бояги кампирнинг ёнида ўтирган чол кемшик тишларини кўрсатиб, маза қилиб кулди.

\* \* \*

**Ё**з палласи Саид Аҳмад ака, Йўлдош Сулаймон яна бир-икки тошкентлик меҳмонлар Шоҳимардонга бордик. Айни сайил палласи эди: одам гавжум. Хира сураткашлар таниб қолиб, шовқин солди.

— Қани, ким ёзувчилар билан суратга тушади? Кеп-қолинглар!

Бирпасда тумонат одам тўпланди. Ҳали униси келади, „домла, биз ҳам тушайлик“, дейди, ҳали буниси келади, „энди менинг галим“, дейди...

Суратга тушиш майли-ку, борадиган еримизга кечикиб кетяпмиз. Ярим соат ўтибдики, даврадан чиқиб кетолмаймиз. Саид Аҳмад акага қараган эдим, кўзини қисиб қўйди-да, сураткашга пул тўлаётган йигитга пўписа қилди:

— Манга қара, укам, пулни кимга тўляяпсан?

— Сураткашга, — деди йигит ҳайрон бўлиб.

— Бизнинг ҳақимиз-чи? — Саид Аҳмад ака „жаҳл билан“ қошини чимириди.

— Манави бола менинг кассирим бўлади, — деди Йўлдош Сулаймонни кўрсатиб. — Нега анқайиб турибсан? Боятилардан пул олдингми? Менинг ҳар битта суратга тушишим қанча туришини биласанми? Қани, чўз бу ёқа!

Суратга тушадиган азаматлар бирпасда тумтарақай бўлиб, „озодлик“ка чиқдик.

\* \* \*

**Х**удо урган“ бир танқидчи бўларди. Шунақанги „зўр“ эдики, ўзбек адабиётида ҳаммага ёққан асар пайдо бўлиши билан чангини чиқариб дўппосларди. Агар маҳаллий матбуотда ұнинг „фош қилувчи“ мақолаларига жой беришмаса, Москва газеталарида „уриб чиқар“ди. Яна бир одати — ҳазил, ҳажв, юмор деганининг кўчасидан ўтмагани учунми, ерга ётқизиб қўйиб бир ҳафта қитиқласангиз ҳам ўшшайиб тураверар, кулгига тоқати йўқ эди. Хуллас, кунлардан бирида

шаҳорги ошга борадиган бўлдик. Саид Аҳмад акага мен „шўпирлик“ қилдим. Буни қаранг, меҳмонлар шу гартибда ўтириб қолдики, Саид Аҳмад ака билан бояги „зўр“ танқидчи бир лагандан ош ейдиган бўлди.

— Менга қаранглар! — деди Саид Аҳмад ака овозини барадла қўйиб. — Ҳеч замонда ит билан мушук бир товоқдан овқат еганини кўрганмисизлар? Кўрмаган бўлсаларинг, энди кўрасизлар!

Худди шуни кутиб тургандек, ош тортилди. Икквларининг ўртасига лаган келтириб қўйишиди. Танқидчи аланг-жаланг бўлиб қолди: қошиқ йўқ экан.

— Қашиқ борма? — деди танқидчи бўйини чўзиб.

— Қошиқни нима қиласан? — деди Саид Аҳмад ака. — Ҳамма қўли билан оляпти, сен ҳам ошалаб еявер-да, ё кўлингни ювмаганмисан?

— Йўқ, — деди танқидчи. — Қашиқ билан еса „стерильний“ бўлади.

— Ҳой, болам, — деди Саид Аҳмад ака, чой ташиб юрган йигитчага, — мана шу акангга битта қошиқ топиб кел. Чўмич бўлсаям майли...

Қошиқ келиб, танқидчи уч-тўрт луқма егунича Саид Аҳмад ака сабр қилиб турди. Кейин сўради:

— Қалай?

— Зўр! — деди танқидчи фўлдираб.

— Биласанми, — деди Саид Аҳмад ака салмоқлаб. — Сен ош еяётган қошиқ неча кишининг оғзига неча марта кириб-чиққанини билмайман-у, менинг кўлим ўзимдан бошқа ҳеч кимнинг оғзига кирмаган! Олавер, „стерильний“, олавер!

\* \* \*

**Д**унёда маза қилиб куладиган одам иккита бўлса, биттаси Йўлдош Сулаймон эди! Агар дунёда маза қилиб куладиган одам битта бўлса ҳам, шу Йўлдош аканинг ўзи эди! Кўп қаватли қилиб „во-во-во-о-оҳ!“ деб кулганида ҳар қандай „заҳар“ одамнинг ҳам чехраси ёришиб кетарди. Ҳатто Саид Аҳмад ака „Мен сенинг қаришингдан қўрқаман-да, укам, бир куни куламан, деб кучинг

етмай қолади-ю, „пирт“ этиб жонинг чиқиб кетади-да!“ деб юрарди.

Айни баҳор кезлари Саид Аҳмад ака, Умарали Норматов, Йўлдош Сулаймон олис қишлоққа бордик. Мезбонлар орасида вилоят раҳбарларидан бири ҳам бор эди. Дастурхон устида Саид Аҳмад ака раҳбарга қараб жиддий оҳангда гап бошлади:

— Сизлар одамнинг қадрига етмайсизлар.

Ҳамма ҳайрон бўлиб қолди.

— Манави йигитни танийсизми? — деди Саид Аҳмад ака Йўлдош акани кўрсатиб.

— Албатта таниймиз, — раҳбар бош ирфади. — Йўлдош акани ҳаммамиз яхши кўрамиз.

— Яхши кўрасиз-а, яхши кўрасиз! — деди Саид Аҳмад ака қовоғини солиб. — Шундай бола хор бўлиб юрибди. Ойдек хотини бор. Бир-биридан ширин болалари бор...

Йўлдош ака эсанкираб қолди.

— Унақа деманг, усто! Мен яхши юрибман.

— Кагталарапнинг гапига аралашмай тур! — деди Саид Аҳмад ака жеркиб. — Яхши юрганмиш. Оладиган маоши рўзгорига етмайди-ю, мақтанади. Нима, бутун бошли Фарғонада боғдорчилик калхозими, сапхозими йўқми?

— Бор! — деди раҳбар ҳайратланиб. — Бунақа хўжаликлар кўп.

— Ўша хўжаликларингда мевани чукурчуклардан кўриқладиган қоровуллар ҳам бордир?

— Албатта бор.

— Ана! — Саид Аҳмад ака тантана билан қўл силтади. — Ўзларинг ишнинг кўзини билмайсанлар! Бир хўжаликда ўнта қоровул бекорга ойлик олиб ётибди. Йўлдош Сулаймоннинг битта ўзи йигирмата қоровулнинг ишини уddyлайди! Бир марта кулса, ўнта хўжаликка ёпирилган чукурчукнинг юраги ёрилиб ўлади. Тирик қолганлари иккинчи бу ёқларга йўламайдиган бўлиб кетади! Раҳбар тиззасига уриб хаҳолаб кулиб юборди. Йўлдош ака эса раҳбарнинг нақ қулоғига эгилиб, „воҳ-воҳ-воо-о-ох!“ деган эди, раҳбар икки қўллаб қулоғини беркитиб олди.

— Жон ака! — деди ҳамон кулиб. — Майли, ҳамма узумзор сизники! Фақат нарироқда кулинг!

\* \* \*

**Т**оғлик қишлоқлардан бирига бордик. Бир хоналонга мәхмөнга таклиф қилишди. Уйнинг тўрида ўтирган тўрвасоқол одам ким кирса, узундан-узоқ дуо ўқийди, сўнг қироат билан тилак билдиради:

— Илоҳим сен ҳам менинг ёшимга жетиб юргин, бачам!

Бир гап ҳадеб тақрорланавергач, Сайд Аҳмад ака-нинг фаши келди шекилли, сўради:

— Неча ёшга чиқдингиз, тақсир?

— Манба? — деди „дуогўй“ салмоқлаб. — Шу жил иккам жетимишга кираман.

— Уни қарай! — деди Сайд Аҳмад ака. — Сенинг дуойинг мустажоб бўлса, мен саккиз йил аввал ўлиб кетишим керак экан-да! Мен етмиш олтига бордим! Қани, тур ўрнингдан укам, энди жой алмашамиз!

\* \* \*

**С**айд Аҳмад акада пул кўп. Шунинг учун сафарга чиқсан, оқсоқолдан қарз сўрашни яхши кўрамиз. Берган пули вақтида қайтавермаганидан кейин устоз юрак олдириб қўйган. Кўқонга борган эдик. Кечқурун мәхмөнхонада ётиш олдидан оқсоқолдан илтимос қилдим:

— Иложи бўлса, менга беш-олти юз сўм қарз бериб турсангиз. Чеккароқ магазинларда дуруст нарса топилса, болаларга олиб кетардим. (У пайтда 500 сўмга катта қўй берарди.)

— Эллик сўмдан ортиқ пулим бўлса, буюрмасин! — деди Сайд Аҳмад ака ишонч билан.

Камида икки минг билан келганини билардим.

— Шу гапингиз гап-а? — дедим. — Эшитдингиз-а, Йўлдошли ака, оқсоқолнинг эллик сўмдан ортиқ пули буюрмайди.

Йўлдошли ака шу гапга гувоҳ бўладиган бўлди. Эндиғина ечиниб ётган Сайд Аҳмад ака ўрнидан туриб

шимини қайтадан кия бошлади. „Ҳа“ десак, „негадир этим увишиб турибди“, деб баҳона қилди. Эртасига китобхонлар билан учрашув бўлди. Энди шу воқеани ҳикоя қила бошлаган эдим, оқосоқол ўрнидан туриб кетди.

— Шошма, сен эплаб айтольмайсан, — деди. — Яхшиси, ўзим гапириб бераман. Бу ярамаслар сафарга чиқса пул олиб юрмайди. Доим мендан сўрайди. Нима, мен етимхонанинг директориманми? Кеча бергим келмади. Билмасдан онт ичиб қўйибман. Бу шум кечаси чўнтағимни қоқлаб қўйишдан ҳам тоймайди. Шунинг учун шимимни кийиб, пулли чўнтағимга қўлимни тикиб ўша ёнбошимни ерга босиб ётдим. Эрталаб туриб бир акса урган эдим, оғзимдан жиринг этиб битта сўлкавой отилиб кетди. Сўлкавойни оғзимга солиб ётган эканман. Эсимдан чиқиб кетибди. Яхшиям акса урганим, Худо кўрсатмасин, ҳиқичноқ тутса борми, лиқ этиб ичимга кетиб қоларди. Ана унда кўрардинг томошани!

\* \* \*

**П**аррандалардан энг кам уйқуси — хўroz. Ёзувчилардан — Сайд Аҳмад aka! Фарқи шуки, хўroz ўзининг кўноғида туриб қичқиради. Сайд Аҳмад aka тепангга келиб жаврайди.

Бир гал Асакада меҳмон бўлдик. Аллақайси колхоз боғида ярим кечагача гурунглашиб ўтирдик. Кун бўйи йўл юриб чарчаган эдик. Учта каравотга қатор қилиб жой солишган экан. Эркин Воҳидов билан мен ётиб дам олдик. Сайд Аҳмад aka сигарет чекиб, кафтдек радиосини эшитиб ўтираверди. Ухлаб қопман. Бир маҳал Сайд Аҳмад aka ёлкамга туртиб уйғотди.

— Ноҳуш хабар айтиётганим учун хафа бўлмайсан, болам, — деди маъюс оҳангда, — ҳозир радиода айтди: Англия қироличасининг ити ўлиб қопти.

— Суяқ-пуюқ тиқилғандир-да, — дедим энсам қотиб.

— Бутун дунёда таъзия эълон қилишибди, — деди Сайд Аҳмад aka. — Кўнглим бўзилиб кетяти.

— Боғдаги итингиз номидан ҳамдардлик билдириб,

теграмма юборинг, — дедим-да, бошимни буркаб олдим.

Мендан иш чиқмагандан кейин Сайд Аҳмад ака Эркин Воҳидовнинг бошига борди.

— Эркин, болам, — деди фўлдираб. — Сен эсли йигитсан. Ҳар балога ақлинг етади. Боядан бери бир нарсани билолмай бошим қотяпти. Товуқнинг чап оёғидан қилинган табака яхши бўладими, ўнг оёғиданми?

Эркин ака „эй, қўйинг-е“, деган эди, оқсоқол шип-шип юриб нари кетди. Тағин кўзим илинибди. Бир маҳал Сайд Аҳмад ака иккала каравот ўртасида туриб олиб қаттиқ-қаттиқ гапира бошлади:

— Билмаганни сўраб ўрганган олим, орланиб сўрамаган ўзига золим, деган гап бор. Сенлар универсиитетни битирган бўлсанг, мен ўқимаган бўлсам, сўрасам нима қипти? Мен ҳам тарихни билгим келади. Клара Цеткин неchanчи йилда туғилган?

У ёқдан Эркин ака, бу ёқдан мен норози тўнғиллаган эдик, оқсоқол „биринг — шоир, биринг ёзувчиман“, деб мақтанасан-у, илминг — капийка!“ деб нари кетди.

Уйкум бутунлай учди. Клара Цеткин неchanчи йилда туғилганини шу ўйлайман, ҳеч эслолмайман. Эркин аканинг оромини бузмаслик учун нафасимни ичимга ютиб ётавердим. Ярим соатлар ўтди. Туйкус Эркин аканинг каравоти фичирлади...

— Ўткиржон! — деди секин. — Уйгоқмисиз?

— Ҳа, — дедим. — Кўрмайсизми оқсоқолни, уйкунинг белига тепди!

Эркин ака хўрсинди.

— Ростдан ҳам Клара Цеткин неchanчи йилда туғилган эди? Боядан бери шуни ўйлаб ётибман.

Сайд Аҳмад ака зипиллаб бошимизга келди.

— Мана энди бинойидек одам бўлдиларинг, болаларим! Ўзимнинг туғилган йилимни билмайман-у, Клара Цеткининг билан нима ишим бор! Турақолларинг! Ҳадемай тонг отади, чой иче-е-б, олди-қочди гаплардан гаплашиб ўтирамиз.

## МАЪЛУМОТНОМА

**О**дам биринчи фарзанди туғилганида қандай қувонса, биринчи китоби чиққанида ҳам шунақа севи наркан. Ёш ёзувчи Тешабой Болтабоев учун шапалоқдек ҳикоялар тўпламининг чиқиши байрам бўлиб кетди. Буни қарангки, китобга қалам ҳақи ҳам ёзишибди. Нақд ўттиз олти минг сўм! Тешабой китобни бир ярим йилда ёзган бўлса, қалам ҳақини олиш учун ярим йил ҳужжат тўплади! „Ишга кеч қоляпсиз, меҳнат интизомини бузяпсиз“, деб беш-олти марта дашном ҳам эшилди. Бугун ҳам шу масалада „керакли“ идорага келиб икки соатча кутди. Охири „имзо чекувчи“нинг муборак кабинетига кириш шарафига мусассар бўлди.

— Ҳа-а-а-й, укажон, памилиянгиз нима эди? — деди „имзочи“ эснаб.

— Болтабоев, — деди ёзувчи энсаси қотиб. — Қабулнингизга ўн еттинчи марта келишим.

— Иби! — „имзочи“ елка қисди. — Ўн еттинчи марта келасизми, ўттиз еттинчи мартами, менга нима? Мен давлатнинг ишини қиляпман, укажон! Ҳа-а-а-ай, турар жойингиздан спарапка бормиди?

— Ана, кўлингизда турибди.

— Ҳа-а-а-ай, яна бир ўқиб кўрайлик-чи! „Берилди ушбу маълумотнома, шу ҳақдаки, фуқаро Болтабоев Тешабой чиндан ҳам Бештепа мавзеси, Ўнтепа кўчасида истиқомат қиласди. Қўни-қўшнилари билан муносабати нармальний. Маҳалла ишларига аралашиши ёмон эмас. Хотини билан уришмайди. Бир ўғил, бир қизи бор...“

Ҳа-а-ай, домкомнинг имзоси бор. Котибаники бор. Кўча бошиники бор. Участка нозириники бор. „Хушёрхонага тушмаган“, деган спарапка ҳам бор. Муҳр бор... Бу ёфи жойида экан, укажон... Қанча пул олишингиз керак эди ўзи? Ўттиз олти мингми? Нимага оляпсиз давлатнинг шунча пулинни?

— Гонорар.

— Қанақа генерал?

- Генералмас, гонорар.
- Нега оляпсиз ўша ганаralни?
- Ёзганим учун.
- Нечтасини қулатдингиз?
- Нимани қулатаман?
- „Нимани“ эмас, „кимни“ денг! Нечта одамни қулатдингиз?
- Нега қулатишим керак экан?
- Иби! Бироннинг устидан ёзган одам қулатиш учун ёзадими ахир?
- Мен иғвогар эмасман! — деди Болтабоев йигла-моқдан бери бўлиб. — Мен ҳикоя ёзаман!
- Иби, шундай демайсизми, укажон! Шоирман, шифир ёзаман, денг! — шифир эмас, ҳикоя.
- Ҳай, нима фарқи бор? Ишхонангиздан спарапка бормиди? — Топширганимга беш ой бўлган.
- Ҳа-ҳа, тўғри. Мана бу ёқда экан сабил. „Берилди ушбу маълумотнома, шу ҳақдаки, Тешабой Болтабоев чиндан ҳам нашриётда „мусаҳих...“ Менга қаранг, укажон, ишхонангларни чорвачиликка алоқаси борми?
- Қанақа чорва?
- Ишхонангизда эшак борми?
- Нашриётда эшак нима қиласи?
- Бўлмаса, нега „Муса-ҳих“ деб ёзиб қўйибди? „Хих“ деб эшакка хала берилади-ку, укажон!
- „Мусаҳих“ эмас, мусаҳҳих! Корректор дегани.
- „Хих-пих“ деб ўтирмасдан директорни директор деб қўя қолса ҳақи кетадими? Қайси саводсиз ёзган бу спарапкани?
- „Директор“ эмас, корректор!
- Иби, директорми, коллекторми, менга нима? Менинг вазифам давлатнинг бир тийинини ҳам талон-тарож қилдиришга йўл қўймаслик! Ҳай, майли, келин ҳам ишласалар керак бирон жойда?
- Ишлайди. Ана туғуруқхонадан берилган маълумотнома қўлингизда турибди.
- Бунисими? Анавинисими? Ҳа, манавиниси экан. „Берилди маълумотнома шу ҳақдаки, фуқаро З. Болта-

боева Т. Болтабоевнинг законний хотини ҳисобланади“. Илова қилингандар сурат бор. ЗАГС қофозининг ксерокопияси бор. Яхши-и-и! Энди келинга берилган характеристикани ўқиймиз! „Зуҳра Болтабоева саккиз йилдан бери ўн иккинчи туғуруқхонада ҳамшира бўлиб ишлайди, қўли енгил. Лубой хотинни беш минутда туғдирив ташлайди. Ишлаб чиқариш режасини ошириб бажармоқда. З. Болтабоевнинг исменида хотинлар нуқул эгизак туғади“. Маладес, келин, маладес! Сизга ҳам икки жуфтгина эгизак совфа қилсалар чакки бўлмасди, укажон! Ҳа-а-ай, кейинги масала: чет элда қариндошуруғлар борми?

— Йўқ. Мана, Ташқи ишлар вазирлигининг маълумотномаси! Буниси элчихоналардан олинганд спрекалар. Тоҷикистон, Ҳиндистон, Вьетнам, Бангладеш, Бирлашган араб амирликлари, Россия, Япония...

— Мана бу бошқа гап, укажон! Маладес! Соғлиғингиз тўғрисидаги спарапкалар қаёқдайди?

— Ҳаммасини топширганман!

— Қаёққа даф бўлди бу палакат-а? Ҳа, мана бу ёқда экан. Қани, кўрайлик-чи? Терапевт — бор, хирург — бор. Инфекционист — бор. Травмотолог — бор. Қулоқ дўхтири бор. Гинеколог — бор... Шошманг, гинеколог қўшимча бир нима ёзибдими? „Спарапка ушбу ҳужжатни талаб қылган „дурдом“га кўрсатиш учун берилди...“ Ҳа-а-а-ай, гинеколог — бор, эндокринолог — бор...

Укажон, билишимча, сиз хатга кўп тикиласиз, тўғрими?

— Кўзим жойида. Ана, окулист маълумотномаси!

— Унисини айтаётганим йўқ. Сиз хатга кўп тикиласиз. Ақлий меҳнат қиласиз. Маълумки, ақлий меҳнат одамнинг миясини зўриқтиради. Мия зўриқавериб-зўриқавериб охири...

— Бўлди, тушундим. Мана, жиннихонадан маълумтнома! Ҳисобда турмаслигим ҳақида!

— Буниси-чи?

— Бу тери-таносил қасалликлари диспансеридан. Уларга ҳам ишим тушмаган.

Маладес, укажон, маладес! Бачалар нечта эди?

Иккита. Ўёлим учинчи синфда ўқийди. Мактабдии берилган маълумотнома қўлингизда турибди.

— Шундайми? Қани, кўрайлик-чи, қаёқда эди бу? Ҳи а-а, мана! Бизда қофоз йўқолмайди, укажон! „Тешабой Болтабоевнинг ўғли Болғабой Тешабоевич чинлини ҳам учинчи синфда ўқийди. Отаси мактаб ремонтига настаянний ёрдам бериб туради. Ўтган йили уч банка қраска, олти қоп қум, бир қоп алибастр олиб берган“. Буниси боғчадан берилган спарапка шекилли? „Т. Болтабоевнинг қизи Лолаҳон яхши қиз. Отаси Т. Болтабоев байрамларни, боғча мудирасининг, тарбиячи опаларнинг туғилган кунини ҳеч қачон унутмайди“. Маладес, укажон, маладес! Дарвоҳе, ота-онангиз тирикмидилар?

— Вафот этишган. Мана, маълумотнома!

— Бир ўқиб кўрайлик. „Берилди маълумотнома шу ҳақдаким, фуқаро Тешабой Болтабоевнинг отаси йигирма икки йил, онаси йигирма йил аввал ўлган. Шунайтгача тирилгани йўқ. „Гули сиёҳ“ идорасининг бошлиги. Имзо. „Йўғонтепа“ қабристонининг гўркови. Имзо“. Яхши, укажон, кўп яхши! Фақат, ҳайронман, шу пайтгача нега тирилишмади экан...

Ҳай, майли, энди асосий масалага келайлик. Биласиз, налог масаласи строгий масала! Налогни вақтида тўлайсизми? Фақат ростини айтинг!

— Ҳаммасини тўлайман! Тўламасам кечаси билан ухломай қашланиб чиқадиган одатим бор. Мана, налоговой инспекциянинг декларацияси! Мана, „Ий-энён!“ Манавиниси — даромад солиғи. Буниси пенсионний фондники! Мана, уй солиғи, мулк солиғи, ер солиғи, атапление солиғи. Буниси электрники, манавиниси газ солиғи, ахлат солиғи!

— Буниси-чи, укажон, буниси қанақа спарапка?

— Буми? Бу — экология идорасидан олинган маълумотнома. Биз оиласиз билан фақат ўзимизнинг санузелдан фойдаланамиз. Шунда экология бузилмайди.

— Иби, зўр гап-ку бу, укажон! Демак, ҳар ким тўлка ўзининг туалетидан фойдаланиши керак. Акс ҳолда эко-

логияни бузади, тўғрими? Маладес, укажон! Ҳай, сувчи? Сув нима бўлган?

— Мана совуқ сувники. Буниси иссиқ сувники. Уч ойлигини олдиндан тўлаб қўйганман.

— Маладес, укажон, маладес! Телефон масаласи нима бўлган? Билиб қўйинг: межгородний телефондан фойдаланиш амма-холангиз билан гаплашиш эмас. Ҳар минути доллар туради! Ўшанинг спарапкаси...

— Ана, чап қўлингизнинг тагида туриби.

— Тўғри, укажон! Туман телефон тармоғидан спарапка бор экан. Шаҳар тармоғидан — бор. Буниси нима эди? Ҳа, межгороднийдан! „Фуқаро Т. Болтабоев Андижон билан гаплашмаган. Ашхобод билан гаплашмаган. Бухоро, Будапешт, Вобкент, Варшава билан гаплашмаган...“ Ҳай, тағин биттагина иш чала қопти-да, укажон! Антарктида билан гаплашган жойингиз йўқми?

— Йўқ! Мана янги маълумотнома!

— Қани, қўрайлик-чи! „Берилди ушбу маълумотнома шу ҳақдаки, Ўнтипа кўчасида истиқомат қилувчи фуқаро Т. Болтабоев ҳеч қачон, ҳеч ким билан телефонда гаплашган эмас. Чунки унинг уйида телефоннинг ўзи бўлмаган“. Иби, интересна!. Ҳай, майли, буниси қанақа спарапка? Ҳа, ўзимиз талаб қилиб эдик. „Фуқаро Т. Болтабоев ҳар куни эрталаб соат саккиздан ўттиз минут ўтганида 5-автосаройнинг 32-маршрут бўйича қатнайдиган автобусига минади. Кира паттасини нақд сотиб олади“. Маладес, укажон, маладес! Мана буни спарапка деса бўлади. Қаранг, ксерокопияси бор экан. Энди, айтинг-чи укажон, абедни қайси ресторонда қиласиз?

— Мен ресторанга кирмайман.

— Унда қайси ошхонада абед қиласиз?

— Ошхонага ҳам кирмайман.

— Иби! Нима, кун бўйи тишингизнинг кирини сўриб юрасизми?

— Мен ишхонада тушлик қиласман.

— Э, ҳа-а, ишхонада, денг? Чой ҳам ичган чиқарсиз?

— Чой ичаман!

— Ана шунақа-да, укажон! Значит чой ичасиз. Чойни ичиш учун қайнатиш керакми? Ҳай, деб туринг! Чойни электр чойнак ёки „Тефал“да қайнатасизми? Значит давлатнинг электр энергиясидан фойдаланаисиз, шундайми? Шаҳар электр тармоғидан спарапка олиб келишингизга тўғри келади. Борми, шунақа спарапкангиз?

— Бор! Мана, ўқиб кўринг!

— Иби, бунисиям борми? Қани кўрайлик-чи? „Берилди ушбу маълумотнома шу ҳақдаки, нашриёт „муса-ҳҳи-ҳи“ Т. Болтабоев чиндан ҳам ҳар куни соат ўн учдан ўн тўртгача ишхонада тушлик қиласди. Уйидан сомсами, бутербродми, олиб келади. Овқатланиб бўлгач, чой ичади. Чойни ўз уйидан ўзининг термосига солиб келади. Давлатга тегишли электр токидан фойдаланмайди“. Э, маладес, укажон, маладес! Энди... Сўраганнинг айби йўқ... Сиз шифир ёзадиган шоир бўлсангиз. Значит муҳлискаларингиз ҳам бўлиши керак. Албатта, бу ҳар кимнинг личний иши-ку, масаланинг бошқа томони ҳам бор-да! Дапустим, шифирларингизни ўқиган қандайдир аёл сизни яхши кўриб қолди. Сиз у билан жиндай „дон олишиб“ кўйдингиз. Аёл шўрлик бўғоз бўлиб қолди. Канечна, сиз унга уйланмайсиз. Аммо туғилган бачага барибир алимент тўлашингиз керак-ку, тўғрими?

— Тўппа тўғри! Мана, шаҳардаги ўн тўртта туғуруқхонадан маълумотнома! Биронтасида мендан нижкоҳсиз туғилган бола қайд этилмаган!

— Йў-ў-қ, укажон, сиз гапни чалғитманг! Мабодо ўша аёл шўрлик шарманда бўлишдан қўрқиб, бачасини болалар уйига ташлаб кетган бўлса-чи? Бу ҳолда сиз злостний неплательщик бўласиз! Билиб қўйинг!

— Бунгаям маълумотнома бор. Марҳамат!

— Кўрайлик-чи? Хў-ў-ўш... „ДНК“. Нима дегани бу? Давлат назорат қўмитасими?

— Йўқ, ДНК ирсиятни аниқлайди. Биронта етим боланинг ирсияти меникига мос келмас экан. Текширириб қўрдим!

— Иби ҳа-а-ай! Оббо укажон-ей! Оббо маладес-ей!  
Келинг, бир нарсани очиқчасига гаплашиб олайлик.  
Шунча шифир ёзган шоир...

— Шоир эмас, ёзувчи. Шигир эмас, ҳикоя...

— Ҳай, нима фарқи бор? Шундай шоир наҳотки,  
биронта бегона аёлнинг қўлидан тутмаган чиқсангиз?

— Мана, маҳалла хотин-қизлар қўмитасининг маълумотномаси! Ўқинг! Овозингизни чиқариб ўқинг!

— Ҳай, ўқисак-ўқибмиз-да! „Берилди маълумотнома шу ҳақдаки, Бештепа мавзеси, Ўнтипа кўчасида истиқомат қилувчи фуқаро Тешабой Болтабоев ўзининг законний хотинидан бўлак биронта аёлнинг қўлидан ҳам, оёғидан ҳам ушлаган эмас. Мингтепа маҳалласи хотин-қизлар қўмитасининг раиси. М. Жабборова“.

— Иложи бўлса манави маълумотномани ҳам папкангизга тикиб қўйсангиз.

— Нима экан бу?

— Қўшимча справка. Ўқинг.

— Ўқиймиз. Абизателна ўқиймиз! „Биз қайси эр қачон ичиб келиб хотинини дўппослашини, қайси хотин эрини камандировкага жўнатиб, „шеф“ини „мехмон қилишини“, кимнинг остонасида эрталаб шприц ётиши, қайси хонадонда кечаси билан гумбур-гумбур музика жаранглаб, базми-жамшид бўлишини беш қўлдек биламиз. Гарантия бериб айтамизки, Тешабой Болтабоевларнинг оиласидек намунали оила йўқ. Эрхотин иноқ. Болалари одобли...“. „Етмишдан — тўқсонгача“ очиқ турдаги кампирлар жамиятининг аъзолари: Халча Шарипова, Лариса Ивановна Петрова, Нонна Георгиевна Гаприндашвили, Сара Моисеевна Абрамова, Аза Ароновна Амбарцумян, Гулисиймо Маматзода, Оксана Тарасовна Харченко, Лидия Ким, Розия Тухватуллина ва бошқалар. Жами ўн етти имзо...“ Ҳай, майли, укажон, бу спарапкаларга ишондик. Аммо эркак киши „шўхлик“ қилса маҳалласида қилмайди-ку. Мана ўзимиздан қиёс. Тўғрими? Мухлискаларингиз маҳаллангизда бўлмаса, четда бордир?

— Унисигаям „спарапкам“ бор.

— Йўғ-е! Қани, бир кўрайлик-чи! Ҳа-а-ай! „Берилди ушбу справка отгинанг ўчур Тешабой Болтабоевга шу ҳақдаки, бу урод импотентми, десам, импотентга ўхшамайди. Қомат зўр. Мускулатура — „туши свет!“ Аммо фирмамизнинг олдидан неча бор ўтиб, бирон марта қайрилиб қарамайди, сволоч! Бунисиям майли, яқинда бизнесимизга халақит бериб, „Сенлар ёшларни бузяпсан, газетага ёзаман“, деб угроза қилди, несчастний! Службамиздан пастаянний текинга фойдаланадиган клиентимиз „Босс“га айтиб таъзирини бердирмасам, Мама Роза отимни бошқа қўяман! „Висол“ масъулияти чекланган ташкилотга қарашли „Хизмат-беминнат“ фирмасининг генеральний директори М. Р. Қўшшаева“. Вой укажон-ей! Вой маладес-ей! Бу ёғиниям — спарапка қилиб қўйганман, денг! Қойил! Қойил! Энди...

Битта серёзний гап, укажон. Бир иш қиласиз. Бештепа мавзеси, Ўнтипа кўчасида истиқомат қилувчи фуқаро Тешабой Болтабоевнинг қўлидаги ҳамма спарапкалар аслига тўғри“, деган маънода биттагина спарапка олсангиз, олам — гулистон!

— Бунақасини кимдан оламан?

— Биздан-да, укажон, биздан! Биласиз, мушук тутул чумоли ҳам текинга офтобга чиқмайди. Менга борйўғи эллик минггина берсангиз, спарапка „сем милитда“ қўлингизда бўлади. Нақд ўттиз олти минг ганаралингизни олиб, бошингиз оққан томонга кетаверасиз! Келишдикми?

## ЎЛДИ — АЗИЗ БЎЛДИ

**Х**ар ҳафта бўлиб турадиган, „қатъий“, „охирги“ чоралар кўриладиган, одатдаги мажлис эди.

— Маҳкамов қани? — бошлиқ кўзойнагини бурнининг учига тушириб, тўпланганларга таҳдидли қараб чиқди. — Мажлис тўққизда бошланишини билармиди?

Маҳаллий қўмита раиси ранги ўчиброқ ўрнидан турди.

— Ўтган жума куни йўлакка эълон осиб қўйганиз, — деди мингирилаб. — Меҳнат интизоми муҳока-

ма қилинади, деганмиз. Ўқиган бўлиши керак. Ҳар нечук саводи бор-ку...

— Саводи бормиш! — бурчақда ўтирган бошбух тўн-филади. — Саводи борлиги учун келмаган. Аслида худди ўша Маҳкамовнинг интизомини муҳокама қилиш керак! Худони берган куни кечикади, мукофотдан маҳрум қиласйлик десак, жонларинг ачийди.

— Ай, ҳаммаси бесполезно! — деди фаррош кампир шарттакилик билан. — Пьянство йуқ бўлди деймиз, арақ соғлиққа вредний, деймиз... Азизнинг кабинетидан каждый день бутилка шиқади! Қаёқдан пул топади, арақ паразитга!

— Э, содда хотин! — қоровул тоға носини бурчакдаги симсаватга туфлаб, тўнининг енги билан мўйловини артди. — Ичаман, деган одам ўғирлик қилиб бўлсаям пул топади, арақ палакатга! Бир қўшним бор, фирт пиёниста! Қайси куни хотини айтибди. Шу арақ ўлгурни тилла баҳоси қилиб қўйса ичишни ташлармидинг, деса эри айтармиши: „Арақ тилла баҳоси бўлса, мен-ку ичишни ташламасдим, лекин сен бола-чақанг билан оч қолардинг“, дермиш! Азиз деганларингам париштамас. Кечаям ҳамхонаси билан алламаҳал чиқиб кетувди. Баданида бор эди-ёв...

— Шуҳрат биланми? — деди бошлиқ қовоғини солиб.

— Э, отини қаттан биламан! — Қоровул тоға қўлини силтади. — Шуҳратми, Шовкатми?! Гапнинг очиғини айтайми? Манга қолса, шу идорага ҳар куни ўттиз тўққиз одам кириб, ўттиз тўққиз одам чиқиб кетса бўлди. Қачон келади, қачон кетади, ишим нима? Ман ўн беш ёшимда ишга кирганман. Зовутга. Уруш охирлаб қолған эди. Ўртоқ Исталинга қойилман. Ишга етти минут кечикдингми, онангни Учқўрғондан кўрдим деявер! — Қоровул тоға аразлагандек юз ўғирди.

— Аммо-лекин Худойлигимни айтаман: кечаям бор эди, Азизнинг баданида. Биламан-да, бу зорманда дарров одамнинг юзини қизартириб юборади. Иккаласининг юзиям мош еган хўрознинг тожисига ўхшаб турвиди.

Хар томондан ҳайратомуз хитоблар янгради.

— Ие, Шуҳратнинг ўзи қани? Уям кўринмайди-ку?

— Ҳамтовоқлар!

— Ҳаммаҳалла денг! Бир кўчада туради. Мохов мохов билан қоронғида топишади. Шу пайт эшик журъатсизгина фийқиллади. Остонада кичик ходим Шуҳрат Эминов пайдо бўлди.

— Мумкинми? — деди мунгайиб.

— Келардингиз-да! — Маҳаллий қўмита раиси чи-мирилди. — Юқорига ўтинг! Ҳар нечук ёш ходимсиз.

Шуҳрат ўрнидан жилмади. Ҳаммага бирма-бир мўлтираб қараб чиқди-да, тўсатдан ҳиқиллаб йиғлаб юборди.

— Айрилиб қолдик, — деди бурнини тортиб. — Азиз акамдан айрилиб қолдик!

Хонага оғир, узоқ суқунат чўқди. Кейин кичик ходимни ўқинч, меҳр, ҳайрат, ҳатто қизиқиши аралаш саволларга қўмиб ташлашди.

— Ие?

— А?

— Маҳкамов-а?

— Азизжонни айтяпсизми?

— Вой бечора-а-а! Ёшгина эди-я!

— Қачон?

Биринчи бўлиб қоровул тоға ўзини босиб олди. „Худо раҳмат қилсин“, деб юзига фотиха тортди.

— Тушунтириброқ гапиринг, укажон! — деди бошлиқ овози титраб. — Нима бўлди ўзи?

— Ҳар куни бирга кетиб, бирга келардик, — деди Шуҳратжон ҳиқиллаб. — Кечаям биргалашиб кетдик. Бекатга борсак 63- автобус турган экан. Бўш жойлар ҳам бор эди. „Азиз ака, автобусга минамизми?“ десам, „Йўқ, юрагим сиқилиброқ турибди, пиёда кета қолайлик“, дедилар. У ёқ-бу ёқдан гаплашиб кетдик. Кўчаларининг бошига борганда, Азиз акам айтдилар: „Шуҳратжон“, дедилар, „укажон“, дедилар. — Шу ерга келганда Шуҳрат Эминов ўпкасини тутолмай баралла йиғлаб юборди. — „Укажоним“, дедилар. „Мен ўлиғ

қолсам, йиғлайсизми?“ дедилар. Юрагим шув этди. „Унақа деманг, акажон!“ дедим. Шунда кулдилар. Бирам чиройли, бирам мулойим кулдиларки... — Шұхрат киссасидан рўмолча чиқариб кўз ёшини артди. „Ҳазиллашдим“, дедилар. „Эрта билан саккиздан кечикмай етиб келинг, мажлис бор“, дедилар. „Ҳўп“ дедим. Эрталаб... Эрталаб... — Шұхратжон тағин ўпкаси тўлиб йиғлаб юборди. — Келсам, Азиз акам кўринмайдилар. Ўн минут кутдим. Йигирма минут кутдим. Ўзидан-ўзи юрагимга гулгула тушди. Уйларига бора қолай, деб шундоқ кўчага кирсам, эшикларининг олдида тумонат одам. Опалари — Ҳанифа холам „Вой жигарим“, деб дод соляптилар. Тўртта ўғиллари... — Шұхрат рўмолчасига бурнини қоқди. — Тўртта ўғиллари тўн кийиб, белига белбоғ боғлаб турибди. „Отажоним, отажоним“, деб чунонам йиғлаляпти, чунонам йиғлаляпти, самандар чидамайди... Мажлис тўхтади.

— Та-а-ак... — деди бошлиқ фуссага ботиб. — Чатоқ бўйти! Яхши йигит эди...

Ҳўп, ўзаро ёрдам кассасида қанча пул бор?

Кассир келинчак дик этиб ўрнидан турди.

— Ҳаммасини олиб келинг! Сиз... — бошлиқ маҳаллий қўмита раисига буюрди. — Местком қарорини чиқаринг. Бундан ташқари, марҳум дўстимизнинг бир ойлик тўлиқ маошини бериш керак.

— Укалар... — деди қоровул тоға салмоқланиб. — Ёшим иккам саксонга чиқиб, ўн битта ўлик кўмдим. Тўй маслаҳат билан бўлади. Ўлим бехосдан келади. Ўлик кўмишнинг ўзи бўларканми? Гўрков, югучи, балобаттар... — у тўнининг этагини қайириб, эски шимишнинг пистон чўнтағидан пул чиқарди. — Мана! Азизжоннинг сағир болаларига... Пийсабилло. Ҳаммамизнинг борадиган жойимиз икки қулоч ер!

Бошлиқ киссасидаги бор пулни стол устига ташлади. Бирпаста аллақанча пул тўпланди. Кассир пулларни санаб, қанчалигини айтди.

— Ёрдам кассасидан ҳам қўшинг, — деди бошлиқ буюриб. — Кейин кичик ходимга юзланди. — Авазжон!

Гириллаб боринг. Пулни Азизжоннинг опаларига бе-расиз. Жамоа номидан. Раччүтини тағин олиб келаман денг... Кейин... Қачон чиқаришларини аниқ билиб келинг. Пастга тушиб, Боряга айтинг. Хўжайн буюрдилар, тез борараканмиз, денг.

Шуҳрат бурнини тортганча хонадан чиқиб кетди.

— Сиз, — деди бошлиқ боядан бери бир нуқтадан кўз узмай мунғайиб ўтирган бўлим мудирига, — газетага таъзиянома тайёрланг! Жамоа номидан. Эртагаёқ чиқаришсин!

Бўлим мудири индамай бош иргаб чиқиб кетди.

— Одамшавандалигини айтинг... — Котиба боя узилиб қолган гапини давом эттириди. — Азиз акам баъзан кириб қолардилар. Бошқаларга ўшшаб „чой қани?“ деб лағдаға қилмасдилар. Чойниям ҳазил қилиб сўрадилар. „Эй тавариш бўлса гар, юз грамм чойдан налей“, дердилар. Яна бошқа гаплариям бор эди. — Котиба пеша-насини тириштириб узоқ ўйлади. Эслади шекилли, юзига маъюс табассум ёйилди. — „Ҳазратим, чанқовдан ўлдим, ичгали чой бер менга“, дердилар...

— Желудочник — вообще опасний касал, — фаррош кампир оғир бош чайқади. — Миним күёвимда желудка билан китти. Ҳозир мин неудобний положенияда қолдим. Может бит Азизжон арақмас, минералний сув ичган чиқар... Аллах, ўзинг простит ит!

— Э, фалак! — деди қоровул тоға оҳ чекиб. — Одам-юлнинг ҳоли шу-ку, беш кунлик дунёда қадри йўқ. Манку, саводсиз, оми бир одамман. Аммо-локигин Худонинг ёстуноҳ бандасини шунчалик хўрлаш инсофданмиди? Аивалги майлисдаям ҳаммамиз Азизжонни ўртага олиб талагандик. Ишга икки соат кеч келса, осмон узилиб срга тушибдими? — қоровул тоға бошлиққа надомат аратиш қараб қўйди. — Мени айтди дерсизлар. Азизжон борганида жаннатнинг эшиги ланг очилиб туради! Пропуска сурамасдан қўйиб юборади, фаришталар...

Ўтган чоршанба куни десангиз, соат ўнлардами-ей, ўн бирлардами-ей, хуллас, хуфтонни ўқиб бўлгандим.

Мундай қарасам, зинадан секин тушиб келяпти. „Баҳай, Азизжон, кеч қопсиз?“ десам, кулади. „Тоға, — дейди, бир топишмоқ айтсам, топасизми? — дейди. „Қани эштәйлик!“ десам, нима дейди денг? „Борида күролмайсиз, йўғида тополмайсиз, нима бу?“ дейди. Гапнинг очиғини айтсам, ўйлаб-ўйлаб тополмадим. „Ҳай, шаҳар бердик, укажон“, десам у юзимдан ўпади, бу юзимдан ўпади, нуқул кулади. „Оббо, тоғажон-е! Одамни айтяпман, тоғажон, одамни!“ дейди. Шундоқ деди-ю, йўлига кетаверди. Вақти қазоси еттанини билган экан-да, шўрлик. Авлиё эди, Азизжон, авлиё эди! Илоё жойи жаннатда бўлсин!

Коровул тоға қизил белбоғини ечиб, мижжаларини артди.

— Ҳар нечук мукофотдан маҳрум қилмаганимиз яхши бўлган экан, — маҳаллий қўмита раиси маъюс хўрсинди. — Биласизларми, мен Азизжон билан бир курсда ўқиганман. Ичимизда энг қобилиятли студент — Азиз Маҳкамов эди! Круглий бешга ўқирди. Бирон марта дарс қолдирмасди. Ҳашарга чиқсан, ҳаммадан кўп пахта терарди...

— Азиз акам жўн одам эмас, фаришта эдилар, — деди котиба хўрсиниб. — Шуҳратга айтган гапини эшитдингларми, „Мен ўлсан, йиглайсанми“, дебдиларми?

Бўлим мудири қофоз кўтариб кирди.

— Таъзияномани ўқиб берайми? — деди савол наزارи билан қараган бошлиқча. Сўнг тутилиб ўқий бошлади: „...ташкилоти собиқ ходим, ҳалол меҳнаткаш, камтарин инсон...“

— Улуф! — деди бошлиқ ердан кўз узмай, — „улув“ деган сўзни ҳам қўшиб қўйинг. Олдингдан оққан сувнинг қадри йўқ, дегани тўғри. Азизжон ҳақиқатан ҳам улуф инсон эди!

Яна чорак соатча ҳамма ўз хаёли билан банд бўлиб ўтириди.

— Хўп, ўртоқлар! — деди бошлиқ маъюс сухбатга айланиб кетган мажлисга якун ясад, — Шуҳратжон келсин, ҳаммамиз мархумни чиқаришга борамиз. Аёллар

хам. Ҳарна, оиласига рұхий мадад бўлади.

Ходимлар энди ўрнидан турган эди, әшик яна журъатсиз фийқиллади. Остонада Шуҳрат Эминов пайдо бўлди.

— Хўш? — деди бошлиқ. — Соат нечада?

— Кечаси узилган бўлса, пешинга чиқаради-да! — коровул тоға девордаги соатга қараб қўйди. — Масжидлан мўйсафидлар чиқишига мўлжаллашса, икки соат қопти.

Шуҳратжон хонадагиларга тағин бирма-бир мўлтираб қаради.

— Биласизларми? — деди каловланиб. — Жиндай англашилмовчилик бўпти...

Ўрнидан турганлар қайтиб жойига ўтириди. Ўттиз етти жуфт кўз кичик ходимга қадалган, ҳеч кимдан садо чиқмас эди. Шуҳрат Эминов бутунлай довдираб қолди.

— Биласизларми? — деди овози қалтираб. — Ўлган Азиз ака эмас... Поччаси экан.

— Қанақасига? — бу сафар биринчи бўлиб бошлиқ тилга кирди. — Сиз... Сиз Азиз Маҳкамов ўлибди деб... — Қаёқдан билай?

— Шуҳратжон қочиб қолишни мўлжаллагандек эшик тутқичини ушлади...

— Бир ёқда опаси, бир ёқда хотини „вой жигаримлаб“ турган бўлса, болалари „отажоним“, деб додлаётган бўлса...

— Хўш! — деди бошлиқ қовоғини солиб.

Кичик ходим нажот кутгандек атрофга олазарак қаради.

— Поччаси касал эди ўзи, — деди бурнини тортиб. — Ярим йилдан бери... Азиз акам опасининг уйида туарар эди.

— Унисини сўраётганим йўқ! — Бошлиқнинг қон босими кўтарилди чоғи, икки юзи қизариб кетди.

— Сиз бўлган гапни айтинг!

— Пастга тушдим, — деди Шуҳратжон тушунтириб. — Шўпирингиз папирос чекиб ўтирган экан. Айт-

дим. „Боряжон“, дедим. „Шундоқ, шундоқ, Азиз акам ўлиб қоптилар“, дедим. Боряжон дарров папиросни ташлади. „Үтиринг, ака“, деди. Учиб бордик. Борсак, Азиз аканинг болалари „отажон“, деб изиллаб йигла-япти. Ҳовлига кирдик. Ханифа холамдан кўнгил сўра-дим... Бир маҳал бундоқ қарасам... Бурчакдаги уйдан Азиз ака чиқиб келяпти... — Кичик ходим бир зум жим қолди. — Кўрқиб кетдим! Ўлай агар, қўрқдим. „Кел-дингизми, укажон“, дейди. „Поччажонимдан айрилиб қолдик-ку, Шуҳратжон, поччам эмас, тувишган ота-жоним эди“, дейди.

— Пул-чи? — кассир келин нажот кутгандек илтижо қилди.

— Пул нима бўлди?

— Қанақа пул? — Шуҳрат қўзларини пирпиратди.

— Марҳумга ажратилган пул. Ёрдам кассасининг пу-ли! — деди кассир йигламоқдан бери бўлиб. — Эртага камиссия текширса нима дейман?

— Қаёқдан билай? — кичик ходим ҳар эҳтимолга қарши эшикни каттароқ очди. — Ўзларинг Ханифа хо-лага бергин, дединглар-ку! Бердим.

— Ҳаммасини-я?!

— Эсингиз жойидами, Шуҳрат?! — деди котиба жи-ғибийрони чиқиб. — Эрим налугга тўлайсан, деб бер-ган пул эди. Иситмаган „доми“ ўлтурга ойига ўн икки мингдан „атапления“ налуги келади! У ёқда электр, бу ёқда ахлат пули! Шўрим курсин, эримга нима дейман энди!

— Сизларни билмадим-ку, шахсан мен янги ходим-ман! — деди кассир келин ўрнидан туриб. — Биз бюд-жетдаги ташкилотмиз. Давлат пулинин аллакимнинг ўлган поччасига сарфладим, деб ҳужжат қилолмайман! Буна-қа атчўт ўтмайди!

— У-бу дейсизлар-ку, Азиз аканинг ўзидаям, бор-да, — деди котиба. Бирам бачкан! Бирам бачкан! Ёшига ярашмаган қилиқлар қиласими-еъ, шифир тў-қийдими-еъ! Чой ичгинг келса кир, ич заҳарингга! Шоирликни ким қўйибди сенга, одамни ишдан қол-

нириб... Вой Худойим. Шунча налугни қандоқ түлайман! Энди?

— А вообще, — фаррош кампир қўлини пахса қилли. — Точна биламан! Азизнинг кабинетидан каждый менъ арақ бутилкаси шиқади. Этикеткасини олиб ташласа-да, запахидан биламан! Точный „Необыкновенный“ арак!

Маҳаллий қўмита раиси мажлис давом этяпти, деб ўйлади шекилли, қўл кўтарди.

— Мумкинми? — деди минғиллаб. — Азиз Маҳкамов билан бир курсда ўқиганимиз рост. Ҳар нечук биринчи курсда ёмон ўқимади. Аммо иккинчи курсдан айниди. Даурсга арақ ичиб келадими-ей! Курс ишларини нуқул мендан кўчирган. Учинчи курсдан у ёғига пахтага ваабше бормаган!

Мажлис аллақачон тугаган бўлса ҳам ҳеч ким жойидан жилгиси келмас эди.

— Гапнинг очиғини айтайми? — қоровул тоға ўрнидан туриб, тўнининг барини қайирди. Киссасини ковлаб, чап кафтига мўлгина нос солиб отди. — Гапнинг очиғини этсам, Азиз диганинг қип-қизил жинни! Қип-қизил пияниста! Ислага келаётганда босини сангалилаб келади-да, исдан кетаётганда басараси хўзозни тозисидай қиззазиб қайтади! Мен ҳайлонман, мунақа аҳмони нимага ислатиб юзибсила? — У эшик олдида мўлтираб турган кичик ходимга қўлини бигиз қилди. — Манаву Суҳратми, Совкатми отини билмиман, буям ўсанинг ҳамтовоги!

Эшик олдида шумшайиб турган Шуҳратни нари суриб, бўлим мудири кирди.

— Таъзияномани редакцияга ким олиб боради?

— Анавинга беринг! — деди бошлиқ тўнғиллаб. — Таъзияномани ўликнинг ўзига обориб беради!

Шу куни навбатдаги мажлис навбатдаги қарорни қабул қилди...

Мажлис қароридан кўчирма: „Меҳнат интизомини муттасил бузиб келгани, ичкилиқбозлик қилгани учун Азиз Маҳкамовга охирги марта қатъий огоҳлан-

тириш эълон қилинсин! Маҳкамов билан ҳамтовоқлик қилган Шуҳрат Эминов жамоани алдагани учун сўнгти марта огоҳлантирилсин! Мархум Маҳкамовга адашиб бериб юборилган пул жойига қайтарилсин!”

Қарор бир овоздан қабул қилинди.

...Тўрт кундан кейин Маҳкамов билан Эминовни Чигатойдаги лағмонхонада кўрганлар бор. Икковлари жиндай-жиндай „нўш айлаб“, меҳнат интизоми масаласидаги янгиликлардан гурунглашиб ўтиришган эмиш.

## МЎМИНТОЙ

„Поччалар Ача бўлди,  
Ачалар Почча бўлди“.

Халқ мақоли

**К**уала-Лумпурдан учган „Боинг“ ҳаво кемаси Тошкент аэропортига келиб қўнганида кун оғган эди. Мўминтой халқаро залда интиқ бўлиб тағин бир соатча кутди. Ниҳоят, залнинг нариги эшигига Маликаи Турондот кўринди. Ёнида тансоқчиси — „ушу“ бўйича Осиё чемпиони Барчиной.

Мўминтой ҳамма эркаклар қатори хотинини кўзи тўрт бўлиб кутган, соғинган эди. Кўлидаги гулдастани кўтариб истиқболига югурди. Маликахоннинг лабидан бўса олмоқчи эди, хотини юзини тутиб қўя қолди. Мўминтой кўнгли чўкса ҳам сездирмади.

— Ассалому алайкум, хоним, — деди одоб билан. — Зиёратлар қабул! Яхши келдингизми?

Маликахон аёлларга хос вазминлик билан „дуруст“ деди-ю, зина томон йўналди. Учовлашиб пастга тушдилар. Яп-янги „БМВ“нинг эшиклари очиқ турар, ҳайдовчи белгиланган тартибга биноан рулда қилт этмай ўтиради. Мўминтой Маликахоннинг ёнига ўтироқчи эди, хотини „шўпирнинг олдига ўтираверинг“, дегандек имо қилди. Ўзи тансоқчиси билан орқа ўриндиқдан жой олди.

Эркак кишининг кўнгли нозик бўлади. Айникса, хотинини соғинган эркакнинг. Мўминтой аразлагани-

ни билдириш учун машина эшигини қарсилатиб ёпди.  
Маликахон эрининг дили оғриганини сезди.

— Умидчик қалай? — деди жилмайиб.

Мўминтойнинг кўнгли ёришди.

— Юрибди чопқиллаб, — деди ортига ўгирилиб.  
Сўнгра бунақа пайтда аёлни „эритиш“ учун барча эр-  
каклар айтадиган гапни такрорлади. — Сизни шуна-  
қанги соғинган, шунақанги соғинган! Ҳар куни боғча-  
дан келиши билан „аяжоним қанила?“ деб харҳаша  
қилади. Бола ичикиб қолмасайди, деб қўрқаман, хоним!

Уйга етгунча бошқа гаплашмадилар. Кўш қаватли  
дарвозадан кирдилар. Маликахон имо қилган эди, Бар-  
чиной ёнбошдаги хонага кириб кетди. Бу — тансоқчи-  
ларнинг хос хонаси бўлиб, тартибга кўра Маликахон  
таклиф қилмагунча улар хонадан чиқмасди.

Эр-хотин... Кечирасиз, хотин-эр иккинчи қаватга  
чиқиб, арабий гиламлар тўшалган ётоқقا кирдилар.  
Мўминтой Маликахонга соғинч тўла кўзлари билан мўл-  
тираб термилди. Маликахон денгизда кўп чўмилган бўлса  
керак, юзлари тиниқлашиб, янаем очилиб кетган эди.

— Яхши келдингизми, хоним, чарчамадингизми? —  
деди эркакларча назокат билан.

— Чарчаганда нима? — деди Маликахон зардасиз  
оҳангда. — Самолётда саккиз соат учишнинг ўзи бўладими?

— Сауна тайёрми?

— Тайёр! — деди Мўминтой ҳозиржавоблик билан. —  
Тошпўлат пешинда ёқиб кўйган.

— Яхши. — Маликахон энди ечинаётган эди, йўлак  
томондан эркак кишининг ийманибгина йўталгани эши-  
тилди.

Мўминтой билди: бу — уй хизматчиси Тошпўлат  
эди.

— Нима гап? — деди йўлакка чиқиб.

— Умиджонни боғчадан опкелувдим, — деди Тош-  
пўлат пичирлаб. — Кираверсинми?

Мўминтой хотинидан берухсат нима дейишини  
билмай турган эди, ичкаридан халат кийган Малика-  
хоннинг ўзи чиқиб келди.

— Қани Умидчик? — деди ҳаяжонланиб.

Тошпўлат лўмбиллаб зинадан тушиб кетди. Зум ўтмай уч яшар Умиджон узун йўлак бошида кўринди. Маликахон „болажоним, бормисан?“, деб қучоқ очган эди, Умиджон негадир онасига эмас, „адажон-о-он“ деб отасининг бағрига отилди. Мўминтой хотинининг олдида қаттиқ изза бўлди. Бу нимаси, худди ўргатиб қўйгандек.

— Аяжонингни ўпмайсанми, жиннивой! — деди болани эркалаб. — Ҳар куни „аяжоним қачон келадила“ дердинг-ку!

— Мен сенга пультили самолёт опкелдим, Умидчик! — Маликахон шундай деб ётсираброқ турган болани бағрига босди. Икки юзидан ўпайтиб, бирдан жиддий тортди. — Пешанастига нима қилди? — деди гоҳ эрига, гоҳ Тошпўлатга қараб. — Нега фурра бўлди?

— Ҳечқиси йўқ, — деди Мўминтой айбдор оҳангда. — Боғчада Жамила деган қиз билан уришибди. Болада, бола...

— Неча марта айтаман, Умид қиз болалар билан ўйнамасин, деб! Бу — ўғил бўлса... — Маликахон таҳдид билан Тошпўлатга қаради. — Ҳой, мўйлов! Болага қарасанг, ўласанми? Уч юз долларни бекорга оляпсанми, тўнка!

— Узр, бекам! — деди Тошпўлат ерга қараб. — Иккинчи такрорланмайди!

— Агар шу боланинг бир жойи тирналса, мўйловингни узиб қўлингга тутқазаман, тушундингми?

Тошпўлат „Хўп бўлади, бекам, хўп бўлади“, деганча орқасига тисарилиб, зинадан тушиб кетди...

Маликахон икки юзи шафттолидек қизарип саунадан чиққанида емакхонада кечки овқат тайёр эди.

— Чучвара қилдим, — деди Мўминтой мақтаниб. — Ўз қўлим билан! Холмат яхши ошпаз бўлгани билан хамир таомга укуви йўқ.

Хотинини соғинган эркакнинг қўли ширин бўпкетарканми, Мўминтойнинг чучварасига гап йўқ эди! Ҳар биттаси нари борса данакдек! Бунақангич чучвара

түннинг фақат эркак кишининг қўли келишади! Мўминтой таомдан аввал буфетдаги шотланд вискисидан қўлаҳга қуяётган Маликахонга „Қўйинг, шуни ичмасангиз бир нима бўладими?“ деб дашном бергиси келди-ю, тилини тийди. Ичгиси келган аёлнинг шаштини қайтариб бўларканми?

Эр-хотин... Кечирасиз, хотин-эр иштаҳа билан овқатланишди.

— Ўзим ҳам сизнинг чучварангизни соғингандим, бегим, — деди Маликахон. — Нуқул балиқ, креветка сўйвериш жонга тегди.

Мўминтой, „бегим“ деган эркаловчи сўзни эшигиб эриб кетди. Эркак кишига нима керак? Бир оғиз ширин сўз, бир оғиз мақтов...

— Хоним, — деди мулойим табассум билан. — Қанийди, ҳеч қаёққа бормасангиз, ёнимда ўтирангиз-да, ҳар қуни оғзингизга ёқадиган таомлар пишириб берсам...

Мўминтой, ҳарчанд эркаланиб гапирмасин, Маликахонга малол келгандек бўлди.

— Унда бизнесни ким юритади, оиласа ким бош бўлади, хўжайин?

Хотини „хўжайин“ деган сўзни истеҳзо билан айтганини Мўминтой тушунди. (Эркак киши сезгир бўлади.) Вазиятни юмшатиш учун гапни бурди.

— Хоним, — деди сирли қилиб. — Қаранг баҳор ҳам келди...

— Шунақами? — Маликахон ипдек қошини чимирди. — Денгиз бўйидаги мамлакатларда баҳор, ёзниг фарқи бўлмайди...

— Шунақасиз-да, хоним! — Мўминтой аразлаб лабини бурди. — Сиз баҳорниям билмайсиз...

— Хўп, баҳор келса нима бўпти? — сўради Маликахон.

Эркак кишининг хаёли камбағалнинг ҳовлисига ўхшайди. Камбағалнинг ҳеч вақоси йўқлиги учун ҳовлиси кенг кўрингандек, эркакнинг орзу-хаёллари ҳам чегара билмайди.

— Эсингиздами... — Мүмнитой орзумандлик билан хўрсинди. — Тўрт йил олдин айни шунақа баҳор пайти, Умиджон туғилишидан олдин „Кўк сомса егим келяпти“, дегандингиз. „Жоним билан, пишириб бераман“ десам, „йўқ, ўзим қиласман“, деб „мадор сомса“ пиширгандингиз...

Бирам ажабтовур сомса бўлгандики! Ҳалиям мазаси оғзимда турибди!

Эри кўзларини сузуб, шу қадар эркаланиб гапирдики, Маликахоннинг меҳри товланди.

— Сиз „мадор сомса“ ейман дейсиз-у, биз йўқ деймизми, бегим! — деди аёлларга хос қатъият билан. — Фақат ичига нима солишни эслатиб қўйсангиз бас! Эртагаёқ „телеҳ“лар билан Олой бозорига тушиб, ҳаммасини есть қиласман, эржон!

Мүмнитой яйраб кетди.

— Бозорга бораси-и-з, — деди жилмайиб. — Кўкат растасига кирасиз. Бир боғ кўк пиёз, „салапан“ халтачада ялпиз, бир боғ жағ-жағ...

— Ниманинг жағи? — деди Маликахон тушунмай.

— „Жағи“ эмас, жағ-жағ! — деди Мүмнитой. — Шунақа кўкат бор! Турган-битгани витамин! Кейин, жиндай йўнгичқа, яъни беда, икки боғ „мадор“... Паркентнинг „мадор ўти“ бўлсин. Ҳушёр бўлинг, тағин чалғиби, қўлингизга хрен-прен тутқазиб юборишмасин!

— Хренни сиздан яхши биламан! — деди Маликахон. — Аннақа... Бодрингга ўхшаган нарса-да! Жигарранг.

— Сиз бақлажонни айтяпсиз. Хрен дегани эшакнинг қулогига ўхшаган бўлади. Илдизи тузловга солинади. Мадор ўтнинг барги ингичка, узун бўлади...

Маликахоннинг уяли телефони жиринглаб, гапнинг белига тепди. Нариги томондан „Алё-ё-ё, Малика Турандатовна!“ деган чийилдоқ овоз келиши билан Маликахоннинг юпқа лаби титраб кетди.

— Ҳой, мегажин! — деди паст, аммо таҳдидли оҳангда. — Эрталаб ровно соат ўнда банкка борасан! Лично ўзинг бориб, ўн саккиз миллионни менинг счётимга ўтказмасанг, малла сочингни битталаб юламан!

Пулни ўтказиб, менинг и-мэйлимга поручение номери-ни юборасан! Хотин кишининг гапи битта бўлади, ту-шундингми?

Мўминтой хотинининг важоҳатини кўриб қўрқиб кетди. Эсли эр аччиғи чиққан аёлидан нарироқ юради, деган қоидага амал қилиб, болани ухлатиш баҳонасида зипиллаб чиқиб кета қолди. Қайтиб кирса, Малиқаҳон сигарет тутатган кўйи тажанг бўлиб яна рақам тераётган экан. Охири телефон уланди шекилли, чехраси ёришди.

— Алло, Киото? — деди сұхбатдоши рўпарасида тургандек табассум билан. — „Самурай корпорейшн!“ Алло, Такамурисан?

Шу кўйи чорак соатча гаплашди. Нихоят, „компаньони“ билан бир тўхтамга келишди, чоғи, „О-кей! Сенкью. Бай-бай!“ деб оромкурсига суюнди. Мўминтой аста келиб хотинининг елкасидан қучди. Бошига эгилиб, социдан тараалаётган муаттар бўйни ҳидлади. (Эркак қавми ҳидга ўч бўлади. Фақат бегона ҳидни тез пайқаши чатоқ.) Ҳозир ҳам Малиқаҳондан ёт ис келгандек бўлди-ю, ҳушёр тортди. Малиқаҳон ҳам чарчаб турганиданми, кайфияти йўқми, юзини ўтириди.

— Шу... Эркак зоти қизиқ-да, — деди ижирғаниб-роқ. — Айни ишинг қўп пайтида мушукка ўхшаб оёғинг-га сўйкалади!

— Доим шунаقا қиласиз! — Мўминтойнинг кўзида ёш филтиллади. — Шуям умид билан бир ёстиққа бош кўйган, демайсиз! „Такамури“ми, „Эчкимури“ми, ўшалардан қолманг, хўпми? Эркак экан, деб бир муштипарни эзверасизми?

— Бўлмаса мен бола боқиб ўтирай-да, сиз кўчага чиқиб пул топиб келинг, — деди Малиқаҳон зарда билан. — Дунёнинг у бурчидан бу бурчига бўзчининг мокисидек қатнанг! Шартномалар тузинг! Банк билан ишланг! Божхона билан муомала қилинг! Тағин нима керак сизга, хўжайин! Еганингиз олдингизда, емаганингиз орtingизда бўлса. Тағингизга машина обериб кўйган бўлсан. Қиласиган ишингиз бир болага оталик қилиш экан. — У жаҳл билан юзини ўтириди. — Битта

бала туғдиріб қўйиб, мақтандынниг ўлайми? Қиз бола туғдирсаям майлийди. Мұмінтоя аразлаб чиқиб кетаётган эди телефон жонивор яна жириңглади. Гўшакдан эркак кишининг фўлдираган овози эшитилди:

— Салом алейкум, миссис Малейка!

— О-о-о, мистер Ахмадий! — Маликахон бир зумда жаҳұдан тушиб, очилиб-сочилиб узоқ гаплашди. Айниқса, хайрлашар чоғида айтган гали Мұмінтоянинг жон-жонидан ўтиб кетди.

— Ай лав ю, хабибий, мистер Ахмадий! Ай лав ю! Гуд бай!

Уйда ўтирган эркакнинг сериалдан бўлак нима эрмаги бор? Мұмінтоя ҳам ярим йиллаб чўзиладиган ажнабий сериалларни кўравериб, инглизчани бино-йидек тушунадиган бўлиб қолган, „ай лав ю“ — „мен сени севаман“, дегани эканини биларди. Устига-устак, бултур ётоқдаги гиламни келтирганида, Маликахон „бу „Аҳмадий“ фирмасининг гилами, уч минг доллар турди“, деб огоҳлантиргани эсида эди.

— Аҳмадийни „ай лав ю“ қиласангиз, мени нега ушлаб турибсиз, хотинхўжа?! — деди алам билан. — Мард бўлсангиз, жавобимни беринг! Ҳали қарасанг, „Такамури“, ҳали „Арнольд“, ҳали „Аҳмадий!“ Бўлди! Жонимдан тўйдим!

Маликахон баланд келди.

— Эркак кишига бало борми аёлларнинг ишига аралашиб, а? Бизнес дегани шунаقا бўлади, эси паст одам! Бирини „жоним“ дейсан, бирини „азизим“ дейсан, бири билан ёқа бўғишиласан. Бўлмаса, нон еёлмайсан!

— Нима, мени „лох“ деб ўйлајпизми? — Мұмінтоя ҳиқиллаб йиглаб юборди. — Бўлди! Отамниги кетаман! Битта болам билан кўчада қолмасман! Отамнинг тор бағрига сиққан кенг уйига сиғмайманми?

— Отангизнинг кўзи учиб турибди! — Маликахон кўл силтади. — Икки хонали „хрушёвка“сига тўртта тоvuқ кирса, нафаси қайтиб, утгаси ўлиб қолади-ю, нақдлаб қўйибдими сизга?! Пенсияси бир кун кечикса, поч-

тажонанинг эшигига бориб пойлаб ўтирадиган отангиз сўлақмондек қилиб боқсинми, сизни?! Кенг уйнинг куёвчаси бўлиб ўтирганингизга шукур қилсангиз-чи, бойвачча!

— Очимдан ўлмасман! — Мўминтой кўз ёшини рўмолчага артди. — Зўр келса мардикор бозорга чиқаман! Бирорнинг уйини супурарман, бирорнинг кирини юварман, бир куним ўтар...

— Ўтадия-ўтади! — Маликахон асабий кулди. — Байталдек гижинглаган ҳар хотинлар борки, дераза то-залайсиз, деб опкетади-да, шунақанги „ишлатадики“, бир ойгача беланги бўлиб юрасиз!

Мўминтой мунғайиб қолди. Эркак барибир андишали бўлади-да! Ўзи-ку, майли, бир кунини кўрар, хотинидан ажраса боланинг ҳоли нима қечади? Умиджонни опкетса, таъминлаши керак. Тащлаб кетай деса, ўғлисиз бир кун яшолмайди. Шу ёғини ўйлаб бир гапдан қола қолди. Маликахон ҳам ошириб юборганини сезди чоғи, бир оздан кейин ёнига келиб, бошига эгилди.

— Менгаям осон тутманг, бегим, — деди қандайдир синиқ оҳангда. — Ҳамма нарсанинг тош-тарозуси бор. Пул топиш осонми?

— Пул ўлсин, аяси, пул ўлсин! — деди Мўминтой йифламсираб. Чамаси шу гапида ҳамма дарди мужасамдек эди. Маликахоннинг эрига раҳми келди. Амманинг бузогига ўҳшаган лалайган бўлса-да, беозоргина, муштипаргина бўлиб, қўли косов, мўйлови супурги — хизматини қилиб юрибди-ку ахир! Шуни ўйлаб эрининг бошини силади.

— Ўзимнинг Мўминчигим! — деди эркалаб. — Мен сизни ҳеч кимга алишмайман, жоним!

Ана, бўларкан-ку! Мўминтойнинг чехраси баҳор қўёшидек чараклаб кетди. Эркак киши шу-да! Ёлғонлигини билиб турсаям, ширин гапга ишонгиси келади. Начора, ишонмай иложи ҳам йўқ-да!

Эр-хотин... Кечирасиз, хотин-эр энди бир-бировига қучоқ очишган эди, болалар хонасидан Умиджоннинг фингшигани эшитилди. Зум ўтмай баралла овозда йифлаб юборди.

— Адажо-о-он, гаршо-о-ок! Мүмінтой зипиллаб жүнаб қолди. Болани түсіб келиб ётқизди шекишли, бүфиқ товушда айтаётган алласи әшитилди.

*Алла болам, алла-ё алла,  
Тойчоқ болам алла-ё, алла.  
Фамга ботған бошима, алла,  
Күзим тұла ёshima, алла...“*

Бир оздан кейин у ёқда Умиджон, бу ёқда Маликахон маза қилиб уйқуга кетиши...

„Мадор сомса“ ҳам насия бўлди. Эртаси пешинда бизнесмен Маликаи Турондот „Эмират“га учиб кетди...

### УСТА КЎРГАН ШОГИРД

**Т**урсунбой мундоқ ўйлаб қараса, олим бўлишдан осон нарса йўқ экан. Институтда ўзи билан ўқиган пачақ-пачақ болалар икки-уч йилда диссертация ёқлаб, бинойидек катта маош олиб юрибди. „Хўш, мулла Турсун, — деди ўзига-ўзи, — ўшалардан қаеринг кам? Худога шукур, танишинг бўлса бор. Жуда бўлмаса домла Ободийга шогирд тушарсан“. Домла Ободий бир замонлар „Халқ оғзаки ижодида мақол-маталлар ишлатиш“, деган мавзуда диссертация ёқлаган, икки гапнинг биррида мақол ишлатмаса туролмасди.

Турсунбой домланинг олдига бориши билан гапни мақолдан бошлади.

— Ассалому алайкум, домлажон, — деди таъзим қилиб. — Устоз отангдек улуф, деган гап бор. Сиздек устозимни бир зиёрат қилгани келувдим, домлажон.

Домла суюниб кетди.

— Баракалла ука! Олтин олма, дуо ол, деганлар.

Турсунбой гапнинг мавриди келганини сезиб, илиб кетди.

— Ўзингиз биласиз, домлажон, уста кўрмаган шогирд, ҳар мақомга йўргалайди. Мен сиздан кўп миннатдорман. Катта дарахтнинг сояси ҳам катта бўлади,

леб паноҳингизга келдим. Биласиз, домлажон, катта арава қайси издан борса... — у бирдан ошириб юборганини тушуниб қолди. „Мақол ишлатмай ўл — деди ичиди сўкиниб. — Аравага бало бормиди?“ Аммо ўзини йўқотиб қўймади. — Кечирасиз, — деди минғиллаб, — яхшидан етар шарофат деганларида! Илм қилмоқчи эдик, домлажон.

Домла Ободий чуқур ўйга толди.

— Энди ука, олим бўлсанг, олам сеники, — деди сенсирашга ўтиб. — Бу ёғини яхши ўйлабсан. Шундоқку, лекин илм нина билан кудук қазишдай гап-да!

— Тушунаман, домлажон, ҳаммасини тушунаман. Чумчуқдан кўрқкан тариқ экмайди, дейдилар. Аравасига тушгандан кейин ашуласини ҳам айтамиз-да.

Устоз билан шогирд бир тўхтамга келишди. Турсунбой қалин қилиб тариқ сепди. Сепди-ю, тариқ жонивор икки йил деганда ҳам униб чиқа қолмади. Ё деҳқоннинг мазаси йўқ, ё томорқанинг. У икки йил чўзиб-чўзиб ашула айтса ҳам арава қуриб кетгур ҳеч жойидан жилмади.

Домла Ободий участка қураётган экан. „Ҳайт деган туяга мадор бўлади“, деб бир шама қилган эди. Турсунбой том тунукасини ўз зиммасига олди. Тағин домланинг кўнглини кўтариб ҳам қўйди.

— Қўйнидан тўкилса, қўнжига-да, домлажон. Арзимаган тунукани сиз олдингиз нима-ю, мен олдим нима?

Яна бир сафар домла уйда келим-кетим кўплигидан нолиди. — Рўзфор — фор дейдилар. Бунинг устига кунора меҳмон, ўзинг биласан ука, бир товуқча ҳам сув керак, ҳам дон.

— Ҳа, энди домлажон! Меҳмон келар эшиқдан, насибаси тешикдан.

— Қани ўша тешик! — деди домла қўл силтаб.

— Биз-да, домла, биз-да, ўша „тешик!“

Турсунбой шундай деди-ю, ўша кундан бошлаб, қачон домла Ободийнинг уйига меҳмон келса, ичкилигини кўтарадиган бўлди.

Кеч кузда домла тағин ҳасрат қилди.

— Кенгашли түй тарқамас, деган гап бор, ука. Шу десанг, қизимизни узатмоқчимиз. Тенг-тенги билан, деганларидай қуда бўлмишимииз катта профессор. Олинг қуда, беринг қуда деганлар...

Турсунбой тўёнанинг каттаси бўйнига шилқ этиб тушай, деб турганини пайқади-ю, фингшиди:

— Энди домлажон, тенги чиқса текин бер, деганлари жуда тўғри. Уйқу жой танламас, муҳаббат чирой деганларидек, синглимиизга шундай одам харидор бўпти, борига барака қилиб тўйни ўтказиб юбораверинг.

— Йўқ, ука, бошқа гап бор. — Домла Ободий хўрсинди. — Осилсанг баланд дорга осил, дебмиз-у, бу ёғини ўйламабмиз. Бор товоғим, кел товоғим, деб бе-жиз айтишмаган. Гарнитур қилиш келин томоннинг вазифаси. Руминский гарнитур бор экан. Ҳали қуёв хафа бўладими, итальянскийсидан олмабсизлар деб. Ўзинг биласан, қуёвни пайғамбарлар ҳам сийлаган.

Турсунбойнинг ичида бир нима узилиб кетгандек бўлди. „Ўзинг ҳам ўл, қуёвинг ҳам! — деди ичида. — Сепкилли қизинг билан қўшмозор бўл! Қизингни қу-чоқлаб ётадиган бирор-ку, калавотини мен олиб беришим керакми?“ Ҳаёлида шундай деса ҳам, сиртида илжайди.

— Албатта, домлажон, албатта! Келинни келганда кўр, сепини ёйганда кўр, деб турганлар бордир.

— Баракалла! Куш тилини куш билади-да! — Домла маъқуллаб бош силкиди. — Қаторда норинг бўлса, юкинг ерда қолмайди, деб шуни айтади-да! Яхшиям сендеқ норим бор!

Домла адашмади. Турсунбой нортя бўлиб юкнинг энг офирини кўтарди. Аммо ҳарчанд лўкиллаган билан манзилга етолмади. Ҳар гал ишини суриштириб келганда домласи бир нимани баҳона қиласи-ю, пайсалга солади. Ҳар гал Турсунбой гапини бошидан бошлайди.

— Энди домлажон, чумчуқ сўйса ҳам қассоб сўйсин, дегандек ўзингиз бош бўлиб...

— Шошма ука, — дейди домла салмоқланиб. — Сабр таги сара олтин деганлар.

— Шунақа-ю домлажон, қолган ишга қор ёғар, деган гап ҳам бор. Бу ёғи түя гүшти егандек жуда чүзилиб кетди ўзи...

— Ойнинг ўн беши қоронғи бўлса, ўн беши ёргуғ бўлади, ука. Мана, кўпи кетиб, ози қолди. Қирқига чидаган, қирқ биригаям чидаш керак-да!

Бора-бора домла янги одат чиқарди. Турсунбой қачон ишни суриштириб келса, домла касаллигини баҳона қиладиган бўлди. Аввалига Турсунбой домлам кек-салиги учун мазаси қочаётгандир, деб юрди-ю, кейин Ободий ўзининг ишига ҳеч қизиқмаётганини, уни олим қилиш нияти ҳам йўқлигини тушунди. Бир куни у яна домланинг олдига келди. Энди тахта-ўқловини йифиширишга ўзининг ҳам ақли етиб қолган эди. Қараса, домла Ободий одатдагидек ёнбошлаб ётибди.

— Ассалому алайкум, домла! — деди Турсунбой янгича шиддат билан. — Нима, яна бурга тепдими?!

— Э, нимасини айтасан, ука. — Домла минғиллади, — касалнинг келиши осон, кетиши қийин экан-да.

— Шунақа, домла, дард дегани ботмонлаб келиб, мисқоллаб кетади, — Турсунбой унинг гапини маъқуллади. — Ранг кўр — ҳол сўр, деганлар. Қирқ кун ерга ёпишиб ётган одамдай рангингиз тамом бўпти ўзи!

Домла Ободий кўзини юмди.

— Ҳа, энди иссиқ жон иситмасиз бўлмайди. Аҳволим қўпам оғирмас, ука.

— Шунақа дейсиз-у, домла, дард келганда дармон кетаркан-да, — деди Турсунбой салмоқланиб. — Касаллик филни пашша қилади, деганлари бежиз эмас экан. Аҳволингизни қаранг. Бай-бай-бай! Дардингиз нима ўзи?

Домла яна инқиллади.

— Нима бўларди, гастрит-да!

— Энди домла, „Кўзинг оғриса қўлингни тий, қорнинг оғриса нафсингни тий“, деганлар. Сал қарааш керак-да, бу ёғигаям.

Домла Ободийнинг кўзи ярқ этиб очилиб кетди.

— Ўйнаб гапирсанг ҳам ўйлаб гапир, деганлар. Оғзингга қараб гапир, ука!

Турсунбой парво қилмай давом этди:

— Дард бир тикилса қўймайди, деганлари тўғрига ўхшайди. Аҳволингиз чатоқ, домла. Соғ танда — соғ ақл, дейдилар. Мазангиз қочгандан бери ўзиям... Бир оёгингиш тўрда, бир оёгингиш...

— Нафасингни иссиқ қил-е! — Домла ўрнидан туриб кетди. — Дард бошқа, ажал бошқа. Шуниям билмайсанми, галварс!

Турсунбой пинагини бузмади.

— Энди домла, тўғри гап туққанингга ёқмас эканда, — деди бидирлаб. — Ўйламай еган, оғримай ўлар, деганлари тўппа-тўғри. Бу ёғи яқинлашиб қолганга ўхшайди ўзи.

— Йўқол-е! — қичқирди домла кўзини ола-кула қилиб. — Йўқол кўзимдан, кўрнамак!

— Албатта, албатта! — Турсунбой шошилмай ўрнидан турди. — Ёмон касал юқумли бўлади. Мен ҳам ўлганнинг кетидан шаҳид бўпкетмай тағин. — У эшик олдига етганда бурилиб қаради.

— Домлажон, — деди илжайиб, — бу ёғидан ташвиш қилманг, иззат-икром билан жойингизга элтиб қўямиз. Ўлдинг — азиз бўлдинг, шишдинг — семиз бўлдинг, деганлар!

Домла турган жойида оғзини каппа-каппа очар, чамаси бирон мақол излар, аммо тополмас эди...

### „ФАРМОНБИБИ ПЛЮС“

**К**елинлар қўзғолони“нинг муаллифи, халқ ёзувчиси Сайд Аҳмадга. Мұхтарам Сайд Аҳмад домла! Бизнинг „Эркин мұхаббат“ хусусий театримиз сўнгти пайларда эришаётган ютуқлардан хабарингиз бор. Ижодий гуруҳимиз саҳналаштирган асарлар томошабинлар ўртасида машҳур бўлиб кетган. Айниқса, „Лўли қизнинг хуржуни“, „Иффатли суюқ оёқ“, „Кимнинг кўнгли кимда бўлса, қўяверинг, ўйнасин“, „Эрини гаровга қўйган хотин“ каби замонавий мавзудаги спектакларимиз ҳар куни аншлаг! Патталар талаш!

**Хурматли домла!** Сизга айтадиган хушхабаримиз бор. „Келинлар құзғолони“ комедиясини сақналаштирилдик, табриклаймиз! Фақат бугунги томошабин дидига мос келмайдиган айрим сақналарга жузъий тузатишлар киритдик. Масалан, сизнинг Фармонбиингиз кенже келин Нигора ибораси билан айтганда, икки аср нарида қолиб кетган феодал, чаласавод кампир. Бизнинг Фармонбиби эса „современный бизнесмен!“ Бутун бошли фирманинг директори. Аллақанча корхоналари, магазинлари, ошхоналари бор. Ўғиллари-ю келинлари ҳам мирқуруқ „интеллигентлар“ эмас. Ҳаммаси „деловой“. „Фармонбиби плюс“ фирмасида ишлайди. Бу — асарнинг биринчи күринишидаёқ билинади. Сизнинг Фармонбиингиз Нигоранинг эрталаб туриб гимнастика қилаёттанини кўриб, дод устига дод солади. Бизники эса келинидан олдин туриб, „Адидас“ олимпийкасини кийиб бадантарбия қиласди. Саҳнанинг бу чеккасида қайнана, у чеккасида — келин! Нигора ярим қулоч сакраса, Фармонбиби бир метрга иргишлайди. Сўнг ораларида шундай диалог бўлиб ўтади.

**Фармонбиби:** Движениеларинг ўзингга бирам яратшиб турибди-ей, келин!

**Нигора:** Сиз ҳам ништяксиз, ойижон!

**Фармонбиби:** Жиндай терлабсанми? Енгилроқ киинавер, келин!

**Нигора:** Бундан ҳам енгил кийинсам, пачти ялангоч бўпқоламан-ку, ойижон, уяламан!

**Фармонбиби:** Кимдан уяласан? Ўзингни уйинг, ўзингни жойинг. „Стриптиз“ни биласанми?

**Нигора:** Сал-пал...

**Фармонбиби:** Эртадан бошлаб „стриптиз“ қил!

**Нигора:** Йўғ-е, ойижон! Тўхтавой акам уришадилар!

**Фармонбиби:** Бу хонадонда мен хўжайинман! Эртадан бошлаб „стриптиз“ қиласан! Фармонбиби бир нарсани билмаса гапирмайди! Биринчидан, фигуранг чиройли бўлади. Иккинчидан, фигуранг қанча чиройли бўлса, Тўхтавойимга шунча ёқасан. Уқдингми?

**Нигора:** Хўп бўлади, ойижон!

Шундай қилиб, Нигора „стриптиз“ қиласеради, „стриптиз“ қилган сайн Тұхтавойга ёқаверади. Охири Тұхтавой үтирган жойида пинакка кетадиган бўлиб қолади. Мехри янгасининг қазиси ҳам, Мұхайё янгасининг женышени ҳам кор қилмайди. Бу орада нуқул маош кутишдан безор бўлган Ҳаким дўхтирликни ташлаб, „Фармонбиби плюс“ фирмасида хусусий аптека очади. Фармонбиби Тұхтавой масаласида Ҳаким билан кенгашади.

**Фармонбиби:** Ҳой, аптекачи! Ўтири мундоқ!

**Ҳаким:** Хўп бўлади, ойижон!

**Фармонбиби:** Мен сенга ким бўламан?

**Ҳаким:** Онам бўласиз, ойижон!

**Фармонбиби:** Тұхтавой сенга ким бўлади?

**Ҳаким:** Укам бўлади, ойижон!

**Фармонбиби:** Уканг бўлса, ҳолидан хабар олсанг ўласанми?

**Ҳаким:** Тұхтавойга нима қипти, ойижон?

**Фармонбиби:** Дард қипти! Бало қипти! Бола бечоранинг қулоғидан кун тугул, ўлдуз кўринадиган бўпқопти-ку! Ким айтади, сени аптекачи деб? Укагинангга бир пачка „Виагра“ олиб берсанг, давлатинг камайиб қоладими?

**Ҳаким:** Хўп бўлади, ойижон! Проблема йўқ. Бугуноқ есть қиласиз!

Ҳаким ўша куниёқ бир пачка эмас, бир „салапан“ халта „Виагра“ опкеб беради. Жигар дегани шунаقا пайтда билинади-да!

Бир ҳафтадан кейин Нигора „стриптиз“ у ёқда турсин, гимнастика ҳам қилмай қўяди. Ўн кундан кейин онасиникига қочиб кетади. Фармонбиби донишманд аёл эмасми, келинини қайтариб олиб келади. Тұхтавой „виагра“ ичишни, Нигора „стриптиз“ни бас қиласди.

Қарант, қандай оригинал „решение!“

Иккинчи пардада ҳам озгина ўзгариш бор. Сизнинг Фармонбиингиз маош теккан куни ўғиллари-ю келинларини қатор турғазиб қўйиб, ҳаммасининг пулини қўлидан ситиб олади. Бизнинг Фармонбиби ким-

нинг маоши қанчалигини олдиндан билади. Ведомостга ўзи қўл қўйган. Аммо пул тақсимлашни назорат қилади. Сизнинг Фармонбиингиз Бўстон келинга собиқ эридан келган алиментни қайтариб юборишни буюради. „Менга боласини ташлаб кетган эркакнинг пули керакмас, болани ўзим катта қилиб оламан“, дейди. Кечирасиз-у домла, сизнинг тасвирингиздан эскилил ҳиди келади. Яъни феодал эр муштипар хотинни ташлаб кетган. Бизнинг Бўстон унақа аёл эмас. Ўз ҳуқуқини яхши тушунади. Шунинг учун аввалги эрини уч талоқ қўйиб, „итдан бўлган қурбонликка ярамас“, дейди-да, боласини ташлаб кетади. Ўзи суйган одамга — фирманинг главний бухгалтери Маҳкамга тегиб олади.

Маош куни Фармонбиби билан Бўстон орасида шундай диалог бўлади.

**Фармонбиби:** Анави лапашангни алиментини юбормадингми?

**Бўстон:** Вой, отгинаси ўчсин, ўша уродни! Ҳар ойда пул юбораверамни?

**Фармонбиби:** Биламан, бивший эринг фирт нотавон. Сенинг битта абед пулингга бир ой рўзгор қиласди, ландавур! Аммо яхшими-ёмонми соқолини сел-киллатиб уйдан чиқмай болангни боқиб ўтирибди-ку! Сени йўриғинг бошқа. Сен кучли палавинасан. Аёлсан! Бир оёғинг Дубайда, бир оёғинг Малайзияда! Кимсан „Фармонбиби плюс“нинг брокерисан! Майли, нима қилгандаям ўша „лоҳ“дан бўлган болани сен туқсансан-ку! Юз доллар кимни ўлдирибди, жўнатиб юбор!

**Бўстон:** Эллик „евро“ юборсам-чи?

**Фармонбиби:** Вой, тавба! „Евро“ни тушунармиди ўша аммамни бузофи! „Бакс“дан юборавер! Кантансасини ўзимга берасан. Накладнойга тикиб қўяман. Тағин эртага маҳалла-кўйга чиқиб, хотиним муштипар эрига алимент тўламай қўйди, деб юрмасин. Отимизга ор, итимизга номус-а, келин!

**Бўстон:** Хўп бўлади, ойижон!

Сизнинг учинчи пардангизда нотаниш хотин Фармонбибининг олдига келиб, ўғлини қамоқдан чиқариб

бериш учун пора таклиф қиласи. Бизницида бошқача. Узоқ қишлоқдан бир фермер келиб, Фармонбибига кредит ололмай қийналиб юрганини, банкда ишлайдиган Ўринбой ёрдам бермаётганини айтади. **Фармонбиби**, Ўринбой, фермер ўртасида „разборка“ бўлади.

**Фармонбиби:** Манави дәҳқон болани танийсанми?

**Ўринбой:** Танийман, ойижон! „Бир кўрган таниш, икки кўрган билиш“, дегандек...

**Фармонбиби:** Танисанг, нега бунинг ишини „Орбит“ жевачкасидек чайнаб юрибсан?

**Ўринбой:** Энди, ойижон, ўзимга қолса-ку, бирпастда ҳал қилиб берардим. Шефимиз „Кираверсин давлат, чиқаверсин палакат“, дейдиганлар хилидан. Фиринг десанг, „Ўйнашмагин арбоб билан, арбоб ураг ҳар боб билан“, дегандек...

**Фармонбиби:** Неча марта айтаман сенга, мақол қўшмасдан гапир, деб! Нима бало, хотининг билан тонг отгунча мақол тўқиб чиқасанларми? Башор ўлгур ҳам мақол қўшмаса гапиролмайди!

**Ўринбой:** Энди, ойижон, „эр-хотин – қўш ҳўқиз“, дегандек... Қолаверса, бу ёғи бозор иқтисоди... „Отанг бозор, онанг бозор...“

**Фармонбиби:** Яна гапиради-я? Мен сенга бозорманми?

**Ўринбой:** Узр, ойижон, мен эмас, шеф шунаقا дейди. „Мушук текинга офтобга чиқмасмиш“...

**Фармонбиби:** Вой, мушук бўлмай итларга талансин, ўша шефинг! Бўғотдан йиқилиб майиб бўлсин! Нима энди, дәҳқон бола орқасини силаб қўйсинми, мушугингни?

**Ўринбой:** Энди ойижон, шефимиз икки гапнинг бирида „Қуруқ қошиқ оғиз йиртади“, деб турганидан кейин...

**Фармонбиби:** Э, ўша шефингни оғзига қошиқ эмас, чўмич тиқилсин! Энди ўзим банк очмасам бўлмайди шекилли! Булар давлат топшириб қўйган кредитниям „қуруғи“ни олмасдан бергиси келмайди.

**Ўринбой:** Айб мендамас, ойижон, ўрганган кўнгил ўртанса қўймас экан. Шефимизни...

**Фармонбиби:** Бўпти, чайналмасдан гапир! „Ставка“си қанча шефингни?

**Ўринбой:** Ўн прасан! Танишларга ўн прасан.

**Фармонбиби:** „Нал“ми, „перечисление“ми?

**Ўринбой:** „Нал“, ойижон. Шеф „Узоқдаги қийруқдан яқиндаги ўпка яхши“, дейди.

**Фармонбиби:** Бекор айтибди, ўша ўпкахўринг! Беш прасан! Дехқон болани қийнамасин.

**Ўринбой:** Ие, ойижон, „Ёмон даллол ёнидан“ деб қолганини ёнимдан тўлайманми?

**Фармонбиби:** Ҳаҳ, ўша шефингни нафсига ўт тушсин-а! Савоб ҳам керак-ку, одамга!

**Ўринбой:** Сиз шунаقا дейсиз-да, ойижон. Шеф „Савобнинг таги тешик“, дейди.

**Фармонбиби:** Яна мақол тўқийди-я! Менга қара, дехқон болам! Оладиган кредитларингдан беш прасан „нал“ тўлайсан! Бошқа илож йўқ. Кўриб турибсан, бу ишга Ўринбой акангни алоқаси йўқ. „Нал“сиз кредит олиш, ҳатто Фармонбибингни ҳам қўлидан келмайди. Майли, қолган беш прасанини ўзим кўшаман, уқдингми?..“

Шундай қилиб, Фармонбиби нотаниш фермерга деловой ёрдам беради...

**Ниҳоят,** Сотти билан боғлиқ тағин бир ўзгариш.

Сотти Нигорани „сотади“. „Ўгритомоқ“ келин умумий қозондан овқат емай, кечаси ётоғига кириб ўзига алоҳида овқат қилаётганини Фармонбибига чақиб беради, Фармонбиби иккала келинини юзма-юз қиласди.

**Фармонбиби:** Буни бекитиқча овқат қилаётганини қаёқдан била қолдинг, Сотти?

**Сотти:** Ҳидидан билдим, ойижон.

**Фармонбиби:** Ниманинг ҳиди экан?

**Сотти:** Сосисканинг ҳиди, ойижон.

**Фармонбиби:** Бурнинг ўлсин, сени! Искович итга ўхшаб ҳар тешикка суқулмай, бурнигинанг ўлсин! Менга қара, Нигора, ростми шу гап?

**Нигора:** Рост.

**Фармонбиби:** Нима, обший қозоннинг овқати ёқ-

май қолдими? Фирма ҳисобига „контракт“ тўлаб ўқийдиган студент Тўхтавойнинг Маликаи Турондотлари айрича овқат егилари кепқолдими?

**Нигора:** Гап ундумас, ойижон!

**Фармонбиби:** Нимада, бўлмаса?

**Нигора:** Шу кунларда кўнглим айнийдиган бўлиб қолган, ойижон. Бошим айланади. Сосиска егим келади. Ўшанга...

**Фармонбиби:** Кўнглим айнийди, дейсанми?

**Нигора:** Шунаقا, ойижон.

**Фармонбиби:** Вой, бўйларингга бўйтумор! Вой ўзимнинг „стриптиз“ келинимдан айланай! Вой, соиска сендан айланиблар кетсин! Ҳой, Сотти! Бир вақт ўзинг ҳам капчўнний колбасага бошқоронги бўлувдинг шекилли? Бугундан бошлаб икки ой „шпион“ликдан отпускага чиқасан! Сенинг вазифанг шу: ҳар куни уч марта „Гамбургер“ ресторанига борасан. Ўзинг тепасида туриб, свежий сосискадан „хот-дог“ пиширтирасан. Ўзинг опкелиб Нигорага едирасан! Уқдингми?

**Сотти:** Хўп бўлади, ойижон!..

Асарда бошқа ўзгариш йўқ. Фақат финалда Нигора саҳнага эгизак чақалоқлар кўтариб чиқади. Бирининг оти Диана, иккинчисиники Виагра! Якшанба куни премьера! Албатта келинг, муҳтарам домла!

„Эркин муҳаббат“ хусусий театрининг и. о. директори. Имзо...“

## ТУФМА ИСТЕЬДОД

**Ү**нинг бошпуртдаги фамилияси — Бердиқулов. Бир эмас, учта институтни битирган... „Пачти“ битирган. Мутахассислиги нима экани ўзидан бошқа ҳеч кимга аён эмас. Аммо ишнинг кўзини билади. Томдан эмас, самолётдан ташлаб юборсангиз ҳам оёғи билан тушади! Яна битта ҳунари бор. Ҳунар эмас-ку, „хобби!“ У — тұфма истеъдод. Ўзининг тили билан айтганда „оёғининг тирноғидан сочининг учигача талант“. Биринчидан —

„шоир“. Иккинчидан — „композитор“. Учинчидан — „созанда“. Тўртингидан — „хонанда“.

Ўзи ёзган „шифир“га ўзи „мужика“ басталайди. Ўзи ёзган „мужика“га ўзи жўр бўлиб, тор чертади. Ўзи ижро этган „мужика“га ўзи қўшиқ айтади! Бир сўз билан айтганда, „саҳна юлдузи!“ Афсуски, ҳанузгача унга „хизмат қўрсатган“ унвонини беришмаяпти.

Бердиқулов унвон масаласини ҳал қилиш учун калаванинг учини топганида бошқа юмуш чиқиб қолди. Бундан ўттиз йилми-ўттиз беш йилми аввал у Тошкентта келиб институтга „заушний“ кирганида Эски шаҳарнинг бир чеккасидаги ҳалимдеккина сўққабош кампирницида „квартир“ турган эди. Кампир уни ўғлим деб бағрига босди. „Прописка“дан ўтказди. Орадан икки йилча ўтиб, бандаликни бажо келтирди-ю, бўйрадеккина ҳовли билан каталакдек иккита хона Бердиқуловники бўлиб қолди. Буни қарангки, яқинда худди ўша ҳовлининг устидан йўл ўтиб, кўприк қуриладиган бўпти.

Бузиладиган хонадонларга хоҳласа кўп қаватли уйдан хоналар, хоҳласа ер майдони билан пул бериладиган бўлди.

Бердиқулов „туғма талант“ эмасми? Бор истеъодини ишга солиб, шаҳар ҳокимиятига ариза ёзди. „Шифирли“ ариза.

*„Менинг на кулбам бор, на айвоним бор,  
На эшак аравам, на файтоним бор,  
Фақат талантим бор, соф виждоним бор,  
Санъатга бахшида битта жоним бор!“*

„Тўғри“ ёзади, хумпар! Кулбаси йўқ. Ўттиз беш минг „бакс“га олган „банковский“ уйда туради. Аммо уй ўзиники эмас, бизнесмен қайнисининг номида. Тошкентнинг шимол томонидаги ўн икки сўтихли ҳовли-жой, деворига мармар билан ишлов берилган икки қаватли уй ҳам ўзиники эмас: „предприниматель“ божасининг номида. Ишонмасангиж, нотариусдан суриштиринг!

Айвони ҳам йўқ. Тўғри-да! Уйи йўқ одамда айвон нима қилсин?! Шаҳарнинг машриқ томонида, тоғ этагидаги дачаси оддийгина. Атиги олти хонали. Саунаси қайноққина. Фонтани ихчамгина. Бассейни чуқургина. Шу арзимаган дача ҳам ўзиники эмас. Ўша қишлоқда турадиган қудаваччасининг номида. Эшак араваси ҳам, файтони ҳам йўқ. Атиги биттагина „БМВ“си билан яна битта „Нексия“си бор. Биттаси қайнукасиники. Биттаси қудахоланики.

Ана энди инсоф юзасидан айтинглар-чи! Шундоқ туғма талант эски шаҳардаги аллақандай маҳалланинг аллақандай гадой топмас кулбасида яшаса алам қиладими-йўқми?

Бердиқулов ҳоким номига ёзган аризасига қўшиб қуидаги далолатнома, яъни „испаравка“ни ҳам жўнатди.

„Берилди ушбу далолатнома шу ҳақдаким, мазкур қофозни элтувчи фуқаронинг хонадонида қуидаги факирлар истиқомат қиласурлар:

1. Ўзи.

2. Хотини.

3. Ўғли.

4. Келини. Аввалги эридан учта боласи бор. (Туғилганлик тўғрисидаги гувоҳномалар илова этилмоқда.)

5. Қизи. Турмуши бузилган. Бир яримта боласи бор — ёлғиз она. Мать — одиночка. Қорнидаги гумонаси олти ойлик. (Гинекологдан қўшимча далолатнома бор.)

6. Бўлажак кўёв. Ҳозирча бўлажак қайнатасининг уйида ғайрат билан „стажировка“ ўтаб турибди. Уй масаласи ҳал бўлса, ЗАГС дан ўтишга рози. (Тилхати илова этиляпти.)

7. Бувиси. 97 ёшда. Олтмиш йил комфирқа аъзоси бўлған. Бир пайтлар Амир Олимхоннинг ҳарамида бўлиб кўп жабр чеккан. „Золим Амир чангалида“ деган хужжатли қисса муаллифи. (Китобчанинг бир нусхаси илова этилмоқда.) Шу кунларда бир оз шошилиброқ чоп этиб юборилган китобни чеварасига айтиб, қайтадан ёздирипти. „Менинг севикли Амиргинам“ деб ном-

ланган китоб нашриёт режасига киритилган. (Далолатнома илова қилингапти.) Ўзи Тошкентта келмаган, минг чақирим нарида туради. Аммо паспорти шу хонадонда рўйхат қилинган.

8. Тоғаси. 81 ёшда. Меҳнат фахрийси. Уруш бошланган кезлари ўнг қўлининг учта бармоғини „тасодифан“ ўроқ кесиб кетган. Аммо фронт орқасида алоҳида жонбозлик кўрсатган. Биринчи бўлиб „Хизмат кўрсатган чўчқабоқар“ деган унвон олган. Бир кўзи кўрмайди. Бир қулоги вазмин. Бир қўли ишламайди. Тилининг ярми гапиради. Ярми гапирмайди. (Шифокор далолатномаси илова қилинмоқда.) Тошкентдан тўққиз юз чақирим нарида туради, шу ерда „праписка“ қилинган.

9. Аммаси. 80 ёшда. „Хужум“ кампаниясининг фаоларидан бўлган. Биринчилар қатори паранжисини оловга ташлаб, сочини қирқтирган. Олти марта эрга теккан. „Женсовет“ раиси, „Худосизлар“ жамиятининг аъзоси бўлган... Ҳозир қишлоқнинг нафаси ўткир отини. „Иброҳим Адҳам“ни ёддан қироат билан ўқиганда, хотинлар хўнг-хўнг йиғлайди. (Овози ёзилган аудио тасма илова қилинмоқда.) Саккиз юз чақирим нарида туради, „праписка“си шу хонадонда.

10. Поччаси. 67 ёшда. Руҳий касал. (Жиннихонадан далолатнома илова қилингапти.) Етти юз чақирим нарида яшайди, шу хонадонда рўйхатдан ўтган.

11. Қайнинглиси. Тўртта норасида боласи бор. Эри одам ўлдириб, ўн беш йилга кесилиб кетган. (Суд ҳукмидан кўчирма илова этилмоқда.) Қайнингилнинг неча чақирим нарида туриши номаълум. Умуман, Ўзбекистонда яшаш-яшамаслиги ҳам мавҳум. Касби — „челночник-тадбиркор“. Ярим йил Туркияда, бир йил „Южний Карея“да юради. Аммо шу хонадонга „праписка“ қилинган.

12. Куёви. Лична ўзининг куёви эмас-ку, кенжа қайнинглисининг законний эри. Қассоб. Туни билан пичогини қайраб чиқади. Наркология диспансерида ҳисобда туради. (Далолатнома илова қилингапти.) Беш юз чақирим нарида туради, „праписка“си шу хонадонда.

13. Жияни (ота томондан). Касбининг тайини йўқ. Қиморда беш минг доллар ютқазиб, қочиб кетган. Ҳозир қидирувда. (Ички ишлар бўлимидан далолатнома илова қилинмоқда.) Кунора қиморбоз ҳамкаслари „жиянингни топ“ деб бостириб келади. „Праписка“си шу ерда.

14. Яна битта жияни (она томондан). Ноёб талант соҳиби. Консерваториянинг миллий чолғу бўлими битириувчиси. Ҳар куни кечқурун уч соатдан карнай чалиб „репетиция“ қилиши шарт. (Далолатнома илова қилингани.)

15. Холасининг ўгай набираси. Санъат коллежининг собиқ ўқувчиси. Бу ҳам ноёб истеъдод эгаси. Бераман деса қўлига, чиқариб қўяр йўлига“, деганлари тўғри. Ўн етти ёшида Ҳасан-Ҳусан тугди. Эгизакларнинг отаси ҳозирча номаълум бўлгани учун болалар „детский приют“га топширилди. (Далолатнома илова қилинмоқда.) Коллежнинг ноинсоф раҳбарлари бир эмас, паҳлавондек иккита ўйилга ҳаёт ато этган истеъодли талабани ҳар томонлама рағбатлантириш ўрнига ўқишидан ҳайдаб юборибди. Уй масаласи ҳал бўлса, эгизаклар ёш онанинг иссиқ бағрига қайтади. Биологик отаси топилиб қолса ҳам эҳтимол. Бўлажак раққоса ўқишини давом эттирасаса, ўзбек балети ёрқин саҳна юлдузидан жудо бўлади!

Шундай қилиб, икки хонали каталакда йигирма уч яримта жон истиқомат қиласи. „Тугма истеъдод“ эгаси, бекиёс созанда, беназир бастакор, булбулна-фас хонанда Бердиқуловнинг ижод қилиши учун ҳеч қандай шароит йўқ! Нима қилсин, шўрлик? „Шифир“га солиб ёзган аризаси тўғри-да!

*„Менинг на кулбам бор, на айвоним бор,  
На эшак аравам, на файтоним бор,  
Фақат талантим бор, соф виждоним бор,  
Санъатга бахшида битта жоним бор!“*

*Муаллиф изоҳи: Ҳикоя қаҳрамони ким деб сўраманг!  
Ҳаммасини „ичимдан чиқариб“ ёздим. Башарти кўча-кўйдами,  
мажслис-пажслисдами, кимдир „Фалончи бизга тухмат қипти“  
деса, ҳикоянинг қаҳрамони ўша бўлади!*

## „ШУМЛИК ТУРКУМИДАН“

**Б**аъзилар шоир ёки ёзувчи деганда ўта жиiddий, ҳамто қовогидан қор ёғадиган одамни тушунади. Аслида ундаи эмас, истеъододли ижодкорларнинг деярли ҳаммаси ҳажсвга, ҳазил-мутойибага бой бўлади. Биз — ижод аҳли ҳам бошқалар каби бир-биримизга ҳазил қиласиз, беозор „шумлик“ лар ўйлаб топамиз. Мана, ўшалардан бир шингили.

## „ШПАНА“

**Ү**ниверситетни янги битирган кезларим эди. „Одамлар нима деркин“ деган қиссан китоб бўлиб чиқди...

Озод Шарафиддинов, Субутой Долимов, Умарали Норматов, наманганлик қадрдонимиз, шоир ва олим Нурилдин Бобохўжаев, бир-икки мезбонлар билан Саричелек қўриқҳонасига бордик. Тоғ устидаги кўл бўйида ётиб дам олдик. Кун бўйи чўмиламиз, ош-овқатни ўзимиз қиласиз. Бутун оламдан ажралиб, бир ҳафта радио эшитмасликка, соқол олмасликка, хуллас „ёввойи“ бўлиб юришга қарор қилганимиз...

Ўн кунлардан кейин юк машинасида тоғдан қайтиб тушдик. Соч-соқоллар ўсган, кийимлар афтодаҳол. Янгиқўргон марказида тўхтаб тамадди қиласиган бўлдик. Йўл-йўлакай аллақандай магазинга кирдик. Чиройли қиз пештахта ортида китоб ўқиб ўтирган экан. Озод ака одатдаги „қитмирик“ билан сўради:

— Синглим, нима китоб ўқияпсиз?

Қиз фаши келиброқ бошини кўтарди. Индамай китобнинг муқовасини кўрсатди. Бу — менинг китобим эди. Ёш ёзувчи бунаقا пайтда қандай ахволга тушиши ни биласиз. Хурсандман. Нуқул илжаяман!

— Бунаقا бемаъни китобларни ўқиманг, — деди Озод ака „шумлик“ қилиб.

Қизнинг жаҳли чиқиб кетди.

— Ўзингиз бемаъни! Китобни тушунмасангиз гапириб нима қиласиз!

Бизнинг оғиз — қулоқда. Озод ака менга қараб қулди.

— Кўрдингми, мухлисларинг кўпайиб қопти. — Ке-йин қизга тушунтириди. — Қўлингиздаги китобни мана шу бола ёзган. Беринг, дастхат ёзиб беради.

Қиз менга бошдан-оёқ қараб чиқди-да, жаҳл билан ғичирлади:

— Э, йўқол, шпана!

Довдираб қолдим. Қийқириқ, кулги...

Айниқса, кекса Субутой домла тиззасига уриб-уриб кулади. Йўқ, Озод ака амаллаб, қизни ишонтириди. Қўлидан китобни олиб, „Ҳурматли фалончихонга...“, деб энди дастхат ёза бошлаганимда ичкаридан башанг кийинган, тилла тишли киши чиқди. (Магазин мудири бўлса керак.)

— Хўш, нима шовқин? — деди қовоғини солиб. Озод ака нима гаплигини тушунтириди. Мудир ҳаммамизга бир-бир қараб чиқди-да, мендан сўради:

— Ҳужжатинг борми?

— Опке паспортингни! — деди Озод ака жаҳли чиқкан бўлиб. Машина кабинасида қолган паспортимни олиб келишга мажбур бўлдим. Мудир аввал паспортга, кейин менга, ундан кейин китоб муқовасига қаради. Узоқ ўйланаб қолди.

— Фамилияси ўхшайди, — деди салмоқланиб, — сурати ҳам ўзига ўхшайди, аммо кўриниши ёзувчига ўхшамайди.

— Ана! — Субутой домла тантана билан кўрсаткич бармоғини осмонга бигиз қилди. — Ана! Одам танишни биларкансан-ку, ўғлим. Ёзган дастхатини кўргин! Ёзувчиям шунаقا хунук ёзадими? Афтини қара, афтини! Тошканинг хулигани-ку бу! Ҳа, қизим-а, содда қизим-а! Шунинг гапига ишондингми?!

Сотувчи қиз жаҳл билан мен дастхат ёзган варақни йиртди-да, ғижимлаб ерга улоқтириди...

## „БЕМОР“ ПИЁЗ

Абдулла Қаҳҳорнинг машхур дачаси ҳозир Сайд Аҳмадники. Бу биринчидан. Иккинчидан, дача Ёзувчиликар боғининг шундоқ кираверишида жойлашган. Учинчидан, Сайд Аҳмад ака паловни „сайратиб“ юборади. Чүнгаранинг гуручи-ю, зайдун ёғидан қилинган ошни кўп адиллар еган. Нега дегандা устоз пиширган ошини барибир битта ўзи емайди. Боққа дам олишга борган ёзувчилардан кўнгил яқинларини албатта чақириб чиқади. Ошхўрлар ҳам жудаям ноинсоф эмас. Ошга ҳар ким баҳоли қудрат „ҳисса“ қўшади. Бирор тўрттагина сабзи, бирор Ёзувчилар боғининг ошхонасидан олиб чиқилган бир кафтгина туз, бирор бир қути гутурт дегандек...

Қолган „арзимас“ харажатлар — гўшт, ёғ, девзира гуруч, арақ, коньяқ ва бошқалар Сайд Аҳмад акадан.

Кунларнинг бирида Эркин Воҳидов қўнғироқ қилиб қолди.

— Юринг, оқсоқолнинг дачасига бориб, пиёздан хабар олиб келамиз.

— Қанақа пиёз? — деган эдим, тушунтириди. Эркин ака устознинг дачасига бир эмас, нақ олтига пиёз олиб борган экан. Пиёз бўлгандаям зўридан. Олтиариқнинг пиёзи! Эркин Воҳидов, Раҳматилла Иноғомов, мен — узун-қисқа бўлиб кириб бордик. Пиёздан хабар олгани келганимизни айтдик. Устоз пешанаси тиришиброқ ош дамлади. Маълум бўлишича, бу Эркин ака билан Раҳматилла аканинг тўртингчими-бешинчими марта „пиёздан хабар олиши“ экан. Мен ҳам мазахўрак бўлиб қолдим. Текин ош кимга ёқмайди! Келаси шанба Эркин Воҳидовга қўнғироқ қилдим.

— Пиёздан хабар олиб келмаймизми?

— Иложи йўқ, — деди Эркин ака, — „пиёз операцияси“ барбод бўлди. Кейин воқеани тушунтириди. Эрталаб кўчага чиқса, дарвоза олдида чиройли лента билан ўралган қофоз қути турган эмиш. Эркин ака ҳайрон

бўлиб қутини очса, қат-қат қофоз орасидан сарғайиб кетган битта пиёз, ёнида конвертга солинган хат чиқибди. Хатда шундай сўзлар ёзилган экан: „Эркин, болам, пиёзинг уйимга кетаман деб, хархаша қиласириб, юрагимни сиқиб юборди. Шунча ялинсам ҳам кўнмади. Сени қаттиқ соғинибди. Ичикиб, касал бўлиб қолди. Хафа бўлма, уч-тўрт кун табибга қаратсанг, ўзига келиб қолади. Сен пиёзингни яхшилаб даволатиб тур. Келаси ҳафта ўттиз-қирқ киши кўргани борамиз“.

— Энди нима қиласиз? — десам, Эркин Воҳидов топган чорасини айтди.

— Ҳозир оқсоқолга қўнғироқ қилмоқчи бўлиб турувдим. „Пиёзнинг дарди оғир экан, шўрлик ўлиб қолди“, деб қўя қоламан.

— Эсингиз жойидами? — дедим капалагим учиб. — Оқсоқол пиёзингнинг таъзиясига келдик, деб юз кишини бошлаб келса нима қиласиз?

— Бу ёғиям бор, — деди Эркин ака ўйланиб. — Майли, бир йўлини қиласман.

Уч кундан кейин Сайд Аҳмад акага Эркин Воҳидовдан хат борибди. Хатда шундай сўзлар битилган экан. „Устоз! Пиёзимни шунча боққанингиз учун раҳмат. Икки кунда оёққа туриб кетди, келиб овора бўлиб юрманглар. „Ёшлик — бебошлик“ деб шуни айтади-да! Ҳайронман, тенгини топибдими, битта пиёз билан Олтиариққа қочиб кетди!“

### „ҲОЖАТБАРОРЛИК“

**Б**улунғурга кетаётгандик, йўлда машина бузилиб қолди. Амаллаб етиб боргунча алла-паллага қолиб кетдик. Корин — пиёзнинг пўсти. Асаблар таранг...

Уй соҳиби дастурхон безатиб қўйган экан. Бир пиёла чой ичдиқми-йўқми, мезбон ҳасрат қилиб қолди.

— Неча йилдан бери шеър ёзаман, чиқаришнинг иложи йўқ. Газета-журналларда таниш-билишчилик...

— Мана, шеър чиқарадиган одам! — Абдугафур

Расулов мени кўрсатди. — Опкелинг шеърларингизни. Ҳозир опкелинг!

Мезбон ҳам шуни кутиб турган эканми, бир папка шеър кўлтиқлаб кирди. Папкани очиб, ўқишга шайланган эди, Абдуғафур aka маслаҳат берди:

— Сиз ўқиб овора бўлиб ўтирасизми? Ўткиржоннинг ўзи ўқийди. Ичидан танлаб-танлаб олаверади.

Папка менинг қўлимга ўтди. Бири-биридан хароб шеърларни пичирлаб ўқияпман-у, ўғринча Абдуғафур акага қараб қўяман. У киши нону ангур қилиб, олтин-дек узумни уриб ётибди. Охири чидолмадим. Бир бурда нон кавшаб, узумга қўл чўзган эдим, Абдуғафур aka дашном берди.

— Шеър деганни овоз чиқариб ўқийди-да. Биз ҳам эшитайлик бундоқ!

Овоз чиқариб ўқишга мажбур бўлдим. Ҳар сафар мезбон „Қалай, домла, зўрми?“ деб қўяди. „Шеърингиз икки пулга қиммат“, дей десам, дастурхонида ўтирибман. Устига-устак қорин ҳалигидай. Абдуғафур Расулов эса нуқул олқишлийди.

— Зўр ҳам гапми? — дейди қаймоққа нон ботириб. — Китоб қилиб чиқариш керак. Ҳаммасини Ўткиржоннинг ўзи эплайди. Бу киши ҳожатбарор одам.

Папқадаги шеърларни ўқиб бўлгунимча бир соатлар ўтди. Қаймоқ тамом бўлди, узумнинг шингил-шапоқи қолди.

Мезбон мастава олиб кирди. Бир қошиқ ичмасидан Абдуғафур aka тағин шеърларни мақташга тушди.

— Шундоқ зўр асарларни босишмадими, а? Вой, номардлар-ей! Янгиларидан борми?

— Э, бундан ҳам зўрлари бор! Олиб келайми?

— Албатта-да!

Мезбон бу гал иккита папка кўтариб кирди. Маставани маза қилиб ураётган Абдуғафур Расулов орачора менга далда бериб қўяди.

— Ўқинг, дўстим, ўқинг! Шеър деганни жаранглатиб ўқиш керак.

Ош устида түрткінчи папка очилди...

Эртасига эрталаб Булунғур бозорига кирдик. Рұпарадан қовун күтариб келаёттан сийрак соқолли чол чиқиб қолди. Йүлини түсіб салом бердім. Мол-холини, кампира-ю невара-чевараларини суриштирудим.

— Худога шукур! — деди чол жиндай ҳайратланиб.

— Қирқ битта невара, ўн саккизта чевара бор. Сизни танимайроқ турибман, болам.

— Ҳозир танийсиз-да! — дедим меҳрибонлик билан. — Мабодо бир парча қофозингиз йўқми, отахон? Отахонда қофоз йўқ экан. Абдуғафур Расуловдан қарз олишга тўғри келди. Қофозга Абдуғафур аканинг исми-шарифини, турар жойини, ишхонасини, телефон рақамини батафсил ёздим. — Шу қофозни эҳтиёт қилинг, хўпми, отахон? — дедим чолга узатиб. — Керакли одамнинг адреси ёзилган.

Чол нима гаплигини англамай турган эди, сўрадим:

— Мабодо институтга киришни ният қилган невараларингиз борми?

— Бор! — деди чол жонланиб. — Бир эмас, тўртаси бор. Бултур ҳам иккитаси Тошкентга ўқишга кираман деб бориб, қайтиб келганди.

— Мана бу одам, — дедим Абдуғафур акани кўрсашиб, — Тошкентдаги энг катта институтнинг энг катта домласи Абдуғафур Расулов бўладилар. Олтита неварангизнинг ҳаммасини юбораверинг. Ўқишга жойлаб кўядилар: бу киши — ҳожатбарор одам.

Чол қувониб кетди. Манзил ёзилган қофозни ҳафсала билан белбоғига қистирди.

— Ие, сизларни Худо етказди-ку, — деб азза-базза қовунни ерга қўйди, икки қўлинин очганча дуо қила бошлади. — У дунё-бу дунё ёмонлик кўрмагин, болам! Невараларимни ўқишга киргизиб қўйсанг, ҳар куни беш маҳал намоз устида дуо қиласман. Яхшилигинг мендан қайтмаса, бола-чақанғдан қайтсин. Бола-чақанғдан қайтмаса, Худодан қайтсин...

Чол дуонинг энг қуюқ жойига келганда тўсатдан кўзи олазарак бўлиб қолди. — Ия, ҳа, қаёқقا? — деди ҳайрон бўлиб.

Абдуғафур ака ўзини оломон орасига урди-ю, бир зумда кўздан фойиб бўлди.

### „МЕҲРИБОН“ ШОГИРД

**Ё**зда Озод Шарафиддинов билан Фарғонада дам олдик. Тўй мавсуми авжига чиққани учунми, Худонинг берган куни саҳарги ошга таклиф қилишади. Хўroz қич-қирмасдан туриш малол келади. Аммо айтилган жойга бормаслик ҳам одобсизлик. Бир куни Озод ака иккинчи қаватдан хушламайроқ тушди.

— Чўрт побери, кечаси билан биқиним оғриб чиқди, — деди нолиб. — Даволанишга келганмизми, тўйматўй юришгами?

Санаторий дарвозасида, одатдагидек, машина кутиб турган экан. Физиллатиб олиб кетишди. Тўйхонага киришимиз билан „Умарали ака-а-а!“ деган ҳайқириқ янгради. Сўриток тагида ўтирган найнов, саксовулдек чайир одам сапчиб туриб биз томонга келаверди. Эрталабдан „отиб“ олгани кўриниб турибди. Оёқлари чалишиб кетяпти. Икки юзи тўйиб мosh еган хўрознинг тожисидек қип-қизил. Яна бир марта „Умарала-ака-а-а!“ деди-да, Озод акани даст кўтариб, чирпирак қилиб айлантира бошлади. Домланинг у юзидан, бу юзидан ўпавериб шилта қилиб ташлади.

— Бормисиз, Умарали ака? Соғмисиз, домлажон? Эшик-эллар тинчми, домлажон? Неваралар чопқиллаб юрибдими, домлажон? Соғинтириб юбордингиз-ку, домлажон!

Ўпгани ҳам бор бўлсин! Ҳар „домлажон“ деганида Озод акани силкитиб-силкитиб қўяди. Озод ака „Мен... Мен“ дейди-ю, „Умарали эмасман“, дейишга бояги одам қўймайди. Домла „Кечаси билан биқиним оғриб чиқди“, дегани эсимга тушиб, ачиниб кетяпман. Бир

зумда Озод ака бошигача терлаб, қизариб кетди. Ңукул ҳансираб нафас олади. Бояги одам домлани ерга қўйида, менга юзланди.

— Эркин ака-а-а! — деди ҳайқириб. Кураш тушадиган полвонлардек қулочини кенг ёйганича тепамга бостириб келаверди. Қарасам, қовурғамни дазмоллаб ташлайдиган! Шоша-пиша, ўзимни одамлар орасига урдим.

Домла иккаламизни алоҳида хонага олиб кирди. Озод ака ҳамон ҳансираб нафас олар, пайдарпай рўмолча билан юзини артар эди.

— Бояги одам ким? — дедим нон ушатаётиб.

Домла эшитмадими, жавоб бермади.

— Ким ҳалиги одам? — дедим чой қуйиб. Домла бир чимирилди-ю, тағин индамади. Ҳар қалай, ўша „мехрибон шогирд“ кимлигини жудаям билгим келарди.

— Домла, — дедим, — бояги одам ўзимизда ўқиганми?

Озод ака базўр чидаб ўтирган эканми, бирдан портлади.

— Ҳой! — деди қўлини пахса қилиб. — Қанақа эзма одамсиз? Жимгина ўтира оласизми, йўқми? Билмайман! Эшитдингизми? Танимайман! Умуман танишни ҳам хоҳламайман! Ўз ҳолимга қўясизми-йўқми?

Дамим ичимга тушиб кетди. Ташқари чиққанимизда „шумлигим“ тутди. Озод аканинг қулоғига секин шипшидим.

— Умарали ака! Анави шогирдингиз яна келяпти. Хайрлашмоқчи шекилли.

Озод ака аланг-жаланг қаради-да, ўзини машинага урди.

— Ҳайданг, — деди эшикни ёпиб. — Ҳайданг, чўрт побери! Тезроқ кетайлик шу ердан.

### „ХИТОЙЧА УСУЛ“

**Т**оққа, Азим Суюннинг қишлоғига боргандик. Кўпчилик эдик. Меҳмонларни бир хонадонга олиб киришди. Дастурхон тўкин. Буни қарангки, бошқа ноз-

негматлар қатори бир пиёла асал ҳам бор экан. Ҳамманинг кўзи ўша пиёлада.

— Тоза асалга ўхшайди, — деди меҳмонлардан бири. — Ҳидидан сезилиб турибди.

— Тоғнинг асали зўр бўлади-да, — деди иккинчи. — Ҳозир тоғда ҳам тоза асал қолмаган, — деди яна бири. Гап айланиб асалнинг тоза-нотозалигини аниқлашга келиб тақалди. Бирор „Қошиқнинг учига илиб чўзиб кўриш керак, агар бир қулоч кўтарилганда ҳам асал узилиб қолмай ипдек тушаверса, тоза бўлади“, деди. Яна кимдир чойга солиб кўришни маслаҳат берди. Тағин кимдир асални кафтга суриб, ручка билан чизишни таклиф қилди. Индамай турсак, асал хомталаш бўладиган. Эркин Воҳидов менга қараб қўйди-да, сўради:

— Асални синашнинг хитойча усулини эшитгансиз-а?

Ҳеч қанақа „хитойча усул“ни билмасам ҳам, бир „шумлик“ бошланаётганини сезиб, дарров тасдиқладим:

— Эшитганман! Энг қулай усул шу!

— Ундан ташқари замонамиз руҳига ҳам мос келади, — деди Эркин Воҳидов. — Ҳақиқий демократик усул.

Ҳамма „хитойча усул“га қизиқиб қолди.

— Айтсан ўрганиб оласизлар-да, — деди Эркин Воҳидов сирли қилиб. Даврадагилар ялинишга тушди.

— Бўлмаса гап бундоқ, — деди Эркин ака. — Ҳозир орамиздан битта одамни „асал синовчи“ қилиб сайлаймиз. Ким энг кўп овоз олса, „синовчи“ ўша бўлади. „Синовчи“ пиёладаги асални бир кўтаришда охиригача симиради. Соатта қараб турамиз. Агар ярим соатдан кейин оғиз-бурнидан варақ-варақ қон келиб ўлиб қолса, бундан чиқди, асал — тоза асал бўлади. Қани, ўзининг номзодини қўядиган одам қўлини кўтарсин!

Биттаям „номзод“ топилмади.

— Начора, — деди Эркин Воҳидов мушқул муаммо қаршисида қолган одамдек чуқур ўйга толиб. — „Дўс-

тинг учун асал ют“, деган гап бор. Келинг, дўстлар учун қурбон бўлсак, бўпмиз-да!

„Жасорат“ кўрсатиб, икковлашиб пиёлани бўшатдик. Ҳайрият, асал „зўр эмас“ экан, ёмон таъсир қилгани йўқ.

### „ПАМИЛДОРИ“ ОПЕРАЦИЯСИ

**Ў**ғлимнинг тўйи куни саҳарлаб дарвоза олдида машина тўхтади. Чиқсан, Озод Шарафиддинов „Волга“нинг чап эшигини очиб рулда ўтирибди.

— Дачадан келяпман, — деди домла. — Қани, дарров капотни очинг.

Юхонани очсан, икки пақир памилдори турибди.

— Ўз қўлим билан тердим, — деди Озод ака тантанали оҳангда. — Идишларни тез бўшатинг-да, қофозқалам олиб чиқинг.

Қофоз олиб чиқсан эдим, буюрди:

— Ёзинг! „Тилхат. Менким, ушбу ҳужжатга имзо чекувчи фалончи пистончиев шуни эътироф этаманки, Озод Шарафиддинов тўйимизни жамики сабзавот маҳсулотлари билан тўла таъминлади“. Ёзингизми? Энди қўл кўйинг!

Табиийки, бу гап ўша заҳоти тўйхонага тарқалди. „Памилдори“ операцияси пишишиб қўйилди. Эрталабки ош дастурхонига памилдори ҳам тортилди. Домла ёнимда турган эди, маҳалла оқсоқолларидан бири келиб, у киши билан қўш қўллаб кўришди.

— Ўғлим, — деди менга қараб, — ошинг яхши бўпти-ю, аммо памилдориси, айниқса, зўр экан-да! Экканнинг қўли дард кўрмасин!

Озод ака мамнун томоқ қириб қўйди.

Зум ўтмай иккинчи одам келди.

— Илоё ёшлар баҳтли бўлсин! — деди қироат билан. — Дастурхон хў-ў-ўп тўкин бўлти-да, укам. Раҳмат! Айниқса, памилдорини айтгин! Асал-а, асал! Ишонсанг, мен ош еганим йўқ, нукул памилдори едим!

Озод ака камтарона ерга қараб турибди. Қариндошлардан бири памилдорини мақтаб-мақтаб, жиндай танқид қилиб ҳам ўтди.

— Памилдори хўп яхши пишибди-ю, сал майдароқ эканми? Олхўри деб ўйлапман.

Шу пайт Эркин Воҳидов келиб қолди.

— Ўткиржон! — деди гапни узоқдан бошлаб. — Ёзда тўй қилишнинг шуниси яхши-да. Қовун-тарвуз мўл, мева-чева кўп... Манави олчанинг чиройли пишганини қаранг деб тўрттагинасини кафтимга олиб еб кўрсам, данаги йўқ! Қарасам, памилдори экан! Қаёқдан топдингиз бунақасини?

Зимдан қарасам, Озод аканинг қовоғи тушиб кетяпти.

Сайд Аҳмад ака узоқдан мени койиб келаверди.

— Сен ярамасга қачон ақл киради-а? Янгилик яратаман деб, ҳар балони ўйлаб топаверасанми? Ош дастурхонига итузум қўйиш қаёқдан чиқди! Қаёққа қараса талинка-талинка итузум!

Озод ака бунисига чидай олмади.

— Чўрт побери! — деди қўл силтаб. — Мен тўйга памилдори эмас, тариқ опкелганман. Бўлдими? Кутулдимми энди?!

## „ТЎЯНА“ ОПЕРАЦИЯСИ

**Ў**зим ҳам бир эмас, бир неча марта „шумлик“ „курбони“ бўлганман.

Эркин Воҳидов қизини узатаётганда эрталаб юртга ош берди. Борсам, дарвоза ёнидаги ўрик тагида Сайд Аҳмад ака, Озод Шарафиддинов, Носир Фозилов, Неъмат Аминов, Умарали Норматов, яна аллақанча одам келди-кетдига қўл қовуштириб туришибди. Эркин ака билан қучоқлашиб кўришдик. Табрикладим. Киссасига тўяна солиб, мен ҳам бояги қаторга бориб турдим. Кечкурунги зиёфатга борсам, Эркин ака совукроқ қарши олди.

— Эрталаб кўринмадингизми? — деди гинахонлик қилиб.

— Келдим-ку! — дедим ҳайрон бўлиб.

— Келсангиз кўрардим. Биламан, сиз вақтли туришни ёқтирумайсиз. — Эркин ака ҳовлига имо қилди. — Кираверинг, ҳаммалари ўтиришибди.

Чиндан ҳам эрталабки ошда қўл қовуштириб турганлар давра қуриб ўтирган экан. Ҳатто Саид Аҳмад ака менга жой ҳам олиб қўйибди.

— Ҳа, хомуш кўринасан? — деди оқсоқол афтимга тикилиб.

— Йўқ, ўзим... — деб минғиллашим билан ёнимизга Эркин ака келди.

— Эрталаб Ўткиржоннинг ўрни жуда билиндида, — деди бош чайқаб.

— Келдим-ку, ахир! — дедим баттар ҳайратланиб. — Ўрик тагида кўришдик-ку!

— Қанақа ўрик? — Эркин ака елкасини қисиб қўйиди-да, нари кетди.

— Ростдан ҳам келувдингми? — деди Саид Аҳмад ака.

— Ие, ўзингиз билан кўришдик-ку! — нажот кутгандек Неъмат Аминовга қарадим. — Неъмат ака ҳам бор эди.

Неъмат Аминов гапимни эшитмадими, чой қуиди.

— Қани дастурхонга қаранг, жигарим!

— Сиз билан анча гаплашиб турдик, — дедим Саид Аҳмад акага.

— Менда галава қоптими! Келган бўлсанг келгандирсан, келмаган бўлсанг келмагандирсан. — Саид Аҳмад ака ҳам дастурхонга ундали. — Ол, манави гўшт яхши пишибди.

Томоқдан овқат ўтса қани?

Саид Аҳмад ака кўнглимдагини сезгандек, насиҳат қилди:

— Эркин билан қил ўтмас дўстсан. Кўп муҳлислар Эркин Ҳошимов билан Ўткир Воҳидовни адаштириб юради. Эрта-индин сен ҳам қиз чиқарасан, ўғил уйлантирасан. Тўяна-пўяна бердингми?

— Бердим! — дедим жонланиб. — Ўрик тагида...

— Қанақа қилиб берувдинг?

Хунобим ошди.

— Қанақа бўларди, чўнтағига солиб қўйдим.

— Калланг гавдангдан катта-ю, бир отим носча ақлинг йўқ! — деди Сайд Аҳмад ака койиб. — Биринчидан, тўяна дегани чўнтақка солинмайди, кафтга босилади! Иккинчидан, гувоҳ олдида берилади. Пулни конвертга солиб, устига „фалончидан пистончига“, деб ёзив қўйилади... Эркин сенинг тўянангга зормас-ку, барибир кўнглига келган-да! Минг йиллик қадрдон бўлсаларинг! — Бирпаст ўйлаб турди-да, жўяли маслаҳат берди. — Энди... Битта йўли бор... Бошқатдан тўяна бerasan. Пулинг борми?

Ноилож чўнтағимни ковлаб, беш сўмлик, ўн сўмликларни санай бошладим.

— Э, ямоқчига ўхшамай ҳар нима бўл! — деди оқсоқол жеркиб. — Йирикроқ пулинг борми, Носир?

Носир Фозилов қовоғини солиб тўнфиллади: — Нима, мен кассирманми?

— Сенда-чи, Неъмат, йирик пул борми?

— Майдасиям йўқ! — деди Неъмат Аминов кескин бош чайқаб.

— Сенларнинг ғамингни доим мен ейишим керак!

— Сайд Аҳмад ака киссасидан иккита юз сўмлик чиқарди. — Эшишиб қўй, — деди писандаги қилиб. — Эртага эрталаб ровна соат саккизда боқقا обориб берасан. Ҳам қарз бериб, ҳам кетидан югуриб юрмайман!

Бундан чиқди эрталаб Қибрайга фириллашим кепрак.

Сайд Аҳмад ака аллақаердан бир варақ қофоз топди. Пулни қофозга ўраб, устига „Эркин акага Ўткирдан 200 сўм“, деб ёзди. „200 сўм“ деган сўзниг тагига йўғон қилиб чизди. (У пайтда бу анча катта пул эди.)

— Ма, ушла! — деди ўрнидан туриб. — Тўяна беришнинг қоидасини ўрганиб қўй, окангинанг айлансин! Биз тўяна беравериб-беравериб шилиниб кетганимиз! Юр, бирга борамиз.

Ноилож оқсоқолнинг кетидан эргашдим. Йўлакда турган Эркин аканинг олдига бордик.

— Кучоқлашиб кўриш! — деди оқсоқол елкамга нуқиб. Одамларни ҳайрон қолдириб, Эркин ака билан қайтадан кучоқлашдик. Қофозга ўроғлиқ тўянани кафтига босдим. Эркин ака „Кўйинг, шарт эмас“, деди-ю пулни киссасига солиб қўйди. Машинадан хабар олиш баҳонасида кўчага чиқдим. Қай кўз билан кўрайки, эрталаб келганимга, тўянаға „гувоҳ бўлган“ ўрик йўқ! Йўқ, вассалом! Тўғриси, ўзимдан ўзим шубҳаланиб қолдим. Барвақт туришни ёқтиरмаслигим рост! Эрталаб Эркин аканикига келдимми ўзи? Ё уйқусираб бошқа жойга бордимми?

— Қаёқда юрибсан? — деди Сайд Аҳмад ака ёнимга келиб ўтиришим билан.

— Ўзим... — дедим бўшашиб.

— Тўянадан қутулдинг! — Оқсоқол далда берди. — Энди одамга ўхшаб очилиб-ёзилиб ўтириш. Аммо бир нарсанни айтиб қўяй! Менинг пуллим — ургочи пул, яқинда банкка обориб қочириб келувдим, ой-куни яқин эди. Эртага боласини қўшиб оборасан, 50 сўм!

Оббо! Энди буниси қолувдид.

— Боласини Эркин Воҳидовдан оласиз! — дедим энсам қотиб. Шу гапнинг устига Эркин ака келиб қолди.

— Содда бўлмай қолинг! — деди кулиб. — Эрталаб тўяна берувдингиз-ку. Олинг пулингизни, — шундай деб, қофозга ўралган бояги пулни чўнтагимга солиб қўйди.

— Ўрик-чи? — дедим талмовсираб.

Ўша заҳоти даврада шунақанги қаҳқаҳа портладики, қўшиқ айтаётган ҳофиздан тортиб ҳовлидаги меҳмонларнинг ҳаммаси баравар шу томонга қарашиди. Менинг аҳволим хўл „томушабоп“ бўлса кёрак. Неъмат ака „хехе“ лайди. Носир ака „ху-ху“ лайди, Эркин ака ёшланиб кетган кўзини артади...

Маълум бўлишича, эрталаб мен кетганимдан кейин, „тўяна“ операцияси пишитилибди. Дарвоза олдидаги ўрикнинг катта шохи қуриб қолган экан, қа-

риялар қуриган дараҳт бехосият бўлади, деб таги билан арралаб ташлашни маслаҳат беришибди...

— Энди кўнглинг жойига тушдими? — деди Сайд Аҳмад ака. — Қани, пулни чўз!

Энди менинг „шумлигим“ тутди.

— Қанақа пул? — дедим пинагимни бузмай.

— Ҳазиллашма! — Сайд Аҳмад аканинг пешанаси тиришиб кетди.

Парво қилмай еб-ичиб ўтиравердим. Ора-чора устозни дастурхонга ундейман.

— Олинг, оқсоқол, шўрва мазали бўпти!

Сайд Аҳмад ака овқатта ҳам қарамай қўйди. Пайдар-пай сигарет тутатади... Ниҳоят, бир чора ўйлаб топди шекилли, қулогимга эгилди.

— Эшитяпсанми? — деди овозини пасайтириб. — Чап чўнтағингда чақалоқ „инга“ лаяпти, айтмовдими, пулимнинг ой-куни яқин, деб. Ҳайрият-ей, омонесон қутулди, бояқиш! Майли, „боласи“ни сенга бердим. 200 сўмни қайтар!

— Манави қийма кабоб юмшоққина экан, устоз, — дедим меҳрибонлик билан. — Устига пиёз сепиб берайми?

Сайд Аҳмад ака ялинишга тушди: — Пул деган жигардан бўлади, болам. Унақа совуқ ҳазил қилмагин, настраенам бузилиб кетяпти. Ҳозир йиғлаб юбораман.

— Мен сиздан пул олганим йўқ! — дедим кўзимни лўқ қилиб.

— Бермайсанми? — Сайд Аҳмад ака таҳдид билан ўрнидан турди. — Ҳозир анави боланинг қўлидан микрофонни оламан-да, бўлган ҳангомани бутун тўйхонага айтиб бераман!

Қарасам, чиндан ҳам ўша томонга кетяпти. Пулини қайтариб бердим. Оқсоқол киссасига ураркан, тўнфиллади:

— Барибир „боласи“ сани бўйнингда! Жа бўлмаса, судга бериб, алимент қилиб ундириб оламан!

## „ГУРУЧ“ ОПЕРАЦИЯСИ

**С**аид Аҳмад ака девзира гуруч танлашга уста. Бир гал азза-базза Кўқон бозорига кириб, Чўнгаранинг гуручидан харид қилдик: Саид Аҳмад ака 30 кило, мен 30 кило. Мезбонлар гуруч солинган қофоз қопларни вагонга чиқариб беришди. Поезд жилганидан сўнг устоз билан алла-паллагача гурунглашиб ўтирдик. Кейин ухлаб қопман.

Бир маҳал фалати шатир-шутур товушдан уйғониб кетдим. Саид Аҳмад ака майкачан бўлиб ўриндиқقا ўтириб олган. Олдида иккита қоп. Менинг қопимдаги гуручдан ҳовучлаб-ҳовучлаб олади-да, ўзининг қопига солади. Қарасам, гуручимнинг баракаси учиб кетадиган.

— Ҳорманг, устоз? — дедим. — Нима ҳаракат?

— Уйғондингми? — деди оқсоқол киройи меҳр билан. — Ухлайвер, болам, чарчагансан, ухлайвер. — Шундай деб юмушини бамайлихотир давом эттираверди. — Мен билан ишинг бўлмасин, — деди тушунтириб. — Одамнинг ёши бир жойга борганидан кейин шунаقا экан. Ярим кечадан кейин эсим жиндай киарли-чиқарли бўлиб қолади. Нима қилаёттанимни ўзим билмайман.

Ҳайрон бўлдим.

— Эсингиз киарли-чиқарли бўлса, нега ўзингизнинг гуручни менинг қопимга солмайсиз-да, меникини ўзингизнинг қопингизга соласиз?

Саид Аҳмад ака хотиржам қараб қўйди.

— Унда сапсем жинни бўламан-ку, болам!

## „ЗИЁФАТ“ ОПЕРАЦИЯСИ

**А**рзимаган баҳонада зиёфат қиласман демасам, шу масалада Эркин Воҳидовга маслаҳат солмасам, олам гулистон эди. Ўйлаб қарасам, биринчи ҳикоям чиққанига қирқ йил бўпти. Шуни дўст-биродарлар билан нишонлагим келди.

— Ие, бу тарихий воқеа-ку! — деди Эркин ака қувониб. — Бунақа байрамни нишонламаса гуноҳ бўлади! Банкетни қайси ресторонда қилмоқчисиз?

— Ҳайронман, — дедим иккиланиб. — Уйда йифилиб қўя қолсакмикин...

— Жуда тўғри! — деди Эркин ака маъқуллаб. — Лекин бир нарсани олдиндан айтиб қўяй. Сиз ўзингизни ортиқча уринтирунган, хўпми? Бир хилларга ўхшаб иккита қўй сўйиш зарилми? Битта бўлса етади! Жудаям катта қўчқор бўлишиям шартмас. Ҳа, боринг ана эллик килоли бўла қолсин. Тоғ кўкатларини еган қора қўчқорнинг кабоби бошқача бўлади. Зомин тоғими, Нуротами, майли-да...

Қўй сўйиш деган гап хаёлимдаям йўқ эди. Шуни айтай деб, энди оғиз жуфтлаган эдим, Эркин ака янаем меҳрибонроқ оҳангда давом этди.

— Сиз қийналманг, дейман-да! Баъзиларга ҳайронман. Закуска — яъни газакка қази-қарта, курка гўшти, каклик гўшти, тандир кабоб, қоқланган қизил балиқ, немис пишлоги, Гуржистон бринзаси, лик-лик холодец, мариновка қилинган қўзиқорин, креветка — буларку майли, дастурхоннинг кўрки...

Устига-устак икки хил икра олишга бало борми? Ҳам қора, ҳам қизил икра! Сиз биттасини олинг, тамом. Узоқ Шарқнинг қизил икраси бор. Осетрина балигиники. Ҳар биттаси анор донасилик келади. Ўшандан биттагина банкасини оласиз. Чиройли тунука банка. Беш килолиги бор, уч килолиги бор. Сиз ўзингизни қийналманг, уч килолигидан олаверинг!

Ичимдан узундан-узоқ хўрсиниқ келди. Гапирай десам овозим чиқмайди. Эркин ака шавқ-завқ билан давом этяпти:

— Хў-ўш, таом масаласи, яъни меню. Баъзан қуда чақириққа борасиз, банкетга, юбилейга борасиз... Исрофгарчиликни кўриб, ҳайрон қоласиз. Бир эмас, ўн беш хил овқат тортади-ей! Сиз ўн икки хил овқат қилсангиз кифоя. Биринчисига бедана шўрва, Кўқоннинг

„кўза шўрваси“. Кейин ҳўл норин, иссиққина ҳасип, сомса...

Айтмоқ-чи, сомса масаласи...

Одамлар аллақандай алмойи-алжойи рекламалар ўйлаб топади. Бир куни кўчада кетаётсак, „Сомсанинг додаси“ деб ёзиб қўйибди. Буниси „сомсанинг додаси“ бўлса, „онаси“ қаёқда деб сўрайдиган одам йўқ. Ўзимизнинг пармуда сомсадан буораверинг. Сиз қийналманг, дейман-да! Шашлик, яъни кабоб икки хил бўлса етади. Жазли кабоб билан қийма кабоб. Жа, кўнглингиз бўлмаса, думба-жигар ҳам тортиб қўя қоларсиз. Ундан кейин янгича таом удум бўлган. Арабча қовурдоқ дегани. Беш ойлик тўқли-қўзичоқнинг миён қовурғасидан қилинади. Устига қаймоқ солинган француз котлети ҳам лаззатли таом...

Табака масаласи. „Буш оёғи“ деган гапни эшитгани мисиз? Ҳозирги Буш эмас, унинг отаси президент бўлган замонда америкаликлар дори билан боқилган товуқ еявериб, семириб кетган. Борганингизда ўзингиз ҳам кўрган бўлишингиз керак. Шунинг учун табакани товуқдан қилманг. Ўрмончи Мансурхўжага айтсангиз, ўн-ўн бешта қирғовул оттириб қўяди. Қирғовулнинг табакаси бошқача бўлади...

Охирида ош тортасиз. Асаканинг Чўнтағидаги чойхоначиidan илтимос қилсангиз, девзирадан қулинг ўргилсин, ош дамлайди.

Оғзим машинаси ўғирлаб кетилган гаражнинг дарвозасидек ланг очилиб қолган бўлса керак, Эркин aka кўзимга хавотирланиброқ тикилди.

— Ёзиб оляпсизми? Эсингиздан чиқмайдими?

— Чиқмайди, — дедим йигламоқдан бери бўлиб. — Бунаقا гапларни унутиб бўларканми? Минг раҳмат сизга! Мунча меҳрибонсиз?!

— Сиз қийналманг, дейман-да! Меҳмонлар неча киши ўзи? Ўнтами? Биласиз, мен ичмайман. Аммо дастурхонда анави сабил турмасаям бўлмайди. Бир яшик тоза арақ. Франциянинг бир яшик конъяги бемалол етади. Ҳа, айтмоқ-чи, Голландиянинг „Хайнкен“ деган пи-

воси бор. Ўшандан бир қутигина олсангиз, бошқа нарса керакмас. Мева-чева bemalol! Хандон писта, бодом, нўхат, майиз...

Оқ кишиши сал камёброк. Космонавтлар ейди. Эски жўвадаги Мирваққос баққолга менинг номимдан илтимос қилсангиз, уч-тўрт кило топиб беради. Олма, анор, нок, узум ўзимизнинг мевалар. Бозорда нима кўп, банан кўп. Ортиқча уриниб юрманг-да, жон бошига бир шодадан банан, икки кишига биттадан ананас олсангиз, етмоқ тугул ортади. Қайси куни бир зиёфатга борсак, дастурхонга қулупнай тортибди. Ҳали ўзимизнинг қулупнай чиқмаган, тўғрими? Худо билсин, Хитойдан олиб келганми, Эронданми? Сувда маза бор, унда маза йўқ. Сиз ўзингизни уринтириб юрманг-да, гирос билан шафтоли олинг! Бангладешданми, Малайзияданми, бир тогора шафтоли, бир тогора гирос келтирсангиз, олам жаҳон бўлпкетади.

— Эркин ака, — дедим йифламсираб, — меҳмонлар тарқаётганда, елкасига тўн ҳам ёпайми?

— Ана шуниси шартмас. Ҳечам шартмас! Бу одатни ким ўйлаб топган ўзи? Қаёққа борсанг тўн беради. Ҳамманинг уйида сандиқ-сандиқ тўн! Сиз бундай қилинг! Меҳмонларнинг ўлчовини сўраб олинг-да, биттадан костюм-шим олиб қўя қолинг. Биласиз, „Версач“ деган машҳур фирма бор. Ўшанинг костюми ҳам чиройли, ҳам модний бўлади. „Оптовой“дан олсангиз, 400 доллардан беради.

— Бир нарса сўрасам майлими? — дедим ўпкам тўлиб. — Мабодо биттагина вертолёт олиб, меҳмонларни ўй-уйларига вертолётда обориб қўйсам, нима дейсиз?

— Керакмас! — деди Эркин ака бош чайқаб. — Биринчиidan, вертолёт ҳайдашга учувчи керак, иккинчидан, ҳеч кимнинг уйида вертолёт қўнадиган майдон йўқ. Биттагина „Дамас“ олсангиз бўлди. Сиқилишиброқ ўтиrsa ҳамма сифади. Шўпирликни ўз зиммамга оламан. Меҳмонларни ўй-уйларига обориб қўяман-да, машина меникода қолаверади. Сиз қийналманг, дейман-да!

— Мабодо, — дедим ҳиқиллаб. — Мабодо зиёфатдан беш-ён сўм ортиб қолса, ўшанга арқон берармикин?

— Беради! Албатта беради. Нима кўп — хўжалик дўкони кўп. Арқоннинг пишиғидан олинг. Ингичка бўлсин-у, пишиқ бўлсин. Ундан кейин жудаям узун бўлиши шарт эмас. Бўлмаса одамнинг оёғи ерга тегиб қолиши мумкин. Сиз қийналманг, дейман-а! Аммо бу ишни жиндак кечиктириб турасиз. Асарингиз чиққанини яна беш-ён марта нишонлассангиз, арқонни меҳмонларнинг ўзи олиб боради...

Шундай бўлди. Ҳаётимдаги „тарихий воқеа“ни зўр „тантана“ билан нишонладик. „Чархпалак“ ошхонасида. Эркин Воҳидов, ИброҳимFaфуров, мен — учовлашиб бир косадан лағмон едик. Ёлғон бўлмасин, бир шишадан пиво ҳам ичдик. Ўзимизнинг „Қибрай“ пивоси.

## ЎЗБЕКНИНГ СОДДАСИ

**Т**ошкент дорилфунуни (ҳозирги ЎзМУ)нинг домласси Баҳодир Фуломов боладек беғубор, ўта самимий, содда одам эди. (Афсус, бевақт вафот этди.) Сафарга чиқадими, ўтиришга келадими, деярли ҳар гал навбатдаги „шумлик“нинг „курбони“ бўлиб, ё чойхона паловга, ё зиёфатга „тушар“, „тушмагани“га, қўймас эдик.

Баҳодир ака уйига меҳмон келса, ўтқизгани жой тополмай шошиб қоларди. Бир гал Озод Шарафиддинов, Бегали Қосимов, Абдуғафур Расулов қандайдир байрам баҳона домлани кўргани бордик. Баҳодир ака келинойига дастурхон ёздиреди. Очилиб, жиндай ичилган „Плиска“ конъягини келтириб қўйди.

— Конъяк деганни узум билан ичсанг-да! — деди Озод ака.

— Ҳозир, домлажон, ҳозир! — Баҳодир ака пилдираб ҳовлига тушди. Дераза олдидан инқиллаб нарвон кўтарганча ўтиб сўриток томон юрди. Пайтдан фойдаланиб, конъякни тўртта пиёлага бўлдик. Лўқ этиб ичиб

олдик-да, ўрнига совуқ чой қуйиб қўйдик. Баҳодир ака узум кўтариб кирди.

— Қани, меҳмонлар, — деди илжайиб. — Жиндей-жиндей олайлик бундок. Бугун байрам...

Ҳаммамиз „қандай бўларкин“, деб бирпас ноз қилган бўлдиг-у, мезбон қистайверганидан кейин „ноилож“ қўндик. Абдуғафур ака „конъяк“ сузди.

— Хуш келибсизлар! Қадамларингизга ҳасанот! — деди Баҳодир ака тантана билан. „Конъяк“ни бир қултум ичди-ю, афти буришиб кетди.

— Нима бу? — деди кўзойнагини йилтиратиб.

Биз ҳам жиндей-жиндей тотинган бўлиб пиёлаларни дастурхонга қўйдик.

— Мазаси ғалатироқми? — Баҳодир ака ҳаммамизга бир-бир мўлтираб термилди.

— Шу конъякми? — деди Озод ака қовоғини уйиб.

— Менгаям ғалатироқ туюлди, — деди Бегали.

— Ҳидиям бошқача... — деди Абдуғафур ака.

— Йўғ-е, кеча ўзим ичувдим-ку! — Баҳодир ака аззабазза шишанинг оғзини ҳидлаб кўрди. Тўсатдан бир нима эсига тушгандек, ҳовлига қараб келинойига қичқирди. — Уканг қачон келувди? — Кейин бизга ҳасрат қилди. — Қайнимнинг шу одати ёмон-да! У киши сурат олишга қизиқадилар! — деди зарда билан... — Биламан, ўшандан бошқа ҳеч ким қилмайди бу ишни! Конъякни ичган-да, ўрнига фотодори қуйиб қўйган.

— Нима? Фотодори?! — Озод ака ўрнидан туриб кетди. — Заҳар-ку бу! Ҳали бизни заҳарламоқчи бўлдингизми?

— Қиёматли ака-укамиз-а? — деди Абдуғафур ака бош чайқаб.

— Мазасидан билувдим... — деди Бегали маъюс минғиллаб.

Баҳодир ака довдираб қолди. Нуқул бир гапни так-рорлайди.

— Мен билмай қолдим-да... Билмай қолдим-да...

Домла янги шиша очганда ҳам, қовурдоқ олиб келганида ҳам чехрамиз „ёришмади“. Яхшигина „қизи-

шиб“ олганимиздан кейин мавзу тағин „фотодори“га келиб тақалди.

— Чўрт побери! — деди Озод ака. — Энди „Плиски“ни кўрсам кўнглим айнийдиган бўлди-да.

Баҳодир ака астойдил ялинди.

— Кўйинглар энди, шу гап шу ерда қолсин, эшитган қулоққа яхшимас.

— Албатта-да, — деб тасдиқлади Озод ака. — Баҳодир Фуломов дўстларини заҳарламоқчи бўпти, деган гап тарқалса, бирор ишонмаса, бирор ишонади-да!

Баҳодир ака бирпас иккиланиб турди-да, таклиф кирилди.

— Шанба куни Ўринбой аканинг чойхонасида ош қила қолсаммикин?

— Мана бу бошқа гап! — дедик ҳаммамиз жонланиб. Озод ака Баҳодир аканинг „тарафини олди“.

— Текин ош бўларкан, деб талтаймаларинг! Майли, домла-ку ош қиласди. Қилмай қаёққа борарди! Аммо сенлар ҳам бу сирини ёймасликка ваъда бериб, тилхат ёзиб берасан. Ҳозир оғзаки гапга ишониб бўлмайди.

Шанба куни чиндан ҳам Ўринбой аканинг чойхонасида ош бўлди. Фақат беш киши эмас, ўн беш киши тўпланди. Ош устида Баҳодир ака нега „эриётгани“, бизни қандай қилиб „заҳарламоқчи бўлгани“ биз эса бу сирни ошкор қилмасликка сўз беришимиз ҳақидаги батафсил ёзилган тилхатларни тантана билан, баланд овозда ўқиб бердик. „Сир“ ўша куниёқ бутун университетга ёйилди.

\* \* \*

**Д**омланинг қизиқ-қизиқ одатлари бор эди. Соат ўн бўлмасдан ётиб ухлар, эрталаб тонг отар-отмас уйғониб, ҳар куни албатта беш километр югуради.

Айнан шу одати домланинг бошига кўп „кулфатлар“ солган.

Бир сафар Сариосиёдан Термизга ўтадиган бўлдик. Термиз — чегара шаҳар. У замонда кириб келаётган ҳар

битта машинани тұхтатиб, одамларнинг ҳужжатини текшириб күришарди.

Сариосиёдан тонг отмай йўлга чиқдик. Баҳодир ака „Москвич“га ўтирибдикى нуқул „югуриш плани“ бажарилмай қолганидан нолийди. Ниҳоят, шаҳар чеккасига етиб келдик. Чегарачи аскарлар ҳужжат текшира бошлиди. Боядан бери индамай турган Баҳодир ака тўсатдан югуриб қолди. Анча нарида ям-яшил ўтлоқ бор экан. Домла ўша томонга қараб файрат билан лўкиллаб чопди.

Ҳужжат кўраётган йигитлардан бири жон ҳолатда „Тўхта!“ деб қичқирди.

Қаёқда! Баҳодир ака завқланиб кетган шекилли, борган сайин тезроқ югуради.

Аскар болалардан бири жон-жаҳди билан қувиб кетди. Орқасидан кажавали мотоциклда бошқа чегарачилар физиллади. Зум ўтмай домлани кажавага ўтқазиб, елкасидан босиб олиб келишди.

— Нима гап ўзи? — деди Баҳодир ака юпқа қўзойнаги ортидан ҳаммага бир-бир термилиб. — Шундоқ теп-текис ўтлоқда югурмай бўладими?

Аскар болалардан олдинроқ ўзимиз „хужум“га ўтдик.

— Баҳодир Фуломов деган олим атайлаб чегарани бузмоқчи бўлди. Шундоқ одамга қандай қилиб ёшлар тарбиясини ишониб топшириб бўлади?

Домла кўрқиб кетди. Тошкентга омон-эсон етиб борса, камида йигирма кишилик ош қилиб беришга ваъда қилиб, аранг кутулди. Чегарачилар „Ўша ошга бизни ҳам чақиринглар“, деганида ҳам Баҳодир аканинг титрофи босилмаган эди.

\* \* \*

**Я**на бир гал Ургенчга бордик. Баҳодир ака, Абдуғафур Расулов, мен. Огаҳий номидаги театрда „Тўйлар муборак“ спектаклининг премьераси бўлиши керак эди. Премьера ўтди. Театр директори, бош режиссёр меҳмонхонага келишди, алла-паллагача гурунглашиб ўтиридик. Баҳодир ака ҳаммадан олдин ётди-ю қотди. (Виждони соғ одам хотиржам ухлайди.)

Режиссёр билан директор кетишганидан кейин ҳам Абдуғафур ака икковимиз анча вақт гаплашиб ётдик. Чамамда, тонг отар палласи кўзимиз илинди шекилли...

Аммо узоқ ухлай олмадик. Бир маҳал ҳаммаёқ шовқин-сурон бўлиб кетди. Қўшни хоналарнинг деразаси шарақлаб очилиб-ёпилган, „чўрт-пўрт“ деган ҳайқириқлар...

Энг ёмони шундаки, ташқарида итларнинг тўхтовсиз акиллаши борган сайин авжига чиқиб, қулоқни қоматга келтиради.

— Нима гап? — деди Абдуғафур ака. Бошимни кўтариб қарасам, Баҳодир аканинг ўрни бўш. Майкачан балконга чиқдим-у, фалати манзарани кўрдим.

Ҳали қуёш чиқмаган, меҳмонхона ҳовлиси фирашира ёруғ. Ҳовлида майка-труси кийиб олган Баҳодир ака югуриб юрибди. Домланинг кетидан йигирматача ит чопиб боряпти. Энг олдинда Баҳодир ака, орқасида кичикроқ бузоқдек келадиган, қулоқ-думи кесилган ит, ундан кейин чойнақдеккина оппоқ кучукча, унинг орқасида семиз-ориқ, катта-кичик кўппаклар-у кўппакчалар...

Қизифи шундаки, домла қанча тез чопса, итлар ҳам шунча қаттиқ акиллайди...

Баҳодир ака қадамини қанча секинлатса, итлар „симфонияси“ ҳам шунча пасаяди. Домла тўхташи билан улар ҳам тўхтаб атрофини ўраб олади. „Бу ким ўзи, нима қиляпти“, дегандек мўлтираб қарашади. Домла тагин файрат билан югурга бошлайди. Итлар кетидан эргашиб файрат билан вовуллайди. Тагин ўша „музика“...

— Одамни шарманда қилдингиз-ку! — дедим бўғилиб. — Бу ёқقا чиқинг, домла, ҳамманинг уйқусини бузяпсиз.

Баҳодир ака тўхтади. (Итлар ҳам.) Домла тилла тишлигини ялтиратиб кулди.

— Ҳозир, укажон! — деди билагидаги соатига имо қилиб. Яна ўттиз беш минут югурсам, раппа-расо беш километр бўлади.

\* \* \*

Домланинг тағин бир одати — очликка ҳеч чидолмасди. Дорилфунундагиларнинг айтишига қараганда, бирон мажлисда жуда жиддий масала кўрилаётган бўлса ҳам Баҳодир ака қорни очиши билан индамай чиқиб кетаверар, „бир пиёлагина чой ичиб“ қайтиб келар ва яна индамай жойига бориб ўтиравераркан.

Терим мавсуми айнан қизиганда Қашқадарёга бордик. Самолёт кечикиб учди. Эрталаб дуруст нонушта қилинмаган. Қаршидан Шаҳрисабзга, ундан Китобга ўтдик. Чеккароқдаги хўжаликлардан бирида тушлик та-наффусга мўлжаллаб учрашув тайёрлаб қўйишган экан...

Дала шийпонида одам кўп. Пахтакорлар, ҳашарга чиқсан шифокорлар овқатланиб бўлиб, кутиб ўтиришибди.

Райком котиби меҳмонларни таништирди. Қарсакбозли...

Котиб ҳаяжонланиб микрофонда гапиряпти. Унинг ёнбошида ранги ўчиб Баҳодир ака ўтирибди. Ёнида Абдуғафур Расулов билан мен... Баҳодир ака одамлар ҳозиргина еб бўлган қовун пўчоқларига маъюс-маъюс қараб қўяди. Секин домланинг қулоғига шивирладим:

— Мезбонлардан бир таклиф тушяпти. Бу учрашув узоқ чўзилмас экан. Нари борса бир ярим соатда тугармиш. Тағин икки жойда учрашув бор экан. Одамларни куттириш яхши эмас. Ҳамма ишдан кутулиб, бир йўла кечкурун овқатланиб қўя қоламиз...

Аламдан тўлиб ўтирган Баҳодир ака олдида микрофон турганидан бехабар бор овозда чинқириб юборди.

— Нима? — Кейин чап қўлини пахса қилиб бақирди. — Учрашувингизни бошимга ураманми? Қорним таталаб кетяпти, билдингизми? Нима, Тошкентга ўлигимни олиб кетмоқчимисиз?

Домланинг овози микрофондан шу қадар алам билан жаранглаб эштилдики, боядан бери завқланиб гапираётган котиб жим бўлиб қолди. Пастда ўтирганлар ҳайрон бўлиб, бир-бирига аланглай бошлади.

Баҳодир ака нима бўлганини энди тушунди. Пастроқ овозда гапирмоқчи бўлди-ю, эпломади.

— Ие, қовун туширибмиз-ку! — деди ҳайратдан овози интичкалашиб. Райком котибига қараб илжайди. — Сиз гапираверинг, укажон, бу — бизнинг ўзаро гап!

\* \* \*

**Б**оботогда, арча тагида давра қуриб ўтирибмиз. Баҳодир ака тандир пишгунча „жиндек мизғиб олиш“ учун ёнбошлади-ю, пинакка кетди. Кейин мотори яхшилаб созланган машинадек бир текис, осойишта хуррак торта бошлади. Қарасак, пиджагининг ич чўнтағидан паспорти кўрпачага тушиб қолибди. Табиийки, паспортни „ўғирладик“. Озод Шарафиддинов „текширув“ операциясини ишлаб чиқди. Бизни тоққа олиб чиққан „РАФ“ машинасида мезбонлардан бири аззабазза пастга тушиб, бўлажак ҳангомани пишишиб чиқди.

Тандир пишганда домла уйғонди. Ейилди, ичилди. Кечга томон шариллатиб жала қуйиб берди. Машина сирғалиб-сирғалиб, амаллаб пастга тушиб олди. Ҳамон момақалдироқ гумбурлайди, ёмғир челаклаб қуйиб турибди. Бийдек даланинг қоқ ўргасида бир милиционер машинани тўхтатди. „РАФ“га чиқиб совуқдан тишлари такиллаганча гапирди.

— Кечирасизлар, ҳужжатларингизни кўрсатинглар!

Жаҳлимиз чиққан бўлиб, паспортларимизни кўрсата бошладик.

Баҳодир ака типирчилаб қолди.

— Бошпуртим йўқ-ку! — деди хавотирланиб. — Ҳалигина ёнимда эди.

Худди шу пайт милиционер йигит домланинг яқинига келди.

— Марҳамат, сизнинг ҳужжатингиз!

— Ҳалигина бор эди, — деди Баҳодир ака аланглаб. — Мана, булар гувоҳ, бошпуртим бор эди.

— Нима гап ўзи, чўрт побери? — деди Озод ака аччиқланган бўлиб.

— Хавфли жиноятчи тоқقا қочган, деган хабар бор. — Милиционер йигит Баҳодир акага қараб қўйиб давом этди. — Ўзи кексароқ, кўзойнак тақиб юради, тилла тиши бор, дейишган.

— Вой, бу мени айтяпти шекилли! — Домла бутунлай эсанкираб қолди. Яйловнинг қоқ ўртасида милиционер нима қиласди, нега энди машинани текшириши керак, деган гап хаёлига ҳам келмади. — Мен жиноятчи эмасман, укажон, — деди ялиниб. — Олимман, Тошкентдан келганимиз. Мана, ҳаммалари гувоҳ.

— Мен бу олимни танимайман! — деди Озод ака жиддий қиёфада. — Ҳозир, йўлдан машинага чиқди.

— Вой, домла, эсингизни едингизми? — Баҳодир ака ҳаммамизга жавдираб қаради. — Унақа ҳазил қилманглар. Мени ҳаммаси танийди.

Биз ҳам Баҳодир акани „танимадик“.

— Пастга тушишингизга тўғри келади. — Милиционер кулиб юбормаслик учун тескари қаради.

Домла хўп ялинганидан кейин уни „кафилликка“ оладиган бўлдик. Эвазига битта зиёфат қилинадиган бўлди. Милиционер шофёр ёнига ўтириб уф тортди.

— Койил-е, икки соатдан бери кутаман-а! Ҳамма-ёғим шилтаи шалаббо бўлди-ку!

— Нима деяпти? — сўради Баҳодир ака овозини пасайтириб.

— Жим! — дедим лабимни тишлаб. — Жаҳли чиқиб турибди. Мелиса билан ҳазиллашиб бўладими? Омон қолганингизга қувонмайсизми?

— Рост айтасиз. Куруқ туҳматдан асрасин! — Баҳодир ака қунишиб ўтириб олганича шаҳарга киргуни мизча бир оғиз ҳам гапирмади.

Эртасига домланинг паспортини „топиб“, суюнчисига яна битта ош қарздор қилдик.

**К**оракўлга борадиган бўлдик. Озод ака, Баҳодир ака, Абдуғафур Расулов, Бегали Қосимов поездга ўтириб жўнадик. Бир маҳал, тонг палласида вагон кузатувчиси купе эшигини тақиллатди.

— Жон акалар, — деди ялиниб. — Вагон йўлагида югуриб юрган одам сизларнинг шеригингизми? Айтинглар, бир соатдан бери у ёқдан-бу ёққа чопади. Қийналиб кетди-ку бечора... Устига-устак хотин-халаж ювингани ўтишга қийналяпти.

Норозилик билан тўнғиллаб ўрнимиздан туришга мажбур бўлдик.

— Бирон нарсасини ўғирлаб қўйинг, иккинчи саҳарлаб ҳаммани безовта қўлмайдиган бўлади, — деди Озод ака.

Баҳодир аканинг яп-янги дўпписи вагон токчасида ётган экан. Олиб портфелимга солиб қўйдим. Домла терлаб-пишиб кириб келди.

— Ҳа, дангасалар, турдингларми? — деди илжайиб.

Қоракўл станциясида поезд икки дақиқа тўхтар экан. Ҳаммамиз тушиб кетяпмиз-у, Баҳодир ака нукул тимирскиланади. „Нима бўлди“ десак, „дўппимни то-полмаяпман“, дейди.

Озод ака жеркиб берди.

— Қанақа одамсиз ўзи, сизнинг дўппингиз деб поезд тўхтаб турармиди? Бўлинг тезроқ!

Пастга тушишимиз билан Озод ака жуда жиддий қилиб гап бошлади.

— Бу томонларда менингит касали тарқалган де-йишади, эҳтиёт бўпюринглар.

— Менингит нимадан бўлади? — сўради Абдуғафур ака „саддалик“ билан.

— Нимадан бўларди, шамоллашдан-да!

— Энг кераклиги бош-да, — деди Бегали фалсафий оҳангда.

— Менингитга йўлиққан одам уч кунда ўлади. —

Озод ака қаттиқ тайинлади. — Айниңса, бошни эхтиёт қилинглар!

Баҳодир ака секин ёнимга келди.

— Ўткиржон, — деди, — мабодо биронта ортиқча дўппингиз йўқми?

— Ортиқчаси йўқ-ку, ўзимники бор. Сизга кичкина келармикин дейман...

— Майли, вақтингчага бўлсаям, — деб домла энди гап бошлиши билан Озод ака мени уришиб берди:

— Бош кийимни бировга бериб бўлмайди. Тем более, сафарда юрганда.

Кимдир бояги гапни давом эттириди.

— Уч кунда дейсиз-ку, одам бир кунда ўлиши ҳам мумкин. Албатта, ҳар кимнинг организми ҳар хил-да...

Баҳодир ака ялинишга тушди.

— Хўп десангиз, дўппингизни сотиб олардим, укажон.

Оғринган киши бўлиб портфелимни очдим.

— Йигирма беш сўмга олувдим, — дедим ийманиброк. (У пайтдаги йигирма беш сўм катта пул эди.)

— Ўттиз сўм! — Озод ака гапни кесди. — Бу ёқларда дўппи қиммат.

Ўттиз сўмга „бор-барака“ қилдик. Пул менга, дўппи Баҳодир акага ўтди.

— Ие, ўзимники, шекилли? — домла юпқа кўзойнагини тақиб дўппига узоқ термилиб қолди.

Озод аканинг „жаҳали“ чиқиб кетди.

— Беринг, пулини қайтариб беринг! Бир одам ўз ҳаётини хавф остида қолдириб яхшилик қилса-ю, бу киши...

— Йўқ, йў-ўқ! — Баҳодир ака дўппини маҳкам чанглаб олди. Бошига кийиб мамнун жилмайди. — Тўғри айтибсиз, сал кичикроқ экан. Майли, бўлаверади. — Дўппини ечиб яна томоша қилди. — Қаранг, сизникини гули ҳам бошқачароқ экан. Мени ранжиди, деб ўйлади шекилли, кўнглимни кўтарди:

— Хафа бўлманг, укажон. Эрталаб йўлакка чиқиб кетаётганимда купе эшиги олдида афти хунукроқ бир

одам турғанди. Меникини ўша ўғирлаган. Тошкентта борсақ, сизга ўзим яхши дўппи олиб бераман. Раҳмат, укажон!

\* \* \*

**О**ҳангарондан қирқ чақиримча нарида, тоғ тепасида Арашон бува деган булоқ бор. У пайтларда Арашон бувага машина бормас эди. Беш-олти киши отлик йўлга тушдик. Келинчак деган жойда фаргоналик чорвадорларнинг ўтовида тунаб қолдик. Алламаҳалгача гурунглашиб ўтирдик. Баҳодир ака эса ўтовнинг бир чеккасида маза қилиб уйқуни уриб ётибди. Ора-сира ўртачароқ хуррак ҳам тортиб қўяди.

— Чўрт побери, ҳозир уйқуни уради-да, сўфитўрғай уйғонмасдан туриб олиб ҳаммани безовта қилади, — деди Озод ака. — Бир иш қилмаймизми?

Эрталаб бажарилиши керак бўлган „операция“ пишишилди. Унга иштирок этишга ўтов эгаси — Чимирвой акани ҳам кўндиридик.

Эрталабки чой устида Чимирвой ака салмоқланиб гап бошлади.

— Меҳмонлар, сизларни қўриб бошимиз осмонга етди. Қанийди, сиздек улуг одамлар ҳар куни келса... Кўриб турибсизлар, бизда гўшт кўп. Сўрасангиз ўзимиз берамиз. Ўғирлаш шарт эмас. Тоғликлар қўли эгри одамни ёмон кўради.

— Нима, ҳали сиз бизни ўғри гумон қиляпсизми? — деб ўрнимиздан туриб кетдик.

Чимирвой ака кулиб юбормаслик учун ўзини зўрга тутиб давом этди:

— Биламан, сизлар таниқли одамларсиз. Бирингиз олим, бирингиз ёзувчи...

Шундоқ бўлганидан кейин сўрасанглар ўзимиз...

— Э, оч чамадонингни! — Озод ака бақириб юборди. — Ҳамманг оч!

Ўзи биринчи бўлиб портфелини очиб, ичидаги нарсаларни тўкиб ташлади. Сочиқ, тиш чўткаси, бало-

баттарлар ҳар ёқقا сочилиб кетди. Кейин Умарали ака, Абдуғафур ака, Бегали, мен жаҳл билан портфелизни тўкиб кўрсатдик. Баҳодир ака каттакон портфелини шахт билан очиб бир силтаган эди, ичидан эски газетага наридан-бери ўралган тўртта каттакон пишган гўшт бўлаги лоп этиб ерга тушди. (Кечаси ўзимиз солиб қўйган гўштлар.)

— Ие? Вой? Во-о-ой! — Баҳодир ака турган жойида тахта бўпқолди. Юпқа қўзойнаги ортидан ҳаммамизга жовдираб қарайди.

Чимирвой ака „ана“, деди-ю, у ёғини гапирса кулиб юборишини билиб, ўтовдан қочиб чиқиб кетди.

— Кўрдингизми, мезбон сизнинг қилифингизга чи-домлай қочиб кетди!

— Шунинг учун ҳаммадан олдин туаркансиз-да!

— Сиз бизни шарманда қилдингиз — ўғри деган ном орттиридик!

Ҳаммамиз ҳар ёқдан талаб ташладик, „айбини“ бўйнига қўйдик. Баҳодир ака минбаъд бошқалардан аввал уйғонмасликка, Тошкентга борганидан кейин битта чойхона палов қилишга ваъда бериб аранг қутулди...

Тилла одам эди, раҳматли Баҳодир Фуломов! Покиза инсон эди!

# МУНДАРИЖА

## Ҳажвий ҳикоялар

„Аждарнинг тавбаси“ .....	3
Жинни бўлиш осон экан .....	9
Шаҳарлик күёв .....	14
Мусоғир бўлмагунча .....	19
Телпак .....	31
Домланинг айтганини қил .....	40
Осмондан тушган пул .....	44
Жазо .....	47
Омадли жентельменлар .....	49
Фаройиб саёҳат .....	53
Меҳмон отангдан улуғ .....	61
Моддий ёрдам .....	64
Соат .....	67
Сўққабош бевагина .....	70
Кўйкўтал .....	73
Қизил қарға .....	82
Ош .....	88
Мен, бувам ва рангли телевизор .....	94
Юбилей .....	101
„Соқов лайча“ .....	105
„Бутилка“ Ҳожи .....	108
Сайд Аҳмад сафарда .....	111
Маълумотнома .....	120
Ўлди — азиз бўлди .....	127
Мўминтой .....	136
Уста кўрган шогирд .....	144
Фармонбиби плюс .....	148
Туфма истеъод .....	154

## **Шумлик туркумидан**

„Шпана“ .....	159
„Бемор пиёз“ .....	161
„Хожатбарорлик“ .....	162
„Мехрибон“ шогирд .....	165
„Хитойча“ усул .....	166
„Памилдори“ операцияси .....	168
„Тўяна“ операцияси .....	169
„Гуруч“ операцияси .....	174
„Зиёфат“ операцияси .....	174
Ўзбекнинг соддаси .....	178

**84(5Ў)6  
Х71**

**Ҳошимов, Ўткир.**

Ҳажвий ҳикоялар [Матн] /Ў. Ҳошимов. –  
2- нашри. – Тошкент: „O‘qituvchi“ НМИУ,  
2018. – 192 б.

ISBN 978-9943-22-262-5

**УЎК: 821.512.133-7  
КБК 84(5Ў)6**

**ЎТКИР ҲОШИМОВ**

**ҲАЖВИЙ ҲИКОЯЛАР**

2- нашри

*„O‘qituvchi“ нашриёт-матбаа ижодий уйи  
Тошкент – 2018*

Муҳаррир *M. Мирсаликов*

Бадиий муҳаррир *B. Ибрагимов*

Техник муҳаррир *H. Ниёзмухамедова*

Компьютерда саҳифаловчи *Ш. Ахоррова*

Мусаххих *M. Мирсаликов*

Нашриёт лицензияси АІ № 291. 04.11.2016. Оригинал-макетдан  
босишга руҳсат этилди 02.04.2018. Бичими  $84 \times 108 \frac{1}{32}$ . Кегли 10,5  
шпонли. Таймс гарн. Офсет босма усулида босилди.

Офсет қофози. Шартли б. т. 10,08. Ҳисоб-нашриёт т. 6,9  
Адади 5000 нусха. Буюртма №147 – 18

Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигининг  
„O‘qituvchi“ нашриёт-матбаа ижодий уйи. Тошкент – 206.  
Юнусобод тумани, Янгишаҳар қўчаси, 1- уй.  
Шартнома № 112 – 18.



Қатор асарлари билан ўқувчилар мөхрига сазовор бўлган иқтидорли адаб Ўткир Ҳошимовнинг қўлингиздаги китобига ёзувчининг энг сара ҳажвий асарлари жамланган бўлиб, уларни ўқиганда беихтиёр қаҳқаҳ отиб куласиз, кайфиятингиз кўтарилади. Кескин юмор остига олинган воқеалар фоят ҳаётий, таъсиричан акс этган.

Мазкур ҳажвиялар китобхонлар томонидан катта қизиқиш билан ўқилиши шубҳасиздир.



© „O'qituvchi“ NMU  
100206, Toshkent sh.,  
Yangishahar ko'chasi, 1,  
Tel.: (+99871) 224-04-12,  
E-mail: [Info@oqituvchi.uz](mailto:Info@oqituvchi.uz),  
Web-site: [www.oqituvchi.uz](http://www.oqituvchi.uz)

ISBN 978-9943-22-262-5

9 789943 222625